

ШИФОХОНАДАГИ БЕМОРНИНГ ТИББИЙ БАЁННОМАСИ № _____

Касалхонага ётқизилган куни ва вақти _____

Касалхонадан чиқарилган куни ва вақти _____

бўлими, хона № _____

Бўлимга _____

ўтказилган

кун етиб даволанган _____

Беморни олиб юриш турлари: аравачада, замбилда, ўзи юра олади (чизинг)

Кон гурухи _____ резус мансублиги _____

Дориларнинг ножӯя таъсири _____

(дорининг номи, ножӯя таъсирининг кўриниши)

1. Фамилияси, исми, шарифи _____

2. Жинси _____

3. Ёши _____ (тўлиқ ёш, болалар учун: 1 ёшгача-ойлар хисобида

2 ёшгача-кунлар хисобида)

4. Доимий яшаш жойи: шаҳар, қишлоқ (чизинг)

(яшаш жойи кўрсатилсин, вилоят ва туманлардан келганлар учун манзили ва яқин

қариндошлиарининг яшаш жойи ва телефон рақамлари кўрсатилсин)

5. Иш жойи, касби, лавозими _____

(ўқувчилар учун-ўқиши жойи, болалар учун-болалар муассасасининг номи)

(ногиронлар учун-ногиронликнинг тури ва гурухи, уруши ногирони)

(xa, йўқ)

6. Бемор қаердан юборилган _____

(даволаши муассасасининг номи)

7. Касалхонага шошилинч равишда келтирилган: ха, йўқ _____

Қандай транспортда _____

Касаллик бошлангандан сўнг ўтган вақт, жароҳатдан сўнг, режали равишда (чизинг)

8. Бемор йўлланмасидаги диагнози: _____

9. Қабулхонада қўйилган диагноз: _____

THE
HARVARD
COLLEGE
LIBRARIES
BOSTON MASS.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
"ЎЗАРХИВ" АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
ДАВЛАТ АРХИВИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АРХИВЛАРИНИНГ АСОСИЙ
ИШ ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳқамаси ҳузуридаги
"Ўзархив" агентлиги илмий
кенгаши томонидан
2006 й. 22 декабрда
МАЪҚУЛЛА НГАН.
«Ўзархив» агентлигининг
2007 й. 4 январда 1-сонли буйруги

Тошкент
2007

"Ўзархив" агентлигининг қуидаги таркибдан иборат
Комиссияси томонидан тайёрланган:

А.Х.Абдуллаев, (раис),
И.Абдуллаев, И.А.Карагодина, В.И.Кузьменко,
Д.Л.Кучарова, А.В.Маҳкамов, Д.З.Мамажонова,
В.Н.Павлова, П.Н.Немматов, Т.К.Стеклова,
Т.Д.Фоменко, Н.И.Юсупова.

Ўзбекистон Республикаси давлат архивларининг асосий иш қоидалари
«Ўзархив» агентлиги. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат
архиви, 2007. 311 бет

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш | 14 |
| I-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР | |
| § 1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди - Ўзбекистон Республикаси халқларининг ахборот захиралари, тарихий-маданий меросини таркибий қисми..... | 16 |
| § 2. Давлат архиви - архив ҳужжатларининг сақланишини, ҳужжатлар ҳисобининг юритишни, улардан фойдаланишни таъминловчи давлат муассасаси..... | 17 |
| II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АРХИВ ФОНДИ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ. | |
| § 1. Ҳужжатларнинг ЎР МАФ доирасида ташкил этилиши..... | 18 |
| § 2. Ҳужжатларнинг давлат архивларида ташкил этилиши | 20 |
| § 3. ЎР МАФ ҳужжатларининг таснифланиши..... | 22 |
| § 4. Архив ҳужжатларини фондлаштириш. Ҳужжатларнинг фондларга тегишлилигини аниқлаш ва архив фондини ташкил этиш..... | 27 |
| § 5. Ҳужжатларни архив фонди доирасида ташкил этиш ва таснифлаш..... | 36 |
| III-БОБ. ҲУЖЖАТЛАР САҚЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ | |
| § 1. Ҳужжатлар сақланишини таъминлаш тушунчаси | 43 |
| § 2. Ҳужжатлар сақланиши учун мақбул шароит яратиш .. | 44 |
| § 3. Ҳужжатларни сақлаш хоналарида жойлаштирилиши. Топографиялаш..... | 53 |
| § 4. Ҳужжатхоналардан ҳужжатларни ва рўйхатларни бериш тартиби..... | 56 |
| § 5. Ҳужжатхоналардан берилган ҳужжатларнинг ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш..... | 61 |

"Ўзархив" агентлигининг қуидалари таркибдан иборат
Комиссияси томонидан тайёрланган:

А.Х.Абдулаев, (раис),
И.Абдулаев, И.А.Карагодина, В.И.Кузьменко,
Д.Л.Кучарова, А.В.Маҳкамов, Д.З.Мамажонова,
В.Н.Павлова, П.Н.Неъматов, Т.К.Стеклова,
Т.Д.Фоменко, Н.И.Юсупова.

Ўзбекистон Республикаси давлат архивларининг асосий иш қоидалари
«Ўзархив» агентлиги. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат
архиви, 2007. 311 бет

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш | 14 |
| I-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР | |
| § 1. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди - Ўзбекистон Республикаси халқларининг ахборот захиралари, тарихий-маданий меросини таркибий қисми..... | 16 |
| § 2. Давлат архиви - архив ҳужжатларининг сақланишини, ҳужжатлар ҳисобининг юритишни, улардан фойдаланишини таъминловчи давлат муассасаси..... | 17 |
| II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АРХИВ ФОНДИ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ. | |
| § 1. Ҳужжатларнинг ЎР МАФ доирасида ташкил этилиши..... | 18 |
| § 2. Ҳужжатларнинг давлат архивларида ташкил этилиши | 20 |
| § 3. ЎР МАФ ҳужжатларининг таснифланиши..... | 22 |
| § 4. Архив ҳужжатларини фондлаштириш. Ҳужжатларнинг фондларга тегишлигини аниқлаш ва архив фондини ташкил этиш..... | 27 |
| § 5. Ҳужжатларни архив фонди доирасида ташкил этиш ва таснифлаш..... | 36 |
| III-БОБ. ҲУЖЖАТЛАР САҚЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ | |
| § 1. Ҳужжатлар сақланишини таъминлаш тушунчаси | 43 |
| § 2. Ҳужжатлар сақланиши учун мақбул шароит яратиш .. | 44 |
| § 3. Ҳужжатларни сақлаш хоналарида жойлаштирилиши. Топографиялаш..... | 53 |
| § 4. Ҳужжатхоналардан ҳужжатларни ва рўйхатларни бериш тартиби..... | 56 |
| § 5. Ҳужжатхоналардан берилган ҳужжатларнинг ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш..... | 61 |

| | |
|---|----|
| § 6. Ноёб ва алоҳида қимматли ҳужжатларни аниқлаш..... | 62 |
| § 7. Йигмажилдларнинг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш, топилмаган ҳужжатлар қидирувини ташкил этиш..... | 62 |
| § 8. Ҳужжатларнинг сугурта фондини ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондини ташкил этиш..... | 69 |
| § 9. Ҳужжатларнинг сугурта фонди, улардан фойдаланиш фонди мавжудлиги ва ҳолатини текшириш, техник назорат қилиш..... | 72 |
| § 10. Фавқулодда ҳолатларда ҳужжатлар сақланишини таъминлаш..... | 73 |

IV-БОБ. АРХИВДА ҲУЖЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ОЛИБ БОРИШ

| | |
|--|----|
| § 1. Ҳужжатлар ҳисоби тушунчаси | 74 |
| § 2. Ҳужжатлар ҳисоби бирликлари | 75 |
| § 3. Архивда ҳужжатлар ҳисобининг олиб боришни ташкил этиш..... | 76 |
| § 4. Архивнинг ҳисоб ҳужжатлари тизими | 77 |
| § 5. Асосий ҳисоб ҳужжатларини юритишга оид талаблар .80 | |
| § 6. Алоҳида қимматли ҳужжатлар ҳисобини олиб бориш...91 | |
| § 7. Махфийликдан чиқарилган ҳужжатлар ҳисоби | 93 |
| § 8. Шахсий келиб чиқиш ҳужжатлари ҳисобининг ҳусусиятлари..... | 95 |
| § 9. Вақтингча саклашга қабул қилинган ҳужжатлар ҳисоби | 95 |
| § 10. Архивнинг кутубхона фондлари ва маълумот-аҳборот фондини ҳисоби..... | 96 |
| § 11. Аҳборотлар базаси ҳисоби ва уларнинг юритишни ташкил этишга оид асосий талаблар..... | 97 |

V-БОБ. АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ ИЛМИЙ-МАЪЛУМОТНОМА АППАРАТИ

| | |
|-------------------------------|----|
| § 1. Ҳужжатларни хатлаш | 98 |
|-------------------------------|----|

| | |
|--|-----|
| § 2. Илмий-маълумотнома аппарати..... | 111 |
| § 3. Архив маълумотномалари..... | 113 |
| § 4. Архив маълумотномаларини нашрга тайёрлаш..... | 150 |

VI-БОБ. АРХИВНИ ЖАМЛАШ ВА ҲУЖЖАТЛАР ҚИММАТЛИГИНИ ЭКСПЕРТИЗА ҚИЛИШ

| | |
|--|-----|
| § 1. Архивни жамлаш..... | 154 |
| § 2. Ҳужжатлар қимматлигини экспертиза қилиш..... | 157 |
| § 3. Архивни жамловчи манбалардан ҳужжатлар қабул қилиб олиш..... | 163 |
| § 4. Ҳужжатларни архивга қабул қилиши-топшириш..... | 163 |
| § 5. Архивни чет эллардаги Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатлар билан жамлаш..... | 169 |

VII-БОБ. ТАШКИЛОТЛАР АРХИВЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА ИШ ЮРИТИЩДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ИШЛАРИГА ТАШКИЛИЙ - УСЛУБИЙ РАҲБАРЛИК ВА НАЗОРАТ.....

| | |
|--|-----|
| § 1. Иш юритищда ҳужжатларни ташкил қилишга услугбий ёрдам..... | 172 |
| § 2. Ҳужжатларни доимий сақлашга саралаш ва топшириш учун тайёрлаш, шахсий таркиб ҳужжатларини тартибига келтириш, уларнинг сақланишини таъминлашга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш..... | 175 |
| § 3. Архивни жамловчи манба ташкилотларнинг эксперт комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлик..... | 178 |
| § 4. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг давлат рўйхатини юритиши..... | 179 |

VIII-БОБ. АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

| | |
|--|-----|
| § 1. Ҳужжатлардан фойдаланиш тушунчаси..... | 182 |
| § 2. Ҳужжатлардан фойдаланишнинг асосий шакллари... § 3. Сўровлар ва ахборот ҳужжатлари тури..... | 182 |
| | 183 |

| | |
|--|-----|
| § 4. Фойдаланувчиларнинг сўровларига мувофиқ уларни ахборот билан таъминлаш..... | 184 |
| § 5. Мавзули сўровларни ижро этиш тартиби ва муддатлари..... | 185 |
| § 6. Ижтимоий-ҳуқуқий тоифадаги сўровларни ижро этиш тартиби ва муддатлари..... | 185 |
| § 7. Чет эллардан келган ижтимоий-ҳуқуқий тоифадаги сўровларни ижро этиш тартиби ва уларга жавоблар жўнатиш..... | 188 |
| § 8. Архив маълумотномалари, архив кўчирмалари, архив нусхаларини расмийлаштириш..... | 188 |
| § 9. Архив маълумотномалари, архив кўчирмалари, архив нусхаларини бериш..... | 191 |
| § 10. Шахсий ҳужжатлар аслини бериш..... | 192 |
| § 11. Фойдаланувчиларга ташаббусли ахборот етказиш..... | 193 |
| § 12. Архив ўкувхонасининг иши..... | 193 |
| § 13. Архив ҳужжатларидан фойдаланишни таъминлаш | 194 |
| § 14. Фуқароларнинг ўзлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш..... | 197 |
| § 15. Архив ходимларининг фойдаланишдан чекланган ҳужжатлар билан ишлаш жараёнидаги жавобгарлиги.... | 197 |
| § 16. Архивнинг ҳужжатлар кўргазмаси тайёрлаш бўйича ишини ташкил этиш | 198 |
| § 17. Оммавий ахборот воситаларида архив ҳужжатларидан фойдаланиш..... | 199 |
| § 18. Ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ахборот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш..... | 200 |
| § 19. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш ҳисоби | 201 |
| § 20. Фойдаланувчилар буюртмасига асосан ҳужжатлардан нусха олиш ва тайёрланган нусхаларни расмийлаштириши..... | 202 |
| § 21. Архивнинг налир этиш фаолияти..... | 204 |
| § 22. Ҳужжатли нашрнинг тури, хили ва шакллари | 205 |

| | |
|---|-----|
| § 23. Ҳужжатли нашрлар тайёрлаш бўйича ишни ташкил этиш..... | 206 |
| § 24. Нашрнинг проспект-режасини тузиш ва ташкилий-услубий ҳужжатларни тайёрлаш..... | 208 |
| § 25. Ҳужжатларни қидириб топиш ва саралаш, ҳужжатлар матнини танлаш ва ўтказиш. Нашр тузилмаси ва ҳужжатларни тизимлаштириш..... | 210 |
| § 26. Ҳужжатларни археографик расмийлаштириш. Илмий-маълумотнома аппаратини тайёрлаш. Ҳужжатли нашр тақризини ташкил этиш..... | 213 |
| § 27. Нашриёт билан ишни ташкил этиш ва чоп этилган нашрлар ҳисоби..... | 214 |
| § 28. Архивдаги нашрлар ҳисоби ва уларга тақризлар..... | 214 |

IX-БОБ. ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА УСЛУБИЙ ИШЛАР

| | |
|---|-----|
| § 1. Илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ)..... | 215 |
| § 2. Услубий ишлар..... | 219 |
| § 3. Илмий-тадқиқот ва услубий ишлар натижаларини жорий этиш..... | 220 |
| § 4. Архивнинг маълумот-ахборот жамғармаси..... | 222 |

Х-БОБ. АРХИВ ИШНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

| | |
|---|-----|
| § 1. Архивни бошқариш..... | 224 |
| § 2. Режалаштириш ва ҳисбот..... | 227 |
| § 3. Мехнат ҳисоби. Ишни назорат қилиш..... | 230 |
| § 4. Архив ходимлари меҳнатини ташкил этиш..... | 230 |
| § 5. Гулли иш ва хизматларни бажариш..... | 234 |
| § 6. Архивда ахборот технологияларининг татбиқ этишни ташкил қилиш..... | 235 |
| § 7. Архивчининг касбий қоидалари..... | 238 |
| § 8. Архив ходимларини давлат архивларининг асосий иш қоидаларини бузгандиги учун жавобгарлиги..... | 239 |

ИЛОВАЛАР
(Шакллар намуналари)

| | |
|--|---------|
| 1. Ўриндош-карта..... | 241 |
| 2. Фонд бўйича топографик кўрсаттич варагчиаси..... | 242 |
| 3. Жавонлар бўйича топографик кўрсаттич варагчиаси..... | 243 |
| 4. Йигмажилд тасдиқ-вараги..... | 244 |
| 4а. Йигмажилд тасдиқ-вараги давоми..... | 245 |
| 5. Ҳужжатлардан фойдаланиш вараги..... | 246 |
| 6. Ҳужжатхонадан ҳужжатларни, фойдаланиш фонди нусхаларини бериш китоби..... | 247 |
| 7. Йигмажилларни(ҳужжатларни), фойдаланиш фонди нусхаларини, рўйхатларни бериш ҳақида буюртма (талабнома) | 248 |
| 8. Йигмажилларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни бажариш ҳақида буюртма..... | 249-251 |
| 9. Ҳужжатларни вақтинча фойдаланишга бериш ҳақида далолатнома..... | 252-253 |
| 10 Топилмаган ҳужжатлар ҳисоби варагчиаси..... | 254 |
| 11. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатининг текширув вараги..... | 255 |
| 12. Йигмажиллар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш далолатномаси..... | 256-257 |
| 13. Ҳисоб ҳужжатларидағи техник хатолар ҳақида далолатнома..... | 258 |
| 14. Мазкур фондга, архивга тегишли бўлмаган, ҳисобга олинмаган ва ҳоказо ҳужжатларнинг топилгани ҳақида далолатнома..... | 259 |
| 15. Тузатиб бўлмас даражадаги ҳужжатларнинг зарарлангани ҳақида далолатнома..... | 260 |
| ✓ 16. Қидирув ишлари тугаган ҳужжатларнинг топилмаганлиги ҳақида далолатнома..... | 261 |
| ✓ 17. Йигмажилларни қидирилиши тугаллангани ҳақидағи далолатнома..... | 262 |

| | |
|---|-----|
| 18. Микрофильмларни тайёрлаш ҳақида буюртма..... | 263 |
| 19. Ҳужжатларнинг келиб тушиш ҳисоби китоби сарвараги | 264 |
| 19а. Ҳужжатларнинг келиб тушиш ҳисоби китоби шакли..... | 265 |
| <u>20. Қоғоз асосидаги ҳужжатлар сугурта фонди ва фойдаланиш фондининг келиб тушиш ҳисоби китоби.....</u> | 266 |
| 21. Фондлар рўйхати..... | 267 |
| 22. Алоҳида қимматли йигмажиллар сақланадиган фондлар рўйхати..... | 268 |
| 23. Фонд варараги..... | 269 |
| 24. Доимий сақланадиган йигмажилларнинг архивда тузилган рўйхати..... | 270 |
| 24а. Ташкилотнинг доимий сақланадиган йигмажиллар рўйхати..... | 271 |
| 25. Алоҳида қимматли йигмажиллар, ҳужжатлар рўйхати..... | 272 |
| 26. Алоҳида қимматли йигмажиллар, ҳужжатлар рақамлари рўйхати (рақамнома)..... | 273 |
| 27. Сугурта фондининг ғалтакли тасмада тайёрланган қоғоз асосдаги ҳужжатлари рўйхати..... | 274 |
| 28. Алоҳида қимматли йигмажиллар рўйхатлари реестри(рақамномалар)..... | 275 |
| 29. Та什қи безаги ёки иловаларда моддий қийматга эга бўлган йигмажиллар ҳисоби инвентар китоби | 276 |
| ✓ 30. Ҳужжатхона паспорти..... | 277 |
| 31. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси..... | 278 |
| 32. Фонд варақчаси..... | 279 |
| 33. Фондлар таркиби ва ҳажмидаги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар..... | 280 |
| 34. Ҳужжатларни сақланувга қабул қилиш-топшириш ҳақида далолатнома..... | 281 |
| 35. Шахсий келиб чиқиш ҳужжатларини архивга қабул қилиш-топшириш ҳақида далолатнома..... | 282 |

| | |
|--|------------|
| 36. Сақланиши керак бўлмаган ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш ҳақида далолатнома..... | 283-284 |
| 37. Ҳужжатларни эгасига қайтариш далолатномаси..... | 285 |
| 38. Ҳужжатларнинг сақлов бирликлари асл нусхасини чиқариб олиш ҳақида далолатнома..... | 286 |
| 39. Ҳужжатларни хатлаш, рўйхатларни қайта ишлаш далолатномаси..... | 287-289 |
| 40. Рўйхатлар реестри..... | 290 |
| 41. Ҳужжатларни маҳфийликдан чиқариш далолатномаси | 291 |
| 42. Мавзули каталог варакчаси..... | 292 |
| 43. Номли каталог варакчаси..... | 293 |
| 44. Каталогдан фойдаланиш ҳисоби журнали..... | 294 |
| 45. Жамловчи манба-ташкилотлар рўйхати..... | 295 |
| 46. Муассаса билан ишлаш ҳисоб вараги | 296-297 |
| 47. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўtkазиш дафтари..... | 298 |
| 48. Фуқаролар мурожаатлари рўйхати журнали..... | 299 |
| 49. Архив маълумотномаси..... | 300 |
| 50. Ҳужжатларнинг мавзули рўйхати..... | 301 |
| 51. Фойдаланувчи сўровномаси..... | 302 |
| 52.. Ҳужжатлардан нусха олиш учун буюртма..... | 303 |
| 53. Фойдаланувчилар ва уларнинг шахсий йигмажилдларини рўйхатта олиш журнали..... | 304 |
| 54. Фойдаланувчиларнинг ўқувхоналарга келишини рўйхатта олиш журнали..... | 305 |
| 55. Сўровларнинг рўйхатта олиш ва ижросини ҳисоби варакчаси..... | 306 |
| 56. Фойдаланувчилар ва тадқиқотлар мавзуйи ҳисоби варакчаси..... | 307 |
| 57. Ҳужжатлардан фойдаланиш шаклари ҳисоб варакчаси..... | 308 |

| | |
|--|-----|
| 58. Ҳужжатлардан нусха күчириш буюртмалари ҳисоби журнали..... | 309 |
| 59. Архив нашрлари ҳисоби варақчаси..... | 310 |
| 60. Режа - ҳисобот..... | 311 |
| 61. Кундалик..... | 312 |

КИРИШ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида" (ЎР Олий Мажлиси ахборотномаси, 1999 й. №5 (1277), 120-бет) ва "Маданий мерос объектларини қўриқлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида" (ЎР Олий Мажлиси ахборотномаси, 2001 й. № 940(1305-1306) Конунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 30-октябрдаги "Архив ишига оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида" 482-сонли қарорига асосан ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 3-февралдаги 49-сонли қарорига (ЎР ВМ СП, 2004йил март, 474-475-бетлар) биноа ишлаб чиқилган.

Ушбу ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди (ЎР МАФ) таркибининг таснифи, шунингдек, ҳужжатлар сақланиши тартиби ва муддатлари кўрсатилган, "Ўзархив" агентлиги тизимиға кирадиган муассасалар таркиби аниқлаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси давлат архивларининг асосий иш Қоидалари архивлар фаолиятини белгилаб берувчи бош меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Қоидалар илгари амал қилинган меъёрий - услубий ҳужжатларни янги шароитда йигилган иш тажрибаларини ҳисобга олиш ҳамда халқаро архив ишларини чуқур ўрганиш асосида тайёрланди. Қоидаларда архившунослик ва архив ишига оид назарий қоидалар билан ворисийлик саклаб қолинди.

Қоидаларда архив ҳужжатлари билан олиб бориладиган асосий ишлар услуби ва технологияси сақлаб қолинган. Мазкур Қоидаларга амал қилиш давлат архивларининг фондлаштириш, ҳужжатлар ҳисобини олиб бориш, улар қимматлигини экспертиза қилиш, архив ҳужжатлари ва фондларини хатлаш бўйича аввал бажарилган ишларини қайтадан бажариш заруратини туғдирмайди. Ушбу ҳужжат республиканинг барча давлат архивлари учун мақбул бўлган, архив ишлари бирлигини таъминлайдиган қоидалар ва меъёrlарни мустаҳкамлайди.

Қоидаларга давлат архивлари фаолиятида зарур бўладиган ҳужжатлар шакллари намуналари илова этилган.

Республиканинг барча давлат архивлари "Ўзбекистон Республикаси давлат архивларининг асосий иш Коидалари"га амал қилишлари шарт.

Илмий-техникавий, кино, сурат ва овозли ҳамда бошқа маҳсус ҳужжатларни сақлайдиган давлат архивлари мазкур Коидалардан режалаштириш, илмий-тадқиқот ва услубий ишларни ташкил этиш, ҳужжатлардан фойдаланиш, идоравий архивларни назорат қилиш масалалари бўйича фойдаланишлари мүмкин. Бошқа масалаларда улар учун ишлаб чиқилган маҳсус қоидаларга амал қиласидар.

Мазкур Коидалардан Ўзбекистон Республикаси Миллӣ архив фонди ҳужжатларининг ўзлари доимий сафарувини амалга ошираётган вазирликлар, давлат кўмиталари ва бошқа республика идоралари ҳамда соҳавий давлат фондлари архивлари ишида фойдаланиш мумкин.

Коидалар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилиб, "Ўзархив" агентлигининг илмий-тадқиқот ва услубий ишлар бўйича комиссияси маъқуллаган.

I-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

§ 1. Ўзбекистон Республикаси Миллый архив фонди - Ўзбекистон Республикаси халқарининг ахборот захиралари, тарихий-маданий меросини таркибий қисми

1. Ўзбекистон Республикаси Миллый архив фонди (ЎР МАФ) - қаерда ва қайси вақтда тузилганидан, ҳомили ва мулкийлик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон ҳудудида яшаб ўтган ва ҳозир ҳам истиқомат қилаётган халқарининг моддий ва маънавий ҳаётини акс этувчи, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятта эга бўлган*, Ўзбекистон Республикаси халқарининг тарихий - маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланмиш архив хужжатларининг тарихан шаклланган ҳамда муттасил тўлдириб бориладиган жамламасидир.

Хужжатларни ЎР МАФ таркибиға киритиш уларнинг қимматлигини тегиши тартибда экспертиза қилиш асосида амалга оширилади.

2. ЎР МАФ давлат ва нодавлат архив фондларидан таркиб топади.

Давлат архив фонди давлат архивлари ҳамда бошқа давлат хужжатхоналарида доимий сақланадиган хужжатлардан, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларида, прокуратура, судлар, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида, банклар, республика дипломатик ваколатхоналари ва элчихона муассасаларида вақтингча сақланадиган архив хужжатларидан таркиб топади.

Нодавлат архив фонди нодавлат хусусий шахсларнинг фаолияти жараёнида тўпланган хужжатлардан, шунингдек фуқароларнинг шахсий архивларидан таркиб топади.

3. Архив хужжатлари деганда қонунчилиқда назарда тутилган тегиши экспертизаларга асосан архив аҳамиятига эга деб тан олинган матнли, қўлёзма ва

* Бундан кейин "...тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятта эга бўлган" сўзлари ўрнида "ахборот - қимматли хужжатлар" атамаси ишлатилади.

машиналарда ўқиладиган (электрон) ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видео ёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фототасмалар, чизмалар, жадваллар, карталар, шунингдек турли материал ҳомиларидағи ёзувлар тушунилади.

4. ЎР МАФ ҳужжатлари уларнинг сақланиш жойи, ҳомили шакли, ахборотни ёзиб олиш техникаси ва воситаси қандайлигидан қатыи назар давлат томонидан ҳисобга олиниши керак.

5. Давлат архиви фонди ҳужжатлари давлат мулки ҳисобланади. Уларни давлат ҳисобидан чиқариш, хусусийлаштириш, оди-сотди обьектига айлантириш ёки мулкий ҳуқуқини ўзгага ўтказиш билан боғлиқ бошқа битимларни тузишга йўл қўйилмайди. Давлат архиви фонди ҳужжатлари фақат вақтинчалик фойдаланишга беъдиши мумкин.

6. Архив фонди ЎР МАФнинг ҳисоб-таснифий бирлиги ҳисобланади. Архив фонди - бир-бири билан тарихан ва мантиқан узвий боғланган архив ҳужжатларининг жамламасидир. Архив фондига архив коллекцияси (тўплами)ни тенглаштириш мумкин.

§ 2. Давлат архиви - архив ҳужжатларининг сақланишини, ҳужжатлар ҳисобининг юритишни, улардан фойдаланишини таъминловчи давлат муассасаси

7. Давлат архиви давлат муассасаси ҳисобланади ва ягона илмий-услубий тамоилилар асосида қабул қилинган ҳужжатлар сақланишини таъминлайди, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва жисмоний шахслар ҳужжатларининг жамлануви ва бу ҳужжатлар ҳисобининг юритишни амалга оширади, илмий-маълумотнома аппаратини яратади ва такомиллаштиради, ҳужжатлардан фойдаланиш учун шароит яратади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ахборот хизмати кўрсатишни, фуқароларнинг ахборот эҳтиёжини ҳамда конституциявий ҳуқуқининг қондиришни амалга оширади, шунингдек, фуқаролар, жамият ва давлат манфаати йўлида ҳужжатлардан мустақил фойдаланишини амалга оширади, ташкилий-услубий раҳбарлик қилиб, ташкилотларда идоравий архивлар фаолияти ва иш юритишнинг йўлга қўйилишини назорат қиласи.

8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тұғрисида", "Маданий мерос объектларини құриқлаш ва улардан фойдаланиш тұғрисида" ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва йўриқномалари, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тұғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини рўйхатта олиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридағи "Ўзархив" агентлиги тұғрисидаги низом, республика ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги идоравий архивлар тұғрисидаги намунавий низомлар, "Ўзархив" агентлиги йўриқномалари, қоидалари, кўрсатмалари ва буйруқлари давлат архивлари фаолияти учун ҳуқуқий база ҳисобланади.

9. Давлат архивлари ўз йўналишларига (архивда сақланаёттан ва сақланиши керак бўлган ҳужжатлар таркибига) кўра умумий ва ихтисослаштирилган архив турларига бўлинадилар.

Умумий архивларда ахборотни ёзиб олиш воситаси ва мустаҳкамлаш техникасининг қандайлигидан қатъи назар қофозли ҳужжатлар сақланади.

Ихтисослаштирилган архивларда ахборотни мустаҳкамлаш восита ва техникаси, мавзу мазмунни чекланган ҳужжатлар сақланади. Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви ва Ўзбекистон Республикаси Кино, сурат ва овозли ҳужжатлар марказий давлат архиви ихтисослаштирилган архивлар тоифасига киради.

П-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АРХИВ ФОНДИ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТАСНИФЛАНИШИ

§1. Ҳужжатларнинг ЎРМАФ доирасида ташкил этилиши

10. Ҳужжатларни ташкил этиш деганда шу ҳужжатларнинг турлича мулкий шаклига, турли тарихий даврга алоқадорлигига, ахборот ҳомилиининг қандайлигига ва яна бошқа ҳусусиятларига аҳамият берилган ҳолда,

хужжатларни тартибга келтириш ва алоҳида архив фондларида оқилона сақланишини ташкил этишда қўлланиладиган маъмурий - хукуқий ва илмий-услубий ечимлар ва техник ишлар йигиндиси тушунилади.

11. ЎР МАФ хужжатлари давлат архивларида, давлат соҳавий кутубхоналари ва музейларида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси муассасалари ва бошқа давлат соҳавий хужжатхоналарида доимий сақланиши лозим. Зиммасига давлат архив фонди хужжатларини доимий сақлаш вазифаси юклатиладиган вазирликлар ва идоралар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Обиқ Туркистон генерал-губернаторлиги муассасаларининг хужжатлари, хонликлар ҳокимияти муассасалари хужжатлари, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларининг давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари фондлари, Ўзбекистон ССР, Ўзбекистон Республикасининг юқори давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг фондлари, Ўрта Осиё давлат бошқаруви органлари фондлари, республика миқёсидағи прокуратуралар, судлар, банклар, давлат корхоналари, муассасалари фондлари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланади.

Қорақалпогистон АССР, Қорақалпогистон Республикаси фаолияти давомида ташкил этилган хужжатлар, вилоят миқёсидағи давлат ҳокимияти ва давлат бошқарувининг вилоят, шаҳар ва туман органлари, прокуратуралар, судлар, банклар, корхоналар, муассасалар хужжатлари Қорақалпогистон Республикаси Марказий давлат архивида, вилоятлар давлат архивлари ва уларнинг бўлинмаларида, Тошкент шаҳарники эса, Тошкент шаҳар давлат архивида сақланади.

12. Нодавлат архив фондлари хужжатлари эгалари томонидан давлат мулки қилиб давлат архивларига топширилиши мумкин. Бундай ҳолларда хужжатларни давлат архивига топшириш шартномалар билан расмийлаштирилиши, зарур ҳолатларда эса, уларни сақлаш ва бу хужжатлардан фойдаланиш шартлари кўрсатилиши керак.

Нодавлат архив фондининг хусусий ёки бирон бошқа нодавлат мулк сифатида қоладиган ҳужжатлари уларнинг эгаларида, ҳужжатлар сақловини таъминлайдиган муайян тартибда сақланадилар.

Нодавлат юридик шахсларнинг тутатилиши ёки шахсий архив эгасининг ўлимидан кейин ҳуқуқий ворислар ва қонуний меросхўрлар йўқ бўлган ҳолатларда уларнинг тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий аҳамиятга молик ҳужжатлари давлат мулки сифатида доимий сақланиш учун давлат архивларига топшириладилар.

13. Қоғоз асосдаги ёзма графикли ҳужжатлар умумий ва ихтисослаштирилган архивларда сақланадилар ва уларни ташкил этган ташкилотлар ва жисмоний шахсларга тегишли архив фондларида, шунингдек архив жамламаларида йигиладилар.

14. Аудиовизуал (кино, сурат ва овозли ҳужжатлар) ва электрон ҳужжатлар ихтисослаштирилган архивларда ёки умумий архивларнинг ихтисослаштирилган бўлимларида сақланадилар.

§ 2. Ҳужжатларнинг давлат архивларида ташкил этилиши

15. Ҳужжатлар давлат архивларида архив фондлари ва архив жамламалари бўйича тўпланади. Архив фонди - бир-бири билан ўзаро тарихан ёки мантикий bogланган архив ҳужжатларининг йигиндисидир.

Ҳужжатларни ташкил этиш ишлари архив фондларининг бўлинмаслигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бир архив фонди ҳужжатларининг бир нечта давлат архивлари ўртасида бўлинишига йўл қўйилмайди. Архив фондининг бўлинмаслиги тамоилии ҳужжатларни илмий ташкил этишининг асоси ҳисобланади.

16. Фонд ташкил этувчи, яъни юридик ёки жисмоний шахс фаолияти давомида тузиладиган ҳужжатлар унинг ҳужжатлар фондини ташкил этади. Фонд ташкил этувчининг белгилари қўйидагилардан иборат: унинг ташкилий алоҳидалиги (яъни ташкил этилганлиги), рўйхатдан ўтганлиги, вазифалари, фаолият тартиби ҳақида ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжудлиги; мустақил баланси (смета)нинг мавжудлиги; банкда ўз ҳисоб-китоб рақамига

эгалиги; ўз штат рўйхати, мухри ва босма иш қоғозларининг мавжудлиги; жисмоний шахслар учун - ўз ҳаёти ва фаолияти давомида яратилган ва йигилган ҳужжатлар.

Тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий аҳамиятта молик бўлиб, доимий сақданиши лозим бўлган ҳужжатлар фондининг бир қисми **архив фондини ташкил этади**.

17. Архив фондининг қўйидаги турлари мавжуд:

а) бир юридик шахс фаолияти давомида яралган ҳужжатлардан таркиб топган ташкилот архив фонди;

б) шахс, оила, уруг фаолияти жараёнида яралган ҳужжатлардан таркиб топган шахсий келиб чиқищдаги ташкилот архив фонди;

в) бир-бiri билан тарихий ёки мантиқий шартли боғлиқ (фаолиятининг бир хиллиги ва ворисийлик, тобелик, фаолият объекти ва вақтининг бирлиги ва бошқалар; жисмоний шахслар учун эса қариндошлиқ ва касбий, ижодий, иш муносабатлари бирлиги) бўлган икки ёки ундан ортиқ юридик, жисмоний шахслар фаолияти давомида яратилган ҳужжатлардан таркиб топган бирлашган архив фонди.

18. Архив ҳужжатлари тўплами деб, бир ёки бир нечта белгилар (мавзуси, қимматлиги, обьекти, муаллифлиги, даврийлиги ва бошқалар)га кўра бирлаштирилган турли келиб чиқищдаги алоҳида ҳужжатларнинг йигиндисига айтилади.

19. Келиб чиқиши, ҳомили, сақданиш жойи ва мулкийлиги шаклидан қатъи назар ЎР МАФ таркибиغا киритилган ҳужжатлар алоҳида қимматли ҳисобланадилар.

20. ЎР МАФ таркибида республика маданияти учун, давлат бошқаруви учун, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун ниҳоятда аҳамиятта эга бўлган алоҳида қимматли ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар йўқотилганда юридик аҳамияти, муаллифлиги, ташки белгиларига кўра улар ўринини тўлдириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам алоҳида қимматли ҳужжатларга тегишли тартибда сугурта фонди ва ҳужжатлардан **фойдаланиш** фонди барпо этилади.

21. Юридик шахслар фондидан, тутатилган ташкилотлар фондидан, шунингдек фавқулодда ҳолатлар оқибатида ёки пулли хизматлар бўйича давлат архивларига қабул қилинган ҳужжатлар таркибида доимий сакланишга нолойиқ бўлган ҳужжатлар тегиши тартибда йўқ қилишга ажратиб олинади.

22. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш тамоилиларига кўра ҳужжатлар очиқ ҳужжатлар, фойдаланиши чекланган ҳужжатлар ҳамда маҳсус шартларга кўра фойдаланиш мумкин бўлган ҳужжатларга бўлинадилар.

23. ЎР МАФнинг тегиши тартибга кўра фойдаланиши чекланмаган ҳужжатлари, шунингдек республика нодавлат архив фондининг улар эгалари фойдаланиш учун у ёки бу тарздаги чеклашларни ўрнатмаган ҳужжатлари очиқ фойдаланишдаги ҳужжатлар ҳисобланади.

24. Республика давлат архив фондининг ўз мазмунида маълумот сақлаган ҳужжатлари ҳамда республика давлат архив фондининг ва нодавлат архив фондининг амалдаги қонуниларга биноан конфеденциал (мазмунида хизмат ва шахсга оид ахборот сақланаётган) ҳужжатлар рўйхатига киритилган ҳужжатлар улардан фойдаланиши чекланган ҳужжатлар ҳисобланади.

Фойдаланиши чекланган ҳужжатлар маъфийлик ёки конфеденциаллик кучини йўқотгунига қадар улардан қонунчилиқда ўрнатилган тартиб бўйича фойдаланилади.

25. Фойдаланиши алохида шартларга кўра белгиланган ҳужжатлар деб, ҳужжат эгалари ҳужжатларни давлат мулки сифатида давлат архивларига доимий ёки вақтингча саклаш учун топшираётганларида битим (шартнома)да улардан фойдаланиш ҳақида алохида шартлар белгиланган ҳужжатларга айтилади.

§ 3. ЎР МАФ ҳужжатларининг таснифланиши.

26. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатлари қуйидаги белгилар асосида таснифланади:

а) ҳужжатларнинг тарихий даврлар (шўролар давригача мустамлака даври, шўролар даври, давлат мустақиллиги даври)га тегишилигига қараб;

б) ҳужжатларнинг республика ва маҳаллий аҳамиятта моликлигига қараб;

в) ҳужжатларнинг муайян маъмурий-худудий бирликлар (автоном республика, вилоят, шаҳар, туман)га тегишилигига қараб;

г) ҳужжатларнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятининг муайян соҳаларига тегишилигига қараб;

д) ҳужжатларнинг мазкур фондни ташкил этиувчининг ҳужжатлари таркибиға тегишилигига қараб.

27. Ҳужжатларнинг ЎР МАФ доирасида таснифланиши деганда, уларнинг юқорида баён этилган белгиларга мувофиқ таснифланиши, яъни республика давлат архивлари тармоқлари ва улар йўналишини ташкил этишни белгилаб берувчи илмий гуруҳланиши тушунилади.

28. Мустамлака даври (XIX аср II-ярми-1917й.) ҳужжатлари туркумига Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари ҳамда Туркистон вилояти ташкилотларининг ҳужжатлари, Туркистон генерал-губернаторлигининг фуқаролик ва ҳарбий ташкилотларининг ҳужжатлари, . Туркистон ҳудудидаги Муваққат ҳукумат ҳужжатлари, шунингдек 1917-йилга сақланган бошқа ҳужжатлар киради.

29. Шўролар даври (1917-1991 й.й.) ҳужжатлари таркибиға Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР, Турк АССР), Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси (БХСР), Ҳоразм Ҳалқ Совет Республикаси (ХХСР), Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (Ўзбекистон ССР, ЎзССР), Қорақалпогистон вилояти ва Қорақалпогистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (Қорақалпогистон АССР, ҚҚАССР), Ўзбекистонда фаолият кўрсаттан Бутуниттифоқ ва Ўтра Осиё ташкилотлари ва муассасалари ҳужжатлари киради.

30. Давлат мустақиллиги даври ҳужжатлари туркумига мустақил давлат - Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ва ҳарбий ташкилотлари ҳамда муассасалари, ҳарбий қисмлар ва қўшилмаларнинг ҳужжатлари киради.

31. Алоҳида шахснинг ҳаёти ва фаолияти жараёнида бунёдга келган шахсий келиб чиқишидаги ҳужжатлар ўз мазмуни ва даврий доирасига кўра, шунингдек мазкур шахснинг бутун фаолияти ёки фаолиятининг кўп қисми қайси даврда кечганига кўра, у ёки бу давр ҳужжатлари туркумига киритилади.

32. Республика аҳамиятига молик ҳужжатлар мажмуига Ўзбекистон халқлари тарихини ўрганишда алоҳида аҳамиятта эга бўлган ҳужжатлар: Бухоро, Қўён, Хива хонликлари, Туркистон вилояти, Туркистон генерал-губернаторлиги, Туркистон ҳудудидаги Мувакқат ҳукуматта тегишли ҳужжатлар, Турк АССР, ЎзССРнинг олий органлари ва бошқаруви фондлари ҳужжатлари, шунингдек Турк АССР ва ЎзССР ҳудудида фаолият курсаттан Бутуниттифоқ ва Ўрта Осиё ташкилотларининг ҳужжатлари киради.

Республика аҳамиятига молик ҳужжатлар мажмуи сирасига, шунингдек мустамлака (шўролар давригача) давр маҳаллий муассасалар фондларининг ҳужжатлари ҳам киритилган, негаки улар республика миқёсида республика тарихини иқтисодий ёки бошқа мақсаддарда ўрганишга ёрдам берадилар.

33. Маҳаллий аҳамиятта молик ҳужжатлар мажмуи сирасига Қорақолпогистон автоном Республикаси ва автоном вилояти уездлари, волостларининг ҳозирги Қорақалпогистон Республикаси ҳудудида амалда фаолият кўрсатаётган (фаолият кўрсатган) вилоят, округ, туман, шаҳар, қишлоқ, посёлка ва бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳужжатлари киритилади.

34. ЎР МАФга тегишли ҳужжатларни республика аҳамиятига молик ҳужжатлар таркибига киритиш масаласини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги амалга оширади, ҳудудий (маҳаллий) аҳамиятта молик ҳужжатлар қаторига киритишни эса, архив иши буйича ҳудудий бошқармалар томонидан амалга оширилади.

35. Ҳужжатларнинг маъмурӣ-ҳудудий бирликларга тегишлилик таснифий белгиларига асосан ҳужжатлар

республика марказий, вилоятлар архивлариға (уларнинг бўлинмалариға) ва Тошкент шаҳри архивига тақсимланадилар.

36. Ҳужжатларнинг иқтисодий соҳаларга тегишилиги таснифий белгилариға қараб ҳужжатларнинг мустақил давлат архивлари ёки соҳавий давлат фондлари тарзидаги алоҳида йирик мажмуалари амалга оширилади.

37. Ахборотни мустаҳкамлаш усули ва техникасининг таснифий белгилари асосида илмий-техникавий ҳужжатлар, кино, сурат ва овозли ҳужжатлар ва бошқа маҳсус ҳужжатларни ташкил этиш амалга оширилади. Мазкур белгидан ихтисослаштирилган архивлар ёки архивларда ихтисослаштирилган бўлимларни ташкил этишда фойдаланилади.

38. Республика ва маҳаллий аҳамиятга молик фонdlар архивлар бўйича куйидаги тарзда тақсим этилади:

а) республика аҳамиятига молик фонdlар Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларида, маҳаллий аҳамиятга эга фонdlар эса, Қорақалпогистон Республикаси Марказий давлат архивида ва унинг бўлинмаларида, вилоятлар давлат архивлари ва уларнинг бўлинмаларида, Тошкент шаҳар давлат архивида сакланади;

б) тутатилган ва ҳозир ҳам фаолият кўрсатаёттан маҳсус округлар, шаҳар, туманлар, участкалар (суд, тог-кон, ўқув, алоқа йўллари) бошқарув идоралари фонdlари эса, улар жойлашган округ, шаҳар, туман, участка марказидаги архивларда сакланади;

в) ўз фаолиятини собиқ Иттифоқнинг бир неча республикасида олиб борган маъмурий-хўжалик муассасаларининг фонdlари мазкур муассасаса қайси давлат ҳудудида жойлашган бўлса, ўша давлат архивларида сакланади;

г) саноат, савдо ва бошқа корхоналарнинг, илмий ва ўқув-таълим муассасаларининг фонdlари шу корхоналар ва ташкилотлар ҳудудида жойлашган (ҳозир ҳам шу жойда бўлган) вилоят, шаҳар, туман архивларида сакланади;

а) СССР ҳукумати ҳузуридаги собиқ ЎзССР ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари ваколатхоналарининг фонdlари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланади;

е) кўшма (давлат иштироки билан) корхоналар ва ташкилотларнинг фонdlари мазкур ташкилотлар ўзлари ҳудудида жойлашган (ҳозир ҳам) республика, вилоят, шаҳар, туман архивларида сақланади.

39. Тутатилган маъмурий-худудий бирликлар ҳудудида ташкил бўлган республика ва маҳаллий аҳамиятта молик фонdlар архивларга қўйидаги тарзда тақсимланади:

а) Турк АССР, ЎзССР, Қорақалпогистон АССР давлат ҳокимияти ва марказий бошқаруви олий органлари, суд ва прокуратураларнинг маркази қайси ҳудудда жойлашган бўлса, ўша ернинг архивларида сақланади;

б) ўз фаолиятини бутун маъмурий - худудий бирлик доирасида олиб борган округ, вилоят, уезд, волост ва бошқаларнинг юқори ҳокимият ва бошқаруви органлари, суд ва прокуратураларнинг фонdlари тутатилган маъмурий-худудий бирликлар маркази қайси ҳудудда жойлашган бўлса, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятларнинг ана шу ҳудуд архивларида сақланади;

в) фаолияти доирасини эндилиқда МДХ (собиқ СССР) мамлакатларининг бошқа республикалари ҳудудига кирган жойларда олиб борган маъмурий ва хўжалик муассасалари, суд ва прокуратура фонdlари тутатилган маъмурий-худудий бирликлар маркази жойлашган республикалар архивларида сақланади;

г) тутатилган маъмурий-худудий бирликлар ҳудудида жойлашган жамоат ташкилотлари, саноат ва бошқа муассасалар фонdlари фондни ташкил этувчилар жойлашган ерлардаги архивларда сақланади.

40. Вилоят, шаҳар, туман ташкил этилаётганда улар архивларига янги ташкил этилган вилоят, шаҳар, туман ҳудудида фаолият кўрсатган (кўрсатаётган) ташкилотлар фаолияти жараёнида бунёд этилган маҳаллий аҳамиятта молик фонdlар ўтказилади.

Хозирги шаҳар, туман ва қишлоқ ўзини-ўзини бошқарув органлари ҳудудлари тұлиқ, ёки қысман бир вилоят, шаҳар, туман таркибидан бошқа вилоятлар, шаҳар ва туманлар таркибига ўтказилғанда, ўтказилған ҳудуддаги муассасалар фондлари ҳам тегишли архивларга ўтказилади.

Тутатилған муассасаларнинг фаолияти жараёнида бунёд бўлган умумреспублика аҳамиятiga молик ҳужжатлар мажмуи янги ташкил этилган вилоятлар, шаҳарлар, туманлар архивларига ўтказилмайди.

§ 4. Архив ҳужжатларини фондаштириш.

Хужжатларнинг фондларга тегишилигитини аниқлаш ва архив фондини ташкил этиш.

41. Амалда давлат архивларида ҳужжатларнинг архив фондлари ва архив түпламлари бўйича ташкил қилиниши фондаштириш деб аталади.

42. Фондаштириш архив фондлари, бирлашган архив фондлари, архив түпламларини ташкил этиш учун ҳужжатларнинг қайси фондга тегишилигитини ва архив фондларининг даврий чегарасини белгилаш (аниқлаштириш) ишларидан иборатдир.

Ҳужжатларни фондаштириш ташкилотлар иш юритишида ва ташкилот архивларида - йигмажиллар номенклатураси асосида йигмажилларнинг бунёд этилиши жараёнида ва ҳужжатларни доимий сақлаш учун давлат архивларига топшириш учун саралаш вақтида бошланади. Давлат архивларида эса, бу иш - тартибга келтирилмаган ҳужжатларни хатлаб олиш, қониқарсиз тузилған рўйхатларни қайта ишлап, бирлашган архив фондлари ва архив түпламларини тузишда, фондлаштиришда йўл қўйилған хатоларни тузатиш жараёнида давом эттирилади.

43. Фондга тегишиликни белгилаш ҳужжатларни тегишли юридик ёки жисмоний шахс фондига киритишни назарда тутади. Иш ҳужжатларни ўрганиш ва уларни у ёки бу фондни ташкил қилувчининг ҳужжатлари таркибига киритиш асосида олиб борилади.

Киритилаётган (олинма) ҳужжатлар уларни олган ташкилот фондига тегишли бўлади; уларнинг қайси фондга тегишилиги уларни юборган ташкилотга, рўйхат

штампига, хужжатни ижро учун юбориш ҳақидағи резолюция ва белгига, хужжатлар мазмунига қараб белгиланади.

Чиқарилаёттан (жүнатма) хужжатлар нусхалари хужжат муаллифи бўлган ташкилот фондига киритилади; уларнинг қайси фондга тегишилиги имзоларга, иш юритиш белгиларига, хужжат мазмунига қараб белгиланади.

Ички муомаладаги хужжатлар улар қайси ташкилотда тузилган бўлса, ўша ташкилот фондига киритилади; уларнинг қайси фондга тегишилиги ташкилотнинг номига, имзоларга, мазмунига қараб белгиланади.

Шахсий келиб чиқицдаги хужжатларнинг қайси фондга тегишили эканлигини аниқлашда хатда кимга мурожаат қилингани (олувчиларнинг белгиси), имзолар, дастхатта, мазмуни ва шу кабиларга эътибор берилади.

44. Муассаса ва унинг қошида ташкил этилган жамоат ташкилотлари (касаба уюшмаси, спорт ва бошқалар) нинг хужжатлари битта архив фондини ташкил этади.

45. Ташкилотлар қошида тузилган жамоат ташкилотларининг шу жамоат ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунларга асосан рўйхатта олинганидан бери мавжуд бўлган хужжатлари давлат архивларига давлат мулки сифатида топширилаётганда улар мустақил архив фондларини ташкил этиши ёки тегишили ташкилотларнинг фондига бирлаштирилиб бирлашган архив фонди тузилиши мумкин.

46. Бир ташкилотдан иккинчи ташкилотта кетма-кет ўтказилиб, давом этилган йиғмажиллар, уларни ишлаб чиқариш қайси ташкилотда тутатилган бўлса, ўша ташкилотнинг архив фонди таркибига киритилади. Ташкилот тутатилган ва унинг вазифалари янги ташкил этилган ташкилотта юклатилган ҳолларда туталланган йиғмажиллар аввалги (тутатилган) ташкилот фондида қолдирилади. Туталланмаган, туталлаш учун ворис ташкилотта ўтказилган йиғмажиллар эса, кейинги ташкилотларнинг фондига киритилади.

47. Архив фонди ҳужжатлари ичидаги бошқа фонdlардан адашиб кириб қолган ҳужжатлар борлиги аниқланган ҳолларда, бундай ҳужжатлар ажратиб олиниши ва тегишли фонд ҳужжатларига қўшиб қўйилиши керак.

48. Шахсий келиб чиқишидаги архив фондидан юридик шахсларга тегишли ҳужжатлар ажратиб олиниди ва агар мазкур архивда уларга тегишли фонdlар бўлса, уларга қўшиб қўйилади. Шахсий келиб чиқишидаги фонdlардан жамоат бирлашмалари ва ташкилотларининг, бошқа нодавлат ташкилотларнинг ҳужжатлари ажратиб олинмайди.

49. Бирлашган архив фонdlари қўйидағи фонdlардан ташкил топиши мумкин:

а) муайян ҳудудда фаолият кўрсатиб, ўз мақсадли йўналиши ва вазифасига кўра бир турда бўлган номи бир х... ташкилотлар (масалан, туман даволаш-санитария бирлашмаси ва туман марказий касалхонаси);

б) муайян ҳудудда ҳаракат қилган раҳбар орган ва унга тобе ташкилотлар (масалан, Қўйибўзсув ҳавзаси қурилиши бошқармаси ва унга қарашли ташкилотлар);

в) давлат ҳокимияти ва улар қошидаги ташкилотлар (масалан, туман ижроия қўмитаси ва унинг бўлимлари);

г) фаолият доираси бўйича бирлашган ташкилотлар (масалан, Ўзбекистон Республикаси давлат спорт қўмитаси ва спорт федерациялари);

д) бирин - кетин алмашган ташкилотлар, агар аввалиларининг вазифаси тўлалигича ёки қисман қонуний ворис - кейинги ташкилотта ўтган бўлса. Мисоллар: Тошкент вилояти пахта тайёрлаш ва пахтани бирламчи қайта ишлаш трести ("Ташзаготхлопкотрест") ва Пахта хомашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш бўйича Тошкент саноат бирлашмаси ("Ташзаготхлопкпром");

е) фонди ташкил этувчилар ўзаро яқин қариндошлиқ, касбий, ижодий муносабатда бўлган тақдирда икки ёки ундан ортиқ шахсий келиб чиқишидаги фонdlар. Мисоллар: М. Боту, В. П. Василев (хотини), Н.М. Маҳмудова (қизи), Э.Ходиев (ўғли), А.С.Зарзар (ўғлининг хотини).

Нуфузли ҳокимият ҳужжатлари фондидан ва уларга сайловлар бўйича сайлов комиссиялари ҳужжатларидан таркиб топадиган бирлашган фондларни тузишга йўл қўйилмайди.

Бирлашган фондларни барпо этишда фондлар ҳажмини эътиборга олиш зарур.

50. Бирлашган архив фондларини ташкил этиши саклов бирликларининг шартли белгиларини қайтадан қўйиб чиқиши (фонд рўйхати рақамини ўзгартириш), тегишли ҳисоб ҳужжатларини тузиш, бирлашган фонд материалларини ҳужжатхонанинг бир ерига жойлаштирилиши, зарурат бўлса рўйхатлар ва йигмажидларни қайтадан тизимлаштириш кабиларни ўз ичига олади.

51. Бирлашган архив фонди номи унга киритилган фондлар номининг умумлашмасидан, юқори ташкилотларнинг номи ва унга қарам ташкилотларнинг умумлашма номидан иборат бўлиши мумкин. Ҳужжатлари бирлашган архив фондига киритилган барча ташкилотларнинг ҳар бирининг аниқ номи ҳисоб ҳужжатларига қайд этилади.

52. Архив ҳужжатлари тўпламлари давлат архивларига шаклланиб бўлган алоҳида ҳужжатлар тўплами сифатида келтирилади ёки улар архивнинг ўзида муайян бир хиллик белгиларига асосан уларнинг ҳисобини тўгри юритиш ва самарали фойдаланиш мақсадида алоҳида ва тарқоқ ҳужжатлардан ташкил этилади.

Бошика архивлардан, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлардан, жисмоний шахслардан келиб тушган, аввалдан тарихан шаклланиб бўлган архив тўпламларини фондларга тарқатиб бўлмайди.

53. Бир турдаги архив ҳужжатлари тўплами мининг номида бирлаштирилган ҳужжатлар белгилари, зарур бўлган ҳолларда эса, унинг тузувчиси (шахс, ташкилот, шу жумладан - давлат архиви) акс эттирилади.

54. Архив фондлари, бирлашган архив фондлари ва архив тўпламлари тарзида шакллантирилган ҳужжатларни қайтадан фондлаштиришга йўл қўйилмайди. Фондлаштиришда кўпол хатоларга йўл қўйилгани аниқланган алоҳида ҳолатлардагина ҳужжатларни қайта фондлаштиришга йўл қўйилади.

55. Ҳужжатларни фондлаштиришда қуидаги омилларни эътиборга олиш зарур:

- а) давлатнинг конституцион асосларининг ўзгариши;
- б) маъмурий-ҳудудий бўлинишдаги ўзгариши;

в) фондни ташкил этувчи ташкилотнинг мулкка эгалик қилиш шаклининг ўзгариши;

г) фондни ташкил этувчи ташкилотнинг қайта тузилиши.

56. Ташкилотнинг ташкил этилган (рўйхатта олинган) ва тугатилгани ҳақидаги расмий саналар архив фонддининг даврий чегараси хисобланади. Бирлашган архив фондлари учун эса, бундай даврий чегара ҳужжатлари бирлашган фонд таркибига киритилган ташкилотларнинг нисбатан аввалроқ ташкил этилган (рўйхатта олинган) ва нисбатан кечроқ тугатилгани ҳақидаги саналар хисобланади. Шахсий келиб чиқищдаги (оилавий) архив фонддининг даврий чегараси - жисмоний шахс, оила аъзоларининг таваллуд гопган ва вафот этган саналариdir. Архив тўплами фонди учун эса, энг аввалги ва энг охирги ҳужжат санаси даврий чегара хисобланади.

57. У ёки бу сабабларга кўра ташкилот фаолият кўрсата бошлаган ёки фаолиятини тутгатаётган даврга оид ҳужжатлар бўлмаса ёки фонд таркибида анча аввалги ҳужжатлар мавжуд бўлса, масалан тугаллаш учун ворисга аввалгилардан йигмажиллар берилган бўлса, тергов ва суд йигмажиллари таркибида далилий ҳужжатлар сифатида берилган ҳолатларда архив фонддининг даврий чегара саналари билан мос келмаслиги мумкин.

Шахсий келиб чиқищдаги фондларда ҳужжатларнинг чегара саналари фонд ташкил этувчининг вафотига билдирилган муносабатлар, хотира-юбилей тадбирларини ўтказишга оид ҳужжатларни йигиб боргани ҳисобига фонддининг даврий чегара саналаридан фарқланиши мумкин.

58. Ҳонликлар ҳукмронлиги, Туркистон вилояти, Туркистон генерал-губернаторлиги ҳокимияти ва бошқарув органлари, муассасаларининг ҳужжатлари улар ташкил этилганидан то тутгатилгунига қадар ягона архив фондларини ташкил этадилар.

59. Мувакқат Ҳукуматнинг феврал буржуа-демократик революциясидан кейинги ҳокимият ва давлат бошқаруви органларининг ҳужжатлари улар ташкил этилганидан то тутатилгунига қадар ягона архив фондларини ташкил этадилар.

60. Турк АССР, БХСР, ХХСР ва ЎзССР, Қорақалпогистон АССР ҳокимияти ва давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари раҳбар органларининг ҳужжатлари улар ташкил топгандан то тутатилгунига қадар ягона архив фондини ташкил этадилар.

61. Буржуа (ёки феодал) давлатининг саноат, кредит, илмий, ўқув муассасалари ва шунга ўхшаш ташкилотлар, жамоат (сиёсий, маданий, илмий, диний ва бошقا) ташкилотларининг миллийлаштирилишига қадар, қайта тузилгани ёки мусодара қилингунига қадар бутун фаолияти даврида тузилган ҳужжатлари ягона архив фондларини ташкил этадилар.

62. Мусодара этилган, миллийлаштирилган капиталистик корхоналар, банклар, синдикатлар, чет эл концессиялари ва шу кабилар асосида ташкил этилган ташкилотлар ва корхоналар, банклар, илмий ва ўқув муассасаларининг, шунингдек қайта тузилган жамоат ташкилотларининг улар мусодара қилинган, миллийлаштирилган, қайта тузилганидан бошлаб ҳужжатлари ягона давлат архиви фондини ташкил этадилар.

63. Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юкори органларини давлатнинг конституцион асосларини ўзгаришида ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясига ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритишига мувофиқ барпо этилган ҳужжатлар янги архив фондларини ташкил этадилар.

Бу архив фондлари чегарасининг бошланиши тегишли ҳужжатлар асосида улар бунёд этилгандан белгиланади.

64. Ўзбекистон давлатчилиги эълон қилингандан олдин ва ундан кейин фаолият кўрсатган вазирликлар, идораларининг ҳужжатлари қоидага кўра турли архив фондларини ташкил этадилар. Улар орасидаги айrim чегара санаси муайян вазирлик, идоранинг тегишли меъёрий ҳужжатлари асосида белгиланади.

65. Мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганидан кейин янги тузилган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотларининг раҳбар органлари, шунингдек ўзини ўзи бошқарувчи маҳаллий органларнинг ҳужжатлари янги архив фондларини ташкил этадилар.

66. Ўзларининг аввалги фаолият вазифаларини амалга ошираётган давлат саноат, илмий, ишлаб чиқариш ва бошқа ташкилот ва корхоналарнинг ҳужжатлари ягона архив фондларини ташкил этадилар.

67. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шароитида янги ташкил этилган саноат, ўкув, маданий ва шулар каби ташкилотларнинг ҳужжатлари янги архив фондларини ташкил этадилар.

68. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ сайловлар бўйича сайлов комиссияларининг ҳужжатлари алсҳида архив фондларида йигилади. Ҳудудий бирлиги бўйича бирлашган архив фондларини барпо этишга йўл қўйилади.

69. Янги маъмурӣ-ҳудудий бўлинишни жорий этиш ёки уларнинг ҳудудий чегараларининг ўзгартирилиши муносабати билан давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларида барпо этилган ҳужжатлар янги архив фондларини ташкил этадилар.

70. Маъмурӣ-ҳудудий бирликларнинг чегаралари ўзгартирилган ҳоллarda улар таркибига кирган нисбатан майда бирликлар (туманлар, қишлоқлар ҳудуди ва шу кабилар) сақланиб қолган бўлса, улар ҳокимияти органлари ва бошқарув органларининг ҳужжатлари ягона архив фондларини ташкил этадилар.

71. Ички бўлинишда сезиларли ўзгариш бўлмаган маъмурӣ-ҳудудий бирлик номининг ўзгариши ёки қайта тузилишининг ўзи мазкур давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан янги архив фондларининг тузилишига асос бўла олмайди.

72. Шунингдек, жамоат ташкилотлари (касаба уюшмалари, спорт, илмий, маданий-оқартув ва бошқалар) ва уларнинг бошқарув органларининг ҳужжатлари ҳам маъмурӣ-ҳудудий бўлинишгача ва бўлинишдан кейин янги архив фондларини ташкил этмайдилар.

73. Саноат, қишлоқ хўжалиги, молиявий, хўжалик, илмий, маданий, тиббий ташкилотлар, ўкув муассасалари ва бошқаларнинг маъмурий-худудий бўлинишгача ва бўлинишдан кейинги хужжатлари ягона фондларни ташкил этадилар.

74. Ташкил этилиши ва тутатилиши маъмурий-худудий бўлинишдаги ўзгаришга боғлиқ бўлмаган маҳсус идоравий округлар, бўлимлар, туманлар, участкалар (алоқа йўллари, тоғ-кон, ўкув, почта ва бошқалар)нинг маъмурий-хўжалик бошқаруви органларини хужжатлари ягона архив фондини ташкил этадилар.

75. Давлат мулкчилигидан нодавлат ёки бошқа мулкчиликка ўтказилган ташкилотларнинг хужжатлари ташкилотлар акциялаштирилган, хусусийлаштирилган вақтдан бошлаб янги архив фондларни ташкил этадилар. Масалан: Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармаси ва унинг асосида ташкил этилган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг хужжатлари. Давлат ташкилоти фаолияти жараёнида яратилган ва барпо этилган нодавлат тузилмасида сақланаётган хужжатлар архивга топширилаётган вақтда давлат ташкилоти фондига киритилади.

76. Мулкчилик шаклининг ўзгаришисиз ташкилот мулк эгасининг ўзгариши натижасида янги архив фонди ташкил этилмайди. Масалан: жамоат хўжалиги ва ширкат хўжалиги хужжатлари ягона архив фондини ташкил этадилар.

77. Мулкчиликнинг турли шаклларига тегишли ташкилотларнинг хужжатлари уларнинг ҳар бири хужжатларини давлат архивларига топширган ҳолларда ворис ташкилотларнинг хужжатларидан бирлашган архив фондини барпо этиши мумкин. Масалан: Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги билан унинг асосида бунёд этилган "Ўзбексавдо" ассоциациясининг хужжатлари бирлашган архив фондини ташкил этиши мумкин.

Мулкчиликнинг аралаш шаклидаги қўшма корхоналар, ташкилотларнинг хужжатлари, устав капиталида (бошланма сармоясида) давлат мулкчилиги ҳиссаси устивор бўлиб, давлат ташкилотлари асосида ташкил этилган бўлса, уларнинг хужжатлари ягона архив фондларини ташкил этадилар.

78. Устав капиталида давлат мулкчилиги ҳиссаси кам бўлган қўшма корхоналарнинг хужжатлари янги архив фондларини ташкил этадилар.

79. Ташкилот зиммасидаги ваколат ва вазифалар тубдан ўзгарган ва улар асосида янги ташкилот тузилган бўлса, янги архив фонди барпо қилинади. Масалан: Тошкент вилояти ижроия қўмитасининг ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг хужжатлари иккита алоҳида фондни ташкил этади.

80. Вазирлик, идора негизида ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ташкилот тузилган ҳолмarda бу ташкилотнинг хужжатлари янги архив фондини ташкил этади. Масалан: Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги негизида "Ўзсаноатфуқароқурилиш" ("Ўзпромгражданстрой") саноат ва фуқаро қурилиши бўйича Ўзбек давлат корпорацияси тузилган бўлиб, унинг хужжатлари янги архив фондини ташкил этади.

81. Бир ташкилотдан бир ёки бир нечта янги ташкилотлар ажралиб чиқсан, биринчи ташкилотнинг қатор вазифалари уларга юклатилган ҳолатларда ҳам, ажралиш вақтидан бошлаб янги архив фондларининг ажралиб чиқшишига асос бўла олмайди.

82. Ташкилотнинг қарамлиги, тузилмаси, жойи, номи тўлиқ ёки қисман ўзгарган бўлса-ю, бироқ бу ўзгаришларнинг бирламчи вазифаларини ўзgartирмаган бўлса, бу ҳолатлар ҳам янги архив фондининг тузилишига асос бўла олмайди.

83. Ташкилотнинг бўлими, бўлинмаси, унга қарашли ташкилотларнинг хужжатлари бир архивда сакланаётган бўлса, ягона архив фондларини ташкил этадилар.

84. Ташкилот тутатилганда унинг вазифалари бутунлай ёки қисман бир ёки бир нечта янги тузилган ташкилотларга бўлиб берилган ҳолларда, ҳар бир ташкилотнинг хужжатлари алоҳида архив фондини ташкил этадилар.

85. Тутатилиши, бирлаштирилиши, бўлиниси, фавқулодда ҳолатлар ёки табиий оғатлар туфайли ўз фаолиятини вақтингча тўхтатган, кейинчалик ўз фаолиятини аввалги ваколатлари ва вазифалари билан тиклаган ташкилотларнинг хужжатлари ягона архив фондини ташкил этадилар.

86. Ахборотдорлик моҳиятига кўра архив фондлари шартли равища уч тоифага бўлинадилар. Архив фондлари муайян даражадаги давлат архиви доирасида (Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архивлари ва унинг филиаллари, вилоятлар давлат архивлари ва уларнинг филиаллари, Тошкент шаҳар давлат архиви) ҳар бир архивда фондларнинг тоифаларга тақсимланишини аниқлаштирилган ҳолда бўлинади.

Архивнинг у ёки бу тоифага тегишилиги ундаги ҳужжатларнинг илмий-тарихий қиймати, ҳужжат ахборотдорлигининг тўлалиги, фонд ҳужжатларининг бутлиқ даражаси, фондни ташкил этувчи муассасанинг ижтимоий ва давлат фаолияти соҳасидаги тарихий даврдаги моҳияти, тутган ўрни ва аҳамиятига, иқтисодий географик ва бошқа омилларга қараб белгиланади.

§ 5. Ҳужжатларни архив фонди доирасида ташкил этиш ва таснифлаш

87. Ҳужжатларнинг архив ичида таснифланиши деганда уларнинг гуруҳларга бўлиниши ва фондга жойлаштирилиши тушунилади. Архив фонди ичида ҳисоб-таснифий бирлиги (йигмажилд) деганда ўзида алоҳида жисмоний ҳужжатни ёки алоҳида муқова ичига йигилган ҳужжатлар тўпламини намоён этган сақлов бирлиги (йигмажилд) тушунилади. Сақлов бирликлари хатланган, тизимлаштирилган, рўйхатларга киритилган ва улар ҳисобини олиб бориш, ҳужжатларни қидириш ва фойдаланишга қулай тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак.

88. Сақлов бирликлари (йигмажиллар)ни тизимлаштириш иш юритиш ва ташкилотнинг архивидаги ҳужжатларни давлат архивига топширишга тайёрлаш жараёнида амалга оширилади. Давлат архивида тизимлаштириш рўйхатларни такомиллаштириш ва қайта ишлаш жараёнида бажарилади. Сақлов бирликлари архив фонди ичида тизимлаштирилади.

Архив фонди ичида йигмажилларни тизимлаштириш ўз ичига тизимлаштириш чизмасини ишлаб чиқиш ва йигмажилларни тизимлаштириш чизмасига мувофиқ равищда тақсимлашни олади.

89. Сақлов бирлиги (йигмажилд)нинг тизимлаштириш чизмаси архив фонди ҳужжатларининг ички ташкил этилишининг асоси хисобланади ва рўйхат (рўйхатлар) билан мустаҳкамланади.

Ташкилотнинг архив фонди ташкил этувчининг тузилма тарихини, унинг вазифаларини, фонднинг таркибини (хужжатлар тури ва хили) ёки фонд ҳужжатларида ёритилган муҳим мавзуулар (масалалар)ни акс этиши мумкин.

90. Сақлов бирликлари (йигмажиллар)ни фонд ичида тақсимлаш тизимлаштириш чизмасининг барча бўлиншилари бўйича қўйидаги белгиларига кўра ўтказилади:

а) тузилмавий белгиларига (сақлов бирликларининг тузилмавий бўлинмаларига тегишлилигига мувофиқ, равищда);

б) даврийлигига (сақлов бирликлари тегишли бўлган давр ёки саналарга);

в) вазифасига, соҳасига, мавзусига, предмет масаласига (ташкилот зиммасидаги вазифа, сақлов бирликлари мазмунига тегишли мавзу ёки масалаларга);

г) номинал белгиларига (уларнинг иш юритиш шаклига кўра - сақлов бирликлари тури, ҳужжатларнинг тури ва хилига);

д) хат-хабарларга (ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги ёзишмалар натижасида сақлов бирликлари пайдо бўлганига);

е) географик белгисига (хужжатлар мазмуни, улар муаллифлари, мухбирлари билан боғлиқ бўлган муайян худудлар, аҳоли истиқомат жойлари ва бошқа географик номларга);

ж) муаллифлик белгисига (хужжатлар муаллифи бўлган ташкилотлар номи ёки шахслар фамилияларига).

құлөзмалари, табобат муассасалариңдаги касаллик тарихлари ва шу кабилар ҳам, шунингдек, алохидә гурухларга ажратилиб, алохидә тизимлаштириладилар ва алохидә рүйхатларга киритиладилар.

101. Шахсий келиб чиқышдаги фонд сақлов бирликларини тизимлаштириш чизмаси фондни ташкил қылувчиларнинг таркиби (алохидә шахс, оила), фаолият тарзи, фонд таркиби ва ҳужжатлар ҳажмита қараб белгиланади.

Чизмада куйидеги бұлымларнинг бұлиши тавсия этилади:

а) ижодий ҳужжатлар (адабий асарлар, мақолалар ва тәдқиқтәрләр күлөзмалари, хотирадар, күндәліктер, таржималар, күчирмалар, қоралама ёзувлар, расмлар ва бошқалар);

б) фондни ташкил этувчининг мактублари (адресаттар - жұннатилған манзиллар ёки мавзу белгиларига қараб);

в) фондни ташкил этувчига келған мактублар;

г) фонднинг ташкил этувчини таржимаи ҳолига оид ҳужжатлар (шахсий ҳужжатлар, хизмат ва жамоат фаолиятига, фахрий үнвонлар берилешігі оид материалдар ва бошқалар);

д) мулкий - хұжалик ва маиший тоифадаги ҳужжатлар (мулк сотиб олиниши ҳақидағы ҳужжатлар, шартномалар, сарф-харажатлар ёзуви ва бошқалар);

е) фонднинг ташкил этувчини бошқа оила аязоларининг фондда йигилиб қолған бошқа шахслар ҳақидағы ҳужжатлари;

ж) тұпламалар.

Сақлов бирлиги намунавий чизмасининг ҳар бир бұлими ичида ҳужжатлар яна ҳажми ва фойдаланишга кулагылғига күра даврийлік, алифбо, мавзуси, ҳужжатлар тури, асарлар жанрига күра гурухланадилар.

102. Оилавий фондлар ҳужжатлари даставвал алохидә фондни ташкил этувчилар буйича тизимлаштирилади. Бунда ҳар бир фонднинг ташкил этувчини ҳужжатлари тизимлаштирилғаннанға намунавий чизмаси бұлымлари буйича тизимлаштирилади. Оилавий фондларда асосий фонднинг ташкил этувчини ҳужжатлари бириңчи үринде жойлаштирилади. Шундан сүнг оила аязоларининг ҳужжатлари қариндошлиқ даражаси тартибида жойлаштирилади.

103. Бирлашган архив фондига киритилган сақлов бирликлари фонднинг ташкил этувчиларни моҳиятига, уларнинг ташкил бўлган даврига, номларининг алифбосига ва ҳоказоларга қараб жойлаштирилади. Бирлашган архив фондига кирган ҳар бир архив фонди доирасида тизимлаштириш чизмасини танлаш ҳар бир ташкилот фаолиятининг хусусияти, унинг хужжатларини таркиби ва ҳажмига кўра белгиланади. Бир хил турдаги ташкилотлар фондлари учун тизимлаштиришнинг бир хил чизмаси қўлланилади.

104. Хужжатлар тўпламларини тизимлаштириш уларнинг мавзуси ва хужжатлар таркибига кўра белгиланади. Бир турдаги (ёки ҳар хил турдаги) хужжатлар тўплами ичида хужжатларнинг гуруҳланиши муаллифлик белгисига қараб ва кейин бу сақлов бирликлари гуруҳлари ташкилот номи ёки муаллифлар фамилиясининг алифболи тартибида кетма-кет жойлаштирилиши мумкин. Мавзули белгига кўра тузилган хужжатлар тўплами доирасида нисбатан умумийроқ мавзу ёки масалалар бўйича гуруҳлар тузилиши ва улар моҳиятига кўра ёки даврий тартибда жойлаштириши мумкин. Мавзули гуруҳчалар доирасида хужжатлар ҳажми ва таркибига қараб турли белгиларга кўра бирлаштирилиши мумкин.

105. Сақлов бирликларини тизимлаштириш чизмасига мувофиқ тақсимлашда куйидагиларни назарда тутиш керак:

а) сақлов бирликлари ўзлари ишлаб чиқариш томонидан тузила бошланган йил ёки мазкур ташкилот (тузилмавий бўлинма) га бошқа ташкилотдан (тузилмавий бўлинмадан) иш юритишни давом эттириш учун келиб тушган йилга тааллуқли бўладилар;

б) режалар, штаг рўйхатлари, ҳисоботлар, сметалар ва уларга тегишли материаллар акс эттирилган сақлов бирликлари қачон тузилганидан қатъи назар қайси йилга ёки қайси йил учун тузилган бўлса, шу йилга тегишли бўладилар; узоқ йиллик режалар, соҳани ривожлантириш тамойиллари, истиқбол кўрсаткичлари улар амалга қила бошилаган йилга, у йиллар ҳисоботи эса, ҳисобот даврининг сўнгти йилига тегишли бўлади;

в) бир бўлинмада тузила бошланган ва кейинчалик давом эттириш учун бошқа бўлинмага ўтказилган сақлов бирликлари ўзлари тугалланган бўлинмага тегишли бўладилар;

г) бир йил ичида ёки даврий вақт ичида сақлов бирликлари ташкилот вазифасининг моҳиятига қараб жойлаштирилади;

д) ишдан бўшатилган ходимларнинг шахсий йигмажилдлари улар бўшатилган йиллар бўйича ва фамилияларининг алифболи тартиби бўйича тизимлаштирилади.

Сақлов бирликларининг тузилмавий бўлинмаларга тегишилиги йигмажилд муқовасида кўрсатилган тузилмавий бўлинма номига, тузилмавий бўлинмаларга, берилган шартли рақамларга, резолюцияларга, лавозим шахсларининг имзоларига, рўйхатдан ўтказилганлик ҳақидаги штампга, ҳужжатлар мазмунида қараб белгиланади.

Тизимлаштиришнинг сўнгти якуний босқичлари доирасида сақлов бирликлари гуруҳлари ўз моҳияти ва даврийлигига кўра тақсимланадилар.

Сақлов бирликлари даврийликка қараб жойлаштирилганида, аввалига саналари тўлиқ (кун, ой, йил) кўрсатилган йигмажиллар қўйилиши зарур. Кейин санасида ой ва йил кўрсагилган сақлов бирликлари, энг охирида эса, санасида фақат йил кўрсатилган сақлов бирликлари жойлаштирилиши зарур.

106. Сочма ҳолатдаги ҳужжатларни, архивга ишлов берилмаган ҳолатда келтирилган шахсий келиб чиқишдаги ёки бошқа ҳужжатларни тизимлаштириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ҳужжатларнинг қайси фондга тегишилиги ва фонднинг қайси тузилмавий қисмига киритилиши мумкинлиги аниқланади;

б) илгари тузилган сақлов бирликлар йўқ бўлса ёки уларни тиклаш имконияти бўлмаса номинал, мухбирлик ва бошқа белгиларига кўра янги сақлов бирликлари тузилади;

в) агар сочма ҳужжатлар орасида айрим сақлов бирликлари сақланиб қолган бўлса ёки уларни тиклаш имконияти бўлса, у ҳолда ҳужжатлар ўзлари тегишли бўлган сақлов бирликларига киритиладилар.

Янги тузилган сақлов бирликлари тегишли тартибда хатланади ва тизимлаштирилади. Таркибига кўшимча ҳужжатлар киритилган сақлов бирликларидағи тасдиқ ёзувларига аниқлик киритилади.

Сочма ҳолатдаги кўп миқдордаги ҳужжатлар билан ишлашга киришишдан один, уларни хатлаш ва тизимлаштириш бўйича иш йўриқномаси тузилиши керак.

III- БОБ. ҲУЖЖАТЛАР САҚЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

§ 1. Ҳужжатлар сақланишини таъминлаш тушунчаси

107. Ҳужжатлар сақланишини таъминлаш деганда ҳужжатлар сақланиши учун яхши (етарлича) шароит яратиш, режимга риоя этиш ва ҳужжатлар сақланишини таъминлаш каби тадбирлар сирасини амалга ошириш тушунилади ва айнан шу тадбирлар натижаси ўлароқ ҳужжатларнинг йўқолиб кетмаслиги ва уларнинг керакли жисмоний ҳолатда ушлаб турилиши таъминлашади.

108. Ҳужжатларни сақлаш таъминлашади уларни сақлаш шароитлари йигиндисидан иборат бўлиб, улар куйидагиларга бўлинади:

а) ҳужжатларнинг ҳарорат ва намлик таъсири остида заарланишидан асрашни таъминлайдиган ҳарорат-намлик режими;

б) ҳужжатларнинг ёргулук таъсиридан сақланишини таъминлайдиган меъёрий ёргулук режими;

в) ҳужжатларнинг биологик заарланиши ва кирланишидан сақланишини таъминлайдиган санитария-гигиена режими;

г) ҳужжатларнинг ўғирланиши, йўқолиши, рухсатсиз олиб чиқишидан асрашни таъминлайдиган қўриқлаш режими;

д) архив маълумоти ва ахборотли имкониятлар (ахборотни тўлиқлиги, улардан рухсатсиз фойдаланиш ва ўзгартиришдан сақлаш) маълумоти хавфсизлигини таъминлайдиган ҳимоялаш режими.

109. Ҳужжатларни сақлашни ташкил этиш ҳужжатларни оқилона жойлаштириш, улар ҳаракати ва жисмоний ҳолатини назорат қилиш, сугурта фондини ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондини ташкил этиш мақсадида ҳужжатлардан нусха күчириш, заарланган ёки ўчган ҳужжатларнинг бирламчи ва бирламчи ҳолатта яқин жисмоний яхлитлигини тиклаш (таъмирлаш) каби қатор тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

110. Ҳужжатлар сақланишини таъминлаш учун жавобгарлик архив директорининг буйруги билан ҳужжатлар сақланишини таъминлаш бўлими мудири, ҳужжатхоналар мудирлари (фондларнинг катта сақловчилари, фонд сақловчилари) зиммасига юклатилади.

111. Ҳужжатхоналар икки нусхада тузилган далолатномалар асосида масъул сақланишга қабул қилинади, далолатноманинг бири ҳужжатлар сақланишини таъминловчи бўлим мудирига ёки архив директорига топширилади. ▶

§ 2. Ҳужжатлар сақланиши учун мақбул шароит яратиш

112. Ҳужжатларни сақлаш учун мақбул етарли шароитлар қуидагилар билан таъминланади:

а) архив биноларини қуриш, тиклаш ва таъмирлаш;

б) бинолар ва ҳужжатхоналарни¹ ўт ўчириш воситалари, кўриқлаш ва ёнгинга қарши сигнализациялар билан жиҳозлаш;

в) архив биноси ва архив хоналарида ҳарорат - намлик, ёруглик, санитария-гигиена, кўриқлаш режимларининг мақбул (меъёрий) ҳолатини барпо этиш учун техник воситалардан фойдаланиш;

г) ҳужжатлар сақланадиган ва кўчириб олиб юриладиган маҳсус воситалар (жавонлар, шкафлар, сейфлар, қутилар, жилдлар ва бошқалар) ва ахборотли имкониятлар (ахборот сақловчи серверлар) кўллаш.

113. Архив одатда ўзи учун маҳсус курилган бинода ёки ҳужжатларни доимий сақлашга мослаштирилган биноларда ёки биноларнинг алоҳида мослаштирилган хоналарида жойлаштирилади.

¹ Бундан кейин матда «ҳужжатлар» деб ишлатилади.

Архив биноларининг курилиши ва таъмирланиши белгиланган тартибда келишилган ҳолда махсус меъёрий ва лойиҳалаштириш ҳужжатларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

114. Архив бинолари ёнгин хавфи бўлган обьектлар (нефть омборлари, бензоколонкалар ва шу кабилар)дан ва ҳавони ифлослантирувчи (агрессив газлар, цемент чангни ва шу кабилар) саноат обьектларидан узокроқ бўлиши керак. Архив жойлашадиган ернинг яроқди ёки яроқсизлигини белгилашда санитария - эпидемиология станциясининг ҳавони ифлосланиши даражаси ҳақидаги ҳulosаси ва ёнгиннинг қўриқлаш хизматини ҳulosаси инобатта олинади.

115. Архив биноси жойлашган ҳудудда атмосфера ҳаводаги заарали аралашмаларнинг ўртача суткалик концентрацияси санитария нормаларидан ($\text{мг}/\text{м}^3$) ошмаслиги керак. Бу миқдорлар куйидагича: олтингугурт кислотаси - 0,1; олтингугурт оксидлари - 0,005; азот оксидлари - 0,085; хлор - 0,03; олтингугурт водороди - 0,008.

116. Архив биноси техник талабларга жавоб берадиган даражада бўлиб, унинг асосий конструкцияси узоқ муддатта етишини таъминлайдиган ва ўтга чидамли (иккинчи, учинчи даражадаги ўтга чидамли, ёнгин хавфининг "В" тоифаси), қўриқлаш ва ёнгинга қарши режимнинг амалдаги меъёрларига мувофиқ техник мустаҳкамликда курилган бўлиши керак.

Архив биноси қўриқлаш сигнализациялари воситалари билан жиҳозланган ва пастки қават деразалари очиладиган панжаралар билан тўсилиши керак.

117. Архив биноси архивнинг ҳужжатларни сақлаш, улардан фойдаланиш каби вазифаларини ва маъмурий - хўжалик, техниковий, майший тоифадаги вазифаларини бажаришига мўлжалланган асосий ва ёрдамчи хоналар мажмуидан иборат бўлиши керак.

Асосий вазифанинг бажаришга мўлжалланган асосий хоналарни таркиби, жойлашуви, ускуналари архивнинг барча булинмаларини ўзаро алоқасини таъминлаши, ҳужжатлар сақлануви, меҳнат муҳофазасига

риоя этилиши, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига жавоб берishi керак.

Архивнинг асосий хоналари қўйидагилардан иборат:

- а) ҳужжатхона;
- б) архив ҳодимларининг иш хоналари;
- в) ҳужжатлар қабул қилинадиган ва вақтинча сақланадиган хоналар;
- г) заараланганд ҳужжатларни алоҳида олиб, дезинфекция ва дезинсекция қилинадиган хоналар;
- д) ҳужжатлар таъмирланиб, муқоваланадиган хоналар;
- е) ҳужжатларни қайта тикланадиган (ҳужжатлардан микро-, ксеро-, фото нусхалар кўчириладиган) ва визуал ҳужжатларнинг техник назорати ўтказиладиган хоналар;
- ж) ҳисоб ҳужжатлари сақланадиган хоналар;
- з) ўқув хонаси мажмуи (ўқувхона, ҳужжатлар бериладиган жой, ахборот-қидирув тизими жойи, ҳужжатларнинг вақтинча сақланадиган жойи);
- и) илмий-маълумотнома кутубхонаси;
- к) маълумот-ахборот фонди учун хона (услубий кабинет);
- л) кўргазмалар зали;
- м) ёрдамчи ишларга мўлжалланган хоналар (гардероб, қабулхона ва бошқалар).

118. Мослаштирилган бинолар ва хоналарда ҳужжатлар экспертиза ўтказиб бўлингандан кейин тегишли тартиб бўйича жойлаштирилади. Бундай экспертиза бинонинг ўтта чидамлик даражасини, асосий конструкцияларнинг узоққа етиш-етмаслигини, қаватлар орасидаги қопламаларнинг қанча юк кўтаришга қодирлигини, бино хоналарининг (қаватлардаги, ертгўладаги, чордокдаги) ҳолатини, иситиш ва вентиляция тизимининг мавжудлиги ва ҳолатини билиш мақсадида ўтказилади. Бундай экспертизалар архив, ўт ўчириш, қўриқдаш, қурилиш, санитария-эпидемиологик хизматлар намояндалари иштирокида ўтказилади. Экспертиза якуни бўйича далолатнома тузилади.

Эски, нураб турган бинолар, ёғочли құшымча қурилмалар, асосий хоналари, ертұла хоналари нам бұлған, печка билан иситиладиган бинолар, шунингдек табиий ҳаво вентиляцияси бўлмаган биноларни архив учун фойдаланишига қабул этилишига йўл қўйилмайди.

119. Мослаштирилган бинолардаги ҳужжатларни сақлаш учун мўлжалланган хоналар бинонинг бошқа хоналаридан алоҳида ажратилиши керак. Жамоат ошхоналари хизмати, озиқ-овқат омборлари билан банд бўлған ва агресив (портловчи) моддаларни сақлайдиган ёки ёнғин хавфи бўлған ва кимёвий технологияларни ишлатадиган ташкилотлар жойлашган бинолар хоналарида ҳужжатлар сақланишига йўл қўйилмайди.

120. Ҳужжатхоналар архивнинг лабораториялари, ишлаб чиқариш хоналари, маиший хоналардан узоқлаштирилган бўлиши, улар билан вентиляция каналлари умумий бўлмаслиги керак. Ҳужжатхоналар архивнинг бошқа хоналаридан ўтга чидамли (ёнмайдиган) деворлар ва тўсиқлар билан алоҳида ажратилади. Ҳужжатхоналардан сув ўtkазгич трубалар ва канализация трубаларининг ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Ҳужжатларни иситиш таснифлари бир хил бўлған маҳсус ва мослаштирилган биноларда жойлаштиришни лойиҳалаштираётганда кўпроқ деразаси шимол томонга қараган хоналар ажратилишига эътибор берилади.

121. Ҳужжатхоналарнинг деворлари, поли, шифти қопламалари, асбоб-ускуналар ва ҳужжатларни сақлаш воситалари қопламалари ўзига чанг йигмайдиган, чанг манбаси бўлиб хизмат қилмайдиган ёки агресив кимёвий моддаларни чиқармайдиган бўлиши керак.

122. Ҳужжатхоналар табиий ёки сунъий вентиляцияга эга бўлиши керак. Ҳавони кондиционерлаштириш тизими ҳавонинг ҳар куни 2 - 3 марта қайта алмашинувини, ҳарорат-намлик режими ning бир хилитини, ҳавонинг чангдан ва агресив қоришмалардан тозаланишини таъминлаши лозим.

123. Ҳужжатхоналар ичининг баландлиги ҳужжатларни сақлашга мўлжалланган технологик асбоб - ускуналар бўйига қараб белгиланади. Уларнинг баландлиги

остки сатқдан 2,25 м. дан кам бўлмаслиги керак. Кўп қаватли архив биноларига юк ташувчи лифтлар ўрнатилади.

Хужжатхоналар эвакуация даврида лифтлар ва зинапоя майдончаларига ўтиш қулай бўлган чиқиш жойларига эга бўлиши керак. Эвакуация йўлларини нарсалар ва ускуналар билан тўлдириб ташлаш ман этилади.

124. Архивларнинг асосий хоналида электр симлари ёпиқ тарзда ўтказилиши, ёқиши-учиришгичларнинг эса, фақат герметик ёки ярим герметик шаклларидангина қўлланиши мумкин. Хужжатхоналар умумий электр учиргич ва ҳар қаватда алоҳида учириси мосламалири билан жиҳозланади. Электр тақсимлагич шчитлар, электр қуриқлагичлар, ток учириси ва ёқиши ускуналари фақат хужжатхонадан ташқарида ўрнатилади. Хужжатхоналарда иш тутагандан сўнг барча аппаратурга, ёқиши-учириш асбоблари бирин-кетин учирилади.

125. Архив бинолари ва хужжатхоналар ёнгинни учириси ва ёнгин хабарини берувчи воситалар, шунингдек ёнгинга қарши сув таъминлагичлар билан жиҳозланиши керак. Ўт учиргич кранлар хужжат хонадан ташқарига ўрнатилади. Ҳар бир кран қошида хизмат кўрсатиладиган хужжатхоналарнинг сўнгги нуқтасигача етадиган эгилувчан резинали шланглар бўлиши керак.

Архив хужжатхоналарининг ёнгинни учирувчи автомат тизимлар ва кўчма ўт учиргичлар билан жиҳозланганда, ўт учириси воситаларининг хужжатларга емирувчи таъсир кўрсатмайдиган хилларидан (углекислотали ўт учиргичлар) фойдаланишга ҳаракат қилинади. Кўчма ўт учиргичлар 50 m^2 майдонга камида биттадан, лекин ҳар бир алоҳида хонага камида иккитадан ўрнатилади.

126. Архивда қўлланиладиган барча электр асбобларнинг ерга уланиши таъминланиши керак.

127. Хужжатлар доимий қоронги ерда сақланиши керак. Бунга хужжатларни муқовалар ичида, қутиларда, шкафларда, ёпиқ хилдаги жавонларда сақлаш билан, шунингдек ёруғлик режимига тўла риоя этиш билан эришилади.

Хужжатхоналар табиий ёки сунъий ёритилиши керак; ҳужжатлар деразали ёки деразасиз хоналарда жойлаштирилиши мумкин. Хужжатхоналарни деразасиз хоналарда жойлаштириш ҳавонинг хонада тегишли даражада айланишини таъминлайдиган сунъий ёки табиий вентиляция бўлган тақдирдагина рухсат этилади.

Хужжатхоналарни тарқоқ нур ила табиий ёритишга рухсат этилади. Бунга деразаларга нур тарқатувчи воситаларни ўрнатиш, нур оқимини автоматик бошқарувчи маҳсус қопламалар суриш ва шу кабилар билан эришилади.

Хужжатхоналарни сунъий ёритиш учун ёпиқ плафонли сирти силлиқ бўлган чўгланма лампалардан фойдаланилади. ЛБ, ЛХБ, ЛТБ хилли люминесцент лампалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

Кўриш спектрида ёритиш даражаси жавонларнинг вертикал сатҳида полдан 1м. баландликда 20 - 50 лк. дан; иш столларида эса 100 лк дан ошмаслиги керак.

Хужжатхоналарда ҳужжатлар билан қандай иш олиб боришдан қатъи назар ҳамма хоналарда табиий ва сунъий ёргулекнинг ҳужжатларга зарар етказадиган таъсиридан муҳофаза қилиш чора-тадбирлари албатта кўрилиши керак.

128. Қоғоз асосли ҳужжатларнинг узок сақланишини таъминлаш учун ҳужжатхоналарда ҳужжатларни сақлашнинг мақбул ҳарорат - намлик режими ўрнатилади: хоналар ҳарорати $+17$ - $+19^{\circ}\text{C}$, ҳавонинг нисбий намлиги 50-55% бўлиши керак. Бу тартибни сақлаб туриш мақсадида ҳавони кондиционерлаш тизими кўлланилади.

129. Иқлими бошқарилмайдиган ҳужжатхоналарда ҳужжатларнинг сақлашни керакли ҳарорат-намлик режимини сақлаш учун хоналарни тегишлича иситиш ва шамоллатиш, шунингдек ҳавони намлаш ва куритишнинг механик воситаларини қўллаш чора - тадбирлари кўрилиши керак. Назорат-ўлчов асбоблари билан ҳужжатларни сақлашнинг мақбул режими сақлаб турилади.

130. Ҳужжатларнинг сақлашни ҳарорат - намлик тартиби белгиланган бир вақтда хона ҳавосининг ҳарорати ва нисбий намлигини мутгасил ўлчаб туриш билан назорат қилинади; кондиционери бор хоналарда ҳафтада бир марта,

иқлими бошқарилмайдиган ҳужжатхоналарда - ҳафтада икки мартадан, тартиб бузилган ҳолларда - суткасига бир мартадан ўлчанади.

Назорат-ўлчов асбобларининг кўрсаттичлари маҳсус қайдлов журналида ёзиб борилади. Қайднома журнallарида, шунингдек ҳужжатхоналарда ўрнатилган ҳарорат-намлиқ тартиби мароми бузилган ҳолларда асбобларининг кўрсаттичи текширилгани ва меъёрига келтирилгани борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳам қайд этилади.

131. Кўлланиладиган назорат-ўлчов асбоблари (термометрлар, гигрометрлар, психрометрлар ва шу кабилар) номенклатураси, шунингдек ҳавони ўлчаш ва қайд этиш тартиби амалдаги меъёрий ва услубий ҳужжатлар билан белгиланади.

132. Назорат-ўлчов асбоблари асосий ўтиш жойларидағи жавонларга, иситиш ва вентиляция тизимларидан узокроққа ўрнатилади. Назорат-ўлчов асбоблари ҳужжатхоналарнинг ҳар бирига, хоналар тизимида ҳар хонага биттадан, кўп қаватли тизимда эса ҳар қаватта биттадан ўрнатилади.

133. Ҳужжатхоналар ва архивнинг бошқа хоналари намунавий тартибда ва озода бўлиши, мўгор босиши, курт-қумирсқа, кемирувчиларнинг, чанг ва иснинг пайдо бўлишига йўл қўйилмайдиган даражада тозалиши керак.

Ҳужжатхоналар мунтазам равишда нам латталар билан артилиб, жавонлар, қутилар, йигмажиллар чангдан тозаланиб турилиши керак.

Ҳужжатхоналарга устки кийимда, хўл ва ифлос пойабзал билан кириш, у ерда бегона буюмларни сақлаш, шунингдек чекиш ман этилади.

Ҳужжатларни полда, дераза токчаларида тартибсиз ва уюм - уюм қилиб қўйишга йўл қўйилмайди.

Архив хоналарининг ойналарини диаметри 0,5 мм. дан иирик бўлмаган тўрлар билан муҳофаза этиш керак. Вентиляция тизимидағи ҳаво ўтказгич кувурларининг оғзи ҳам муҳофаза тўрлари билан тўсилиши керак.

Хужжатхоналарда санитария-гигиена ишларини олиб бориш учун режа асосида маҳсус санитария кунлари ўтказилади.

Хоналар тозаланаётган вақтда ва санитария-гигиена ишлови берилаётганда ишилатилаётган моддалар (сув, антисептиклар ва бошқалар) нинг ҳужжатларга тегмаслиги чораси кўрилиши керак.

134. Ҳужжатхоналар турғун металл жавонлар билан жиҳозланиши керак. Ёнгидан муҳофаза этилган воситалар билан ишланган турғун ёғоч жавонлардан фойдаланишга ҳам руҳсат этилади.

Ҳужжатхоналарда жавонлар хона деворлари ва дераза ўймаларига тик (перпендикуляр) тарзда ўрнатилади.

135. Ҳужжатхоналарда жавонлар қуйидаги тартибга риоя этилган ҳолда ўрнатилади:

а) асосий ўтиш йўлкалари (жавонлар қатор ораси) кенглиги-120 см;

б) жавонлар ўртасидаги ўтиш йўлкалари кенглиги -75 см;

в) жавонлар токчаларнинг бир биридан баландлиги - ўзгарувчан, бироқ 40 см. дан кам бўлмаслиги керак;

г) бинонинг ташқи девори ва шу деворларга параллел қўйилган жавонлар оралиги - 75 см.;

д) девор билан жавоннинг қисқа ён томони ораси - 45 см.;

е) пол билан жавоннинг ластки токчаси оралиги - 20 см. дан кам бўлмаслиги, цоколли хоналарда эса - 30 см.дан кам бўлмаслиги керак.

136. Архив ҳужжатларини сақлашга мослаштирилган биноларда жавонларнинг баландлиги хоналарнинг баландлити ва бостирманинг кўтариш кучига кўра белгиланади. Хоналар баландлиги тўрт метрдан ошган ёки икки қаватли жавонлар қўйилганда, қаватлараро ва жавонлараро том ўрнатилиши керак.

Алоҳида ҳажмдаги ҳужжатлар (масалан: газеталар, карталар, чизмалар, микрофилмли қутилар ва шунга ўхшаш) сақланадиган жавонлар ҳажми ва конструкцияси шу ҳужжатларнинг ҳажми ва шаклига кўра белгиланади.

Чизмалар шкафларнинг тортмаларида очик ёки жилдларга солинган ҳолда сақланиши мумкин. Микрофилмлар ва кинохужжатлар - "арча" туридаги жавонларда сақлангани маъқул. Карталарни сурладиган осма мосламаларда сақлаш тавсия этилади. Алоҳида тоифадаги ҳужжатларни сақлаш учун доимий ўрнатилган бўлинмалар - сейфлар ва махсус металл шкаф-сейфлардан фойдаланилади.

137. Қоғоз асосдаги ҳужжатлар кутилар ёки ҳужжатларни сақловчи бирламчи воситалар (жилдлар, гилофлар ва шу кабилар) да жавонларга тик (вертикал) ёки ётиқ (горизонтал) жойлаштирилади.

Микрофильмлар муҳофаза қатлами билан жиҳозланиши, ўзакли ғалтакка суратли томони ташқарига қилиб ўралиши ва металл кутиларга солиб қўйилиши керак. Ўрам текис ва қаттиқ бўлиши, ғалтак четларига чиқиб қолмаслиги керак.

138. Архивни қўриқлаш тартиби бинони қўриқлаш сигнализациялари билан жиҳозлаш, қўриқлаш постини ташкил этиш, хоналарни муҳрлаш, рухсатнома билан кириш тартибига риоя этиш, ҳужжатхонага кириш тартибини жорий этиш билан таъминланади.

Архивни қўриқлаш архив ва қўриқлаш хизмати ўртасида тузилган ва иккала томоннинг архивни қўриқлаш бўйича, гувоҳнома билан кириш тартибига риоя этиш бўйича мажбуриятлари қўрсатилган махсус шартномага асосан амалга оширилади. Архивни штатдаги архив ҳодимлари кучи билан қўриқлашни ташкил этиш ҳам мумкин.

Ҳужжатлар вақтинча сақланадиган ҳужжатхоналар ва архив хоналари (ўқувхонаси, ҳужжатлар сақланувини таъминловчи лаборатория ва шу кабилар), моддий бойлик, нуска кўпайтирувчи техника ва бошқа қимматбаҳо техника жойлашган хоналар, архив биносидан ташқарига чиқувчи авария ва заҳира чиқиши эшиклари, кеча - кундуз қўриқлаш пости турмайдиган асосий кириш эшиклари қўриқлаш сигнализациялари билан жиҳозланиши ва муҳраниши шарт. Шунингдек, ҳужжатхоналардан вақтинчалик берилган ҳужжатлар, ҳисоб ва илмий-маълумотнома аппарат сақланаётган сейфлар ҳам, агар улар муҳланмайдиган хоналарда бўлса, муҳраниши шарт.

139. Иш вақтида ҳужжатхоналар қулфланган бўлиши керак. Ҳужжатхоналар эшигининг қалити иш вақтида ҳужжатхона мудирида ёки архив фонди гурӯҳи учун масъул бўлган шахсда сақланади.

Ҳужжатлар сақланувининг ташкил этиши билан боғлиқ ишларни бажариш учун ҳужжатхоналарга ҳужжатлар сақланишини таъминловчи бўлим мудири, ҳужжатхона мудири ва мазкур ҳужжатхона ходими, шунингдек архив директори ва унинг ўринбосари, фонdlарнинг бош сақловчиси ёки архивда ҳужжатларнинг марказлашган ҳисобини олиб бориш учун масъул бўлган шахслар кириш хукуқига эгадирлар.

Бошқа шахсларнинг ҳужжатхоналарга кириши фақат зарурий ҳоллардагина архив раҳбарияти рухсати билан ҳамда ҳужжатхона мудири ёки муайян архив фонdlари гурӯҳи учун масъул бўлган шахс ҳамроҳлигидагина рухсат этилади.

140. Архивдан ҳужжатлар, моддий бойликлар, илмий-маълумотнома кутубхонасининг китоблари ва ахборот тизими фонди материалларини, шунингдек илмий-маълумотнома аппаратини олиб чиқиши фақат тегишли тартибда берилган маҳсус рухсатномалар (гувоҳномалар) билангина рухсат этилади.

§ 3. Ҳужжатларни сақлаш хоналарида жойлаштирилиши. Топографиялаш.

141. Архив ҳужжатлари умумий тарзда сақланувчи ва алоҳида сақланувчи ҳужжатларга бўлинади. Ҳужжатхоналарда ҳужжатларнинг бундай жойлаштирилиши гурӯҳлар ёки алоҳида фонdlар доирасида уларни ҳисоб ҳужжатларига мувофиқ равишда жам қилиб сақлашни, шунингдек тез қидириб топилишини таъминлайди.

142. Архивларга фонdlарни жойлаштириш тартиби уларни жойлаштириш режа (чизма)сига қараб белгиланади. Режа архив директори томонидан тасдиқланади. Режа (чизма) фонdlарни ҳужжатхоналарга лозим бўлса ҳар бир жавон бўйича фонд рақамларини кўрсаттан ҳолда жойлаштиришни назарда тутади. Режа чизмаси архив ҳужжатларининг марказлашган ҳисобини амалга оширувчи бўлинмада (ҳисоб учун масъул шахсда), ундан кўчирмалар эса ҳужжатхоналарда сақланади.

143. Алоҳида сақланувчи ҳужжатларга қўйидагилар киради:

- а) махфий ҳужжатлар;
- б) биологик зааркунандалардан шикастланган ҳужжатлар;
- в) вақтингча сақланувга қабул қилинган, шу жумладан депозитар сақланишдаги ҳужжатлар, ЎР МАФ ҳужжатлари сифатида ҳисобга олинмаган ҳужжатлар.

Алоҳида сақланадиган ҳужжатларни сақлаш учун қанча жой ва қандай майдон ажратишни уларнинг мавжуд ҳажми ва архивни жамлаш истиқболига қараб архивнинг ўзи белгилайди.

144. Махфий ҳужжатларни жойлаштириш тегишли йўрикномалар талабига мувофиқ равишда амалга оширилади.

145. Ноёб ва алоҳида қимматта зга бўлган ҳужжатлар улар учун ажратилган алоҳида хоналарда ёки сейфларда сақланадилар. Йигмажилдан чиқариб олинган ҳужжатлар ўрнига ўриндошкарта (1-илова) қўйилади.

146. Сугурта фонди ва ҳужжатлардан фойдаланиш фонди микрофильмлари улар ҳомилиининг сақланиш режимини ҳисобга олган ҳолда алоҳида хоналарда жойлаштирилади.

Бир хил сақланиш режими талаб этиладиган турли хил ҳомилли ҳужжатлар бир ҳужжатхонада сақланиши мумкин. Масалан: қоғоз асосдаги ҳужжатлар билан фойдаланиш фондининг микрофильмлари бир ерда сақланиши мумкин.

Ҳужжатлардан фойдаланиш фонди микрофильмлари алоҳида жавонларда ёки шкафларда фонdlар ва йигмажиллар рақамлари тартиби билан сақланади. Фойдаланиш фонди нусхалари бюксларда сақланади. Ҳар бир бюксга бир йигмажилд ёки унинг бир қисми туширилган пленканинг бўлати солиб қўйилади. Йигмажиллар ҳажми унча катта бўлмаган ҳолларда истисъно тариқасида бир бўлак пленкада учтадан кўп бўлмаган йигмажилдинг пленкага туширилган нусхаси сақланиши мумкин.

147. Ҳужжатхонанинг асосий ва ёрдамчи ҳужжатлари ҳужжатхонанинг ўзида жойлаштирилади.

Хисоб ҳужжатларининг сақланиши ва улардан фойдаланишга умуман архив бўйича ва ҳужжатхоналарда ҳужжатлар юргизишини бевосита амалга оширадиган ходимлар жавобгардирлар.

148. Рўйхатларнинг биринчи (сугурта) нусхалари алоҳида хоналарда ёки архив ҳужжатларини ҳисоби учун масъул бўлган ходимнинг қофоз асосдаги ҳужжатларни сақлаш режимига қатъий риоя этиладиган ишчи хонасига жойлаштирилади.

Рўйхатларнинг иккинчи нусхалари ҳужжатхонадан алоҳида жойдаги жавонларга ёки аллоҳида хоналардаги шкафларга жойлаштирилади.

Рўйхатларнинг учинчи нусхалари ўқувхонага кўйилади.

Шахсий таркибга оид ҳужжатлар рўйхати кўйидагича жойлаштирилади: биттаси сугурта нусха сифатида алоҳида хонага кўйилади, бошқаси эса алоҳида хонадаги шкафлар ёки жавонларга кўйилади ва ишчи нусха сифатида берилади.

149. Архивнинг барча хоналари (бинолар, қаватлар, ҳужжатхоналар, хоналар), шунингдек жавонлар, сейфлар, шкафлар ва токчалар рақамланади.

Алоҳида хоналарнинг ҳар бирида жавонлар ва шкафлар киришдан чапга томон алоҳида рақамланади. Жавонлар ва шкафларнинг токчалари тепадан пастга томон чапдан ўнгта қараб рақамланади.

150. Ҳужжатларнинг сақланиш жойини мустаҳкамлаш ва ҳужжатларнинг қидириш ишини олиб бориш мақсадида ҳужжатхоналарда фондлар бўйича ва жавонлар бўйича топографик кўрсаттичлар тузилади. Топографик кўрсаттичлар варакчалари керакли нусхада тузилади. Топографик кўрсаттичларнинг бир нусхаси архив ҳужжатларининг ҳисоби учун масъул бўлган ходимда, иккинчиси эса ҳужжатхонада сақланади.

151. Фондлар бўйича топографик кўрсаттич варакчаси (2 - илова) ҳар бир фондга алоҳида тузилади. Зарурат бўлган ҳолларда бир фондга давомли варакча юргизиш ҳам мумкин. Варакчалар фонд рақамлари тартиби бўйича жойлаштирилади.

Жавонлар бўйича топографик кўрсаттич варакчаси (3-илова) ҳар бир жавонга алоҳида тузилади ва алоҳида хона (хужжатхона, хона ва бошқалар) ичидаги жавонлар рақами тартиби бўйича жойлаштирилади.

152. Хужжатларни жойлаштирища рўй берган ўзгаришлар ўз вақтида топографик кўрсаттичларнинг барча нусхаларида, шунингдек фондларни жойлаштириш режа (чизма)сида акс эттирилади.

153. Хужжатларнинг сақлашни ҳар бир бирламчи воситаси (кути, жилд, боғлам, тубус, ўрам ва шу кабилар)га ёрлиқ қўйилиб, унда фонднинг номи ва рақами, рўйхат рақами, сақлов бирлигининг биринчи ва охирги рақами кўрсатилади, шунингдек ёрлиқда мавжуд бўлмаган сақлов бирликларининг рақамлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

✓ Езувлар босма усуlda, машинканинг қора тасмасида, тушда ёки сувда ўчмайдиган маҳсус қора сиёҳларда ёзилади. Штамплар ва шунга ўхшаш бошқа воситалардан фойдаланиш ҳам мумкин.

§ 4. Хужжатхоналардан хужжатларни ва рўйхатларни бериш тартиби.

154. Хужжатлар ва рўйхатлар хужжатхоналардан куйидаги мақсадларда олиб берилади:

а) хужжатлардан фойдаланмоқчи бўлган шахслар учун архивнинг ўкувхонасига ва ташкилотлар, жисмоний шахслар - фондни ташкил қиливчиларга вақтинча фойдаланиш учун;

б) архив ходимларига илиш жойларига;

в) таъмиrlаш - муқовалии инларини олиб бориш учун архив лабораториясига;

г) сугурта фонди ва фойдаланиш фондини барпо этиш билан боғлиқ ишларни олиб бориш учун микрофилмлаштириш ва/ёки рақамлаштириш лабораториясига.

155. Хужжатхоналардан хужжатларни олиб бериш ва уларни қайта қабул қилиш, шу жумладан хужжатларни хужжатхонадан олиб бериш ва фойдаланувчилардан хужжатларни (укувхоналардан қайтарилаёттан хужжатлар бундан мустасно) қайтиб олаёттандা вараклаб текшириш ишини хужжатхона ходими бажаради. Фойдаланувчиларнинг ўкувхоналарда фойдаланган хужжатларини

қайтариб олаёттан вақтида ўқувхона ходими варақма - варақ текшириб күради.

Йигмажиллардаги ҳужжатлар ҳолатида ва варақлар рақамида ўзгариш топилган ҳолларда эркин шаклдаги тегишли далолатнома тузилади; аниқланган номутаносиблик ҳақида тезда архив раҳбариятига хабар қилинади. Топилган ўзгаришлар ишонч варагида далолатномага ҳавола қилинган ҳолда ёзиб қўйилади. Далолатнома архив раҳбарияти томонидан тасдиқланиб, фонд йигмажилдига тикиб қўйилади.

Хужжатхоналардан олиб берилаёттанда ва фойдаланувчилар қайтариб бераётганида қўйидаги ҳужжатлар тури албатта варақма - варақ текширилиши шарт:

- а) алоҳида қимматли ҳужжатлар;
- б) брошюра қилиб тикилмаган ҳужжатлар.

Варақма - варақ текширилиши керак бўлган бошқа ҳужжатларни эксперт-услубий комиссия қарорига мувофиқ архив раҳбарияти белгилаб беради.

Варақма-варақ ўтказилган текширув ҳақида тасдиқ варагига белги қўйилади.

156. Ҳужжатхоналардан олиб берилган ҳужжатлар ва рўйхатлар ўрнига ўриндош-карта (1-илова) қўйилади.

157. Ҳужжатхоналардан ҳужжатлар қўйидаги муддатларга берилади:

а) сўровларни ижро этаёттан архив ходимларига - ўн кундан кўп бўлмаган муддатга;

б) фойдаланувчилар учун ўқувхоналарга ва хизмат мақсадлари учун архив ходимларига - бир ойдан кўп бўлмаган вақтга;

в) ташкилотлар, жисмоний шахс - фондни ташкил этувчиларга вақтингчалик фойдаланиш учун - уч ойдан кўп бўлмаган муддатга;

г) ҳужжатларни намойиш қилиш учун - олти ойдан кўп бўлмаган муддатга.

Йигмажиллар рўйхати беш кундан кўп бўлмаган вақтга берилиши мумкин.

Сугурта фонди ва фойдаланиш фондини барпо этиш, ҳужжатларнинг жисмоний ҳолатини яжшилаш мақсадида таъмирлаш - муқовалаш ишларини олиб бориш учун ҳужжатларни қанча вақтта бериш мумкинлиги тегишли ишларни ўтказиш бўйича архивнинг иш режаси ва бу ишларни ижро этувчи ташкилотлар билан келишилганига кўра белгиланади.

158. Фойдаланувчиларга берилган ҳужжатлар ва рўйхатларнинг муддатини узайтириш алоҳида ҳолларда ва фақат архив раҳбарияти рухсати билангина ижозат этилади. Вақтинча фойдаланиш учун ҳужжатлар шу ҳужжатларни сўраёттан ташкилотнинг сўраб олаёттан ҳужжатларни сақлаш учун керакли шароити борлигини ёзма равища тасдиқлаганидан кейингина берилади.

159. Жисмоний ҳолати қониқарсиз бўлган ёки фойдаланиш фонди нусхаларига эга ҳужжатлар, шунингдек илмий хатланмаган ва техник расмийлаштирилмаган ҳужжатлар фойдаланиш учун берилмайди. Истисно тариқасида фойдаланиш фонди сифатсиз тайёрланган ҳужжатларгина фойдаланиш учун берилиши мумкин.

160. Ҳужжатхоналардан олиб берилаётган ҳужжатлар шартли белгисига (қидирув маълумотлар), ракамланган варақларга, тасдиқ-варагига(4-, 4а-иловалар) ва фойдаланиш варагига (5-илова) эга бўлиши керак.

161. Ҳужжатларни ҳужжатхоналардан олиб беришга тайёрлаш ишлари ўз ичига қўйидагиларни олади:

- а) ҳужжатларни жойидан олиш;
- б) архив шартли белгиси ва сарлавҳаларни рўйхат билан солиштириш;
- в) тегишли жойларда йигмажилларнинг варақма-варақ текширувини ўтказиш.

Архив шартли белгиларини солиштириб текшириш муқованинг тўғри расмийлаштирилганини, сарлавҳалар тўғри тузилганини ва сақлов бирлиги шартли белгиларининг тўғри қўйилганини текширишни назарда тутади. Муқовага кўп тузатишлар киритилган бўлса, эски муқова сақланиб қолгани ҳолда, янги муқова тузилади.

162. Ҳужжатхоналардан ҳужжатлар қуийдагиларнинг ёзма рухсати билан олиб берилади:

а) архив директори ёки унинг ўринbosарининг ёзма рухсати - алоҳида қимматли ҳужжатларни беришда;

хужжатларни вакғинчалик фойдаланиш учун, шу жумладан кўргазмаларда ҳужжатларни намойиш этиш учун олиб беришда;

йигмажилларни чет эллик фойдаланувчиларга беришда;
хужжатларни таъмиrlаш - профилактика ишларини ўтказиш учун юборишда;

нусха кўчириш учун юборишда;

б) ҳужжатлар сакланишини таъминлаш бўлимининг мудири (хужжатхона мудири) нинг ёзма рухсати - ҳужжатларни архив ходимларига ўз хизмат хоналарида ишлаш учун;

хужжатлардан фойдаланувчиларга ўкувхоналарида ишлаш учун олиб беришда.

Ҳужжатлар ҳужжатхоналардан чиқарилаётганда ҳар бири ҳар бир ҳужжатхона ва ҳужжатларни бериш тури бўйича алоҳида-алоҳида тутиладиган ҳужжатларни бериш қайд дафтарида, фойдаланиш фонди нусхаларини бериш қайд дафтарида қайд этилади.

163. Ҳужжатлар ўкувхоналарга берилаётганда ҳужжатларни, фойдаланиш нусхаларини, рўйхатларни (7-илова) олиб бериш ҳақидаги буюртмалар (талабномалар)га асосан расмийлаштирилади ва ҳужжатларни ҳужжатхоналардан ўкувхонага бериш дафтарида қайд этилади, уларга ўкувхона ходими имзо чекади. Фойдаланувчиларнинг ижро этилган буюртмалари (талабномалари) ўкувхонага олиб берилган ҳужжатлар билан биргалиқда юборилади ва фойдаланувчиларнинг шахсий йигмажилларida сакланади.

164. Архив ходимларига хизмат мақсадларида фойдаланиш учун ҳужжатларни бериш уларнинг ҳужжатларни фойдаланиш сугурта нусхаларини рўйхатларни олиб бериш ҳақидаги буюртмалари (талабномалари) асосида берилади ва ҳужжатхоналардан ҳужжатларни хизмат хоналарига бериш дафтарида қайд этилади, унга ҳужжатларни олган ходим имзо чекади. Архив ходимларининг буюртмалари (талабномалари) ҳужжатхоналарда уларни саклаш муддати тутагунга қадар сакланади.

мақсадида ярим йилда бир марта хужжатларни бериш дафтарлари солиштириб текширилади. Бериш дафтарларини бундай текшириш оқибатида хужжатларни қайтариш муддати бузилганлиги аниқланса, бунга нима сабаб бўлгани ўрганилади ва хужжатларнинг жойига қайтарилиш чоралари кўрилади. Бордию, хужжатлар улардан фойдаланишини давом эттириш заруратидан вақтида қайтарилимаган бўлса, уларни бериш қайта расмийлаштирилади.

173. Хужжатлар хужжатхонага қайтарилаётган вақтда уларнинг жисмоний ҳолати варакма-варак текшириб кўрилади, хужжатларни бериш дафтарида эса уларнинг қайтарилигани ҳақида белги кўйилади. Бу ишлар хужжатларни қайтарган архив ходими ёки ташкилот ходими иштирокида бажарилади. Бордию, хужжатлар қайтарилаётганда уларнинг шикастлангани аниқланса, далолатнома тузилиб, далолатнома хужжатхона ходими ва хужжатларни қайтариб бераётган ходим томонидан имзоланади ва кўриб чиқиши учун архив раҳбариятига топширилади.

Фойдаланувчилар хужжатларнинг сақлануви ва хужжатлар билан ишлаш қоидаларига риоя этилиши учун жавобгардирлар. Хужжатлар ўтирангтан, атаяй шикастланган, хужжатлар матнига ўзгартишлар киритилган ҳолатларда архив хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этиши шарт (ушбу ҳодисалар аниқланган пайтда).

§ 6. Ноёб ва алоҳида қимматли хужжатларни аниқлаш

174. Ноёб ва алоҳида қимматли хужжатларни аниқлаш архивнинг малакали ходимлари томонидан режага биноан архивда тайёрланган илмий-услубий ишланмалар ва кўлланмалар асосида, шунингдек бошқа архив ишларини, масалан каталогглаштириш вақтида йўлакай олиб борилади.

175. Хужжатларни алоҳида қимматли хужжатлар сирасига киритишархивнинг эксперт - услубий комиссияси қарори асосида амалга оширилади ва тегишли тартибда ҳисоб хужжатлари билан мустаҳкамланади (247-249-бандаларга қаралсин).

§ 7. Йигмажилларнинг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш, топилмаган хужжатлар кидирувини ташкил этиши

176. Йигмажилларнинг мавжудлиги ва ҳолатини текшириш сақлов бирликларининг ҳақиқатда ҳам ҳисоб

хужжатларида күрсатилган сон билан мутаносибилигини аниклаш, консерватив - профилактик ва таъмирлаш ишлари олиб борилиши зарур бўлган хужжатларни аниклаш мақсадида ўтказилади.

177. Хужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш режа асосида ва бир галли (навбатдан ташқари) ўтказилади.

Табиий оғатлар, оммавий кўчишлар ва ҳужжатлар йўқолиш эҳтимоли бўлган бошқа тадбирлар оқибатида, шунингдек ҳужжатхона мудирлари алмашинаётганда архивнинг барча ҳужжатлари ёки архив фондларини тегишли қисми (гурухи) ҳужжатларининг мавжудлиги ва ҳолатини навбатдан ташқари текшируви ўтказилади.

178. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш мобайнида қуидагилар амалга оширилади:

а) сакланувда бўлган ҳужжатларнинг ҳақиқатда ҳам мавжудлиги кўрсатилади;

б) ҳужжатлар ҳисобида йўл қўйилган ҳамчиликлар аникланади ва бартараф этилади;

в) жойида йўқ ҳужжатлар аникланади ва уларни қидириш ташкил этилади;

г) таъмирланиши ва консерватив - профилактик, техник ишлов берилиши зарур бўлган ҳужжатлар аникланади ва ҳисобга олинади;

д) бошқа йўналишдаги ҳужжатлар аникланади.

179. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш ишлари қуидаги режавий муддатларда ўтказилади:

а) ноёб ҳужжатлар текшируви - ҳар йили;

б) алоҳида қимматли ҳужжатларни ўз ичига олган фондлар бўйича ва тез-тез фойдаланиладиган фондлар бўйича - 10 йилда бир марта; ҳужжатлардан тез-тез фойдаланилганда ҳар йили аввалга 10 йил давомида фойдаланишга берилган ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш тавсия этилади;

в) нисбатан кам фойдаланиладиган фондлар бўйича текширув - 15 йилда бир марта ўтказилади.

Қолган ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш муддатлари ҳисобнинг олиб борилиши ахволига, ҳужжатларниң сақланиш шароити ва улардан нақадар тез фойдаланилаёттанига қараб белгиланади, бироқ бу текширув - 20 йилда камида бир марта ўтказилиши керак.

Махфий ҳужжатларниң мавжудлиги ва ҳолатини текшириш очиқ сақланувда сақланаёттан ҳужжатларни текшириш муддатларида ўтказилади.

180. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текширишнинг аввалида ҳисоб ҳужжатларни тұлалиги аниқланади, ҳисоб ҳужжатларини солишириб текшириш ўтказилади, ҳисоб ҳужжатлари күрсаттичларининг нисбати, рўйхат бўйича сақлов бирликларининг рақамланиши текширилади, шунингдек якуний ёзувларнинг түгри ёзилганни ёки йўқлиги текширилади. Ҳисоб ҳужжатларининг текшириш ва уларниң мавжудлигини текшириш мустақил иш тури сифатида ўтказилиши ҳам мумкин.

181. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатининг текширишни қоида бўйича таркиби 2 кишидан кам бўлмаган ходимлар гурӯҳи ўтказади.

Йигмажилларниң мавжудлиги ва ҳолатини текшириш рўйхатнинг баёний мақолаларини йигмажиллар муқовасидаги ҳатлов (архивнинг шартли белгиси, фондни ташкил этувчи ва унинг тузилмавий бўлинмаларининг номи, иш юритиш рақами, сарлавҳалар, чегара саналар, вараклар сони), сақлов бирликларининг рўйхатдаги якуний ёзувлар билан мос равишда ҳақиқатда мавжудлигини солишириш йўли билан ўтказилади. Ҳужжатларниң жисмоний ҳолати уларни бир сидра кўздан кечириш билан аниқланади.

Ҳужжатлари ички рўйхатларда ҳисобга олинган сақлов бирликларининг мавжудлигини текширилганда ҳужжатларниң мавжудлиги ички рўйхат билан солишириб текширилади, шунингдек брошюранмаган (тиклимаган) ҳолда сақланиши керак бўлган ҳужжатларниң ҳамма вараклари мавжудлиги текширилади. Ноёб ҳужжатли сақлов бирликлари албатта варакма-варак текширилади. Текширув натижалари тасдиқ варакларида (4, 4а -иловалар) қайд этилади.

Үқувхоналарига ва архивнинг ишчи хоналарига берилган ҳужжатлар умумий асосда текширилади, уларнинг рақамлари ўриндош-карталар ва ҳужжатхоналардан берилган ҳужжатлар қайд дафтарлари бўйича олинади. Вақтингчалик фойдаланиш учун берилган ҳужжатлар ҳужжатларни бериш дафтарлари ва далолатномалар бўйича текширилади ва улар мавжуд ҳужжатлар ҳисобланади.

Аниқланган барча камчиликлар текширув варакларида сўнгра эса текширув далолатномаларида қайд этилади.

182. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текширганда қўйидагиларга риоя этиш зарур:

а) ҳужжатларнинг жавонларда ва бирламчи сақлов воситалари (кутилар, боғламлар, жилдлар ва шу кабилар)даги жойлашув тартибини бузмаслик;

б) текширилаётган вақтда текширилаётган фонднинг нотўғри қўйилган сақлов бирликлари аниқланса, уларни жойига қўйиш;

в) текширилаётган фонд (ҳужжатлар мажмуидан) бошқа фонdlарга тегишли бўлиб, бу ерга нотўғри тушиб қолган сақлов бирликларини олиб, сақловчига бериш;

г) биологик зааркундалар билан заарланган сақлов бирликларини уларни тезда ажратиб, чиқариб олиш;

д) рўйхатта киритилмаган сақлов бирликларини ажратиб олиб, кейинчалик уларни қайта ишланиши ва хатланиши учун фонд охирига жойлаштириш.

183. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш мобайнида қўйидагилар ман этилади:

а) ҳужжатлар ҳисоби учун масъул ходим ва архив раҳбарияти билан келишилмаган ҳолда ҳисобга олинмаган сақлов бирликларини рўйхатта киритиш;

б) йигмажилдлар рўйхати ёки бошқа ҳисоб ҳужжатларига қандайдир белгилар қўйиш, тузатиш киритиш ёки ёзиш.

184. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш тутаганидан сүнг рўйхат охирига "текширилган" штампи қўйилади, текшириш тутатилган сана, текширувни ўтказган шахс лавозими ва имзоси қўйилади.

Рўйхатнинг якуний ёзувида қонуний асосларда чиқарилган сақлов бирликларининг ҳисобга олинмаган литерли ва тартиб рақамлари аниқланган ҳолларда якуний ёзув қайтадан тузилади.

Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириши мобайнида жойида йўқ бўлган сақлов бирликларининг ҳаммасига топилмаган ҳужжатлар ҳисоби варақчаси (10-илова) тузилади. Топилмаган ҳужжатлар картотекаси анъянавий ёки автоматлаштирилган тартибда топилмаган ҳужжатлар ҳисоби варақчасининг шартли белгиларига мувофиқ марказлаштирилган тарзда юритилади.

Ҳужжатларнинг жисмоний ҳолатини текшириш натижалари ҳужжатларнинг жисмоний ҳолатини текшириш картотекаси (дафтари)га ёзиб қўйилади.

185. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш натижалари ва текширув мобайнида топилган камчиликлар ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текширув вараги (11-илова)да ва ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш далолатномаси (12-илова)да қайд этилади.

Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш вараги бевосита текширув мобайнида, одатта кўра, ҳар бир рўйхата алоҳида тузилади. Ҳажми унча катта бўлмаган фондларни текширганда ҳамма рўйхатларга битта текширув варагини тузишга йўл қўйилади. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш жараёнида текширув варакчаси бандларида кўрсатилмаган камчиликлар топилган ҳолларда варакчага аниқликлар ва кўшимча реквизитлар киритилади.

Текширув вараклари ҳар бир текширув бўйича фонд доирасида рақамларнинг ялпи тартибида рақамланади ва ижрочилар томонидан имзоланади.

186. Текширув варакчасидаги ёзувларга асосан ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш далолатномаси (12-илова) тузилади. Текширув далолатномаси ижрочилар томонидан имзоланади ва архив директори томонидан тасдиқланади.

Хужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш далолатномасини тузиш билан бир вақтда заруратта қараб ҳисоб ҳужжатлардаги техник хатолар ҳақидағи далолатнома (13-илова), мазкур фондга, архивга тегишли бұлмаган, ҳисобға олинмаган ва ҳоказо йигмажилдарнинг топилгани ҳақидағи далолатнома (14-илова), ҳужжатларнинг тузатиб бұлмас даражада зааралангани ҳақидағи далолатнома (15-илова)лар каби бошқа далолатномалар ҳам тузилади.

187. Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш барча ҳисоб ҳужжатларига ўзgartышлар киритилгандан сўнгтина тугалланган ҳисобланади.

Ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириб бўлингандан сўнг фойдалинмайдиган ёки кам фойдаланиладиган ҳужжатлар солинган, шунингдек сугурта нусхалари олинган ва фойдаланиш фондига эга бўлган ҳужжатлар солинган кутилар муҳрланади.

188. Кутиларни муҳрлаш ҳужжатхона мудири ёки ҳужжатларни сақлаш мастьулиятини зиммасига олган ходим томонидан амалга оширилади.

Муҳрланиши керак бўлган фонdlар ёки фонdlарнинг тегишли қисми рўйхати архив раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Кутиларни қоғоз баңдеромлар билан муҳрлаш тавсия этилади, унга муҳрлаёттан ходимнинг шахсий имзоси ва сана қўйилади. Муҳрларнинг қандай ҳолатда тургани вақти-вақти билан текшириб турилади.

Муҳрланган кутилар ичидағи сақлов бирликларининг жисмоний ҳолати ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текширишнинг белгиланган муддатларида танлаб текширувдан ўтказилиб турилади. Танлаб ўтказилган текширувлар натижалари эркин шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатномалар фонд йигмажилдига тикиб қўйилади.

Зарур бўлган ҳолларда муҳрләнган кутилардан сақлов бирликлари архив директорининг (алохида қимматли йигмажиллар учун) ва ҳужжатхона мудирининг (сақлов бирликларининг бошқа тоифалари учун) рухсати

били олиб берилади. Сақлов бирликлари жойига қўйилганидан сўнг қутидаги ҳамма йигмажилларнинг мавжудлиги текширилади ва қути қайтадан муҳланади.

189. Хужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш жараёнида топилмаган хужжатларнинг қидибуви уларнинг йўқлиги аниқланган вақтда ташкил этилиб, бир йил давомида олиб борилади. Зарур ҳолларда хужжатхона мудирининг билдиришномасига асосан архив раҳбарияти хужжатларни қидириш муддатини узайтириши мумкин.

190. Хужжатларни қидириш мобайнида фонд йигмажилди, қайта ишланган эски ва янги рўйхатлар, хужжатларни бериш ва тахлаш дафтарлари, хужжатларнинг мавжудлиги ва ҳолатини аввалги текширувларининг варақлари ва далолатномалари, йигмажилларни вақтингча фойдаланишга бериш далолатномалари, йигмажиллар ва хужжатларни йўқ қилишга ажратиш ҳақидаги далолатномалар ўрганилади. Буни ўрганиш йўқ қилишга ажратилган йигмажиллар, йўналиши бошқа бўлгани учун бошқа фондлар ва архивларга ўтказилган йигмажиллар ҳисоб-китобидаги хатоликларни аниқлашга, йигмажилларнинг рақамлари ва сарлавҳаларини тиклашга, рўйхатта киритилган йигмажилларнинг рақамлари ва сарлавҳаларини тиклашга, рўйхатта икки марта кириб қолган ёки мазкур фонднинг бошқа рўйхатига кириб қолган сақлов бирликларини аниқлаштириш имконини беради.

191. Жойида йўқ бўлган хужжатларни қидириш мақсадида айрим фондлар, уларнинг муайян қисмлари ва сақлов бирликлари гурухлари хужжатларининг мавжудлиги мақсадли текшируви ўтказилади.

192. Топилмаган хужжатлар қидибуви хужжатларини сақлаш учун архивга топширган ташкилотларда ва шахсий фонд эгаларида олиб борилади.

193. Хужжатлар мавжудлиги ва сақланувини текшириш вақтида чиқмаган хужжатлар сақлов бирликларини қидириш натижасида топилиши, уларнинг йўқлиги бошқа хужжатлар билан тасдиқланиши ёки умуман топилмаслиги ҳам мумкин.

194. Қидирув вақтида топилган ҳужжатлар сақловчига берилади ва ходим уларни ўз жойига кўйиб қўяди. Бу сақлов бирликларини топилмаган сақлов бирликлари рўйхатидан ўчириш учун ҳужжатларни топган ходим томонидан ёзиладиган маълумотнома асос бўлиб хизмат қиласди. Маълумотнома фонд йигмажилдида сақланади. Картотекада ҳужжатнинг топилгани ҳақида белги кўйилади.

Жойида йўқлиги ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳужжатлар тегишли тартибда (233-банѓга қаранг) ҳисобдан ўчирилади.

195. Қидирув жараёнида топилмаган ҳужжатларга қидирув йўллари тутаган ҳужжатлар топилмагани ҳақидағи далолатнома (16 - илова) ва қидирув ўтказилгани ҳақида муфассал маълумотнома ёзилади, далолатнома ва маълумотномалар ҳужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш ҳақидағи далолатнома билан биргаликда бундай ҳужжатларни ҳисобдан олиш учун қатъий (якуний) қарор қабул қилиш учун архив ишини бошқарувчи юқори органларга тақдим этилади.

Архив ишини бошқарувчи юқори органнинг ёзма рухсати асосида архив директори жойида йўқ ҳужжатларни ҳисобдан ўчириш ҳақида буйруқ беради. Ўзгаришлар барча ҳисоб ҳужжатларида қайд этилади, "Фонд таркиби ва ҳажмидағи ўзгаришлар ҳақидағи маълумотлар" га киритилади. Шунингдек бу ўзгаришлар фонд каталогига ҳам киритилади. Йигмажилларни қидириш тутатилгани ҳақидағи далолатнома (17-илова) тузилади. Топилмаган ҳужжатлар картотекасида ҳужжатларнинг ҳисобдан ўчирилгани ҳақида белги кўйилади.

§ 8. Ҳужжатларнинг сугурта фондини ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондини ташкил этиш

196. Ҳужжатларнинг сугурта фонди ҳужжатлардан олинган сугурта нусхалар йигиндиси демакдир. Сугурта фонди ҳужжатларнинг йўқотилиши ёки заарланиши ҳолларида ҳужжатли ахборотнинг йўқолиб кетмаслиги мақсадида барпо этилади. Сугурта фонди даҳлсиз ҳисобланиб, ҳужжатларнинг асли нусхалари сақланадиган жойдан айрим ҳудудда, маҳсус ҳужжатхоналарда сақланади.

Сугурта нусхаларини архивнинг асосий биносидан худуддан узоклаштирилган жойдаги маҳсус ҳужжатхоналарга ўтказиш түгрисидаги рухсатни "Ўзархив" агентлиги беради.

197. Биринчи авлод микрофилмлар негативи қоғоз асосдаги ҳужжатларнинг сугурта нусхаси сифатида хизмат килади. Бундай негативли микрофилмлар тегишли турдаги оқ-қора пленкаларга ҳужжатларни бевосита суратта тушшириш йўли билан тайёрланади ва кейинчалик улар "сугурта фонди микрофилми" деб юритилади.

198. Фойдаланиш фонди ЎР МАФ ҳужжатлари нусхасининг йигиндиси бўлиб, улар ҳужжатлар асл нусхасининг сақлаб қолинишини таъминлаш мақсадида пленкали ҳомилларга ҳужжатлардан фойдаланишини ташкил этиш учун кўчириб олинади. Фойдаланиш фонди сугурта фонди билан бир вактда ва албатта тўлиқ (тўплам ҳолида) барпо этилади.

Қоғоз асосдаги ҳужжатларнинг фойдаланиш фондини зарурий тўплами иккинчи авлод оқ-қора фотопленкага биринчи авлод микрофилми негативидан тайёрланган микрофилмдан ва иккинчи авлод микрофилмидан тайёрланган учинчи авлод микрофилмаридан иборат бўлади.

Фойдаланиш фондига сақлов бирликларининг тўла кўчирилган нусхалари киритилади.

199. Яратилиш вақтидан қатъи назар алоҳида қимматли ҳужжатлардан, шунингдек алоҳида қимматли йигмажилдлари мавжуд бўлган фонdlарнинг барча рўйхатларидан сугурта нусхалари олиниши керак.

Ҳужжатлардан сугурта нусха кўчириш навбати ҳужжатларнинг қимматдорлиги ва ахборотдорлиги моҳиятига, жисмоний ҳолатига ва ҳужжатлардан фойдаланиш самараадорлигига қараб белгиланади. Моҳиятларига кўра тенг бўлган фонdlар ичida ҳужжатларининг жисмоний ҳолати ёмон бўлган ёки фойдаланиш самараадорлиги юқори бўлган фонdlарнинг ҳужжатларидан биринчи навбатда нусха кўчирилади.

200. Хужжатларни сугурта нусха кўчиришга тайёрлаш ишлари уларни хужжатхоналардан олиб бериш қоидаларига (154-171-бандалрга қаралсин) мувофиқ равищда амалга оширилади. Бунда хужжатларнинг жисмоний ҳолати текширилади, матнлари аниқ бўлмаган ва ўчиб кетаётган хужжатлар, шунингдек татъмирланиши талаб этиладиган хужжатлар аниқланади. Сугурта нусхаларини тайёрлаш буюртмаларга (18-иловага қаранг) асосан амалга оширилади.

201. Хужжатларнинг сугурта нусхасини олиш рўйхатдаги сақлов бирликларининг аввалроқ нусхаси олинган тизимлантирилишишга риоя этган ҳолда фонdlар бўйича ўтказилади.

202. Сугурта нусхалари олинаётганда одатда сақлов бирликлари тикувидан ечиб олинмайди. Архив хужжатларини тикувдан ечмасдан туриб, сурат нусхаларини олишга имкон берадиган маҳсус техник жиҳозлардан фойдаланиш тавсия этилади. Сугурта фондини барпо этиш ишлари тутаганидан сунг, йигмажилд қайтадан муковаланиб, тикиб қўйилади.

203. Хужжатлардан сугурта нусха кўчириш доимий технологик тартибларга ва амалдаги норматив - техникавий хужжатларга мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

204. Сугурта фонди ва хужжатлардан фойдаланиш фондини хатлаш ва ҳисобга олиш тартиби меъёрий-услубий хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

205. Сугурта фондини барпо этиш ишнинг мустақил тури ҳисобланади ва архивнинг иш режасига асосан амалга оширилади.

206. Барча сугурта нусхалари хужжатнинг аслига мувофиқ келиши лозим.

207. Сугурта нусхаларини тайёрлаб берувчи чиқарилаётган барча сугурта нусхаларини олиш бўйича амалдаги норматив-техникавий хужжатлар талабларига мувофиқ тайёрлангани ҳақида кафолат бериши керак.

Сугурта нусхаларининг ҳаммаси техник назоратдан ўтказилади ва уларнинг сифати ҳақида мазъумотлар сугурта фонди нусхаларининг ҳолати ҳақида далолатномаларда қайд этилади.

208. Сугурта нусхалари қабул қилиб олинаётганда нусха кўчириш ҳақида буюртманнинг тўлиқ бажарилгани, нусхалар

сони, бутлилиги, нусхаларнинг техникавий ҳолати ҳақидаги далолатномаларни тұғри ва түлік тұлдирілганилиги текширилади, нусхаларнинг техникавий ҳолати күздан кечирилади.

§ 9. Ҳужжатларнинг сұгурта фонди, улардан фойдаланиш фонди мавжудлігі ва ҳолатини текшириш, техник назорат қилиш

209. Сұгурта фонди ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондининг мавжудлігі ва ҳолатини текшириш ҳужжатлар нусхаларининг сакланиши ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондини ўз вақтида тиклаш ишларини ташкил этиш мақсадида үтказилади.

Сұгурта фонди ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондининг мавжудлігі ва ҳолатини текширув ишларининг үтказишни ҳажми ва даврийлігі уларнинг умумий ҳажмини ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондиdan нечоғлик самарали фойдаланылаёттанини, уларнинг нечоғлик тез тикланылаёттанини, шунингдек сакланиш шароитларини ҳисобга олиш билан белгиланади.

210. Сұгурта нусхалари сакланиш жараёнида қуидаги ишлар бажарылышы шарт:

а) сұгурта нусхаларининг ҳақиқатда борлигини аниклаш мақсадида уларнинг мавжудлігі ва ҳолатини, шунингдек, уларнинг ҳисоб маълумотлари билан мутаносиб эканличини текшириш;

б) нусхаларнинг ҳолатини техникавий назоратдан үтказиш ва зарур бўлган консервация - профилактика тадбирларини ўз вақтида үтказиш.

211. Техник назорат натижалари сұгурта нусхаларининг техникавий ҳолати ҳақидаги далолатномаларда қайд этилиб, улар хulosасида профилактик ва таъмирлаш ишларининг нечоғли зарурлиги үтказиш муддатлари ва кейинги техник назоратнинг үтказилиш муддати кўрсатилади.

§ 10. Фавқулодда ҳолатларда хужжатлар сақланишини таъминлаш

212. Архивлар фаолиятидаги фавқулодда ҳолатлар деб, архивлар зиммасига юклатилган вазифаларни тұла бажаришнинг имкони бўлмай қолган, ходимлар ҳаёти ва саломатлигига, архив ҳужжатларининг сақланишига хавф туғилган ҳолатларни айтилади.

213. Қуйидагилар фавқулодда ҳолатлар ҳисобланади:

а) республика (вилоят, шаҳар, туман)да фавқулодда ҳолат тартибининг жорий этилиши;

б) архивнинг ҳаёти ва фаолиятига таъсир этган ёнғин ёки табиий оғатнинг содир бўлиши;

в) архивга бегона кишиларнинг кириши, архив ҳужжатларини рухсатсиз бериш, ҳужжатларнинг йўқолиши, ўзгариши ёки шикастланиши, мулкнинг ўғирланиши ёки зарап кўриши;

г) архив ҳаётини таъминлаб турувчи тизимларда, шунингдек архив биносидағи авариялар;

д) архивдан кўриқчиларнинг олиниши;

е) архив раҳбариятини архивнинг иш тартибини ўзгартириш ёки унинг фаолиятини тұхтатиши ҳақида қарор қабул қилишга мажбур этадиган бошқа ҳолатлар.

214. Фавқулодда ҳолатларнинг содир бўлиши мумкинлигини инобатта олган ҳолда, архивлар тинчлик ва уруш вақтларида фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича фуқароларни муҳофаза этиш ҳаракат режаларини ишлаб чиқади.

Режалар объектнинг фуқаролар муҳофазаси бошлиғи томонидан тасдиқланади ва шаҳар (туман)нинг фавқулодда ҳолатлар бўйича бошқарма бошлиғи билан келишилади. Архивнинг фавқулодда ҳолатлардаги ишини белгилаб берувчи режалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан архивнинг масъул ходимлари таништирилиши шарт.

215. Фавқулодда ҳолатларнинг рўй бериши билан оқ архив раҳбарияти бу ҳақида (телефонда, телеграф бўйича, факс орқали ёки шахсан ўзи) архив ишини бошқарадиган юқори орган раҳбариятига маълум қиласида ва юқори орган билан келишилган ҳолда фавқулодда ҳолатлар тартибида

ишлиш ҳақида архив директорининг буйргуғи билан расмийлаштириладиган қарор қабул қиласы, фавқулодда ҳолатлардан чиқиш чораларини күради ва бу ҳақда архив ишини бошқарувчи юқори органга хабар беради.

Архивда юқори ташкилотлар билан келишилган ходимлар ва келувчиларни бинога киритиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиши керак.

IV - БОБ. АРХИВДА ҲУЖЖАТЛАР ҲИСОБИНИ ОЛИБ БОРИШ

§1. Ҳужжатлар ҳисоби тушунчаси

216. Ҳужжатлар ҳисоби - улар миқдорини қабул қилинган ҳисоб бирлигиде аниқлаш ва шу миқдор ва таркибининг ҳисоб ҳужжатларида акс этиши демакдир. Ҳар бир сақлов бирлигининг муайян ҳужжатлар тўпламига тегишлилигини ҳисоб ҳужжатларида қайд этиш асосида олиб бориладиган ҳужжатлар ҳисоби ҳужжатларнинг сақланувини, уларнинг мавжудлиги ва ҳолатини назорат қилишни, ҳужжатларнинг ягона услубий хизмат асосида тегишли жойдан қидириувини таъминлайди.

217. Ҳужжатлар ҳисобини олиб бориш ишнинг ҳамма босқичларида (иш юритища, идоравий ва давлат архивларида) марказлаштириш, бирхиллаштириш, тўлиқлик, ишончлилик ва ворисийлик тамойиллари асосига қурилади. Кўрсатилган бу тамойиллар қўйидагилар асосида амалга оширилади:

- а) ЎР МАФ ҳужжатларини сақловчи барча ҳужжатхоналар учун ҳисоб бирликларини ўрнатиш;
- б) ҳужжатларни ташкил этиш ва ҳисобини юритища бирлик ўрнатиш;
- в) ҳисоб кўрсаткичларининг таққоси ва ворисийлигини ўрнатиш;
- г) ҳисоб ҳужжатларининг қатъий тартиби ва тургун шаклларини ўрнатиш, шунингдек уларни тўлдирища талабчанлик кўрсатиш;
- д) ЎР МАФ ҳужжатларининг ҳажми ва таркибида рўй берадиган ва улар миқдори, таркибини кўрсатадиган барча ўзгаришиларни белгиланган муддатларда тезкорлик билан барча ҳисоб ҳужжатларига киритиш.

218. Архив ҳужжатларнинг давлат ҳисобини амалга оширади ва ЎР МАФ ҳужжатларининг марказлашган ҳисобини юритиш учун архив ишини бошқарувчи юқори органларга ҳисоб маълумотларини тақдим этади.

Архивда сақланаётган барча ҳужжатлар, шу жумладан хатланмаган ва мазкур архив учун йуналиши тўғри келмайдиган ҳужжатлар, сугурта фонди нусхалари ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондни нусхалари, ийғмажилдлар рўйхати ҳам ҳисоб қилиниши керак.

219. Ҳужжатлар ҳисоби сақлов бирликларига архив шартли белгисининг таркибий қисми ҳисобланган ҳисоб рақамларини бериш йўли билан амалга оширилади.

Архив шартли белгиси архив фондни рақами, рўйхат рақами, сақлов бирлиги рақамларидан иборат бўлиб, улар архивнинг қисқартма номи (унинг расмий аббревиатураси)дан сўнг кўрсатилади. Архивнинг шартли белгиси ҳар бир сақлов бирлигига унинг ҳисобини ва бир хиллигини таъминлаш учун ёзиб қўйилади.

Архив номи, сугурта фондни рўйхатининг рақами, сугурта фондни сақлов бирлигининг "СФ" индекси кўшилган ҳисоб рақами сугурта фондни сақлов бирлигининг архив шартли белгиси бўлиб хизмат қиласи.

§ 2. Ҳужжатлар ҳисоби бирликлари

220. Ҳужжат ҳомилнинг тури ва ахборотни техникавий мустаҳкамлаш йўлидан қатъи назар қўйидагилар ҳужжатларнинг асосий ҳисоб бирлиги ҳисобланади:

- архив фондни, архив тўплами;
- сақлов бирлиги.

Бирламчи ишловдан ўтган шахсий келиб чиқищдаги ҳужжатлар одатда ҳужжатлар бўйича ҳисобга олинадилар.

221. Қоғоз асосли ҳужжатлар сақлов бирлиги - бу жисмонан алоҳидалаштирилган ҳужжат ёки алоҳида муқова ичига олинган ҳужжатлар йигиндисидир.

Электрон ҳужжатлар сақлов бирлиги - машина ҳомили (дискета, СД-диск, флеш-хотира ва бошқалар).

§ 3. Архивда ҳужжатлар ҳисобининг олиб боришни ташкил этиш

222. Архивда ҳужжатлар ҳисобини марказлаштирилган тарзда махсус бўлинма амалга оширади ёки бу ишни олиб бориш учун махсус ходим тайинланади. Ҳужжатхонада бу ердаги ҳужжатлар ҳисоби учун масъул бўлган ходим тайинланади.

Ҳужжатлар ҳисобини олиб бориш тартиби, ҳисоб ҳужжатларининг кўшимча шаклари, ўзгартишларни архивнинг ҳисоб ҳужжатларига киритиш тартиби архив директорининг буйруғи билан белгилаб берилади.

Ҳисоб ҳужжатларига ёзувларни фақат ҳужжатлар ҳисоби учун масъул бўлган ходимлар киритадилар.

223. Ҳисоб ишларини тўғри ташкил этиш учун архивда ҳужжатлар ҳисоби тартиби ва чизмаси тузилади. Ҳужжатлар ҳисоби тартиби ва чизмаси архив директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

Архивдаги ҳужжатлар ҳисобини олиб бориш тартиби ҳар бир ҳужжатхонада марказлашган тарзда юритиладиган ҳисоб ҳужжатлари таркибини ва ҳисоб маълумотлари базасини белгилаб беради; ҳужжатлар қабул қилинаёттандан ва чиқарилаёттандан, архив ишларининг бошқа турлари ижро этилаёттандан қайси тузилмавий бўлинмада қандай ҳисоб ҳужжатлар борлигини, ҳисоб маълумот базалари қачон ва ким томонидан тулдирилишини кўрсатиб, олиб бориладиган ишлар узлуксизлигини мустаҳкамлайди; ҳужжатхоналарда олиб бориладиган ҳисоб билан умуман архив бўйича ҳисобининг ўзаро боғликлигини акс этади, шу жумладан ҳужжатхоналар ҳисоб ҳужжатларининг архив ҳисоб ҳужжатлари билан солиштириш вақти белгиланади.

График шаклдаги ҳисоб чизмаси ҳисоб тартибини қайд этади.

224. Йигмажиллар рўйхати ва хизматда фойдаланишга мўлжалланган ҳужжатлардан бошқа ҳисоб ҳужжатлар фойдаланувчиларга берилмайди.

225. Ҳисоб ҳужжатлари алоҳида хоналарда ёки архив ҳужжатлари ҳисоби учун масъул бўлган ходимнинг хизмат хонасида сақланади.

§ 4. Архивнинг ҳисоб ҳужжатлари тизими

226. Архивнинг ҳисоб ҳужжатлари тизими - бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлган ҳисоб ҳужжатлари ва маълумотлар базасининг мажмуи бўлиб, ўзида архивнинг ҳужжатлари микдори, таркибини ва улардаги ўзгаришларни акс этади, ЎР МАФ ҳужжатлари давлат ҳисобининг таркибий қисми ҳисобланади.

227. Архивда ҳужжатлар ҳисоби асосий ва ёрдамчи ҳисоб ҳужжатлари буйича олиб борилади. Асосий ҳисоб ҳужжатларининг таркиби ва шакли мазкур қоидалар билан белгилаб берилган ва улар ҳар бир архив, учун зарурий ҳисобланади. Ёрдамчи ҳисоб ҳужжатларининг таркиби ва шаклини архив ўзи мустақил белгилайди.

228. Куйидагилар асосий ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланадилар¹:

а) келиб тушиш ҳужжатларнинг ҳисоб дафтари (19-, 19а-иловалар)- архивга келиб тушган ҳужжатларнинг ҳар бирини, шунингдек муайян давр ичида сақланувга топширилган ҳужжатлар микдори (сони) ва таркиби ҳисобини юритиш учун; хатланиши ахволи ҳисоби учун;

б) сугурта фонди ва фойдаланиш фонди ҳужжатларининг келиб тушиш ҳисоби дафтари (20-илова) - сугурта фонди ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондининг ҳар бир келиб тушган ҳужжатини, шунингдек фондларга муайян давр ичида келиб тушган сақлов бирликлари микдори ҳисобини юритиш учун;

в) фондлар рўйхати - сақланишга қабул қилинган архив фондлари ва архив тўпламларини рўйхатта олиш учун, уларни рақамлаш, сақланишдаги ва архивдан чиқарилган архив фондлари ва архив тўпламлари ҳисоби (21-илова)ни юритиш учун;

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида барча ҳисоб ҳужжатлари юритишнинг ҳужжатхоналарда илгаритдан шакланиб ўрнатилган тартиби сақланади.

г) алоҳида кимматли хужжатлар сақланадиган фондлар рўйхати - (22-илова);

д) фонд вараги - архив фонди, архив тўплами доирасида рўйхатлар сони ва таркиби, улар рақамланишини, хужжатлар сони ва таркибини, улар хатланиши ҳолатини, ҳар бир рўйхат ва фонд, умуман тўплам бўйича ўзгаришлар динамикасини ҳисобга олиш, фонд номланишидаги ўзгаришларни қайдлаш (23-илова) учун;

е) йигмажиллар, хужжатлар рўйхати (24-, 24а-иловалар) - сақлов бирликларининг алоҳида-алоҳида ва йигма ҳисоби учун, тизимлаштириш тартибини мустаҳкамлаш, мазкур рўйхатта киритилган хужжатлар таркиби ва ҳажмидаги ўзгаришлар ҳисоби учун;

ж) алоҳида кимматли йигмажиллар, хужжатлар рўйхати ёки алоҳида қимматли йигмажиллар, хужжатлар рақамлари рўйхати (рақамнома) (25,26 -иловалар) - алоҳида қимматли йигмажиллар ва алоҳида қимматли хужжатлардан таркиб топган йигмажилларнинг алоҳида - алоҳида ва йигма ҳисоби учун;

з) хужжатларнинг сугурта фонди рўйхати (27-илова) - сугурта фонди сақлов бирликларининг алоҳида-алоҳида ва йигма ҳисоби учун;

и) алоҳида қимматли йигмажиллар рўйхати ва рақамномалар (28-илова) - алоҳида қимматли йигмажиллар рўйхати ва рақамномалари сонининг ҳисоби учун;

к) ташқи безаги ёки иловаларда моддий қимматга эга бўлган йигмажиллар ҳисоби инвентар китоби (29-илова) - шундай йигмажилларнинг алоҳида-алоҳида ва йигма ҳисоби учун;

л) фонд йигмажилди - фондни ташкил этувчи ва фонд тарихига оид хужжатлар тўплами бўлиб, ҳар бир архив фонди ва архив мажмуи учун алоҳида юритилади. Фонд йигмажилдига қўйидагилар киритилади: тарихий маълумотнома, йўлкўрсаттич ёки маълумотнома учун тайёрланган фонд тавсифномасининг нусхаси, фонддан фойдаланиш ҳақидаги маълумотлар, фондни қайта ишлаш бўйича ишчи йўриқномалар, фонд вараклари қайта тузилгандан кейинги фонднинг эски вараклари,

хужжатларнинг қабул қилингани ҳақидаги далолатномалар, хужжатларни ўтказиш ҳақидаги далолатномалар, сакланниши лозим бўлмаган хужжатларни йўқ қилишга ажратиш ҳақидаги далолатномалар, хужжатларнинг тузатиб бўлмайдиган даражада зааралангани ҳақидаги далолатномалар, хужжатлар мавжудлигини текшируви хужжатлари, иммий-маълумот кутубхонасига ёки босма нашрлар хужжатхонасига ўтказилган китоблар ва бошқа хужжатлар.

Фонд ҳажмида ёки айрим саклов бирликларидағи ўзгаришлар қайд этиладиган далолатномалар ва бошқа хужжатлар ҳисоб хужжатларига ўзгартишлар киритилгандан кейингина фонд йигмажилдиға кўйилади. Бирлашган фонд йигмажиллари ўз ичига таркибига кирган фондер йигмажилдарини қамраб олади.

Фонд йигмажилдиға мазкур фонднинг рақами берилади. Фонд йигмажилдидаги варакӯларнинг ҳаммаси тикилиши ва рақамланиши керак. Фонд йигмажилди хужжатларига ички рўйхат тузилади, фонд йигмажилдининг тасдиқ варагига тасдиқ ёзувлари киритилади.

Фонд йигмажиллари ўз рақамлари тафтиби билан сакланадилар.

Фонднинг барча хужжатлари йўқ қилишга ажратилганда унинг рўйхатлари, фонд вараги фонд йигмажилдиға жойлаб кўйилади. Фонд йигмажилди ўзининг архиви фондига киритилади.

м) тасдиқ-вараги (4, 4а-иловалар) - йигмажилдаги варакӯлар сони ҳисоби учун;

н) хужжатхона паспорти (30-илови) - мазкур хужжатхонадаги фондер ва саклов бирликлариңинг ҳар йилнинг 1-январига бўлган ҳолатининг умумий ҳисоби учун;

о) ЎРМАФ хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказилгани ҳақидаги "Ўзархив" агентлиги томонидан берилган гувоҳнома (31-илова).

229. Архивда куйидагича марказлаштан давлат ҳисобини юритиш хужжатлари тузилади:

а) ЎРМАФ хужжатларининг давлат сакланувдаги сакданишни ташкил қилиш ҳар йилнинг 1-январига бўлган ҳолати ҳақидаги ҳисобот (юкори архив органига бериладиган ҳисобот муддати "Ўзархив" агентлиги томонидан белгиланади) - архив ҳолатини акс этиш учун;

б) фонд варакчаси (32-илова);

в) фондалар таркиби ва ҳажмидаги ўзгаришлар ҳақида хисобот йилдан кейинги йилнинг 1-январига бўлган ҳолати ҳақидаги маълумот (33-илова).

230. Кўйидагилар ёрдамчи ҳисоб ҳужжатлари ҳисобланади:

а) рўйхат реестри;

б) фондалар, рўйхатлар, ҳужжатлар ҳаракатини акс этувчи варакчалар ва ҳисоб дафтарлари;

в) бошқа архивларга ўтказилган ҳужжатларнинг ҳисоб дафтарлари;

г) йўқ қилишга ажратилган фондалар ва ҳужжатлар ҳисоби дафтарлари;

д) ҳужжатларнинг тури бўйича ҳисоби дафтарлари;

е) фондалар паспортлари;

ж) йигмажилд ҳужжатларининг ички рўйхатлари;

з) фотоальбом, сурат ҳужжатларининг ички рўйхатлари.

Архив ҳисоб ҳужжатлари тизимига киритилган ҳолда бошқа ёрдамчи ҳисоб ҳужжатларини юритиши ҳам мумкин.

§ 5. Асосий ҳисоб ҳужжатларини юритишга оид талаблар

231. Ҳужжатларнинг келиб тушиш ҳисоби дафтарлари, фондалар рўйхатлари ва вараклари ҳар бир архив бўйича юритилади.

232. Ҳужжатлар қўйидаги асосларда архивларга қабул қилинади:

а) ҳужжатларни сақланувга қабул қилиш-топшириш ҳақидаги далолатнома (34-илова);

б) шахсий келиб чиқищдаги ҳужжатларни архивга қабул қилиш-топшириш далолатномаси (35-илова).

233. Ҳужжатлар қўйидагилар асосида архивдан чиқарилади:

а) сақланиши керак бўлмаган ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш ҳақидаги далолатнома (36-илова);

б) ҳужжатларнинг тузатиб бўлмас даражада зарарлангани ҳақида далолатнома (15-илова);

в) ҳужжатларни сақланувга қабул қилиш топшириш ҳақидаги далолатнома (34-илова);

- г) қиғидрув йўллари тугаган ҳужжатларнинг топилмагани ҳақидағи далолатнома (16-илюва);
- д) ҳужжатларни эгасига қайтариш далолатномаси (37-илюва);
- е) сақлов бирликлари, ҳужжатларнинг асл нусхасини олиш ҳақидағи далолатнома (38-илюва);
- ж) ҳужжатларни хатлаш, рўйхатларни қайта ишлаш далолатномаси (39-илюва);
- з) ҳисоб ҳужжатларидағи техник хатолар ҳақидағи далолатнома (13-илюва);
- и) мазкур фондга, архивга тегишли бўлмаган, ҳисобга олинмаган ва ҳоказо йигмажилдларнинг топилгани ҳақида далолатнома (14-илюва).

Фонд бир давлат архивидан бошқасига ўтказилаётганда рўйхатлар, фонд йигмажилди, фонд вараклари ҳам бирга ўтказилади.

Рўйхатнинг бир нусхаси ҳужжатларни топшираётган архивда, ҳужжатларни сақланувга қабул қилиш-топшириш ҳақидағи далолатнома (34-илюва)га илюва сифатида қолдирилади ва ҳужжатларни топшираётган архивнинг архив фондига киритилади.

Фонднинг барча ҳужжатлари йўқ қилишга ажратилганда унинг рўйхатлари, фонд вараги фонд йигмажилдига жойлаб қўйилади ва архив фондига киритилади.

234. Қабул қилиб олинган барча ҳужжатлар, шунингдек аниқланган ва ҳисобга олинмаган ҳужжатлар ҳужжатларнинг келиб тушиш ҳисоб дафтари (19-, 19а - иловалар)да қайд этилади. Архивга биринчи бор келиб тушган ҳар бир фонд фонdlар рўйхати (21-илюва)га ёзилади, унга фонд вараги (23 - илюва) тўлдирилади, фонд йигмажилди очилади. Келиб тушган ҳар бир рўйхат рўйхатлар реестри (40-илюва)да ҳисобга олинади.

ЎР МАФ ҳужжатларининг марказлашган тарзда давлат ҳисобини юритиш учун янги фондга фонд варакчаси (32-илюва) тузилади, илгари архивга қабул қилинган фонднинг қисмлари келиб тушгани ҳақидағи маълумотлар "Фондлар таркиби ва ҳажмидаги 01.01. гача бўлган ўзгаришилар ҳақидағи маълумотлар"га (33-илюва) киритилади.

235. Бирламчи ва кейин келиб тушган ҳужжатлар кетма-кет ҳужжатларнинг келиб тушиш ҳисоби дафтарига (19-, 19а-иловалар) ёзиб борилади. Қабул қилиб олинган ҳар бир ҳужжатта узининг тартиб рақами кўйилади.

Бордию қабул қилинаётганлар бир неча фонднинг ҳужжатларидан иборат бўлса, у ҳолда ҳар бир фондга оид маълумотлар янги сатрдан ўша тартиб рақамидан кейин ёзилади.

Агар фонд янгитдан қабул қилинаётган бўлса, фонднинг рақами ҳужжатларнинг келиб тушиш ҳисоби дафтарига фондлар рўйхати бўйича унга берилган рақамдан кейин ёзилади.

Агар қабул қилинаётган ҳужжатлар архивда сақланаётган фонднинг бир қисми бўлса, ҳисоб дафтарининг тегишли баандида бу фондга илгари берилган рақам кўрсатилади.

"Ҳужжатлар ҳолатининг қисқача таснифи" баандида ҳужжатлар рўйхатта киритилган киритилмаганлиги ёки архивга қайта ишланмаган тарзда қабул қилингани, шунингдек келиб тушган ҳужжатларнинг таркиби (бошқарув ҳужжатлари, шахсий таркибга оид, шахсий келиб чиқишга оид, ижодий ҳужжатлар ва бошқалар) белгилаб қўйилади.

Ҳар йилнинг 1-январига йил давомида қабул қилинган ҳужжатлар миқдори якуни кўрсатилади. депозитар сақланувга қабул қилинган ҳужжатлар миқдори алоҳида кўрсатилади.

236. Фонд рўйхати (21-илова). Фонд рўйхати бўйича берилган рақам унинг ҳисоб рақами ҳисобланиб, ҳисоб ҳужжатларининг барчасида унга тегишли булиб сақланиб қолади ва мазкур фонд ҳужжатлари архив шартли белгисининг таркибий қисмини ташкил этади.

Турли фонд номлари орасида фаолият кўрсатиб турган ташкилотлар - фондни ташкил этувчилар номининг ёзилиши учун бўш сатр қолдирилади.

Фондлар рўйхатига ҳар йилнинг 1 январ санасига ўтган йил давомида қабул қилинган ва чиқарилган фондлар миқдори ва сақланувдаги фондларнинг умумий сони ҳақидаги якуний ёзув ёзилади.

Фондлар рўйхати қалин қоғозга муқоваланиб, варақлар рақамланади, тасдиқ вараги тўлдирилади.

Фонд рўйхатини қайтадан кўчириб босиш фақат архив ишини бошқарувчи юқори орган рухсати билантина амалга оширилади. Бундай ҳолларда фондлар рўйхатига чиқарилган, аммо рақамларини эгаллаш ман этиладиган барча фондларнинг рақамлари, номлари, чиқарилиш асослари албатта ёзилиши керак.

Фонд фондлар рўйхатига фақат бир марта, фонд архивга биринчи марта келиб тушганда ёзилади. Хужжатлари архивга илгари тоширилган фондни фондлар рўйхатига киритишга йўл қўйилмайди.

Архивга келиб тушган фондлар ҳисобини олиб бориш учун фондлар рўйхатидаги ялпι изчиллиқдаги рақамлардан фойдаланилади. Шунингдек "бўш рақамлар"дан, яъни хужжатлари тегишли тартибда йўқ қилишга ажратилган фондлар рақамлари ёки хужжатлари бирлашган архив фондларига киритилган бўлса, бу хужжатлардан фойдаланилмагани аниқ бўлган фондлар рақамларидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Бошқа архивларга ўtkазилган фондлар рақамлари, шунингдек хужжатлари бирлашган архив фондларига киритилган бўлса, хужжатларидан илгари фойдаланилган фонд рақамларини архивга янги қабул қилинган фондларга бериб бўлмайди.

Бирлашган архив фондлари, архив тўпламлари умумий асосларда ҳисобга олинади. Илгарилари мустақил ҳисобга олинган фондлардан таркиб тоғган бирлашган архив фондига унинг таркибидағи фондлардан бирининг рақами кўйилади.

Фондлар айрим ҳоллардагина ва фақат "Ўзархив" агентлиги рухсати билантина қайта рақамланиши мумкин.

Фонд номи тарихий маълумотнома ёки рўйхатнинг сарвараги асосида фондлар рўйхатига киритилиши мумкин.

Фонднинг номи унинг тўлиқ ва (қавс ичида) фондни ташкил этувчи ташкилотнинг расман қабул қилинган қисқартма номидан таркиб топади ва тобелиги, жойлашган ери, фаолиятининг чегара саналари кўрсатилади. Агар фондни ташкил қилювчининг номи ўзгаририлган бўлса, фондлар рўйхатида унинг фақат сўнгти номи кўрсатилади.

Бирлашган архив фонднинг номи унинг таркибига кирган фондларнинг умумлашма номидан, раҳбар ташкилот номи ва унга тобе ташкилотларнинг умумлашма номидан, бир - бирининг ўрнини эгаллаган ташкилотлар номининг рўйхатидан иборат бўлиши мумкин. Бирлашган архив фондига ҳужжатлари киритилган барча ташкилотларнинг аниқ номи, шунингдек уларнинг ўзгарган номи ҳам фонд варагида кўрсатилади.

Шахсий келиб чиқищдаги фонднинг номи шахс фамилияси, исми, ота исмидан, қариндошлиқ муносабатларини, таҳаллуси, фаолият тури, касби, хизмат мавқеи, унвонини кўрсатишдан иборат бўлади; оиланинг асосий аъзолари фамилияси, исми ва ота исмининг бош ҳарфларидан, унвони, мавқеи ва ҳоказоларни кўрсатишдан иборат. Оиланинг барча аъзоларининг фамилияси, исми, ота исми, фаолият тури, хизмат мавқеи, қариндошлиқ муносабатлари ва ҳоказолар фонд варагида кўрсатилади.

Архив тўпламлари номида унинг шакланиш белгиси (белгилари), зарур бўлган ҳолларда эса уни тузувчи (аввалги эгаси, тўпламни йиглан шахс) ҳам кўрсатилади.

Фонднинг ҳаммаси чиқарилган ҳолларда фондлар рўйхатининг "Чиқиш ҳақидаги белги" бандида фонднинг қаерга чиқарилгани, чиқарилишига асос бўлган далолатнома кўрсатилади; қабул қилиб олинган архивдаги фонд рақами кўрсатилади.

237. **Фонд вараги** (23-илюва) биринчи марта қабул қилинаёттанды ҳамма фондларга очилади. Унда фондга тегишли бўлган ҳамма ҳужжатлар, шу жумладан хатланмаган, маҳфий ва кейин топширилган ҳужжатлар ҳисобга олинади. Фонд вараги қуйидаги асосий талабларга риоя этилган ҳолда тўлдирилади:

"Ҳар бир фонд номининг чегара саналари" баңдида ҳар бир ном остига ташкилот - фондни ташкил этувчининг фаолият бошлаган ва фаолиятини тутгатган (фондда шу даврга оид ҳужжатларнинг бор ёки йўқлигидан қатъи назар) саналари ёзилади. Ташкилот ҳозир ҳам фаолият кўрсатиб турган бўлса, охирги сана кўйилмайди. Бирлашган архив фондлари учун ҳужжатлари мазкур архив фондига киритилган ташкилот - фондни ташкил этувчиларнинг фаолият кўрсатган вақтига кўра нисбатан аввал ташкил топганининг санаси ва нисбатан кейин тутатилганининг санаси кўрсатилади. Шахсий келиб чиқищдаги фонд учун бу баңда фондни ташкил этувчининг ҳаёти саналари, ҳужжатлар тўплами учун эса - тўпламга киритилган ҳужжатларнинг энг аввалгиси ва энг кейингиси саналари кўйилади.

"Фонднинг номи" баңдида ташкилот - фондни ташкил этувчининг фаолияти бошидан бошлаб ўзгарган номларининг ҳаммаси даврий изчилиқда кўрсатилади, охирги номи фонд номи бўлиб ҳисобланади. Фондни ташкил этувчининг ўзгартирилган ҳар бир номи, унинг қарамлиги ва жойлашган ерининг ўзгариши ҳам кўрсатилиб янги сатрдан ёзилади. Бунда агар ташкил этилиши ва тутатилиши саналари орасида ҳужжатлари сақланмаган давр бор бўлса, фондни ташкил этувчининг ўзгарган номи шу давр учун ҳам кўрсатилади. Фондни ташкил этувчи ташкилот номидаги кейинги барча ўзгаришлар фонд ҳужжатларининг келиб тушиши мобайнида фонд варагига киритиб борилади.

Бирлашган архив фондлари учун кўрсатилган бу баңда фонднинг умумлашма номи берилади. Ҳужжатлари бирлашган архив фонди таркибига киритилган фондни ташкил этувчи барча ташкилотларнинг номи, шунингдек уларнинг ўзгартирилган номи ҳам "Фонднинг номи" баңдида ёки "Рўйхат номи" баңдида кўрсатилиши мумкин.

"Фонднинг биринчи бор келиб тушиш санаси" баңдида ҳужжатларнинг келиб тушиш ҳисоби дафтарига мувофиқ сана кўрсатилади; бирлашган архив фондлари ва архив тўпламлари учун эса, уларнинг архивга келиб тушиш санаси ёки уларнинг архивда тузилган санаси кўрсатилади.

Хатланмаган ҳужжатларга рўйхат тузилганда, уни тегишли тартибда тасдиқланганидан сўнг ҳужжатларни хатлаш, рўйхатларни қайта ишлаш ҳақида далолатнома (39 илова)га асосан хатланмаган ҳужжатлар ҳисобидан олиниб, хатланган ҳисобига қўйилади ва фонд варагининг тегишли бўлинмаларида акс эттирилади.

Ҳар бир янги рўйхат (унинг давоми) бўйича хатланган ҳужжатларнинг келиб тушиши "Хатланган ҳужжатлар ҳисоби" бўлимида қайд этилади. "Рўйхат номи" бандида рўйхат номи (унинг давоми) кўрсатилади ёки ҳужжатлар рўйхатига киритилган ҳужжатлар таркибининг қисқача таснифи келтирилади. Рўйхатларнинг архивга келиб тушиши ёки архивда тузилишига кўра уларга фонд вараги бўйича навбатдаги тартиб рақами берилади.

"Чиқарилиш" бандида ҳужжатлар қандай далолатномага асосан чиқарилгани ва ҳар бир рўйхат бўйича алоҳида чиқарилган ҳужжатлар сони кўрсатилади. Рўйхатдаги барча ҳужжатлар чиқариб бўлинганидан сўнг мазкур рўйхатнинг рақами бошқа рўйхатларга берилмайди ва бўш қолдирилади, рўйхатлар реестри (40-илова)да эса, тегишли белги қўйилади.

"Сақлов бирликларининг мавжудлиги (қолдиги)" бандида уларнинг сони ёзув олиб борилган рўйхат бўйича бўлгани каби, умуман фонд бўйича ҳам кўрсатилади. Умуман фонд бўйича маҳфий сақлов бирликларининг сони каср орқали кўрсатилади, масалан: 100/5маҳф.

Фондлар варагида навбатдаги ёзувлар учун жой қолмаган ҳолларда янги давом вараги очилиб, унинг теппасига "Давоми, - сон фонд 2-варак" деб кўрсатилади. Биринчи варакда эса "давомига қаралсин 2, 3, 4 - ва ҳоказо варақ", деб ҳавола қилинади. Давом вараклар асосий варакдан сўнг жойлаштирилади.

Фонд вараги тузатиб бўлмайдиган даражада шикастланган ёки у қайта ишлаш, бирлашган архив фондини барпо этиш, фондни ташкил этувчи ташкилот тарихини аниқлаштириш оқибатида фонднинг ҳақиқий ҳолати ва миқдорини акс эттиролмай қолган бўлсагина қайтадан тузилиши мумкин. Фонд вараги қайта тузилган

холларда илгари амал қылган фонд вараги фонд йигмажилдига солиб күйилади. Фонднинг иккала варагининг теппасидан ўнг томонга "Варақ қайта тузилган" деб ёзиб, варакнинг қайта тұлдирилган санаси, ҳисоб учун мастьул бўлган шахснинг лавозими ва имзоси кўрсатилади.

Фонд вараклари фондлар рақами бўйича таҳланган ҳолда тутмачали жилларда сақланади. Ҳар бир жилда тасдиқ - вараги тузилиб, унда фондларнинг бошлама ва охирги рақамлари ҳамда вараклари шу жилда солинган фондларнинг умумий сони кўрсатилади.

Архивда у ёки бу фонднинг борлигини тиклаш, шунингдек фондларнинг керакли варакларини топишни енгимлаштириш учун архивда фондларнинг варакчали кўрсаттичлари тузилади. Кўрсаттич варакчалари фонднинг ҳар бир номига тузилади.

238. *Йигмажиллар, хужжатлар рўйхати* (24, 24а-илловалар). Сақлов бирликлари, ҳисоб бирликлари рўйхатда уларнинг тартиб ҳисоб рақамлари бўйича тизимлаштирилишига мувофиқ ҳисобга олинадилар.

Бошқарув хужжатлари, шахсий таркибга оид хужжатлар, ҳўжалик бўйича ҳисоб дафтарлари, кино, сурат ва овозли ҳужжатлар, машинада ўқиладиган (электрон) маълум турдаги ҳужжатлар, одатда алоҳида рўйхатлар бўйича ҳисобга олинадилар.

Рўйхатларга ҳисоб рақамлари фонд вараклари бўйича берилади.

Рўйхат рақамига рўйхатда ҳисобга олинган хужжатларнинг таркиби ва турини кўрсатадиган ҳарфий индекс қўшилиши мумкин. Масалан: "ш.т." (шахсий таркиб), "ш.й-ж." (шахсий йигмажилд), "и." (илмий хужжатлар) ва ҳоказо.

Рўйхатларга фақат ҳарфий индекси билангина фарқланадиган бирхил ҳисоб рақамларининг кўйилишига йўл кўйилмайди. Масалан: 1-сон ва 1-“ш.т.”

Рўйхат охирида барча нусхаларга якуний ёзув ёзилиб, уларда сақланувдаги сақлов бирликларининг, ҳисоб бирликларининг сони (рақамларда ва думалоқ қавслар ичида - ёзма), рўйхат бўйича сақлов бирликларининг, ҳисоб бирликларининг биринчи ва охирги рақамлари кўрсатилади, тушиб қолган рақамлар, литерли рақамлар, чиқарилган сақлов

бирликлари ва уларнинг чиқарилишига асослар, шунингдек давлат архивига қабул қилинмаган сақлов бирликлари ҳақида айтиб ўтилади.

Ўз ичига турли ҳомилдаги сақлов бирликлари, ҳисоб бирликларини олган шахсий келиб чиқицдаги рўйхатнинг якуний ёзувида қўшимча қилиб бундай сақлов бирликлари, ҳисоб бирликларининг сони кўрсатилиди.

Хужжатларнинг ҳар бир келиб тушиши ёки чиқарилишида янги якуний ёзув тузилади. Якуний ёзув уни тузган шахс томонидан лавозими ва якуний ёзув ёзилган сана кўрсатилиб, имзоланади.

Агар рўйхат бир неча йиллик бўлимлар, жилддардан иборат бўлса, якуний ёзув ҳар бир йиллик бўлим, жилдга тузилади. Кейинги келаётган бўлим, жилдинг ҳар бирига ўсиш тартибида жамлама якуний ёзув тузилади.

Ҳар бир рўйхат тасдиқ варагига (4-, 4а-иловалар) эга бўлиши керак.

Тугалланган рўйхат ўз ичига 9999 дан кўп бўлмаган сақлов бирлиги, ҳисоб бирлигини олиши мумкин.

Архивда доимий сақланадиган йигмажиллар рўйхатидан уч нусха: - бири - сугурта (назорат) нусхаси, иккитаси - ишчи; шахсий таркиб бўйича эса икки нусха бўлиши шарт. Назорат нусхаси хужжатларнинг марказлашган ҳисобини олиб борадиган архив бўлинмасида сақланади, ишчи нусхалар эса, тегишли хужжатхоналар, архивнинг ўкувхонасида туради. Рўйхатлар фонд рақамлари тартиби бўйича, фонд ичида бўлса - рўйкат рақамлари бўйича сақланади.

Агар рўйкат қайта тузилган бўлса, илгари амал қилган рўйхатнинг бир нусхаси янги тузилган рўйхатта охирги ҳисоб рақами билан киритиласди, эски рўйхатнинг қолган нусхалари эса, тегишли тартибда йўқ қилишга ажратиласди.

Хатланган хужжатларнинг чиқарилишида тегишли рўйхатнинг (24-, 24а-иловалар) "Изоҳ" бандида чиқарилган ҳар бир сақлов бирлиги, ҳисоб бирлиги тўғрисида "Чиқарилган" штампи босиласди. Рўйхат охирида ҳамма нусхаларда янги якуний ёзув ёзилиб, унда йигмажилд қайси хужжатларга асосан чиқарилгани кўрсатиласди.

Бир архивдан иккинчисига ўтказилаётганда фонд вараги, фонд йигмажилди, рўйхатлар берилади. Рўйхатнинг бир нусхаси хужжат топширувчи архивда хужжатларни қабул қилиш - топшириш далолатномасига (34 - илова) илова тарзида қолдирилади ва хужжатларни топширувчи архивнинг ўз архив фондига киритилади.

239. Рўйхатлар реестри (40-илова). Рўйхатлар реестри бўйича рўйхатларнинг яккама-якка ва жамлама ҳисоби юритилади. Рўйхатлар реестрлари хужжатхона ёки умуман архив доирасида олиб борилади ва бу хужжатларнинг ҳисоби чизмасида акс эттирилади. Ҳар бир рўйхатта реестр бўйича тартиб рақами кўйилиб, у рўйхат муқовасининг чап томони теппасидаги бурчакка ёзиб кўйилади.

Ҳар йили реестрга йил давомида келиб тушган ва чиқарилган рўйхатлар ҳақида ва рўйхатларнинг умумий миқдори ҳақида якуний ёзув тузилади.

240. Архив хужжатхонасининг паспорти (30-илова) - ҳар йили ҳар бир архив хужжатхонаси томонидан тузилади ва ўзига жойлаштирилган фондлар, йигмажиллар, хужжатлар ҳажмини акс этади.

241. Ўтказилиб туриладиган айрим иш турлари натижасида архив хужжатларининг миқдорий ўзгариши ҳисоби юритилади. Архив хужжатларнинг миқдори қўйидаги ҳолларда ўзгаради (кўпаяди ёки камаяди):

а) ҳисоб хужжатлари қайта текширилиб, улар натижасида сақланаётган хужжатлар ҳисобини олиб борища ҳатоликка йўл кўйилгани аниқланса;

б) хужжатлар мавжудлиги ва ҳолатини текшириш натижасида литер рақамли ҳисобга олинмаган сақлов бирликлари, ҳисоб бирликлари, шунингдек очик қолган ҳисоб рақамлари ва ҳоказолар аниқланса;

в) хужжатлар таъмирланиши оқибатида бир йигмажилд бир нечта жиддларга бўлиб ташланган бўлса ва бошқалар;

г) хужжатларни хатлаш, рўйхатларни қайта ишлаш жараёнида сақлов бирликлари бўлинганда ёки бирлаштирилганда, шунингдек фондни ташкил этувчи аниқлаштирилганда ва ҳоказо.

242. Сугурта фонди ҳажми ҳисоб бирликлари ва сақлов бирликлари билан, шунингдек қоғоз асосдаги ҳужжатлар нусхаси учун кадрлар билан ўлчанади. Бунда қоғоз асосдаги ҳужжатлардан кўчириб олинган сугурта нусхалари ва ҳужжатлардан фойдаланиш фондининг нусхалари алоҳида - алоҳида ҳисобланади.

243. Сугурта фондининг галтакли тасмадаги қоғоз асосли ҳисоб бирлиги ва сақлов бирлиги ўрнида жисмонан алоҳидалаштирилган микрофилм галтаги қабул қилинади.

244. Сугурта нусхалари ва фойдаланиш фонди нусхаларининг келиб тушиш ҳисоби (20-илова) сугурта ва фойдаланиш фонди нусхаларини тайёрлаб бериш ҳақидаги буюртмалар ва бошқа далолатномалар асосида амалга оширилади.

Сугурта фонди ва галтакли тасмада тайёрланган қоғоз асосдаги фойдаланиш фонди ҳужжатларининг келиб тушиш ҳисоби дафтарига ялпи тартибда (ҳужжатларнинг қайси фондга тегишлилигидан қатъи назар) сугурта фондининг ҳар бир сақлов бирлиги киритилади. Ҳужжатларнинг келиб тушиш дафтари бўйича (1 · банд) сугурта фонди сақлов бирликларига ҳисоб рақамлари берилиб, бу рақамлар улар архив шартли белгиларнинг таркибий қисми бўлиб қолади.

245. Сугурта нусхаларининг ҳаммасига, уларнинг қайси фондга тегишлилигидан қатъи назар, З нусхада сугурта фонди рўйхати (27-илова) тузилади. Рўйхатнинг биринчи нусхаси сугурта нусхалари билан бирга маҳсус ҳужжатхонага топширилади, иккинчи, учинчи нусхалари эса, архивда қолдирилади.

Сугурта фонди сақлов бирликларининг рақамлари уларга келиб тушиш дафтари бўйича берилган ҳисоб рақамларига мувофиқ бўлиши керак.

Сугурта фонди рўйхатларига якуний ёзув тузилади.

246. Рўйхатнинг "Изоҳ" бандида нусхаси олинган сақлов бирлигининг сарлавҳаси тўғрисига "СФ" штампи қўйилади. Рўйхатта киритилган йигмажилдларнинг ҳаммасидан нусхалар олиниб бўлингач, "СФ" штампи фақат рўйхатнинг сарварағига ва муқовасига қўйилади.

§ 6. Алоҳида қимматли ҳужжатлар ҳисобини олиб бориш

247. Ўз ичига алоҳида қимматли ҳужжатларни олган фонdlар ўзларининг тартиб рақами билан ёки аниқланишига қараб, ўз ичига алоҳида қимматли йигмажилларни олган фонdlар рўйхатига киритиладилар. Фонд рўйхатидаги 1 - баңд алоҳида қимматли йигмажиллардан иборат фонdlар миқдорини ҳисоблашга хизмат қиласди. Бу баңда қўйиладиган тартиб рақами ёрдамчи рақам ҳисобланаб, бошқа ҳисоб ҳужжатларида улардан фойдаланимайди. 2-баңда эса, алоҳида қимматли ҳужжатларнинг ўз ичига олган фонdlарни архив фонdlарининг умумий рўйхатидаги рақами сақланаб қолади. 3 - баңд фонdlарнинг охирги номи билан тўлдирилади. 4 - баңда қимматли ҳужжатлар сақлананаётган фонд вараги бўйича берилган рўйхат рақамлари кўрсатилади.

248. Алоҳида қимматли йигмажиллар рўйхати (25-илова) ёки алоҳида қимматли йигмажиллар рақамномаси (26-илова) мазкур рўйхатдаги алоҳида қимматли сақлов бирликлари, ҳисоб бирликларининг сонига қараб фонdlарнинг бир ёки бир нечта рўйхатлари ҳужжатларига архив учун нечта зарур бўлса, шунча нусхада тузилади. Алоҳида қимматли ҳужжатлар рўйхатидаги уларнинг аввалги ҳисоб рақамлари сақлаб қолинади. Рўйхатларга сарварақ тузилади.

Рўйхат ва (ёки) рақамноманинг биринчи нусхалари бир тўплам сифатида фонdlар ва рўйхатлар рақами тартибида рўйхатларни сугурта фонdlарда сакланади; алоҳида қимматли йигмажиллар рўйхатининг ёки алоҳида қимматли ҳужжатлар рақамномасининг иккинчи нусхалари рўйхатни ишғи нусхаларига кўшиб берилади, учинчи нусхаси эса, ўкувхонадаги рўйхатларга берилиши мумкин.

Рўйхат бўйича ҳужжатларнинг кўпи алоҳида қимматли бўлса, алоҳида қимматли йигмажиллар, ҳужжатларнинг алоҳида рўйхати тузilmай, бор рўйхатдан нусха кўчирилади. Бундай ҳолларда уларга шунингдек рақамнома тузилади. Бу рақамнома ҳужжатларнинг сақлов бирлиги, ҳисоб бирлиги рақамидан сугурта фонdlарнинг сақлов бирлиги рақамига ўтказувчи жадвал вазифасини ўтайди.

Сугурта фондини барпо этиш мақсадида алоҳида қимматли хужжатлардан сугурта нусхалар олингани ҳақидағи маълумотлар, улардан сугурта нусхаларнинг олинишига қараб тегишли рўйхат ёки рақамномаларга киритилади.

Якуний ёзувда рўйхат ёки рақамномага киритилган алоҳида қимматли сақлов бирликлари, ҳисоб бирликларининг умумий миқдори (сони) кўрсатилади. Мазкур рўйхат ёки рақамнома бўйича барча сақлов бирликлари, ҳисоб бирликларидан нусхалар олиб бўлинганидан сўнг: "Барча сақлов бирликлари, ҳисоб бирликларидан нусха олиб бўлинди. Санаси. Лавозим. Имзо." деб ёзиб қўйилади.

Алоҳида қимматли йигмажиллар, хужжатлар, рақамномалар рўйхати алоҳида қимматли йигмажиллар, хужжатлар, рақамномалар рўйхати реестрида (28-илюва) ҳисобга олинади.

Хужжатларни алоҳида қимматлilar тоифасига киритилганда рўйхатларнинг "Изоҳ" бандида тегишли сақлов бирликлари, ҳисоб бирликлари сарлавҳаларининг тўгрисига "АҚ" (алоҳида қимматли) белгиси қўйилади.

Фонднинг ҳисоб хужжатларида "АҚ" белгиси фонд рақамига, рўйхат рақамига қўйилади; мазкур белгилар хизмат белгилари ҳисобланниб, улар сақлов бирликлари, ҳисоб бирликларининг архив шартли белгиларига кирмайди.

249. Алоҳида қимматли хужжатларни аниқлаштириш ишлари туталланган фондларга қўшимча фонд варақчалари (32-илюва) очилиб, «Ўзархив» агентлигининг Республика каталог фондига (РКФ) ва архив ишлари бўйича худудий бошқармаларнинг фонд каталогларига тақдим этилади. Варақчанинг юз томонига "АҚ" штампи қўйилиб, архив номи, фонд рақами ва алоҳида қимматли йигмажиллар ҳажми ёзилади.

Жамланаётган фондларга фондда алоҳида қимматли хужжатларнинг мавжудлиги ҳақидағи ахборотни алоҳида қимматли хужжатлар аниқланиб бўлинганидан кейин, фондда сақлананаётган барча йигмажиллар ҳажми юзасидан кейинги йилнинг 1-январига нисбатан берилади.

Йил давомида янги келиб тушган ҳужжатлар ичидан аниқланган алоҳида қимматли ҳужжатлар сони ҳақида маълумот таркиб ва ҳажмдаги ўзгаришлар ҳақида маълумотта мустақил бўлим сифатида келаётган йилнинг 1-январи ҳолати бўйича киритилиши керак ва "АҚ" белгиси билан фонд варагчасига ёзилиши ва "Ўзархив" агентлигининг РКФга ва архив ишлари худудий бошқармаларининг фонд каталогларига юборилиши керак.

§ 7. Махфийликдан чиқарилган ҳужжатлар ҳисоби

250. Махфий ҳужжатлар ҳисоби маҳсус йўриқномалар талабларига мувофиқ олиб борилади.

251. Ҳужжатларни маҳфийликдан чиқариш натижалари бўйича ўзгаришлар ҳисоб ҳужжатларига ҳужжатларни маҳфийликдан чиқариш ҳақидалини далолатномага (41-илова) асосан киригилади.

Махфий ҳужжатлар билан бир қаторда маҳфий бўлмаган (маҳфийликдан чиқарилган) ҳужжатларни ўз ичига олган фонdlар, рўйхатлар ва саклов бирликлари ҳисоб ҳужжатларида ва саклов бирликларининг архив шартли белгиларида "ҚМ" (қисман маҳфий) индекси билан белгиланади.

252. Махфий рўйхат бўйича барча саклов бирликлари маҳфийликдан чиқарилганда рўйхатнинг ўзи ҳам маҳфийликдан чиқарилади, очик сакланувга ўтказилади ва фонд варагида ўз рақами билан, бироқ "M" (маҳфий) индексисиз қолади. Бу ҳолларда "M" индекси муқовадан ва сарварақдан учирив ташланади. Рўйхат муқовасининг теппасида, ўнг томон бурчагига ва сарварақга "Махфийликдан чиқарилган" штампи қўйилади. Бордию маҳфий рўйхат ва очик сакланувдаги рўйхат англашилмовчилик натижасида бир рақам билан ҳисобга олинган бўлса, рўйхат маҳфийликдан чиқарилаётган вақтда унга фонд вараги бўйича навбатдаги тартиб рақами берилади.

253. Махфий рўйхат бўйича ҳужжатларнинг бир қисмигина маҳфийликдан чиқарилган ҳолларда маҳфийликдан чиқарилган ҳужжатларга алоҳида рўйхат тузилади, бу рўйхатда саклов бирликларининг аввалги

рақами қолдирилади. Бундай сақлов бирликларининг ялпи рақамланиши учун одатда рўйхатнинг 2 - бандидан фойдаланилади. Бу рўйхат ҳужжатлар билан биргаликда очиқ сақланувга ўтказилади, фонд варагида аввалги, яъни маҳфийликдаги рақамлари, бироқ "М" индексисиз ҳисобга олинади. Бундай ҳолларда рўйхат рақамига "КМ" (қисман маҳфий) литерлари қўшилади.

254. Маҳфий рўйхат бўйича ҳужжатларнинг кўп қисми маҳфийликдан чиқарилган ҳолларда рўйхатдан нусха олинади. Нусха олиш жараёнида маҳфий сақланувда қолдираётган сақлов бирликларининг сарлавҳаси беркитиб турилади. Маҳфийликдан чиқарилган ҳужжатлар рўйхатининг нусхаси очиқ турдаги сақланувга ўтказилади. Рўйхатнинг маҳфий тарзда сақланадиган ҳужжатларни ўз ичига олган нусхасида уларнинг рақамланиши сақланиб қолади. Фонд варагида бундай рўйхат икки бора ҳисобга олинади: биринчиси - маҳфий тарздаги сақланувда қолдираётган рўйхат нусхаси тегиши; маҳфийлик "М" индекси билан; иккинчиси эса - "М" индексисиз очиқ турдаги сақланувга ўтказилган нусха. Шунингдек, маҳфий тарздаги сақланувда қолдираётган сақлов бирликлари сарлавҳаларини бўяб ташлаб, уларга янги маҳфий рўйхат тузиш йўли билан ҳам рўйхатни маҳфийликдан чиқариш мумкин.

255. Маҳфий рўйхат бўйича айрим сақлов бирликларини маҳфийликдан чиқаришда, улар тегиши фонднинг очиқ сақланувдаги рўйхатига литерли рақамлар билан ёки ялпи тартибда киритилиши мумкин.

256. Маҳфийликдан чиқарилгандан сўнг очиқ тарзда сақланадиган рўйхатларга уларда ҳисобга олинган сақлов бирликларининг ҳақиқий ҳажми ҳақида янги якуний ёзувлар ёзилади.

257. Фонд тўла маҳфийликдан чиқарилганда фонд рўйхатининг 1-бандидаги "КМ" ёки "М" индекслари ўчирилади, 5 - бандда эса нимага асослаганлиги - маҳфийликдан чиқарилиш далолатномасининг рақами ва санаси кўрсатилади. Агар фонд қисман маҳфийликдан чиқарилган бўлса, "КМ" ҳарфлари қўйилади. Шунга ўхшаш ўзгаришлар фонд рақамини акс этадиган ҳисоб ҳужжатларининг барчасига киритилади.

§ 8. Шахсий келиб чиқиши ҳужжатлари ҳисобининг хусусиятлари

258. Шахсий келиб чиқиши ҳужжатлари ҳисоби шахсий келиб чиқищдаги ҳужжатларни архивга қабул қилиш далолатномаси (35-илова) асосида шахсий келиб чиқиши ҳужжатлари ЎР МАФнинг таркибиға киритилганидан сўнг, ҳужжатлар эгаси билан тузилган шартномада ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш шартлари келишилгандан сўнг олиб борилади. Далолатномага ҳужжатлар эгаси ёки у билан келишган ҳолда архив ходими томонидан тузилган ва ЭТК томонидан тасдиқланган ҳужжатларни топшириш рўйхати ҳам илова этилади. Топшириш рўйхатида алоҳида қимматли ҳужжатларнинг борлиги белгилаб қўйилади.

259. Шахсий келиб чиқиши ҳужжатлари миқдори ва таркибида ҳужжатларни хатлаш жараёнида рўй берган ўзгаришлар ҳужжатларни хатлаш далолатномаси (39-илова) билан расмийлаштирилиб, улар асосида ҳисоб ҳужжатларига ўзгариш киритилади. Бундан буён архивда сақланиши лозим бўлмаган ҳужжатларга икки нусхада ҳужжатларни эгасига қайтариш далолатномаси (37-илова) тузилиб, уларнинг бири ҳужжатлар билан биргалиқда эгасига берилади.

260. Архивда ҳисобга олинмаган шахсий келиб чиқиши ҳужжатларининг сақланишига йўл қўйилмайди.

§ 9. Вактинча сақлашга қабул қилинган ҳужжатлар ҳисоби

261. ЎР МАФнинг нодавлат қисми сирасига (шу жумладан шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар ҳам) киритилган ва ҳужжатларни архивга қабул қилиш - топшириш далолатномаси асосида вактинча сақланувга қабул қилинган ҳужжатлар ЎР МАФ ҳужжатларидан алоҳида тарзда ҳисобга олинади. Улар ҳисоби учун ҳужжатхоналар фондининг алоҳида рўйхати, ҳужжатларнинг ҳужжатхонага келиб тушиши алоҳида дафтари тутиласи. Фондлар рақамланиши ҳужжатхоналар доирасида мустакил амалга оширилади.

Бундай фондларнинг асосий ҳисоб ҳужжатлари қўйидаги хусусиятларга риоя этилган ҳолда юритилади:

а) ҳужжатларнинг келиб тушиш ҳисоби дафтарининг 3-бандида ҳужжатлар эгаси кўрсатилади, 4-бандда қабул қилиш-топшириш далолатномасининг рақами ва санаси, ҳужжатларни топшириш ҳақидаги шартноманинг имзоланиш санаси ва унинг амал қилиш муддати, масалан, 2015 - йилгача ёки "депозит" - сақланиш муддати кўрсатилмаган;

б) фондлар рўйхатига киритища унинг рақамига "Д" ("Депозит") индекси қўшилади ва бу индекс барча ҳисоб ҳужжатларда ва йигмажилларнинг архив шартли белгиларида охиригача сақланади; фондлар рўйхатининг "Изоҳ" бандида ҳам ҳужжатлар эгаси, шартнома имзоланган сана ва шартноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

262. Вақтинча сақланувдаги ҳужжатларнинг сони ҳужжатхона паспортида ҳисобга олинади.

263. Вақтинча сақланувдаги, шу жумладан депозитар сақланувдаги фондлар сони фондлар рўйхатидаги якуний ёзувларда, ҳужжатларнинг келиб тушиши ҳисоби дафтарида алоҳида сатрда кўрсатилади.

264. Ҳужжатлар эгаси билан тузилган шартнома фонд йигмажилдига киритилади.

265. Шартномага мувофиқ сақланиш муддати тугагани муносабати билан ҳужжатлар чиқарилганида унинг рақамини бошқа фондга бериб бўлмайди.

§ 10. Архивнинг кутубхона фондлари ва маълумот-ахборот фондининг ҳисоби

266. Архивнинг маълумот-ахборот фонди ва ҳужжатхоналар, босма нашрлар (кутубхона фонди) ҳисоби масалан, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг кутубхона фондлари учун ўрнатган тартибига мувофиқ олиб борилади.

267. Маълумот-ахборот фонди ва босма нашрлар (кутубхона фонди) барча турдаги нашрлар (газеталардан ташқари) учун асосий ҳисоб бирлиги бўлиб нашр нусхаси ва номи ҳисобланади. Газеталарнинг асосий ҳисоб бирлиги йиллик тўплам, қўшимча - таҳдам ҳисобланади.

Кутубхона фонди ҳисоби умумий йигма (миқдорий) тарзда ва яккама-якка юритилади. Умумий йигма ҳисоби асосида кутубхона фондининг таркиби ва ҳажми ўрнатилади. Бунга фондга келиб тушган ва фонддан чиқариладиган барча нашрлар киради. Умумий йигма ҳисоб асосий ҳисоб ҳужжатлари - йигма ҳисоб дафтари ва кутубхона фонди ҳисоби дафтари бўйича юритилади.

§ 11. Ахборотлар базаси ҳисоби ва уларнинг юритишни ташкил этишга оид асосий талаблар

268. Ахборотлар базаси ҳисоби (АБ) қуийдагилар учун юритилади:

- а) ҳисоб юритишни ахборотли қўллаш учун;
- б) ҳужжатларнинг марказлашган давлат ҳисобини автоматлаштирилган тарзда юритиш учун;
- в) статистик маълумотлар, таҳлилий жадвалларни, шу жумладан архив ҳужжатларининг ҳажми, таркиби ва ҳолати ҳақидагиларни ҳам, автоматлаштирилган тартибда тайёрлаш учун;
- г) архивда у ёки бу фондни ташкил этувчининг муайян давр ичидаги ҳужжатлари мавжудми ёки йўқлиги ҳақида тезкорлик билан маълумот бериш учун.

АБ шартли белгилари рўйхати ҳисоб обьектини хатлаб кўрсатаётган асосий кўрсаттичларга мувофиқ - архив фонди, архив тўплами, сақлов бирлиги, ҳисоб бирлигига кўра шакланади. Булар рўйхатга киритилган асосий ҳисоб ҳужжатларидир. Бунда асосий ҳисоб ҳужжатларини юритиш шарт ҳисобланади.

Ҳужжатларнинг марказлашган давлат ҳисобининг умумлашма кўрсаттичлари, шунингдек уларни олиш учун зарур бўлган бошлама кўрсаттичлар, "Ўзархив" агентлиги томонидан ўрнатилган АБ ҳисоб шартли белгилари (реквизитлари) сирасига киради.

АБ ҳисоби ва анъанавий асосий ҳисоб ҳужжатларининг ворисийлиги АБда асосий ҳисоб ҳужжатлари шартли белгиларидан фойдаланиш билан таъминланади.

269. АБ ҳисоби архивнинг ҳисоб ҳужжатларига асосан тўлдирилади. АБ ҳисобини тўлдириш ва юритища

бирхилликни таъминлаш учун, ҳар бир реквизит мазмунини ва АБнинг юритишни ташкил этиш ишларини белгилаб берадиган йўриқнома ишлаб чиқилади.

Режа асосида ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 1-январ ҳолатига ҳисоб АБ ҳисобини тўлдириш бўйича ишлар амалга оширилади. Кейинчалик эса ўзгаришлар ҳисоб хужжатларига ва ҳисоб АБ ҳисобига тезкорлик билан киритилади.

У-БОБ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ ИЛМИЙ-МАЪЛУМОТНОМА АППАРАТИ

§ 1. Ҳужжатларни хатлаш

270. Ҳужжатларни хатлаш - бу ҳужжатлар ичидаги бирламчи ахборотни таҳлилий-синтетик қайта ишлаш йули билан иккиласми ҳужжатли ахборот барпо этиш, архивнинг ҳисоб ва бошқа ҳужжатларидан ҳужжатлар ҳақида бундан буён уларни ахтариш ва фойдаланиш мақсадида ахборст барпо этиш демакдир.

Хатлаш деганда ҳужжатларнинг таркиби ва мазмuni ҳақида маълумотлар, уларнинг ҳолати ҳақида маълумотлар, уларга рухсат бериш шартлари ва шу кабилар ҳақида иккиласми ҳужжатли ахборот тушунилади.

271. Ҳужжатларни хатлаш уч : фонд, сақлов бирлиги, ҳужжат босқичида амалга оширилади. Бунда фонд, сақлов бирлиги, ҳужжат хатлаш бирлиги ҳисобланади.

Куйидагилар кўп босқичли хатлашнинг асосий тамоилилари ҳисобланади: ахборотнинг хатлаш бирлигига мувофиқлиги; турли босқичдаги хатлов ахборотларининг ўзаро боғликлиги ва бир-бирини тўлдириши; турли босқичдаги хатлашда ахборотнинг қайтарилимаслиги.

Фонд босқичидаги хатлаш ўз ичига фонднинг номи, маълумотли хабарлар фонднинг ташкил этилиши тарихига ва сақланишига оид маълумотлар, аннотация, библиография, ҳужжатларга рухсат бериш ва улардан фойдаланиш шартлари ҳақида маълумотлар каби белгиларни олади.

Маълумстли хабарлар қидирув хабарлари (фонд рақамлари)дан; сақлов бирликларида ифодаланган фонд

ҳажмидан, ҳужжатларнинг чегара саналаридан; архив ичидаги илмий-маълумотнома аппаратининг мавжудлигини кўрсатишдан иборат.

Фонднинг ташкил бўлиши ва сакланувчи тарихи бўйича хабарлар (фондга оид тарихий маълумотнома) фондни ташкил этувчининг тарихи ва фонд тарихидан таркиб топади.

Фонднинг ташкил этувчини тарихи ташкилотнинг бунёд этилишидаги тарихий шароитлар таснифини, аввалги ташкилотнинг номини ўз ичига олади, унда ташкилотнинг кейинги ўзгаришлари даврий изчиликда қўйидаги маълумотлар билан кўрсатилади:

а) қонунчилик ёки фармойиш ҳужжатлари ҳавола этилган, тобелиги кўрсатилган ҳолда ташкилотнинг барпо этилган, қайта тузилган ва тутатилган саналари ; ворис ташкилотнинг номи;

б) ташкилотнинг хизмат ва вазифалари, улардаги ўзгаришлар;

в) ташкилот фаолиятининг кўлами, унга тобе ташкилотлар таркиби;

г) ташкилотнинг давлат аппарати тизимидағи, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётдаги ва бошқалардаги ўрни;

д) ташкилот тузилмаси ва унинг ўзгаришлари.

Шахсий келиб чиқиши фонди учун фонднинг ташкил этувчини тарихи қисқача таржимаи ҳол маълумотлари (фамилияси, исми, ота исми, таҳаллуси, қизлик фамилияси, ҳаёти саналари, касби, хизмат ва жамоат ҳаёти маълумотлари)дан иборат. Оилавий фонд учун шунга ухшаш маълумотлар оила аъзоларининг ҳар бирига қариндошлик муносабатига қараб кетма-кет берилади. Ижодий фаолиятига кўра бир-бири билан бοгланган бир неча шахснинг ҳужжатларидан иборат бўлган фондга бундай маълумотлар шахсларнинг ҳар бирига алоҳида маълумот фамилияларнинг алифбо тартибига кўра берилади.

272. Бирлашган архив фонdlари учун умумий фонд тарихи тузилиши мумкин ва унга қўйидаги маълумотлар киритилади:

а) фонд ҳужжатларининг архивга келиб тушган биринчи санаси, улар миқдори ва чегара саналари;

б) фонд таркиби ва ҳажмидаги ўзгаришлар, уларнинг сабаби (қимматдорлик эспертизасининг ўтказилиши, хужжатларнинг йўқолиши, хужжатлаштирилмаган даврлар);

в) хужжатларнинг сақланиш даражаси;

г) хужжатларнинг тузилиши, хатланиши ва тизимлаштирилиши хусусиятлари, фонднинг даврий чегараларидан чиқадиган хужжатлар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

д) бошқа фонdlар ёки хужжатхоналар таркибида, уларнинг сақланиш жойида фондни ташкил этувчига тегишли хужжатлар (шу жумладан шахсий таркибга оид хужжатлар)нинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

е) бошқа ташкилот ёки шахсларга тегишли (фондга киритилган) хужжатларининг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

ж) фондга илмий-маълумотнома аппаратининг таркиби.

Тарихий маълумотнома фонднинг кейинги жамланиши мобайнида, шунингдек фондни ташкил этувчи ташкилотда рўй берган кейинги ташкилий ўзгаришларда, унинг тузилмаси, вазифаси ўзгарганида ва бошқа ҳолларда ҳам тўлдириб борилади.

Шунингдек, рўйхатнинг кириш қисмида фондни ташкил этувчи тарихига оид кейинги тўлдиришлар киритилиши кўрсатиб ўтилади.

Архив тўплами учун тарихий маълумотномада унинг барпо этилишига оид маълумотлар, шу жумладан барпо этилган даври, шароити, барпо этилиши сабаблари, тузилиш тамойиллари, шунингдек тўпламнинг архивга келиб тушгунига қадар сақланган ери ҳақидаги маълумотлар берилади, унинг тузувчиси кўрсатилади.

Аннотация ўз ичига фондни ташкил этувчининг фаолияти йўналишини акс этувчи хужжатлар таркибининг мавзу бўйича, масалалар ва турлар бўйича мавзулар даврийлигини кўрсатувчи ва географик (маъмурий-худудий) чегарани белгилаб берувчи қисқача умумий таснифини олади.

Хатлов бирлигига кириш ва фойдаланиш шартлари қуидаги элементлардан ташкил топади: кириш шартлари (махфийлик, кириш чегаралари, фойдаланиш тартиби); муаллифлик ҳуқуқлари, күчириш ва фойдаланиш шартлари; ҳужжатлар тили; фойдаланиш имкониятiga таъсир этадиган жисмоний таснифлар; фойдаланиш фондининг мавжудлиги; ҳужжатнинг асл эканлиги, нусха эканлиги, ҳужжатнинг ташки ва бошқа хусусиятлари.

273. Сақлов бирлиги даражасидаги хатлашга фонд номи, фондни ташкил этувчининг тузилмавий бўлинмаси, номи, сарлавҳа, маълумотли хабарлар, ахборот ҳомили тuri, ҳужжатларга кириш ва фойдаланиш шартлари ҳақидаги ахборот киради. Сарлавҳа айрим ҳужжатлар ёки ҳужжатлар гурӯҳи аннотацияси билан тўлдирилиши мумкин.

Бошқарув ҳужжатлари ва шахсий келиб чиқиши ҳужжатлари сарлавҳаси ўз ичига қуидагиларни олади: сақлов бирлиги ёки ҳужжатлар тури (турлари); ҳужжатлар юборилган ёки олинган ташкилот, шахснинг лавозими ёки фамилияси (тўлик), исми ва ота исмининг бош ҳарфлари (адресат, мухбир); сақлов бирлиги ҳужжатлари мазмуни предмети, ходиса, факт, тегишли бўлган шахс исми; йигмажилд ҳужжатлари мазмуни боғлиқ бўлган жой номи, муалиф, юборувчи ёки ҳужжатлар мухбири; воқеалар санаси. Сарлавҳанинг "Муаллифи аниқланмаган", "санаси йўқ", "... йилдан олдин эмас" каби кўринишларига ҳам рухсат этилади.

Сақлов бирлиги сарлавҳаси унга кўра мавжудлигини аниқлаб бўлмайдиган айрим ҳужжатлар ёки ҳужжатлар гурӯҳи аннотацияси билан тўлдирилиши мумкин. Алоҳида қимматли ҳужжатлар, аввал фаолият кўрсатган ташкилотлар ҳужжатлари, ижтимоий-ҳуқуқий сўровлар ижроси учун аҳамиятта эга бўлган, шахсий таркиб бўйича маълумотларга эга бўлган ҳужжатларга аннотация тузилади.

Сарлавҳани тузиш (аниқлаштириш) услубига оид асосий талаблар: сарлавҳа матни йигмажиллар ҳужжатларининг мазмуни маъносини умумий тарзда ва аниқ акс этади; сарлавҳада айрим ҳужжатларнинг номини санаб ўтишга йўл қўйилмайди; ҳужжатларнинг мазмуни сарлавҳада ҳозирги тилда аниқ, кириш сузларсиз ва мураккаб синтаксис ибораларсиз баён этилади, айрим атамалар, шунингдек

муассасалар, маъмурий-худудий бирликларнинг давр учун хос бўлган ва унинг хусусиятларини ифода этган номи, географик номлар сакланади; сарлавҳада ноаниқ, ҳужжатнинг мазмун - моҳиятини очмайдиган ибораларга ("турли ёзишма", "умумий ёзишма", "амал қилиш қофозлари" ва шунга ўхшаш) йўл қўйилмайди; тарихий мартабалар, мансаблар, унвонлар, лавозимлар бу тушунчалар маъносини англатадиган сўзлар (император, губернатор ва шу кабилар) билан, алоҳида хурмат, эҳтиромни ифода этадиган сифат (жаноби олийлари, зоти улуғлари ва шу каби)ларни қўшиб кўрсатилади; йигмажилд таркибини таснифлайдиган сақлов бирлиги тури (йигмажилд ёзишма, журнал, китоб, дафтар ва шу кабилар) ёки ҳужжатлар тури (баённомалар, маърузалар, циркулярлар, буйруқлар, ҳисботлар, далолатномалар ва шу кабилар) сарлавҳадан олдин (русчада - олдин, ўзбекчада - кейин, тарж.) кўрсатилади. Мисол учун: "У.Юсупвонинг Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг совет адабиётининг 25 йиллигига бағишиланган пленумида сўзлаган нутқи стенограммаси." ("Ўзбекистон ёзувчилари союзи" фонди).

Агар сақлов бирлиги тури бўйича ҳар хил ҳужжатлардан таркиб топган бўлса-ю, бироқ улар мазмунининг бирлиги ҳамда иш юритишида аниқ бир масала (иш) бўйича узвий боғланган бўлса, бундай ҳужжатлар сарлавҳасини тузища "иш" тушунчаси кўлланилади. Бу тушунча асосан суд, тергов, шахсий ишлар хатловида кўлланилади.

Мисоллар:

"Ўзган волости овуллари оқсоқоллари бой элликбошилари ва аҳолининг 1899-йилда ўз ораларидан ҳалқ қозисини сайлашга ижозат этишлари ҳақидаги сурвнома иши" ("Фарғона вилояти бошқармаси" фонди).

"Ўз ССР фан арбоби, математик, Ўз ССР ФА академиги В.И. Романовскийнинг (1897 - 1954 й.й.) шахсий иши" ("Ўрта Осиё давлат университети" фонди).

Б.Ш. Иброҳимовни давлат мулкини ўғирлаганликда айблаш бўйича жиноий иши" ("Ўз ССР Олий суди" фонди).

Ҳужжат мухбири (муаллифи) йигмажилд (ҳужжат) тури ёзилгандан кейин ташкилотнинг расмий номи шаклида ёки алоҳида шахснинг фамилияси, лавозими, унвони, касби тариқасида кўрсатилади.

Мисол:

"ЎзССР Молия вазирлиги билан Тошкент шаҳрида метро курилишини молиялаштириш ҳақида ёзишма".

Агар сақлов бирлиги таркиби "ёзишмалар"дан иборат бўлса, сарлавҳада фақат мухбирлар номи кўрсатилади, фондни ташкил этувчи ташкилот номи эса, одатда ёзилмайди.

Мисол:

"ЎзССР халқ рассоми Л. Абдуллаев билан унинг асарлари кўргазмасини ташкил қилиш ҳақида ёзишма" ("ЎзССР Маданият вазирлигининг бадиий кўргазмалар ва панорамалар дирекцияси" фонд)."

Агар ёзишмалар турдош мухбирлар билан олиб борилган бўлса, сарлавҳада мухбирларнинг умумий турдаги номи кўрсатилади.

Мисол: "Вилоят сув хўжалиги бўлимлари билан ирригация ишларининг бориши ҳақидаги ёзишма" ("Туркレスпубликаси Дехқончилик халқ комисарлигининг сув хўжалиги бошқармаси" фонд).

Агар сақлов бирлиги бир масалага тегишли бир неча хил ҳужжатлардан таркиб топган бўлсаю, бироқ иш юритишида бир-бiri билан узвий боғликлиги бўлмаса, бундай ҳужжатлар сарлавҳасини тузища "ҳужжатлар" тушунчаси ишлатилади ва қавс ичida ҳужжатларнинг асосий турлари кўрсатилади.

Мисол:

"Фаргона вилоятида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар (баённомалар, ҳисоботлар, маълумотномалар ва бошқалар)".

Агар сақлов бирлиги бир турдаги ҳужжатлардан иборат бўлса, сарлавҳага ҳужжатлар номи кўплиқда ёзилади.

Мисол:

"ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 1972-йил январ-декабр ойлари мобайнидаги 1-579-сонли қарорлари".

Ҳужжатлар мазмунини ифода эттан предмет (масала)нинг баёни сарлавҳанинг асосий қисми ҳисобланади ва у одатда йигмажилд тури, муаллифи, ҳужжатлар мухбири (олувчи) кўрсатилгандан кейин ёзилади.

Хужжатлар мазмунини акс этадиган предмет (масала)ни сарлавҳада баён этища қўйидагиларга риоя этиш лозим: ҳужжатлар мазмуни бирон бир ташкилот ёки шахсларга алоқадор бўлган ҳолларда, сарлавҳада ташкилотнинг тўлиқ ёки расман қисқартирилган номлари, шахсларнинг фамилиялари, исми ва ота исмларининг бош ҳарфлари, лавозим ва унвонлари, исми ва ота исмларининг бош ҳарфлари, лавозим ва унвонлари, касблари кўрсатилган ҳолда ёзилади; ҳужжатларда бир неча ташкилот ёки шахслар назарда тутилган ҳолларда уларнинг турдошлик тушунчаси берилади; суд ишлари сарлавҳасида шахсларнинг фамилияси ва ота исми (ёки бош ҳарфлари)дан ташқари иш моҳияти очиб берилади; агар ҳужжатлар сақлов бирлиги мазмуни бир умумий масаланинг бўлаги ҳисобланган бир нечта масалага алоқадор бўлса, сарлавҳада умумий масала шахсий масалаларни ҳам қамраб оладиган тарзда баён этилади.

Мисол:

"Вилоятлар спорт қўмиталари билан Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятларида оммавий - жисмоний тарбия ҳамда согломлаштириш ишларининг бориши аҳволи ва уларни янада ривожлантириш ҳақида ёзишмалар" (йигмажилда ЎзССР Давлат спорт қўмитаси нинг Самарқанд, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари спорт қўмиталари билан спорт жамиятлари, спорт клублари, лагерлари, спорт мактабларини ташкил этиш ва улар ишининг бориши, жисмоний тарбия жамоалари ўртасида мусобақалар ташкил этиш ва улар якуни, оммавий соғломлаштириш ишларининг бориши ҳақидаги ёзишмалари жамланган. Сарлавҳада бу ҳужжатлар мазмуни умумлаштирилган тарзда берилиб, жузъий масалалар санаб ўтилмаган).

Жой номлари (аҳоли истиқомат қиласиган ерлар, географик обьектлар, маъмурий-худудий бирликлар) йигмажилд сарлавҳасида воқеа- ҳодисалар содир бўлган жой ёки ҳужжатлар муаллифлари (олувчилик, мухбирлар)нинг қаерда жойлашганини кўрсатиш зарур бўлган ҳоллардагина кўрсатилади.

Мисол:

"Бутуниттифоқ Чирчиқ давлат қурилиш-монтаж трести "Чирчиқстрой" фаолиятига раҳбарлик ва назорат қилиш бўйича йигмажилд".

Йигмажилд тури ёки ҳужжат тури кўрсатилгандан кейин сарлавҳада йигмажилдга киритилган ҳужжатлар муаллифи (ташкилот ёки шахс) кўрсатилади. Агар ҳужжатлар муаллифи ташкилот бўлиб, ҳужжатлар унинг фаолияти жараёнида йигилган бўлса, йигмажилд сарлавҳасида ташкилот номи ё тушириб қолдирилади ёки унинг умумий турдаги номи (қўмита, суд, комиссия ва шу кабилар) келтирилади.

Мисоллар:

"ЎзССР Маҳаллий саноати вазирлигининг 1986-йилга оид 1 - 583 - сонли буйруқлари".

"Туркレスпублика Реввоенсоветининг Оренбург фронти Актюбинск оператив штабига Қизил Армиянинг Оренбург шаҳрини олгани ва душманни тормор қилгани ҳақидаги телеграммаси."

"ЎзССР халқ бадиий ҳунармандчилик корхоналари билан уларнинг Бельгия ва Швециядаги халқаро амалий санъат кўргазмасида иштирок этиши ҳақидаги ёзишмалари."

Аҳоли истиқомат қилган ерлари ва маъмурий - ҳудудий бирликлар номлари аҳолининг кўпайиб бориш тартибида (сонига қараб) берилади: қишлоқ, овул, шаҳар, туман (уезд), вилоят, округ, республика ва шу каби.

Ҳужжатларда баён этилган воқеалар санаси сарлавҳага фақат бу аниқ сана воқеалар ва фактлар ўртасида тарихий алоқа борлигини кўрсаттан ва ҳужжатларнинг аниқ мазмунини тушунишга ёрдам берган тақдирдагина ёзилади.

Мисол:

"Самарқанд шаҳри полицмейстериининг Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига социал - демократик партияининг 1906 - йилдаги фаолияти ҳақида рапортлари."

Агар йигмажилд бир ҳужжатдан таркиб топган бўлса, сарлавҳада ҳужжат тури, кимдан чиқарилгани, кимга жўнатилаёттани, санаси ва қисқа мазмуни ёзилади.

Мисол:

"Степной генерал-губернаторининг Туркистон генерал-губернаторига 1889-йил май ойида Верний шаҳрида бўлиб ўтган қаттиқ зилзиладан жабр курғанлар фойдасига хайрия йигишни ташкил этиш тұғрисидаги хати".

Режа ва ҳисоботлардан таркиб топган йигмажилдарни хатлаш жараёнида сарлавҳада режа қайси йил (давр)га тузилгани, қайси йил (давр) учун ҳисобот бериләёттани күрсатилади.

Мисоллар:

"ЎзССР Педагогика фанлари илмий - тадқиқот институтининг 1989 йилга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режаси"

"ЎзССР Марказий давлат архивининг 1975-йилда архив ишининг ривожланиши ҳақидағи ҳисоботи"

Агар йигмажилд бир неча жиллардан иборат бўлса, ҳамма жилларга умумий сарлавҳа берилади ва ундан кейин (зарурат бўлса) ҳар бир жилдинг мазмуни алоҳида-алоҳида кўрсатилади.

Мисол:

"ЎзССР Халқ таълим мининг 1956 -1960-йиллардаги ривожи ҳақида статистик маълумотлар. 1-жиҳд. Мактабгача тарбия."

"ЎзССР Халқ таълим мининг 1956-1960- йиллардаги ривожи ҳақида статистик маълумотлар. 5-жиҳд. Олий таълим."

Сарлавҳа тузувчининг ўз тадқиқотлари натижасида аниқлаб сарлавҳага киритган маълумотлари (фамилия, исм, ота исми, жой номи, ташкилот номи ва бошқалар) тўртбурчак қавсларга олинади.

Мисоллар:

"Аширмат. ["Солдат дафтари"]. Шеърлар. Муаллифнинг ўзбек тилидаги қўлёзмаси. 1947й."

"Николай Парфириевич Архангельскийнинг Софья Михайловна [Круковская]га мактуби. 1971-йил."

Бошқарув ҳужжатлари ва шахсий келиб чиқиши ҳужжатларининг сарлавҳасига тузилган аннотациялар алоҳида ҳужжатлар, сақлов бирлиги гуруҳининг мазмунини очиб беради.

Агар йигмажилд ўзининг ташқи хусусиятларига кўра фонднинг аксарият бошқа материаларидан фарқ қиласа, уни хатлаш мобайнида фарқли хусусиятлари нимадан иборат эканлиги кўрсатилиши зарур.

Йигмажиллар ва ҳужжатлар ташқи кўринишидаги ўзига хослиги деганда куйидагилар назарда тутилади: алоҳида ёзма материал (пергамент, шойи, береста ва шу кабилар); муқова ва жиљда ишлатилган алоҳида материал (тери, ёғоч, гул босилган мато ва шу кабилар); муқовада безакларнинг мавжудлиги, матнга расм ишлатилиши ёки безатилиши; ҳужжатлар тилининг фонддаги бошқа ҳужжатлар тилидан бўлакчалиги; муҳр, босма, илова этилаётган қозоз, мато намуналарининг мавжудлиги ва бошқалар.

Йигмажилд ҳужжатларининг тўлиқлик даражаси ҳақидаги, ҳужжатларни қайта тиклаш усуллари, ҳужжатларнинг ташқи ва бошқа ўзига хослиги ҳақидаги маълумотлар сарлавҳа ва аннотациядан кейин хат бошидан ёзилади.

Йигмажилд ҳужжатларининг чегара саналарини аниқлаш ва белгилаш. Саналарнинг тўлиқлик даражаси ҳужжатлар хусусиятига бοғлиқ. Одатда фармойиш ҳужжатлар, ижодий ҳужжатлар, бир масалага оид йигмажиллар, шунингдек саналарнинг тўлиқ кўйилиши муҳим аҳамият касб этадиган ҳужжатлар (маърузалар, стенограммалар, мактублар ва шу кабилар)да саналар тўлиқ (йил, ой, кун) кўрсатилади.

Йигмажилларни ташкил этган ҳужжатларнинг чегара саналарини аниқлашда қуйидагиларга эътибор бериш керак: энг аввалги ҳужжатнинг тузилиш (рўйхатта олиш) санаси йигмажилдинг бошлиғинич санаси ҳисобланади, энг охирги ҳужжатнинг тузилиш (рўйхатта олиш) санаси охирги сана ҳисобланади; фармонлар, қарорлар, фармойишилар, ёрлиқлар, шартномалар, бўйруклар ва шу кабиларнинг санаси улар имзоланган даврдан кўрсатилади; агар ҳужжатларга сана қўйилмаган бўлса, улар санаси эълон қилинган кундан ёки

амалга киригилган кундан белгиланади; режалар, ҳисоботлар ва шу каби ҳужжатларга чегара сана қўйилмайди; агар йигмажилдга илова қилинган ҳужжатлар санаси йигмажиддаги энг аввалги ҳужжатдан олдин бўлса, улар санасига хат бошидан "... йилга оид ҳужжатлар мавжуд" деган эслатма берилади; агар йигмажилд китоблар ёки ўрамлардан ташкил топган бўлса, улар учун биринчи ва охирги ёзув саналари ёки нисбатан аввалги ва нисбатан кейинги ҳужжатлар санаси чегара сана ҳисобланади. Аҳоли арзлари баёни ва сўровномалари (арзномалар, аҳоли рўйхати, ер тақсимоти ва бошқалар) қайднома дафтарларида котибга берилган арзнома ва хатлов тугатилган саналар чегара саналари ҳисобланади; агар йигмажилд асл нусха ҳужжатлар тузилиб бўлинганидан кейин ёки фондни ташкил этувчининг иш учун ҳужжатларни олганидан (масалан таҳририятлар фондларида, турли комиссияларда ва шу кабиларда) анча кейин тайёрланган нусхалардан иборат бўлса, улар тайёрланган саналар чегара саналари ҳисобланаб, асл нусхалар саналари сарлавҳада келтирилади.

Мисоллар:

"М. Е. Массоннинг брошюралари: "Ўрта Осиёдаги танга топилмалар. 1917-1927 й.й." ва "XIV асрда Тошкент яқинидаги сохта танга босувчи устахонанинг ашёлар омборхонаси."Босма нусхалар". Чегара саналар: 1983-й. январ-март. (фондни ташкил этувчи -"Николай Парфирьевич Архангелский (1891-...) - ўқитувчи" шахсий фонди".

"В. Наливкиннинг маърузалари: "Ўрта Осиё мусулмон мактабининг 1900-йилдаги таълим ва тарбиядаги моҳияти тўғрисида" ва "Туркистон ўлкасида мадрасаларнинг 1891-йилдаги аҳволи ҳақида." Нусхалар. Чегара саналар: 1991-й. май - июн. (фондни ташкил этувчи - "Николай Парфирьевич Архангелский (1891-...) - ўқитувчи" шахсий фонди".

Агар йигмажилд бир ташкилотда бошланиб, бошқа ташкилотда тугатилган ҳолларда уч сана кўрсатилади: йигмажилдинг биринчи муассаса иш юритишида бошланган санаси, йигмажилдинг иккинчи муассасага келиб тушган санаси ва унинг шу муассаса иш юритишида тугатилган санаси; дастлабки икки сана каср чизиги тариқасида кўрсатилади.

Саналарни кўрсатишида аввал кун, кейин ой, сўнгра йил ёзилади.

Хужжатларнинг ўзига қайси усуlda сана қўйилган бўлса, саналар шу усуlda (бошқа усула кўчирилмай) кўрсатилади. Қуйидагилар бундан мустаснодир: эски услубдан янги услубга ўтиш, яъни 1918-йилнинг 14-февралидан 1-июлигача бўлган даврда саналанганд ҳужжатларни ўз таркибига олган йигмажиллар. Бу ҳужжатларда сана аввалига янги услубда, кейин эса қавс ичида эски услубда берилади. Масалан: 1918-йил 8-май (25-апрел); ўз ичига эски услубдаги сананинг янги услубга кўчирилгунинг қадар ташкил топган ва халқаро аҳамиятга молик бўлган воқеаларга алоқадор бўлган ҳужжатларни қамраб олган йигмажиллар. Уларда сана эски усуlda ёзилади ва кейин қавс ичида янги услубда кўрсатилади.

Барча ҳужжатларга ҳозирги замон йил ҳисоби бўйича сана қўйилади.

Дунё яралгандан бериги эралар йиллари, хижрий ва бошқача йил ҳисоблари ҳозирги замон йил ҳисобига ўтказилади. Ҳужжатларда кўрсатилган бошқача йил ҳисобидаги саналар ҳозирги йил ҳисобидаги саналардан сўнг қавс ичида берилади.

Агар тўлиқ саналар ёки уларнинг алоҳида унсурлари ҳужжат мазмунини таҳдил этиш асосида тахминан белгиланаётган бўлса, тахминийлик чегаралари қайдланади, саналар ёки уларнинг алоҳида унсурлари эса тўртбурчакли қавс ичига олинади. Аниқ ва ишончли бўлмаган тўла ёки унинг алоҳида унсурлари ёнида доим сўроқ белгиси билан ёзилади.

Мисол: [1919-йилдан оддин эмас]; 1920-йил [апрелдан оддин -майдан кеч эмас]; 1939-йил [апрели 25дан оддин эмас]; 1954-йил 15 [январ]; [1954-йил] 15-январ; [1954-йил 15-январ].

Саналарни нисбатан озми - кўпми аниқроқ аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ҳужжатларнинг мазмунни, шакли, услуби ва палеографик хусусиятлари (дастхат, филигран, ёзилган материали ва ҳоказо) дан келиб чиқиб, мазкур йигмажилд қайси аср (ёки асрнинг қайси бўлаги)га тегишли эканини кўрсатиш зарур.

Маълумотнома маълумотлари ўз ичига қидирув маълумотлари (фонд рақами, рўйхат рақами, сақлов бирлигининг рўйхат бўйича рақами)ни, ҳужжатларнинг чегара саналари (хужжатларнинг барпо этилиш саналари)ни, вараклар сонини олади.

274. **Ҳужжат** доирасидаги хатлов ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) ҳужжат сарлавҳаси: ҳужжатлар турининг номи, муаллифи, олевчи (мухбир), ҳужжатнинг мазмунига алоқадор масала ёки предмет, воқеа, факт, исм, ҳужжат мазмуни боғлиқ бўлган жой номи, ҳужжатнинг муаллифи ёки муҳбири, ҳужжатда баён этилган воқеалар санаси;

б) маълумотнома маълумотлари (фонд рақами, рўйхат рақами, сақлов бирлигининг рўйхат бўйича рақами, вараклар рақами, ҳужжатнинг барпо этилган санаси);

в) ахборот ташувчи ҳомил тури;

г) ҳужжатларга рухсат олиш ва улардан фойдаланиш шартлари ҳақидаги ахборот.

Сарлавҳа аннотация билан тўлдирилиши, унда ҳужжатнинг сарлавҳасида акс этилмаган ҳужжат мазмуни ёритиб берилиши, йигмажилд асосига қўйилган масалаларга эътибор қаратилиши мумкин. Аннотация одатда сарлавҳадан кейин, хат бошидан ёзилади.

Чизмали ва бошқа расмли ҳужжатларда ҳужжатнинг материали, тури, ҳажми ва унинг қандай восита билан ижро этилганлигини кўрсатиш, карталарда эса масштабни кўрсатиш тавсия этилади. Аннотацияда, шунингдек ҳужжатларда тилга олиб ўтилган ва аҳамиятга эга бўлган шахслар номи, ташкилотлар номи, географик номлар ва бошқалар ҳам келтирилиши мумкин (улар аннотация охирида "эслатиб ўтилган" рукни остида санаб ўтилади).

Аннотация охирида маълумотларнинг тавсилотлиги даражаси ("қисқача маълумотлар", батафсил хабар) кўрсатилиши мумкин. Ҳужжатларга аннотация ёзилганда асосий мазмунни ифода этмайдиган жумла ва ибораларни ("ҳужжатлар мазмуни қуийдагилардан иборат", "фалонга тегишли ҳужжатлар"), шунингдек "жуда қимматли ҳужжатлар", "жуда қизиқарли ҳужжатлар" каби гапларни қўлламаслик керак.

Хужжатлар хатланаёттанида уларнинг асли ёки нусхаси эканлиги кўрсатилади. Алоҳида қимматли хужжатлар хатланаёттанида уларнинг асли ёки нусхаси эканлиги аниқланиб кўрсатилади. Хужжатларнинг асл нусха эканлигининг белгилари қуийдагилардан иборат: ташкилотнинг расмий бланки, мансабдор шахс имзоси, муҳр ва шу кабиларнинг мавжудлиги; шахсий келиб чиқиш хужжатлари учун - уларнинг дастхатлилиги ёки хужжат эгаси имзосининг мавжудлиги. Хужжатларнинг асллилиги ёки нусха эканлиги сарлавҳадан кейин бош ҳарф билан кўрсатилади.

Сарлавҳада кўрсатилган бошқа хужжатлар сирасида бир ёки бир нечта хужжат асл ёки нусха бўлса, уларнинг асллилиги ёки нусха эканлиги сарлавҳада кўрсатилган хужжат ортидан бош ҳарфлар билан кўрсатилиши керак. Агар йигмажилд хужжатлари аннотациялаштирилаёттан бўлса, хужжатларнинг асли ёки нусха эканлиги аннотациядан кейин бош ҳарфлар билан кўрсатилади.

Агар йигмажилд алоҳида қимматли, бироқ тўлиқ сақланмаган хужжатлардан таркиб топган бўлса, уларнинг тўлиқлик даражаси: "парча", "тарқоқ варақлар", "бош қисми йўқ", "окирги қисми йўқ" кабиларда кўрсатилади.

Хужжатнинг қайта тиклаш воситаси агар бу восита хужжатларнинг бу тури (хили) учун бошқача бўлса, ёки хужжат мазмуни учун алоҳида аҳамиятга молик бўлсагина кўрсатилади.

Хужжатларни қайта тиклаш воситасини белгилаш учун қуийдаги атамалар ишлатилади: "қўлёзма", "дастхат", "машинали ёзув", "босма", "гектограф", "стеклограф", "босма тахталардан туширилган", "компьютерли ёзув" ва бошқалар.

§ 2. Илмий-маълумотнома аппарати

275. Илмий-маълумотнома аппарати (ИМА) - архив маълумотномаларининг турли хилида тақдим этилган, хужжатларни ва хужжатли ахборотни ахтаришга мўлжалланган хужжатларни хатлаш унсурлари тузилмасидан иборат йигиндиси (иккиламчи хужжатли ахборот)дир.

276. Архив хужжатлариға илмий маълумотнома аппарати тизими (ИМАТ) - ягона илмий - услугий асосда хужжатлардан самарали фойдаланиш мақсадида хужжатлар ва хужжатли ахборотни қидириш учун тузилган архив маълумотномаларининг бир - бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тұлдирувчи туркумидир.

277. ИМАТ таркибига рўйхатлар, архив бўйича йўлкўрсаттич, каталоглар киради. Кўрсаттичлар, хужжатлар шарҳи эса ИМАТнинг кўшимча унсурлари (элементлари) ҳисобланади.

278. Ташкилотлар иш юритишида, ташкилот архивларининг ИМАДа ва давлат архивларининг ИМАТДа барпо этиладиган илмий-маълумотнома аппаратининг ворисийлиги айнан ИМА тизимида амалга оширилади.

Архив ИМАлари ва давлат архивлари ИМАТларининг ворисийлиги улар тузилишига нисбатан билдириладиган талаблар ва тамойилларнинг бирлигига асосланади. Бу ворисийлик ташкилотлар иш юритишида ва идоравий архивларда йигмажиллар, хужжатлар рўйхатини тузганида уларга маълумотнома аппаратини ҳам тузиш шартлигини назарда тутади. Архив ташкилотларининг ЭТК си томонидан тасдиқланадиган З нусхадан иборат рўйхатларни (рўйхатнинг йиллик бўлимлари) архивлар хужжатларни доимий сакланувга давлат архивларига топширгунига қадар ўзларида саклаб турадилар. Хужжатлар доимий сакланувга топширилганидан кейин улар архив ИМАТнинг бир бўлагини ташкил этади.

279. ИМАТни тузиш ва уни ривожлантирища табақалаштирилган ёндошув кулланилади. Бундай ёндошув архив маълумотномаларининг мақсадли таркибини танлаш, хатловни тузиш ва уни такомиллаштириш, хужжатларга маълумотнома аппарати таркибини ва уни тұлдирishiнинг муайян услугини танлаш, фондларнинг ахборотдорлик мөхияти, унда сакланаёттан хужжатларнинг хусусияти ва уларга тузилган илмий-маълумотнома аппаратининг ҳолатидан, амалдаги талабидан келиб чиқсан ҳолда фондлар билан ишлаш навбатини белгилашдан иборатдир. Кўп қамровли ва тармоқлараро ахборотни саклаёттан

фондлар хужжатлари ҳамда алоҳида қимматли хужжатларни сақлаётган шахсий келиб чиқиши фондлари биринчи навбатда хатланади; рўйхатлар, «Сўз бошига» қисмига¹⁰ эга бўлиши ва улар турли шакдаги кўрсатичлар билан таъминланиши зарур.

280. Бир тармоқ бўйича ёки фаслиятнинг бир йўналиши бўйича ахборот сақлайдиган ташкилот фондларининг рўйхатлари сўз бошидан ташқари яна рўйхатларга кўрсатичлар (предметли ёки унинг хили - географик кўрсатич ёхуд маҳсус предметли кўрсатич) билан ҳам таъминланиши мумкин.

281. Бир мавзу бўйича ёки юқорида кўрсатилган фондларга кўшимишча тарзида ахборотни сақлайдиган фондлар рўйхатлари фақат сарварақтагина эга бўлишлари мумкин.

282. ИМА ни барпо қилишда ва такомиллаштиришда мустакил рўйхатга эга бўлган фонднинг алоҳида қисмлари хужжатларнинг ахборотдорлик можиятига кўра турлича илмий-маълумотнома аппаратига эга бўлишлари мумкин. Бирлашган фондлар учун ҳам улар таркибига кирган бўлимларнинг ахборотдорлигига кўра ИМАни тузишда табақалаштирилган ёндошув кўлланилади.

283. Архив ИМАтини такомиллаштириш йўлларини аниқлаш учун унинг бор унсурларини ҳаммаси (ИМА ҳолати ҳисоби журнали, картотека) таҳлил қилиниб, ҳисоби олиб борилади

ИМАТ ҳолатининг ҳисобини олиб борища қуидагилар кўрсатилади: фонд рақами, рўйхат рақами, ИМАнинг мавжуд турлари.

§3. Архив маълумотномалари

284. Архив маълумотномалари ўзларининг мақсадли вазифаларига кўра рўйхат, йўлкўрсатич, каталог, кўрсатич, шарҳ каби турларга бўлинадилар. Ўз навбатида уларнинг ҳар бири яна турлар ва хилларга эга.

Архив маълумотномалари архивлараро, фондлараро, фонд ичидағи маълумотномаларга бўлинади.

285. Йигмажиллар, хужжатлар рўйхати (24, 24а-илова) - сақлов бирликлари, ҳисоб бирликларининг таркиби ва мазмунини очиб беришга, уларнинг фонд ичида тизимлаштирилишини мустаҳкамлашга ва улар ҳисобини олиб боришига қаратилган архив маълумотномасидир.

¹⁰ Бундан кейин матнда «Сўз боши» деб ишлатилади

Хужжатлар рўйхатини тузиш ташкилот архивида амалга оширилади.

Давлат архивларидағи рўйхат тузиш рўйхатта олинмай келиб тушган ҳужжатларни рўйхатта олиш ва сифатсиз рўйхатларни такомиллаштириш ва қайта ишлаш жараёнида амалга оширилади. Давлат архиви уч нусхадан иборат рўйхатта эга бўлиши керак: уларнинг биттаси сугурга (назорат) рўйхати бўлиб, иккитаси ишчи нусхалардир. Рўйхатнинг назорат нусхаси архив ҳужжатларининг марказлашган ҳисобини олиб борадиган бўлинмасида, ишчи нусхалар эса тегишли ҳужжатхоналарда, ўқувхоналарида сакланади. Рўйхатлар фондларнинг тартиб рақамига кўра, фонддан ташқарида эса, рўйхатлар рақамига кўра сакланади.

Рўйхат ҳужжатларнинг тавсифий мақолаларидан, якуний ёзувдан, тасдиқ варагидан ва рўйхатларга тузилган маълумотнома аппаратидан иборат бўлади.

Рўйхатта олишда сақлов бирлиги, ҳисоб бирликлари рўйхат обьекти ҳисобланади. Сақлов бирликлари (йигмажиллар) ҳужжатлар қайси тиlda тузилган бўлса, ўша тиlda ифода этилади.

286. Рўйхат олиш жараёни қўйидагилар: сақлов бирликлари (ҳар бир сақлов бирлиги)ни варакчаларда қайд этиш; варакчаларни чизмаларга мувофиқ равишда тизимлаштириш; уларни тахrir қилиш; рўйхатни расмийлаштиришдан иборат бўлади:

а) хатловнинг баёни мақоласи - йигмажилд ҳақидаги маълумотлар йигиндиси бўлиб, у қўйидаги унсур (элемент)лар: сақлов бирлиги, ҳисоб бирлигининг тартиб рақамидан; иш юритиш индекси (рақами) ёки эски инвентар рақамидан; сақлов бирлигининг, сарлавҳаси ҳисоб бирлигидан (273, 274-бандалрга қаралсин); ҳужжатларнинг чегара саналаридан, сақлов бирлигидаги вараклар сонидан иборат бўлади;

б) хатловнинг маълумотнома аппаратига сарварақ; мазмун (мундарижка); сўз боши (кириц); қисқартмалар рўйхати; кўчирма жадваллар (рўйхат қайта ишланган ҳолларда), кўрсатичлар киради.

Рўйхатнинг сарварагига архивнинг тўлиқ номи; фонд номи; фонд рақами; рўйхат рақами; рўйхат номи; рўйхатта киритилган ҳужжатларнинг чегара саналари ёзилади. Бунда

хатлов муқовасига фонднинг охирги номи кўрсатилишини назарда тутиш керак.

Рўйхатнинг сарвараги тузилаёттанида фонднинг номи фондни ташкил этувчи муассасанинг расмий номи сифатида тўлиқ ёзилишини, хужжатлари рўйхатга киритилган давр учун даврий изчилликда унда рўй берган барча ном ўзгаришлар, тобе қарамлигидаги ўзгаришларни ва қисқартма номларини (ёйсимон қавс ичида) келтириш зарурлигини назарга олиш керак. Бирлашган фондлар учун уларнинг тўлиқ номи кўрсатилади; агар рўйхатта бир неча йиллик йигмажиллар сурункали эмас, узилишлар билан киритилган бўлса, сарварақقا хужжатлари мавжуд бўлган йилларгина ёзилади.

Рўйхатнинг мундарижаси (мазмунни)да сўз боши, қисқартмалар рўйхати, рўйхатта киритилган барча бўлимлар, бўлинмалар ва йигмажилларнинг нисбатан майда гуруҳлари номи, кўрсаттичлар, шартли белгиларнинг кўчирма жадвамлари санаб ўтилади. Ҳар бир ном қаршисига рўйхат варакларининг тегишли рақами номи қўйилади.

Сўз боши фонднинг барча рўйхатларига умумий қилиб тузилгани каби, алоҳида рўйхатта (272- бандга қаралсин) тузилиши ҳам мумкин. Сўз бошида фондни ташкил қиувчининг тарихи, фонд тарихи, фонд хужжатларининг таркиби ва қисқача мазмуни (аннотацияси) баён этилади, бунда сақлов бирликларининг тури ва хиллари бўйича, мазмуни бўйича нисбатан умумий гуруҳлари ажратиб кўрсатилади; рўйхатларга маълумотнома ашпарати таркиби баён этилади.

Фонд рўйхатларига умумий сўз боши биринчи рўйхатта жойлаштирилади. Фонднинг ҳар бир рўйхатига алоҳида сўз боши тузилганида фондни ташкил этувчи муассаса тарихига оид ва фонд тарихига оид барча умумий маълумотлар биринчи рўйхат сўз бошига киритилади.

Агар бирлашган фондлар таркибига кирган фондлар битта рўйхатта киритилган бўлса, уларга умумий муқаддима тузилади. Бундан ташқари бирлашган фонд таркибига киритилган фондларга алоҳида сўз боши тузилади. Бундай ҳолларда бирлашган фондга ва унинг алоҳида фондларига ва уларнинг рўйхатларига тегишли

бўлган умумий маълумотлар умумий сўз бошига киритилади. Алоҳида фонdlар рўйхатларига тузилган муқаддималарда фақат шу фонdlарга тегишли бўлган маълумотлар берилади ва умумий сўз бошига ҳавола қилинади.

Қисқартмалар рўйхатини тузишдан асосий мақсад рўйхат хатловини тузиш, унга маълумотнома аппаратини тузишда бир хил услубият қўллаш ва унинг ҳажмини камайтиришдан иборатdir. Қисқартмалар рўйхатига қисқартишларнинг ҳаммага маълум турлари (масалан "ш." - шаҳар, "й." - йил, "б." - бошқалар каби), шунингдек, ташкилотлар номидаги кўпчиликка яхши маълум бўлган (масалан "райгаз" каби) қисқартмалар киритилмайди. Одатда қисқартмалар рўйхатта чап томондан ёзилиб, тире (-)дан сўнг уларнинг тўлиқ номи ёзилади. Қисқартма сўзлар рўйхатта алифбо тартибида жойлаштирилади.

Рўйхатта предметли (умумий, географик, мавзули ва б.), хроноло гик (даврий) кўрсаттичлар тузилади.

287. Рўйхатни такомиллаштириш унинг ахборотдорлик даражасини кўтаришга йўналтирилган бўлиб, у ўз ичига (сарлавҳаларни сақлов бирликлари, ҳисоб бирликлари тизимлаштирилишини ўзгартмаган ҳолда) аниқлаштириш, рўйхатларга зарур бўлган маълумотнома аппаратини тузиш, рўйхатларни қайта кўчириш каби иш турларини қамраб олади. Агар сарлавҳалар қониқарли бўлиб, талабларга жавоб берадиган даражада бўлса, рўйхатларни такомиллаштириш ишлари рўйхатта тузилган маълумотнома аппаратининг етишмаётган унсур (элемент) ларини (сўз боши, кўрсаткич, қисқартмалар рўйхати ва б.) тўлдиришдан иборат бўлади.

Сарлавҳаларни таҳrir қилиш йигмажилларни (тўлиқ ёки танлаб) кўздан кечириш билан бирга амалга оширилади. Бундай кўздан кечириш зарурати сарлавҳалар сифатини бир сидра олдиндан таҳлил қилиш билан белгиланади. Сарлавҳалар таҳrir қилинганида улар мазмунига аниқлик киритилади, мухбирлари, воқеа жойлари аниқлаштирилади, саналарга, йигмажилларнинг қайси фонdlарга тегишлилигига аниқлик киритилади.

Таҳир ишлари рўйхатнинг иккинчи нусхасида амалга оширилади ва кейинчалик варакчаларга кўчирилади, улардан янги рўйхат ташкил этилади. Бирламчи рўйхат эса сақлаб қолинади ва фондга кўшиб қўйилади. Сарлавҳага киритилган барча аниқликлар йигмажиллар муқовасига кўчирилади.

Рўйхатларнинг ахборотдорлигини ошириш мақсадида кўрсаттичлар тузилади. Рўйхатларни такомиллаштиришда зарур кўрсаттичларни танлаш ва уларни тузиш услубларини танлашга бўлган талаблар рўйхат тузгандаги билан бир хилдир. Кўрсаттичлар ёрдамида йигмажилларни тизимлаштириш ва шаклантиришдаги айrim камчиликлар бартараф этилади.

Фойдаланиш учун нокулай бўлган (меъёрий ҳажмда бўлмаган, матни ўчиб бораётган, турли дастхатлар билан тузилган қўлёзмали ва шу каби), шунингдек фақат бир нусхали йигмажиллар рўйхатлари қайтада кўчирилади.

Хатланмаган ҳужжатларни хатлаш, рўйхатларни қайта ишлари поёнига етказилгач, ҳужжатларни хатлаш, рўйхатларни қайта ишлаш далолатномаси (39 - илова) тузилиб, архив раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Бу далолатнома ҳисоб ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Ҳужжатларни хатлаш натижасида тузилган ёки қайта ишланган рўйхатлар давлат архивининг (архив иши бўйича бошқарманинг) ЭТКда кўриб чиқилади.

288. Рўйхатни қайта ишлаш ҳужжатларни қидириш ва ҳисобини олиб бориш талабларига жавоб бермайдиган аввалги рўйхат ўрнига янги рўйхатни тузиш демакдир. Рўйхатни қайта ишлаш сақлов бирлиги, ҳисоб бирлиги сарлавҳаларини аниқлаштириш ёки тузиш, уларни қайта тизимлаштириш ва рўйхаттага зарур маълумотнома аппаратини тузиш ва зарур ҳолларда кўчирма жадвалларни тузиш каби ишларни ўз ичига олади.

Рўйхатни қайта ишлашда бир неча рўйхатни битта янги рўйхаттага бирлаштиришга йўл қўйилади. Ҳар бири қайта ишланиши зарур бўлган ҳажман қатор-кичикроқ ва даврийлиги қисқа бўлган ёки мазмунан бир хил рўйхатлар

мавжуд бўлганда, уларни бирлаштириш мақсадга муво-
фиқдир. Қайта ишлашда йигмажилдлар шартли белгисининг
кўчирма жадвали тузилади. Рўйхатлар янгиланганда эски
рўйхатларниң йўқ қилиниши ман этилади. Эски рўйхатлар
янги рўйхатлар бўйича йигмажилдлар каби ҳисобга олиниши
ва рўйхат охирида сўнгти рақам билан ўз сарлавҳасида
юритилиб, "Рўйхат қайта тузилган. -сонли рўйхатта
қаралсин" белгиси кўйилади.

Кўчирма жадваллар эски шартли белгисидан янгисига
йигмажилдинг эски рўйхат бўйича рақами, йигмажилдинг
янги рўйхат бўйича рақами, изоҳлар тариқасида ўтказилади.
Бордию, рўйхат қайта ишланган бир нечта рўйхатлар
йигмажилларини ўз ичига олган бўлса, кўчирма жадвалга
рўйхат рақами кўрсатилган банд киритилади. Йигмажилд
бошқа фондга ўтказилган, фонд ичидағи бошқа йигмажилд
билин бирлаштирилган ҳолларда, кўчирма жадвалда унинг
янги шартли белгиси ёзилади. "Изоҳ" бандида ёзув асоси
кўрсатилади. Фонддан китоблар чиқарилганда ва босма
нашрлар хужжатхонага ўтказилганда кўчирма жадвалда
кигобнинг рўйхат бўйича архив рақами ва ўтказилганлик
белгиси кўйилади.

Йигмажилдлар шартли белгисининг кўчирма жадвали
агар материаллари қайта тизимлаштирилган ва рўйхатлар
сони ўзгарган бўлса, фонднинг барча рўйхатларига;
материалларни қайта тизимлаштириш ҳар бир рўйхатнинг
фақат ўз ичига ўтказилган бўлса, ҳар бир рўйхатта тузилиши
мумкин.

Шартли белгиларнинг кўчирма жадвалини тузиш учун
хатлов амалга оширилган варақчалардан фойдаланилади;
варақчанинг чап томонида йигмажилдинг эски шартли
белгиси тўлиқ ёзилади, ўнг томонида эса, унга берилган янги
шартли белги ёзилади. Варақчалар эски шартли белгилар
тартибида тизимлаштирилади. Ҳар бир фонд доирасида
варақчалар рўйхатлар рақамлари тартибида, ҳар бир
рўйхатда эса йигмажилдлар рақами тартибида
тизимлаштирилади. Тизимлаштирилган варақчалар
жадвалларга кўчириб олинади.

Фонднинг барча рўйхатларига тузилган ягона қўчирма жадвал бир жилд қилиб тикилади ва фонднинг охирги рўйхатидан кейин жойлаштирилади. Ҳар бир рўйхатга тузилган қўчирма жадваллар шу рўйхатларга қўшиб (ёки тикиб) қўйилади.

289. **Йўлкўрсаттич** - архив (архивлар)нинг хужжатлари ёки фонdlари ҳақида тизимлаштирилган кўринишдаги қисқача маълумотлардан иборат бўлган, уларнинг таркиби ва мазмуни билан танишишига мўлжалланган архив маълумотномасидир. Йўлкўрсаттичлар архивнинг ички ва архивлараро йўлкўрсаттичларига бўлинади. Архивнинг ички йўл кўрсаттичи фонdlар бўйича йўлкўрсаттичга, фонdlар бўйича мавзули йўлкўрсаттичга, фонdlар бўйича қисқача маълумотномага, архив бўйича йўлкўрсаттичга бўлинади. Архивлараро йўлкўрсаттичлар архив фонdlари бўйича йўлкўрсаттичга, архив фонdlари бўйича мавзули йўлкўрсаттичга, архив фонdlари бўйича қисқача маълумотномага бўлинади.

Йўлкўрсаттич очерклар туридаги илмий-оммабол нашр бўлиб, муайян архивнинг тарихи, ундаги хужжатларнинг таркиби ва мазмуни билан танишишига мўлжаллангандир. Архив бўйича йўлкўрсаттичда архивнинг ўзи йўлкўрсаттич баёни обьекти бўлиб ҳисобланади. Архив бўйича йўлкўрсаттичининг асосий қисми фонdlар (архивда фонdlарнинг ташкил этилишига мувофик) таркиби ва мазмуни тавсифидан ва архив хужжатларига илмий маълумотнома аппарати ҳақидаги маълумотлардан иборат бўлади. Архив тарихига оид маълумотлар сўз бошида баён этилади.

Йўлкўрсаттич, қисқача маълумотнома ва мавзули йўлкўрсаттич умуман республиканинг барча давлат архивлари фонdlари бўйича, вилоятнинг барча ёки бир нечта архивлари фонdlари бўйича, алоҳида давлат архивлари фонdlари бўйича, давлат архиви (архивлари)нинг алоҳида мажмуи бўйича тузилиши мумкин.

Йўлкўрсаттични тайёрлашда табакалаштирилган ёндошувни кўллашни тақазо этади. Бу - маълумотномага ахбороти киритиладиган фонdlар, йигмажиљлар ва хужжатларни танлаш, фонdlар гуруҳига маълумотларни танлаш (алоҳида ёки гуруҳли тавсифномалар ёки фонд ҳақидаги

ахборотни аннотацияланмайдиган фондлар рўйхатига киритиш), маълумотнома аппаратининг мақбул таркиби ва тўлиқлик даражасини аниқлаш демакдир.

Йўлкўрсаттич унинг асосий қисмини ташкил этадиган баёний мақолалардан (фонд ва ҳужжатлар тавсифномаларидан) ва маълумотнома аппаратидан иборат бўлади.

Архив (архивлар) фондлари бўйича йўлкўрсаттич архив фондлари тавсифномаларининг тизимлаштирилган рўйхатидан иборат йўлкўрсаттичнинг тури бўлиб, у фонд номидан, фонд рақамидан, ҳужжатлар туркуми турига кўра сақлов бирлиги ёки ҳисоб бирлиги билан юритиладиган фонд ҳажмидан, ҳужжатларнинг чегара санасидан, тарихий маълумотнома, аннотация, фонд бўйича библиографиядан таркиб топади. Тавсифномалар рўйхати фондлар номи ва улар ҳақидаги маълумотлардан таркиб топадиган аннотацияланмайдиган фондлар рўйхати билан тўлдирилиши мумкин.

Архив (архивлар) фондлари бўйича йўлкўрсаттичларда фонд хатлов обьекти ҳисобланади.

Фонд тавсифномаси шахсий таркибга оид ийғмагиллар ҳажми, ҳужжатларга рухсат ва улардан фойдаланиш шартлари ҳақидаги ахборотлар билан тўлдирилиши мумкин.

Тавсифномаларнинг мазмуни рўйхат обьектига боғлиқ бўлади.

Йўлкўрсаттичнинг тузилиши унинг олдига қўйилган мақсад (тури) билан белгиланади, бунда архив фондлари таркиби (йўналиши) ҳисобга олиниши керак, зеро бу билан маълумотноманинг тузилмасини умуман ва ундаги ҳар бир баёний мақоланинг ўрни мустаҳкамланади.

Фондлар бўйича йўлкўрсаттичлар ва қисقا маълумотномаларда (мавзули йўлкўрсаттичлардан ташқари) архив фондлари ҳақидаги ахборот бўлимларга бўлинадиган чизма кўлланилиши мумкин. Чизма бўлимлари тарихий ва мантиқий изчиллик талаби асосида курилади ва улар қуйидаги тартибда жойлашиши мумкин: давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органлари; адлия, прокуратура ва суд органлари; молия органлари, банклар;

солиқ ва божхона органлари; макроиқтисодиёт ва статистика органлари; саноат, транспорт ва алоқа бошқаруви органлари ва уларнинг ташкилотлари: энергетика, геология, ёқилғи саноати, оғир, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий, пахта тозалаш саноатлари ва ҳоказо; қишлоқ хўжалигини бошқариш органлари ва уларнинг ташкилотлари; қурилиш бошқаруви органлари ва уларнинг ташкилотлари; моддий-техника таъминоти бошқаруви органлари ва уларнинг ташкилотлари; коммунал хўжалик бошқаруви органлари ва уларнинг ташкилотлари; ҳалқ таълимоти, фани бошқаруви органлари ва уларнинг ташкилотлари; оммавий ахборот органлари; маданият ва маданий-оммавий ишлар ташкилотлари; соғлиқни сақлаш бошқаруви органлари ва уларнинг ташкилотлари; меҳнат ва ижтимоий таъминот; касаба уюшмалари ташкилотлари, жамоат ташкилотлари; шахсий фонdlар.

Бўлимлар ичида фонdlар яна соҳа ёки ишлаб чиқариш ҳусусиятига кўра кичик бўлинмаларга гурӯхланади.

Кичик бўлинмалар доирасида тавсифлар даврийлигига, фонdlар можиятига, номлар алифбоси ва ҳоказоларга қараб жойлаштирилади.

Нисбатан тор йўналишдаги давлат архивлари фонdlари бўйича йўлкўрсаттичлар ва қисқа маълумотномалар ишлаб чиқишида ҳар бир архивнинг таркиби ва тузилиши ҳусусияти инобатта олинади.

Бир неча архивлар фонdlари бўйича йўлкўрсаттич ва қисқача маълумотномалар чизмаси ҳам бир архивнинг фонdlари бўйича тузилган йўлкўрсаттич ва қисқача маълумотнома чизмасига ўхшаш тузилади. Фонднинг (архивларнинг) сақланиш жойи унинг тавсифномасида кўрсатилади.

Мавзули йўлкўрсаттичлар танланган мавзуни янада аниқлаштириб берадиган чизмалар бўйича тузилади.

Фонdlарнинг номи уларнинг ҳисоб ҳужжатларидағи номларига мос бўлиши керак. Гурӯҳли тавсифномалар учун тавсифномага киритилган фонdlар гурӯхининг доимий ёки умумлаштирилган номи берилади. Вазифалари жиҳатидан

яқын бўлган, бири бирини кетма-кет алмашган ташкилотларнинг гуруҳли тавсифномаси учун, бу фондни ташкил этувчи ташкилотлар номларини даврий изчилиқда санаб ўтилиши ном хизматини ўташи мумкин.

Фондлар ҳақидаги маълумотли ахборотларга фонд рақами, унинг ҳажми, хужжатларнинг чегара саналари, илмий-маълумотнома аппаратнинг таркиби (рўйхатдан ташқари) киритилади.

Хужжатларнинг умумий даврий чегарасида у ёки бу даврларга оид хужжатларнинг фондда йўқлиги ҳақида маълумотли ахборотларда ёки тарихий маълумотномада айтиб ўтилади. Бир қатор фондларга гуруҳли тавсифномаларда маълумотли ахборотлар ҳар бир фонд бўйича алоҳида унинг номидан кейин келтирилади.

Бирлашган архив фондига тузилган тавсифномада умумий номдан кейин фонд рақами, унинг ҳажми ва бутун хужжатлар мажмуининг чегара саналари кўрсатилади.

Фонд тавсифномасига фондни ташкил этувчи ташкилотнинг ташкил қилинган, қайта тузилган, тутатилган саналари, ўзгарган номлари, қарамлиги ва вазифалари, аввалги ва ворис ташкилотнинг номлари киритилади.

Фонд тавсифномасида фондда бошқа муассасанинг хужжатлари мавжудлиги ёки мазкур муассасанинг хужжатлари бошқа фондда ёки бошқа давлат хужжатхоналарида мавжудлиги ҳақида маълумотлар берилади.

Бирлашган фондга битта тавсифнома тузилиб, унда хужжатлари мазкур фондга киритилган айрим ташкилотларнинг тарихий ривожла ниши хусусиятлари қайд этилади.

Гуруҳли тавсифномага киритилган фондлар учун ташкилотларнинг тарихига оид умумий маълумотлар киритилади. Фондни ташкил этувчиларнинг айримларига хос бўлган тарихий ривожланишига оид хусусиятлари бу фондларни санаб ўтища курсатилади.

Шахсий келиб чиқишидаги фондларнинг тавсифномаси фондни ташкил этувчининг таржимаи ҳолига оид қисқача, масалан: фамилияси, исми, ота исми, таҳаллуси, қиз фамилияси, ҳаётига оид саналар, касби, хизмат ва жамоат фаoliyati тури каби ахборотлардан ташкил топади. Оилавий фондларга тузилган тавсифномада эса маълумотлар даврийлиги, қариндошлик

даражасига қараб берилади. Ижодий фаолият билан боғланган бир неча шахсларнинг хужжатларидан ташкил топган фондларга фондни ташкил этувчиларнинг фамилияси алифбо тартибида хизмат ва жамоат фаолияти ҳақида қисқача маълумот берилади.

Архив хужжатлари тўпламига тузилган тавсифномада тўпламнинг тузилиш тарихи, тузувчилиси, шунингдек архив хужжатлари тўпламининг архивга топширилгунига қадар қаерда жойлашгани ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Йўлкўрсаттичда аннотацияланадиган (қисқача баёни тузиладиган) хужжатлар таркибини саралаб олишда фондни ташкил этувчининг фаолияти йўналиши, фаолияти натижалари ва хусусияти ҳақида тасаввур бера оладиган маълумотларнинг ажратилишига эътибор бериш керак. Аннотацияда санъат асари ҳисобланадиган графика материаллари, фотосуратлар, хужжатлар "(бадиий безак берилган хужжатлар, шахсий келиб чиқищдаги фондлар ва тўпламларга ишланган тасвирий материаллар ва шу кабилар) ҳақида маълумотлар берилади.

Архив бўйича мавзули йўлкўрсаттич аннотациясига мазкур мавзу ҳақида маълумотта эга бўлган хужжатларнинг барча гурухлари ҳақида маълумотлар киритилиши керак.

Фонд хужжатларининг таркиби ва мазмуни аннотацияси ҳужжатлар таркиби уларнинг тури бўйича ва улар мазмунининг (фондни ташкил этувчининг фаолияти йўналишини акс этувчи мавзулар, масалалар бўйича) қисқача умумлашма баёнидан иборат бўлади. Аннотацияда мавзу, масалалар ёки ҳужжатларнинг айрим гурухининг даврийлиги кўрсатилиши ва уларнинг географик (маъмурий - худудиј) чегараси белгилаб берилиши мумкин. Аннотация ёзилаётганида ҳужжатлар мазмуни ҳақидаги маълумотларни гурухлашнинг мазкур фонд учун мақбул белгиларига риоя этиш, аннотацияда маълумотлар изчилигини таъминлаш, ҳужжатлар мазмунини қайтадан батафсил ҳикоя қилинишига йўл қўймай, матн аниқ ва лўнда баён этилиши керак. Айрим ноёб ҳужжатларнинг аннотацияланисига йўл қўйилади.

Аннотациядаги маълумотлар қоидა бўйича фонддаги хужжатларнинг ташкил этилишига мувофиқ гурухланган бўлиши керак.

Аннотация тузилмавий, мавзули, ишлаб чиқариш - соҳавий, белгиланган қиймат (номинал) чизмалари бўйича тузилиши мумкин.

Ахборотни мавзули белгисига қараб гурухлашни қўллаш ташкилотнинг тузилмаси ҳам, ҳизмат вазифалари ҳам унинг хужжатлари мазмунини етарли даражада аниқ ифода этиб бера олмаган фондлар учун мақсадга мувофиқдир.

Аннотациянинг мавзули тузилмасида мавзули гурухлар ёки масалалар тарихий ёки мантикий изчилликда, мавзу ёки масала доирасида эса, белгиланган қиймат (номинал) белгиси бўйича жойлаштирилади. Мавзули рукнлар номини хужжатларнинг мазмуни белгилаб беради.

Аннотацияларда ахборотни гурухлашнинг яна бир тури ахборотни тур ва химарига кўра, яъни белгиланган қиймат белгиси (номинал)га кўра жойлаштириш ҳисобланади; муаллифлик белгиси билан бирга кўшиб гурухлаш тор соҳадаги фондларни, шунингдек бир мавзу бўйича йигилган тўпламларни аннотациялашда қўлланилади.

Мисол (тўпламни аннотациялашга): - Ватанни қуролли ҳимоя этишда иштирок этанлар ва меҳнат фронти иштирокчиларининг хужжатлари: мактублар, мақолалар, фотосуратлар, тақдирлаш хужжатлари.

Бирлашган фондлар ва гурухли таснифларда ахборотни гурухлашнинг юқорида айтиб ўтилган белгиларидан исталганидан фойдаланиш мумкин.

Аннотацияларда хужжатларнинг барча турлари хужжатлар моҳиятига кўра бир ҳил изчилликда, қуйидаги тартибда кўрсатилиши керак: қарорлар, буйруқлар, фармойишлар, низомлар, уставлар, мажлислар баённомалари, режалар, ҳисоботлар, статистик ҳисоботлар, статистик жадваллар, билдиришномалар, ёзишмалар.

Асосида коллегиал қарорлар ётган касаба уюшмалари, ширкатлар ёки бошқа ташкилотлар хужжатларига тузиладиган аннотацияларда аввалига съездлар мажлисларининг баённомалари ва қарорлари ёки коллегиал хусусиятли бошқа хужжатлар ҳақидаги ахборот берилиб, кейин эса муайян

мавзулар ёки масалаларга оид маълумотларни ёритувчи хужжатлар ҳақида маълумот берилади.

Бирлашган фондларни гурухли аннотациялананаётганда тавсифномага киритилган гурухнинг ҳамма фондлари ёки бирлашган фонднинг барча қисмлари учун хусусиятта эга бўлмаган хужжатларни хатлашда шу хужжатлар жойлашган фонднинг (гурухли аннотация учун) рақами ёки бирлашган фонд тузилмавий қисмининг номи кўрсатилиши керак.

Фонд ҳақидағи маълумотномаларда кўрсатилган барча хужжатлар мажмуи ёки алоҳида хужжатларнинг ҳамма йилларига сана қўйилмай, айрим даврларгина, шунингдек аннотацияда тилга олинган муҳим факт ва воқеаларнигина санаси кўрсатилади.

Фонд ҳақидағи адабиётларнинг библиографик рўйхатида фондни ташкил этувчининг тарихига оид нашрлар, маълумотномалар, хужжатлар тўғрисидаги тадқиқотлар ва фонд хужжатлари нашрлари баёни берилади.

Архивнинг қатор фондлари ҳақидағи маълумотларни ўз ичига олган нашрлар мавжуд бўлган ҳолларда йўлкўрсатгичга умумий библиографик кўрсатич тузиш мақсадга мувофиқдир.

Фондлар тавсифидан кейин аннотацияланмайдиган фондлар рўйхати берилади. Унда қуийдагилар кўрсатилади: фонд (фонд гурухи) номи, фонд рақами (ракамлари ёки сони), хужжатлар ҳажми ва чегара саналари. Бир турдаги фондлар умумий ном остида келтирилиши, унда фондлар ва йиғмажилларнинг умумий сони ҳамда умумий чегара саналари кўрсатилиши мумкин.

Рўйхатда фондлар йўлкўрсатич тузиамасининг умумий чизмасига мувофиқ жойлаштирилади.

Йўлкўрсатичнинг асосий қисмини фонднинг босма нашрлари тавсифи тўлдиради. Уларда босма нашрлар сони ҳақида, уларнинг даврийлик чегараси ҳақидағи маълумотлар келтирилади, таркиб ва мазмуни аннотацияланади, ноёб нашрлар мавжудлиги, бошқа ҳалқлар ва хорижий тилларда чоп этилган нашрлар борлиги, журнал фонди, шахсий ва тупламли мажмуалар, каталоглар чизмаси борлиги қайд этилади. Босма нашрларнинг унча катта бўлмаган ҳажмдаги фонд тавсифи йўлкўрсатич сўз бошисида берилиши ҳам мумкин.

Архив (архивлар) фондлари бўйича қисқача маълумотнома архив фондлари тавсифларининг тизимлаштирилган рўйхатидан иборат бўлиб, ўз ичига архив фондлари номини ва улар ҳақидаги маълумотларни олади. Қисқача маълумотномага архивда сақданаётган барча фондлар ҳақида ёки фонднинг муайян гуруҳи (яни келиб тушгандар, махфийликдан чиқарилиб, ошкор сақланувга ўтказилганлар ва б.) ҳақидаги маълумотлар киритилиши мумкин.

Қисқача маълумотномалар аннотацияланган ва аннотацияланмаган маълумотномаларга бўлинади.

Архив (архивлар) фондлари бўйича аннотацияланган қисқача маълумотномадаги фонд тавсифномаси фонд номидан (фондни ташкил этувчи номидаги барча ўзгаришлар билан), маълумотнома ахборотлари ва қисқача аннотациядан иборат бўлади.

Аннотацияланмаган қисқача маълумотномадаги фонд тавсифномаси фонд номи ва маълумотнома маълумотларидан ташкил топади.

Фондлар тавсифномаси шахсий таркиб бўйича йигмажиллар ҳажмига оид маълумотлар билан, шунингдек ҳужжатларга рухсат ва фойдаланиш шартлари, библиография билан тўлдирилиши мумкин.

Архивлар бўйича йўлкўрсаттич (архивлар ҳақидаги маълумотнома) архивлар тавсифномалари ва улар ҳақидаги маълумотнинг тизимлаштирилган рўйхатини ўз ичига олади. У ЎР МАФ ҳужжатларининг доимий сақловини амалга ошираётган архивлар, музейлар, кутубхоналар ва бошқа ҳужжатхоналар ҳақидаги ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бунда ЎР МАФ ҳужжатларини сақлайдиган архив ёки бошқа ҳужжатхона хатлов объекти бўлади.

Ҳар бир архивнинг тавсифномаси ўз ичига архивнинг тўлиқ номини, унинг маңзилига оид маълумотларни, қисқача тарихий маълумотномани ва фондлар таркиби аннотациясини, архив ҳужжатлари мазмунини қамраб олади.

Ҳужжатлар аннотацияси одатда соҳавий чизма бўйича, яъни иқтисодий, маданий соҳалар ташкилотлари фондлари гуруҳлари бўйича тузилади, бунда мазкур ҳудуд учун тарихий мухим даврлар, иқтисодиётнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва етакчи соҳалари ҳамда айрим воқеалар ажратиб кўрсатилади.

Аннотация охирида шахсий келиб чиқищдаги фонdlар ва түпламлар ҳақида маълумотлар берилади.

Бир неча архивлар (республика, вилоятлар) фонdlари бўйича йўлкўрсаттичларда бир турдаги фонdlарга гурухли тавсифлар тузилади.

Умумий тарихий маълумотномада фонdlни ташкил этувчи мазкур ташкилотлар гурухининг фаолияти йўналиши, улар ҳақида умумий маълумотлар акс эттирилади. Фонdlни ташкил этувчи айrim ташкилотларнинг тарихига оид ўзига хос хусусиятлари маҳсус кўрсатиб ўтилади.

Турли архивлар фонdlари гурухи материалларига тузилаёттан аннотацияларда уларнинг фақат биттасигагина хос бўлган маълумотлардан кейин мазкур архивнинг шартли белгиси қўйилади.

Фонd ҳақида маълумотли ахборотларга архивнинг қисқартма номи ёки унинг шартли белгиси киради, бу ҳақида маълумотноманинг сўз бошисида (қисқартма сўзлар рўйхатида) айтиб ўтилган бўлиши керак.

Мавзули йўлкўрсаттичда ҳужжатлар тавсифи мавзули бўлим номидан, маълумотли ахборотлар ҳамда ҳужжатлар аннотациясидан таркиб топади.

Мавзули бўлимлар номи йўлкўрсаттичлар тузилиши чизмасига мувофиқ бўлиши керак. Маълумот ахборотлари фонd рақамларидан, мавзуга оид ҳужжатлар мавжуд бўлган ҳар бир фонd бўйича рўйхатлар рақамларидан, ҳужжатлар чегара саналаридан иборат бўлади. Аннотацияда мавзу бўйича ҳужжатларнинг таркиби ва мазмuni ҳақида маълумот берилади. Йўлкўрсаттич чизмасида кичик бўлинмалар ва бошқа майда бўлинмачалар мавжуд бўлган ҳолларда аннотация уларга тегишли қисмлардан ташкил топади. Шундай қисмнинг ҳар биридан кейин ҳужжатлар ҳақида маълумотли ахборотлар кўрсатилиши мумкин.

Архив (архивлар) фонdlари бўйича мавзули йўлкўрсаттичнинг фонd (фонdlар), фонd (фонdlар)нинг бир қисми ҳужжатларининг тавсифномаси фонd номидан, фонd ҳужжатларининг чегара саналаридан, мавзу бўйича

хужжатлари бўлган рўйхат (рўйхатлар) рақамидан, фонд (фондлар)га архивнинг ички илмий-маълумотнома аппарати, хужжатлар аннотацияси ва мавзу бўйича библиографияларнинг мавжудлигини кўрсатишдан таркиб топади. Тавсифнома фондни ташкил этувчининг тарихига, шунингдек хужжатларга рухсат ва фойдаланиш шартларига оид маълумотлар билан тўлдирилиши мумкин.

Бир масала бўйича хужжатлар гуруҳи хатлови охирида хужжатлар санаси ва улар жойлаштирилган фондлар рақами кўрсатилади (бир неча архив бўйича мавзули йўлкўрсаттичларда аввалига архив номи кўрсатилади).

Хужжатлар тури ҳақидаги маълумотларни ички тизимлаштириш йўли ва уларни хатлаш услуби архив (архивлар) фондлари бўйича йўл кўрсаттичникига ўхшаш бўлади.

Мавзули йўлкўрсаттичга фондлар рақами ва номидан таркиб топган фондлар рўйхати киритилади, агар у бир нечта архив бўйича бўлса, унда фонд рўйхатида аввал архив номи кўрсатилади.

Қисқача маълумотномада фонд тавсифи унинг номи, рақами, ҳажми ва фонд хужжатларининг чегара саналаридан иборат бўлади. Тавсифнома фондни ташкил этувчи ҳақидаги маълумотлар билан, фонд хужжатларининг мазмуни ва таркиби ҳақидаги ахборотлар билан тўлдирилиши мумкин.

Қисқача маълумотномада фонд номи архив фондлари бўйича йўлкўрсаттичникига ўхшаш берилади ҳамда фондни ташкил этувчи ташкилот фаолияти саналарини кўрсатиш билан тўлдирилади.

Мисол: "ЎзССР Енгил саноат вазирлигининг (1969-1971 й.й.) ипак саноати бош бошқармаси (Узглавшелкпром - Ўзбошипаксаноат)."

Агар ташкилот ҳали ҳам фаолият кўрсатиб турган бўлса, унинг факат ташкил этилган санаси кўрсатилади; ахборот сифимли фонд учун ташкилотнинг номи ва тобелигига оид ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар ҳам берилади.

Мисол: ЎзССР Маориф халқ комиссариати ҳузуридаги Бош Ўрта Осиё ва марказий бадиий музей.

1918йил 22 майда ташкил этилган, 1930 й. 18 сентябргача фаолият күрсаттан;

ТуркАССР Маориф халқ комиссариати ҳузуридаги Туркистон халқ музейи

1918 й. 22 май - 1922 й. 4 июн;

Туркистон музейлар ҳамда асори-атиқалар, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза этиш ишлари бўйича қўмитаси ҳузуридаги Ўрта Осиё бош музейи

1922 й. 4 июн - 1924 й. 26 декабр;

Асори-атиқалар, санъат ва табиат ёдгорликларини муҳофаза этиш қўмитаси ҳузуридаги Ўрта Осиё бош музейи

1924 й. 25 декабр - 1928 й. 17 август;

ЎзССР Маориф халқ комиссариати ҳузуридаги Бош Ўрта Осиё ва Марказий бадиий музейи

1928 й. 17 август - 1930 й. 18 сентябр.

Таркибига кўра мураккаб ҳисобланган фондлар учун уларнинг курилмаси ҳақида маълумотлар берилиши ва улар фондлар ҳақидаги маълумотнома маълумотларидан кейин жойлаштирилиши мумкин.

Гурухли тавсифномага киритилган бирлашган фонд ва фондлар номи қоида бўйича йўлкўрсаттичда берилади, бунда бирлашган фондни ташкил этган ёки гурухли тавсифномага кирган ташкилотлар фаолиятининг чегара саналари кўрсатилади. Фондни ташкил этувчининг тобелиги кўрсатилмайди. Фонд таркибига бигта юқори ташкилотта тобе бўлган бир нечта фондни ташкил этувчиларнинг ҳужжатлари киритилган ҳоллар бундан мустаснодир. Ахборот согимли фондлар номи ташкилотлар номи ва тобелигида бўлган ўзгаришларни кўрсатиш билан тўлдириб борилади.

Агар ташкилотлар номи ва тобелигида рўй берган ўзгаришлар гурухли тавсифномада бирлаштирилган барча фондларга тааллуқли бўлса, у ҳолда бу ҳақидаги маълумот фондларнинг намунавий номидан кейин кўрсатиб ўтилади.

Мисол:

Меҳнаткашлар депутатлари Советларининг район ижроия қўмиталари (райижроқўмлар)

1927 й. августда ташкил этилганлар

1939 й. декабргача

Ишчи, деҳқон ва қизил армия депутатлари Советларининг район ижроия қўмиталари (РИҚлар).

Айрим фондни ташкил этувчиларнинг номи ва тобелигидағи ўзгаришлар алоҳида қайд этилади.

Мисол:

"Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев(1912-1962 й.й.), геология-минерология фанлари доктори, ЎзССР ФА президенти, Ленин мукофоти лауреати".

Оиласий фонdlар номлари бир шахснинг фаолияти давомида йигилган ҳужжатлар тўпланган фонд номига монаңд берилади.

Архив тўпламининг номи ҳисоб ҳужжатларига мувофиқ берилади.

Мисол: "1941-1945 й.й. уруш фронтларидан Ўзбекистонга юборилган мактубларнинг архив тўплами".

Фонд ҳақидаги маълумотли ахборотлар худди йўлкўрсатичнигида ўхшашиб берилади. Фондда аввалги ташкилот - фондни ташкил этувчи ташкилотта, унинг ворисига тегишли анча ҳажмдаги ҳужжатлар гуруҳининг борлиги ҳақида фонд номидан кейин айтиб ўтилади.

Мисол:

"Турк АССР Ички ишлар халқ комиссариатининг аҳолини эвакуация қилиш бўйича Марказий бошқармаси (Туркэвакмарказ)

1919 й. 22 июлда ташкил этилган

1933 й. 22 июлгача

Туркистон ўлкаси аҳолини эвакуация қилиш бошқармаси (Туркэвакўлка)"

ф. Р-621, й-ж.140; 1920-1922 й.й.

Маълумот фонд ҳужжатларига илмий маълумотнома аппарати таркиби кўрсатилади. Маълумотномага киритилган барча фондлар учун илмий-маълумотнома аппаратининг айнан бир тури қўлланилган бўлса, уларнинг борлиги ҳақида маълумотноманинг «Сўз боши» қисмида қайд этилиб, фонднинг маълумот хабарларида улар кўрсатилмайди.

Бирлашган фондларга, шунингдек гуруҳли таснифларда маълумот ҳудди йўлкўрсаттичниги ўхшаш берилади.

Республика, вилоятларнинг бир нечта архивларининг бир хил номдаги фондлари бўйича қисқача маълумотномаларида гуруҳли таснифномалар саклаб қолинади. Улар бир архив бўйича қисқача маълумотноманиги монанд тузилади, бироқ фонд рақами олдидан маълумот маълумотларга архивнинг қисқартма ёки шартли белгиси кўйилади.

Сарварак, мундарижа (мазмун), сўз боши, кўрсаттичлар - йўлкўрсаттич маълумотнома аппаратининг асосий қисми ҳисобланади.

Йўлкўрсаттичга предметли кўрсаттич ва унинг турларидан ҳисобланган - номли, географик, фондлар кўрсаттичлари тузилади.

Қисқача маълумотномалар учун фондларнинг қисқартма номларидан иборат алифболи кўрсаттич тузилгани мақсадга мувофиқдир. Бунда қисқартма номлар изоҳланмасдан маълумотнома асосий матнининг тегишли бетига ҳавола қилинади: «Ўздавсавдо» қошидаги «Ўзкимёсаноатсавдо» - 147.

Йўлкўрсаттич маълумотнома аппарати таркибига яна қисқартмалар рўйхати ва умумий библиографик рўйхатлар киради.

Йўлкўрсаттичга иловалар сифатида маъмурий-ҳудудий бўлиниш тарихига оид маълумотнома, шунингдек маҳсус атамалар, эскирган тушунчаларни тушунириб ва шарҳлаб берувчи атамалар лугати ва бошқалар тузилиши мумкин.

290. Каталог - фондлараро архив маълумотномаси бўлиб, унда архив ҳужжатлари мазмунига оид ахборот предметлар бўйича (мавзули, соҳавий) гуруҳланган, ҳужжатли ахборотни мазкур каталог учун қабул қилинган таснифлаш чизмасига мос равишда жойлаштирилган бўлади.

Ўзаро боғлиқ ва ўзаро бир бирини тўлдирувчи турли каталоглар йигиндиси архив каталоглари тизмасини ташкил этади.

Каталоглар курилиши чизмасига мувофиқ равишда каталоглар тизимлаштирилган, мавзули ва уларнинг турларига (муассаса тарихи бўйича каталог, маъмурий-худудий бўлинеш каталоги ва б.), предметли ва уларнинг турларига (номли, географик, объект каталоглари) бўлинади. Каталогда муайян мавзуга (масалага) тегишли ахборотта эга бўлган ҳужжат (ҳужжатлар гуруҳи, ҳужжатнинг бир қисми), сақлов бирлиги, ҳисоб бирлиги, рўйхат, фонд (фондлар гуруҳи) хатлов объекти ҳисобланади.

Архивда каталоглар тизими асосини тизимли ва номли каталоглар ташкил этади.

Архив каталоглари тизимига қўйиладиган асосий талаблар қўйидағилардан иборат: каталоглар тузилиши тамойиллари уларнинг мақсадига мувофиқ келиши керак; каталогларнинг ахборот қидирувини ҳар томонлама ва унумли олиб боришини таъминлайдиган худудий тузилмаси бўлиши керак; соҳанинг турли каталогларида ахборотни гуруҳлашда параллелизмга йўл қўймаслик керак; ўринсиз қайтарикларга берилмаслик ва ҳавола варакҷалари ва кўрсаттичларидан кенг фойдаланиш керак.

291. Каталоглаштиришга табақалаштирилган ёндошув қўлланилади. Бу - архив фондлари, уларнинг тузилмавий бўлинмалари навбатини белгилаш; улардан йигмажиллар, ҳужжатлар ва маълумотларни танлаш; ҳужжатли ахборотларни хатлашда тегишли услубларни қўлланиш демақдир. Ҳужжатма - ҳужжат, биттама - битта, гуруҳли ишлаш шундай услублар турига киради.

Фондларни каталоглаш учун танлашда ҳужжатлардан истиқболда нечоғли самарали фойдаланилишини, ИМА нинг умуман таркиби ва ахволини ҳамда унинг айрим унсурларини

инобатта олиш зарур. Фондлар каталоглашга танланганда, ҳужжатларни нацрга тайёрлашда, шарҳлар, ахборот хатлари ва бошқалар тайёрлашда ҳужжатлардан фойдаланиш мумкин бўлган фондларни танлаш мақсадга мувофиқдир. Рўйхатларини қайта ишиш учун белгиланаётган фондлар одатда каталоглаштирилмайди.

292. Тизимли каталогда ҳужжатли ахборот жамиятнинг билим ва амалий фаолияти соҳалари бўйича таснифланади ва мантиқий изчиллиқда жойлаштирилади. Тизимли каталог воқеа ва ходисалар ўртасидаги алоқани акс этади, аниқ масалалар бўйича маълумотларни ўз ичига олади. Тизимли каталогга предметли, географик ва номли кўрсатгичлар (агар шундай каталоглар бўлмаса) тузилиши мумкин.

а) Мавзули каталогда мавзу бўйича ҳужжатли ахборот мантиқий изчиллиқда мавзучалар, руқнлар ва остки руқнлар бўйича гуруҳланади.

Каталогдаги ахборот гуруҳланиши тизимли каталогдаги ахборот гуруҳланишидан фарқ қилган ҳолларда мустақил мавзули каталог тузилади.

б) Муассасалар тарихи бўйича каталогда ҳужжатли ахборот аввал соҳалар бўйича, кейин - қарамилиигига кўра, ундан кейин эса муассаса турларига (банклар, заводлар, жамиятлар, бошқармалар) кўра алифбо бўйича, ичида эса номлар алифбоси бўйича таснифланади.

в) Маъмурий-худудий бўлиниш тарихи бўйича каталогларда ҳужжатли ахборот маъмурий-худудий бирликлар алифбоси бўйича, ичида эса - номлар алифбоси бўйича таснифланади.

г) Предметли каталогда ҳужжатли ахборот предметли тушунчалар (фактлар, воқеалар, географик номлар) ва шахслар фамилиясининг алифболи тартиби бўйича таснифланади. Ундан кейинги тизимлаштириш мантиқий ёки даврий изчиллиқда амалга оширилади.

д) Номли каталогда ҳужжатли ахборот ҳужжатларда тилга олинган шахслар ёки ҳужжатларнинг муаллифлари ҳисобланган шахсларнинг фамилияси алифбоси бўйича таснифланади. Ундан кейинги тизимлаштириш даврий ёки

мантиқий изчиллиқда олиб борилади. Варакчалар миқдори анча күп бұлған ҳолларда улар таснифланыпнинг маҳсус чизмаси бүйича жойлаштирилиши мумкин. Номли каталогта улар ҳақидағи ахборотлар киритилиши лозим булған шахслар доирасини ҳар бир архив ўзи мустақил белгилайди.

ж) **географик каталогда** хужжатли ахборот географик ва топографик (мамлакатлар, республикалар, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар, аҳоли истиқомат қиласынан жойлар, дарёлар ва бошқалар) номларнинг алифболи тартибида таснифланади. Шунингдек, таснифга маъмурий-худудий бўлиниш ҳам асос қилиб олинниши мумкин. Руҳи ичидағи ундан кейинги тизимлаш даврийлик ёки мантиқий изчиллиқда амалга оширилиши мумкин.

з) **шахсий таркиб бўйича** каталогда хужжатли ахборот фамилиялар алифбоси бўйича таснифланади. Шахсий таркиб бўйича каталог варагчаларида шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми акс эттирилиб, шу ходим ҳақида маълумотлар мавжуд бўлған йигмажилларга ҳавола этилади.

Нисбатан ахборотдорроқ ва тез - тез фойдаланиладиган фонdlар хужжатларига тузиладиган мавзули ва предметли - мавзули картотекалар, шахсий таркиб бўйича картотекалар каталогларни тўлдирувчи манбалардан бири ҳисобланади.

Мустақил амал қиласынан картотекалар каталоглар тизими билан ҳавола этиш йўли билан боғланади.

Каталогларни тузишга тайёргарлик куриш, тузиш ва уларни юритиши бўйича олиб бориладиган ишлар йигиндиши хужжатларни каталоглаштириш деб аталади. Бундай ишлар архивда мустақил иш тури сифатида (мавзули ишлов) ҳам, хужжатларни хатлаш ва қидириб топиш каби бошқа иш турлари билан боғлиқ жараёнда (йўлакай каталоглаштириш) ҳам ўтказилиши мумкин.

Каталогта хужжатларда акс этган воқеалар, фактлар, ходисалар можияти ҳақидағи ахборотларни қамраб олган, уларнинг ривожланиши қонуниятларини очиб берадиган ва намоён бўлиши хусусиятларини кўрсатадиган, фондни ташкил этиувчининг ёки унинг тизимидағи муассасаларнинг фаслияти ҳақидағи маълумотлар киритилади. Маълумотларни эжраттанда муассаса ва унинг тизими фаолияти хусусиятлари, йўналиши ва якунларига устуворлик берилади, хужжат

яратилган вақтга ва хужжатда баён этилган ходисаларга, тарихий даврлар (Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси учун алоҳида тарихий аҳамиятта эга бўлган ўлканинг босиб олинниши, миллий-озодлик ҳаракати, фуқаролар уруши ва бошقا даврлар)нинг ўзи алоҳида моҳиятга эгалиги инобатта олинади, хужжатлар муаллифлари (олувчилар), хужжатларнинг даражасига эътибор берилади.

293. Тизимли ёки мавзули каталогнинг баёний мақоласи таркибига архив номи, индекси, руҳи, руҳи ости, воқеа санаси, воқеа жойи, мазмун, фонд рақами, фонд номи, рўйкат рақами, сақлов бирликлари, ҳисоб бирликлари, варақлар сони, хужжат тили, хужжатни қайта тиклаш воситаси, ижро этувчининг фамилияси ва хатлов баёний мақоласининг санаси кабилар киради. Ажратилган маълумотлар қалин қофоз ёки юпқа картонга босмахонада тайёрланган каталог варақчаларига (42, 43 - иловалар) ёзилади.

"Индекс" бандида хужжатларнинг мазмунига кўра таснифлаш чизмаси бўйича хужжат индекси қўйилади.

"Руҳи" ва "Руҳи ости" бандлари хужжатлар мазмунини аниқлаштириш мақсадида ишлатилади. Бу бандлар номи каталог варақчаларини индекслар бўйича жойлаштирилаётганда ифодаланади.

"Воқеа санаси" бандида баён этилаётган воқеа ва фактлар санаси кўрсатилади. Агар хужжатда сана кўрсатилмаган бўлса, уни мумкин қадар хужжатлар мазмунидан келиб чиқиб ёки бошқа манбалар асосида аниқлаб қўйилади (бундай ҳолларда саналар тўртбурчак қавслар ичига олинади). Саналар одатда "воқеалар санаси" бандига рақамлар билан қўйилади: "2001.10.05.", "1970.10.05." "Мазмун" бандига сана фақат хужжатта сана қўйилаётганидагина ёзилади.

"Воқеа жойи" банди тўлдирилаётганда хужжатларда тасвирланган воқеалар, бўлиб ўтган жой ёки аҳоли истиқомат қиласиган жойлар номи воқеа бўлиб ўтган вақт маъмурий-худудий бўлинишига мувофиқ кичикдан каттага қараб кўрсатилади.

"Мазмун" бандида ҳужжатлар баёни берилади: биринчи ўринга масаланинг қисқача мазмуни чиқарилади, кейин янги қатордан - ҳужжат тури, муаллифи, оловчи ёзилади, шунингдек ҳужжатнинг асл нусхами ёки йўқлиги кўрсатилади. Бундай усулни қўллаб бўлмайдиган ҳолларда ҳужжат мазмуни ҳақидаги ахборот йигмажилд ёки ҳужжатнинг сарлавҳаси тариқасида берилади.

"Қидиув маълумотлари" бандида хатланаётган ҳужжатларнинг фонд(лар)и номи, рўйхат(лар), йигмажилд (лар) ва варақлар рақам(лар)и, кўрсатилади. Агар варақча йигмажилдинг ҳаммасига тузилган бўлса, йигмажилд варақларининг умумий сони кўрсатилади (1-140 в.в.).

"Ҳужжат тили" банди ҳужжат давлат тилидан бошқа тилда ёзилган ҳоллардагина тўлдирилади.

"Ҳужжатни тиклаш йўли" банди ҳужжатни тиклаш усули мазкур давр ҳужжатларини тиклаш йўлидан бўлакча, яъни одатдагидан ташқари бўлган ёки улар таснифи учун аҳамиятли ҳолларда тўлдирилади.

Бир каталог варақчасида қуидагилар хатланиши мумкин: ҳужжатма - ҳужжат хатлашда - йигмажилддаги бир масалага багишланган (алоҳида қимматли ёки муҳим мазмунга эга бўлган) алоҳида ҳужжат, агар мазкур йигмажилддаги қолган бошқа ҳужжатлар ўзга масалаларга ёки бир ҳужжатнинг алоҳида бир қисмига алоқадор бўлса, агар ҳужжат яхлитлигича кўп масалаларни (масалан: ҳисоботлар, баённомалар) қамраб олган бўлса; яккама-якка хатлашда - бир масалага, воқеага, бир масалага оид ёзишмага алоқадор бўлган йигмажилд тўлалигича; гурӯҳи хатлашда - йигмажилддаги бир масала, предметга алоқадор ҳужжатлар гурӯҳи, агар бошқа йигмажилларда ҳам айнан шу масалага оид ҳужжатлар мавжуд бўлса, ҳар бир йигмажилдинг ҳужжатлари алоҳида варақчада хатланиши мумкин; бир рўйхатдаги турдош йигмажиллар гурӯҳи.

Маълумотларнинг хатлаш учун гурӯҳлаш усулини ҳужжатлар мазмуни белгилаб беради. Гурӯҳли варақчалар ҳужжатларнинг мавзули гурӯҳини бирлаштирган алоҳида рўйхатта ёки рўйхатлар гурӯҳига, шунингдек бутун фондга ҳам тузилиши мумкин.

Тизимли ва мавзули каталоглар учун хатлашда масала (предмет, мавзу) асос ҳисобланади.

Мисоллар:

"Туркистон ўлкасида қазиб олинган тилмани Санкт - Петербург танга ишлаб чиқариши саройига топшириш ҳақида. Төгкон Департаментининг фармойиши (циркуляри). Нусха".

"Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти президенти Р.Р. Шредернинг Колорадо (Шимолий Америка Кўшма Штатлари)даги Трансмиссурис курғоқ дехқончилик конгрессидаги иштироки ҳақида.

Туркистон қишлоқ хўжалиги жамияти бошқаруви йиғилиши баённомаси. Асл нусха".

Масала (воқеа)ни кўрсатища шахс содир этаётган ҳаракат ҳақидағи тушунчани ёки обьект ҳолатини, ривожини таснифлайдиган тушунчани киритиш лозим. Бу ахборотта яна ҳам аниқлик киритади.

Мисоллар:

"Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш маданиятининг оширишни жорий этиш ҳамда ривожлантириш ҳақида".

"Турли хил курилиш ишлари жараёнида жамоат хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш назорати ҳақида".

Баённомаларни каталоглаштирилаётганда варақчага фақат кун тартиби бандинигина чиқариш билан кифояланиб бўлмайди. Баённоманинг мазкур масала бўйича қабул қилган қарори қисми мазмуни ва муҳокама натижаси ҳам ёритилиши керак.

Мисол:

"Кун тартиби: Самарқанд вилояти сув хўжалиги ҳақида (каталог варақчасидаги матн мазмуни - Самарқанд вилоятида ерларни сугориш, сувдан оқилона фойдаланиш ҳамда сугориш тизимларини эксплуатация қилишининг ахволи ҳақида)".

Номли каталогнинг баёний мақолалари таркибига қуйидагилар киради: архив номи, шахснинг фамилияси, исми, ота исми, ижтимоий мавқеи, воқеа санаси, воқеа жойи, мазмуни, фонд номи, фонд рақами, рўйхат рақами, сақлов бирлиги рақами, ҳисоб бирлиги рақами, варақлар рақами,

хужжат тили, тикланиш усули, тузувчи фамилияси ва хатлов мақоласининг тузилган санаси.

Номли каталоглар варакчаларида шахслар кўрсатилаётган бўлса, масала (вокеа)дан ташқари яна хужжатлардан шахсларнинг ижтимоий аҳволини ёритадиган касби, унвонига оид ва бошқа маълумотлар олиб ёзилиши керак. Бордию, бундай маълумотлар бўлмаса варакчага шахснинг фамилияси, исми, ота исми ва масала (агар номли каталоглар учун хужжатларни муфассал хатлаш услуби қабул қилинган бўлса) ёзилади.

Мисол:

"Х.К. Саримсоқов, техника фанлари доктори.

СССР МС ҳузуридаги ижтирочилик ва кашфиёт ишлари бўйича қўмита раиси Т.Д. Ивановдан мактуб."

Предметли каталогларда, гарчи айрим ҳолларда хужжат ахборотининг масалавий томони ёритилиши мумкин бўлса ҳам, аксарият предмет (объект, шахс) хатлов учун асос қилиб олинади.

Мисоллар:

"К.В. Бродовицкий К.В. - физик.

Берлинга, Энштейнга мактуб."

"В.Т. Лубенцов - ЎзССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, К. Либкнехт номли меҳнат тажриба-намунавий мактаб мудири.

ТАССР Маориф Халқ комиссариати Главсоцвос мудиридан мактабни Туркистон раҳбарий педагогика марказига айлантириш зарурлиги ҳақида мактуб."

294. Каталог бўлинмалари ўртасида ёки каталог бўлинмалари билан бошқа архив маълумотномалари ўртасида алоқа ўрнатиш учун ҳаволалар тизимидан қўлланилади. Бундай тизим ўз ичига тулиқ ҳаволани (индексиз тушунчадан индексли тушунчага қадар) ва икки ёки бир нечта турдош тушунчаларни боялаш учун қисман (тўлдирувчи) ҳаволаниолади. Бундай ҳавола варакчаларида "рун", "рун ости" бандлари одатдаги тартибда тўлдирилсада, "мазмун" бандида "яна қаранг..." ёзувидан кейин ҳавола этилаётган каталогнинг тегишли бўлинмаси ёки бошқа маълумотноманинг номлари индекси кўрсатилади.

295. Каталогларни юритиши унинг фаолият кўрсатишини таъминлаб турадиган ишлар йигиндиси бўлиб, уларга қуийдагилар киради: ишни илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш, варакчаларни индекслаш, уларни индекслар ва рукнлар бўйича тизимлаштириш, каталогта ҳавола аппаратини тузиш, каталогни такомиллаштириш, ишларнинг каталоглаштириш ва каталогдан фойдаланиш бўйича турлари ҳисобини олиб бориш.

а) Илмий-услубий таъминот иши алоҳида фонdlар (ёки фонdlар гурӯҳи)ни каталоглаштириш бўйича услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиши, каталогларни таснифлашнинг ишчи чизмаларини яратиши ўз ичига олади, улар муттасил аниқлаштириб ва тўлдириб борилади.

б) Индекслаш - у ёки бу индекс (индекслар)ни тасниф чизмасига асосан танлаш ёки тузиш ва уни тегиши католог варакчасининг ахборотига киритиш демакдир. Индекслаш катolog варакчаси мазмунини таҳдил этиш ва уни таснифлаш чизмасининг муайян тузилмавий бўлинмасига киритиш йули билан амалга оширилади. Индекслаш жараёнида мазмун жиҳатидан бир хил бўлган варакчалар бирлаштирилади, шунингдек варакчалар экспертиза қилинади, яъни сифатсиз, аҳамиятсиз варакчалар айриб олинади. Варакчалар индекслар бўйича тизимлаштирилаётганда иккинчи марта экспертизадан ўтказилади, бунда қайтариқли ва кўп қамровли варакчалар айриб олинади.

Варакчалар таҳрири уларни индекслаш жараёнида ва варакчаларни катologта киритиш олдидан ўтказилади.

в) Варакчалар индекслар ҳамда рукнлар бўйича тизимлаштирилади ва катologта жойлаштирилади. Предметли катologларда варакчалар индексланмасдан алифбо бўйича жойлаштирилади.

г) Варакчалар қайтаригини тайёрлаш мустақил иш тури сифатида ўтказилиши мумкин. Бунда варакчанинг бутун матни қайтарилади.

д) Катalogни такомиллаштириш иши ўз ичига таснифлаш чизмасини такомиллаштириши, катolog мазмунини ва тўлдирилишининг текшириши, хатлов ишларининг текшириши (таҳрир қилиш, бир фонд ёки бир

рўйхат бўйича бир хил ахборотли хатловларни бирлаштириш, улар тизимлаштирилишини аниқлаштириш кабилар) олади.

Вақти-вақти билан тизимли каталог текшируви (тафтиш) ўтказиб турилади. Бунда варакчаларнинг бўлувчилик орасига тўғри жойлаштирилгани текширилади, янги бўлувчиларни киритиш зарурати бор ёки йўқлиги аниқланади.

е) Йигмажилдаги ҳужжатларни каталогглаш бўйича ишлар ҳисобини олиб бориш мақсадида ишонч ёзувидан пастроққа "кatalog" штампи босилади ёки "...вараклар каталог учун хатланган" деган белги қўйилади. Алоҳида рўйхатлар бўйича ҳужжатларни каталогглаш иши туталлангани ҳақида шунга ўхшашиб белгилар рўйхатлардаги ишонч ёзуви варакларида ҳам қўйилади.

Архив фонди ҳужжатларини каталогглаш тутатилгани фонд йигмажилдига киритиладиган маълумотнома билан расмийлаштирилади. Маълумотномада фонднинг рақами ва номи, каталоглашни ким ва қачон ўтказгани, тузилган варакчалар сони кўрсатилади, варакчалар архив каталогига киритилгани ҳақида белги қўйилади, сана, маълумотнома тузувчининг лавозими, имзоси кўрсатилади. Агар каталоглаш архив фондининг қисми бўйича ўтказилган бўлса, маълумотномада фонд рақами ва номидан кейин ишлов ўтказилган рўйхатлар рақами ва номи кўрсатилади. Архив журнали ёки картотекасида каталоглаштириладиган йигмажиллар (йигмажиллар рақами кўрсатилган ҳолда)нинг фонд бўйича (ҳар бир рўйхат бўйича) марказлаштирилган ҳисоби олиб борилади.

Варакчаларнинг каталогга келиб тушиш ҳисоби ҳар бир каталог бўйича алоҳида ва маҳсус дафтарларда олиб борилиши керак. Бундай қайдномаларда варакчанинг каталогга келиб тушган санаси, фонд номи, фонд рақами, тузувчининг фамилияси, варакчалар мажмуининг каталогга киритилгани ҳақида белги қўйилади. Ҳар йили келиб тушган ва каталогга киритилган варакчалар сони ҳисоблаб кўрсатилади. Тузилган ва каталогга киритилган варакчаларнинг архив бўйича умумий ҳисоби давлат сақланувидаги УР МАФ ҳужжатларининг сақланишини ташкил этилиши ҳақидаги ҳисбот (ДА 3-сонли шакли) да олиб борилади.

Каталоглардан фойдаланиш ҳисобини олиб бориш учун журнал (37-илова) тутилади.

296. Кўрсатгич - архив маълумотномаси бўлиб, архив ҳужжатларида тилга олинган предметлар номининг (номланишининг) қидирув маълумотлари кўрсатилган алифболи, тизимли ёки бошқа бирон белгисига кўра тузилган рўйхатидан иборат бўлади. Кўрсатгичлар асосан предметли (бу турдаги кўрсаткичлар яна мавзули, номли, географик хилларга бўлинади) ва даврий турлардан иборат бўлади. Кўрсатгичлар ичида тушунчаларнинг гурухланишига кўра алифболи, тизимли ва даврий кўрсатгичларга хилланади. Тушунчаларнинг алифболи жойлаштирилиши асосан турдош тушунчалар (фамилиялар, географик обьектлар ва шу қабилар) дан иборат кўрсатгичларга нисбатан қўлланилади. Йигмажиллар, ҳужжатлар мазмунини соҳавий ёки мавзуси нуқтаи назардан очиб берадиган кўрсатгичларнинг асосий қисми тизимли (мантикий) тартибда тузилиб, тушунчаларнинг алифболи жойлаштирилиши тизимлаштиришнинг охирги босқичида намоён бўлади.

Ҳужжатларнинг қабул қилиб олингани икки нусхада тузиладиган ҳужжатларни сақлашга қабул қилиш - топшириш далолатномаси (34-илова) билан расмийлаштирилади. Далолатноманинг бир нускаси архивда қолдирилиб, иккинчиси жамловчи манба ҳисобланган ташкилотта берилади. Ҳужжатлар билан биргаликда уч (биринчи, иккинчи, учинчи) нусха рўйхат топширилади.

Ҳужжатлар архивга биринчи бор қабул қилинаётганида ташкилотдан яна фондни ташкил этувчи ва фонд ҳақидағи тарихий маълумотнома ҳам қабул қилиб олинади. Кейинчалик бу маълумотномага ташкилотнинг номи, вазифаси ва тузилмасидаги ўзгартишлар билан тўлдириб борилади.

Хужжатларни доимий сақланувга топширишга тайёрлаш ва топшириш билан боғлик ҳамма ишлар хужжатларни топшираётган ташкилот ҳисобига амалга оширилади.

316. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларини архив уларни идоравий, бирлашган идоравий, идоралараро архивларда сақланишининг кўйидаги сўнгти муддати тугаганидан сўнг қабул қилиб олади:

а) Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Боз прокуратураси, республика миқёсидағи судлар, банклар, давлат бирлашмалари, ташкилотларнинг хужжатлари - 15 йилдан кейин;

б) Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ҳокимияти ва бошқаруви органлари, прокуратураси, судлар, банклар вилоят миқёсидағи шаҳарлар, туманлар, давлат бирлашмалари, ташкилотларнинг хужжатлари - 10 йилдан кейин;

в) шаҳар ва туман миқёсидағи ўзини-ўзи бошқарув органларининг, давлат бирлашмаларининг ва ташкилотларнинг, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хужжатлари - 5 йилдан кейин;

г) фуқаролик ҳолатини қайд этиш, шахсий таркибга оид хужжатлар, нотариал ҳаракатлар ёзувлари ва суд ишлари, хўжалик бўйича дафтарлар - 75 йилдан кейин;

д) мулкчилик шакли аралаш бўлиб, устав сармоясида давлат мулки устуворлик қиласидаган кўшма (давлат иштироки билан) ташкилотларнинг фаолияти мобайнида тузилган хужжатлар - 10 йилдан кейин;

е) илмий, технологик ва патентлик хужжатлари - 10 йилдан кейин;

ё) конструкторлик хужжатлари - 15 йилдан кейин;

ж) капитал қурилиш бўйича лойиҳа хужжатлари - 25 йилдан кейин;

з) телеметрик хужжатлар - 5 йилдан кейин;

и) аудиовизуал (кинофотофон) хужжатлар - тайёрланганидан 3 йилдан кечиктирмай;

к) машинада ўқиладиган (электрон) хужжатлар - 5 йилдан кейин.

Илмий-техникавий ҳужжатлар туркуми таркибига кирадиган аудиовизуал ҳужжатлар, электрон ҳужжатлар, илмий-техникавий ҳужжатлар учун күрсатилған сақланиш мұддати мобайнида сақланадылар.

Ҳужжатларни навбатдан ташқари мұддатда қабул қилиш ҳужжатларнинг йүқолиши хавфи мавжуд ҳоллarda ёки ташкиси тутатилиши, фуқаронинг үлеми, ворислик сабабли ва юқори орган мавжуд бўлмаган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин. Ҳужжатлардан ҳали ҳам амалда фойдаланиш зарурати мавжуд бўлса ёки давлат архивида уларни қабул қилиб олиб, жойлаш учун бўш жой йўқ бўлсагина, истисно тариқасида ҳужжатлар сақлануви мұддатини узайтириш мумкин бўлади.

317. Ҳужжатларни бир архивдан бошқасига ўтказиш "Ўзархив" агентлигининг ва архив иши ҳудудий бошқармаларининг қарори асосида амалга оширилади.

Ҳужжатларни бир архивдан бошқасига қабул қилиш - топшириш икки нусхада тузиладиган (топширувчи архив ва қабул қилиб олувчи архив учун) ҳужжатларни сақланувга қабул қилиш - топшириш далолатномаси (34-илова) билан расмийлаштирилади.

Бутун фонд тўлалигича бошқа архивга ўтказиладиган ҳоллarda айни пайтда уч нусха рўйхат, фонд йигмажилди ва фонд вараги ҳам топширилади.

Шахсий таркиб бўйича идоралараро архивларда сақланаётган ҳужжатлар қимматлигини аниқлаш экспертизаларига кўра доимий сақлаш учун ажратиб олинган шахсий таркиб ҳужжатлари вилоят архивларига ёки уларнинг бўлинмаларига ўтказилади.

318. Нодавлат ташкиси ҳужжатлари сақлаш учун архивларга битим (шартнома)нинг қуйидаги шартларига мувофиқ қабул қилинади:

а) эгалик қилиш ҳуқуқи давлатта ўтказилган тарзда, доимий сақлаш учун;

б) эгалик қилиш ҳуқуқи ташкиси зиммасида сақланиб қолингани ҳолда вақтичалик (мұддати күрсатилиб), шу жумладан депозитар (мұддати күрсатилмай) сақлаш учун.

Хужжатлар давлат мулкчилигига топширилганды уларни сақлаш бепул амалга оширилади. Вактингчалик, шу жумладан депозитар сақлаш эса, архивлар томонидан пуллик амалга оширилади.

Хужжатларни вактингчалик, шу жумладан депозитар сақлаш учун қабул қилиш хужжатларни сақланувга қабул қилиш-топшириш далолатномаси (34-илю) билан расмийлаштирилади.

319. Шахсий келиб чиқыш хужжатлари жисмоний шахслардан архивга күйдеги тарзда келиб тушади:

а) совға қилиш (инъом этиш) шартномаси бўйича бепул;

б) васиятнома бўйича;

в) одди-сотди шартномаси бўйича;

г) суднинг ноқонуний ўзлаштириб олинган хужжатларни тортиб олиш, хужжатларнинг эгасизлигини ёки хўжасизларча сақланәётганини зътироф этиш ҳақидаги хукми бўйича.

Шахсий келиб чиқыш хужжатлари сақданаёттан жойнинг ўзида уларни оддиндан кўриб чиқилиб, бирламчи тизимлаштириш ўтказилади ва шулар натижасида хужжатларнинг қимматлилиги ҳақида холоса ёзилади. Архив ходими ёки фонднинг эгаси топшириш рўйхатини тузади. Хужжатларнинг одди-сотдиси якунида ёки хужжатлар суд хукмига биноан олинганида хужжатларнинг пулли қўймати (нархи) кўрсатилган рўйхатнинг баҳономали лойиҳаси тузилади.

Шахсий келиб чиқыш хужжатларини қабул қилиш эксперт берган хulosага кўра ЭТК чиқарган қарор асосида бажарилади ва шахсий келиб чиқыш хужжатларини сақланувга қабул қилиш далолатномаси (35-илю) билан расмийлаштирилади. Далолатноманинг бир нусхаси архивда, иккинчиси фонд эгасида қолдирилади.

Хужжатларнинг қабул қилиш ёки архивнинг хужжатларни сотиб олиши масаласи салбий ҳал қилинса, шунингдек архивдаги хужжатларнинг қимматлилигини экспертиза қилиш натижасида уларни қайтариб беришга қарор қилинган ҳолмarda икки нусхадан иборат хужжатларни эгасига қайтариш ҳақидаги далолатнома (37-илю) тузилиб, далолатноманинг бири хужжатлар (уларнинг бир қисми) билан биргаликда эгасига қайтариб берилади.

Шахсий келиб чиқиш хужжатлари архивга хужжатлар эгасининг аризасига кўра ҳақ тўлаш эвазига депозитар (вақтингча) сақланувга қабул қилиниши мумкин.

Шахсий келиб чиқиш хужжатларини пулсиз архивга қабул қилиш этасининг аризасига кўра амалга оширилади.

Совға қилиш шартномасига ёки васиятномага асосан қабул қилинаётган хужжатлар тегишли тартибда нотариал идоралари орқали расмийлаштирилади.

Хужжатларни олди - сотди асосида қабул қилиб олиш нотариал идоралари орқали расмийлаштирилади. Хужжат эгаси ва архив ўртасида тегишли тартиб бўйича тузилган шартнома юридик хужжат ҳисобланиб, унга биноан шахсий келиб чиқишидаги хужжатлар давлат мулкига айланадилар ва ЎР МАФ таркибиغا киритиладилар.

320. Архивни жамловчи манба ҳисобланган ташкилот тутатилаётганида, агар вориси бўлмаса, унинг хужжатлари архивга қабул қилиб олиниши керак. Давлат ташкилотининг хужжатларини архив мазкур Коидаларнинг талабига мувофиқ қабул қилиб олади.

Тутатилаётган нодавлат ташкилотининг хужжатлари, агар у билан шартнома тузилмаган бўлса, ўрнатилган тартиб бўйича ташкилот ҳисобига хужжатларнинг қимматлилиги экспертизаси ўтказилганидан ва хужжатлар хатланганидан сўнг архивга пулли қабул қилинади.

321. Ҳозирги замон ёки ўтмиш ҳодисаларини архив томонидан ташаббусли хужжатлаштириш оқибатида тузилган, рўйхатта киритилган хужжатлар (далолатномалар, суратлар, хотира ёзувлари, сухбатлар, интервьюлар) уларнинг қимматлилиги ҳақидаи экспертизинг холосаси билан биргаликда ЭТКда кўриб чиқилади. Хужжатларни қабул қилиш уларни сақланувга қабул қилиши-топшириш далолатномаси (34-илова) билан расмийлаштирилади, далолатнома архивнинг хужжатларни тошираётган ва қабул қилиб олаётган ходимлари томонидан имзоланиб, архив раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Коғоз асосдаги хужжатлар илова хужжатлар (режа, ҳисбот, саволнома ва б.) билан биргаликда топширилади; аудиовизуал хужжатлар зарур бўлган тўпламда ва тегишли матнли илова хужжатлар билан биргаликда топширилади.

322. Архив аудиовизуал ва машинада ўқиладиган (электрон) ҳужжатларни доимий сақланишта қабул қиласи.

Давлат архивига бир ёки бир неча файлдан иборат, машина ҳомилига жойлаштирилган ҳар хил турдаги электрон ҳужжатлар («ЭХ») қабул қилинади. Файллар ва машина ҳомиллари шакллари давлат архиви талабларига мос бўлиши, ЭХ -лардан фойдаланишга рухсат олиш ва кўриб чиқишини таъминлаши керак. Алоҳида ЭХ-ларни, уларнинг кўриниш воситаси дастурлари билан биргаликда қабул қилиш мумкин.

Давлат сақланувига зудлик билан муомиладаги ёки мазмунан тузиладиган маълумотлар баъзаси, электрон жадвал ва бошқалар ана шундай муомила да фойдаланадиган ЭХ-лар қабул қилинади.

ЭХ-лар рўйхатига асосан кузатиб борувчи хат билан биргаликда давлат архивига ўтказилиши керак

Рўйхатлар ва кузатувчи ҳужжатлар шакллари, уларнинг тасдиқлаш ва келишув тартиби «Ўзархив» агентлиги меъёрий-услубий ҳужжатлари билан аниқланади.

Аудиовизуал ҳужжатлар сақланувга қуйидаги мажмуада қабул қилиб олинади: фотоҳужжатлар - негатив, назорат қилиш нусхаси; фоноҳужжатлар ва видео-ҳужжатлар - асл нусхаси ва бошқа нусхаси билан. Айни пайтда матнли илова ҳужжатлар (техник ҳолати ҳақидаги далолатнома, аннотация ва б.) ҳам қабул қилиб олинади.

§ 5. Архивни чет эллардаги Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатлар билан жамлаш

323. Архивни Ўзбекистонда тузилиб, эндилиқда республикадан ташқарида сақланыётган, аммо Ўзбекистон Республикаси учун аҳамиятли бўлган ҳужжатлар билан ёки республика тарихига оид бўлиб, ўзи чет элларда тузилган ҳужжатлар билан жамлаш иши қуйидагилардан иборат:

а) бу ҳужжатлар ҳақида хориждаги маълумотни топиш;

б) ўзбек юртида барпо этилган ҳужжатларга ва Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларга эга бўлган ташкилотлар ва хусусий шахсларни топиш;

в) манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамгармалар, фонdlар, чет эллар билан алоқа қилувчи жамоат ташкилотлари ва хориждаги ватандошлар билан муносабат ўрнатиш;

г) ўзбек юртида барпо этилган хужжатлар ва Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларни сақлаётган хорижий давлат ва нодавлат архивлар ҳақида маълумотлар тайёрлаш;

д) архив йўналишидаги фонdlар, тўпламлар, мажмуалар ва алоҳида ҳужжатларнинг мамлакатлар, архивлар, эгалари бўйича рўйхатини тузиш;

е) аслида ўзбек юртида тузилган ҳужжатларнинг хорижга бориб-қолиш шароитларини ўрганиш;

ё) аслида ўзбек юртида тузилган, архив йўналишида бўлган, асл нусха тарзида қайтарилиган ҳужжатлар, шунингдек уларнинг нусхаси тарзида олинган Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатлар ҳақида маълумотларни топиш;

ж) архив ишини бошқарувчи юқори органни аслида ўзбек юртида тузилган ҳужжатларнинг аниқлангани ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш, уларни асли ёки нусхаси тарзида олиш ҳақида асосли таклифлар киритиш;

з) архив йўналишидаги ҳужжатларнинг сақланаётган жойи ҳақида тезкор ва икки ёқлама ахборотдорликни амалга ошириш;

и) "Ўзархив" агентлигининг чет мамлакатлардаги архив хизмати ва муассасалари билан келишувига мувофиқ равища тенг ҳужжатларнинг нусхалари билан алмашиш ишларини амалга ошириш;

к) асл ҳужжатларни ёки уларнинг нусхаларини доимий сақланувга қабул қилиш.

324. "Ўзархив" агентлиги ва архив иши худудий бошқармалари архивлар ишини мувофиқлаштирадилар, фан, маданиятнинг манфаатдор муассасалари, жамоат ташкилотлари билан аслида ўзбек юртида тузилган ҳужжатларни аниқлаш, уларнинг асл нусхада ёки уларнинг нусхаси тарзида республикага қайтарилиши билан боғлиқ масалаларни келишадилар.

325. Хориждан олинган ҳужжатларни архивга қабул қилиш ҳужжатлар эгаси ва архив ўртасида тузилган ҳужжатнинг асли ёки нусхасини сотиш, совға қилиш, ҳужжатлар нусхалари билан алмашиш ҳақидағи битим (шартнома)га мувофиқ амалга оширилади. Шартномалар тегишли мамлакатларнинг қонунлари асосида тузилади. Шартномада берилаёттан ҳужжатлардан фойдаланишининг алоҳида шартлари кўрсатиб ўтилиши мумкин.

326. Чет элдан асл нусхада ёки унинг асл нусха ҳукуқидаги доимий сақланиш учун қабул қилиб олинган ҳужжатлар давлат архиви фондига киритилади ва ҳисоби олиб борилади.

VI-БОБ. ТАШКИЛОТЛАР АРХИВЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА ИШ ЮРИТИЩДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ИШЛАРИГА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ РАҲБАРЛИК ВА НАЗОРАТ

327. Архив ўзига берилган ваколатлар доирасида ЎР МАФнинг вақтинча сақланувдаги ҳужжатларининг шаклланиши ва сақланишини таъминлаш мақсадида архивни жамловчи манба ташкилотларнинг архивлари (архив хизмати)га ташкилий-услубий раҳбарлик кўрсатиб, улар архив ишини ва иш юритищда ҳужжатларнинг тузилишини назорат қиласи. Бу ишлар қўйидаги йўналишларда олиб борилади:

а) иш юритищда ҳужжатларнинг тузилишига услубий ёрдам кўрсатиш ва назорат қилиш;

б) ҳужжатларни доимий сақланиш учун танлаш ва уларни топширишга тайёрлашда, шахсий таркиб ҳужжатларини тартибга келтиришда, улар сақланувини таъминлашда ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш;

в) ташкилотларнинг эксперт комиссиялари билан биргаликда ҳаракат қилиш;

г) ЎР МАФ ҳужжатларининг давлат рўйхатини юритиш;

д) ҳужжатларнинг, шу жумладан алоҳида қимматли ҳужжатлар ва сугурта фонди нусхалари, шунингдек шахсий таркиб ҳужжатларининг давлат (фонд бўйича ва статистик) ҳисобини юритиш; ташкилотлардаги вақтинча сақланувдаги ҳужжатларнинг ҳолати ва миқдори ҳакида ҳисобот тайёрлаш;

вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари аппаратларида иш юритиш ва ҳужжатлар ижросининг назорат қилишни ташкил этиш бўйича йўриқномаси билан ва Ўзбекистон Республикаси вазирларни, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича намунавий йўриқномаси талаблари билан, давлат ташкилотлари идоравий архивларининг иш қоидалари билан мувофиқлигини текширади.

Ташкилот архиви ва эксперт комиссиялари тўғрисидаги низомлар лойиҳаларини тасдиқ учун тайёрлағанда уларнинг «Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди тўғрисида Низом» талабларига, "Ўзархив" агентлиги тасдиқлаган идоравий архивлар ва эксперт комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомлар талабларига мувофиқлигини текширади.

Йигмажиллар номенклатураси ташкилотнинг асосий ваколатлари, вазифалари, тузилишида сезиларли ўзгаришлар юз берган ҳоллардагина, аммо аввалги келишилган муддатдан беш йилдан кўп вақт ўтказмай, давлат архивлари билан келишилади.

Доимий сақланувдаги йигмажиллар рўйхатини эксперт-текширув комиссияларида кўриб чиқишига тайёрлаш мобайнида архив ҳужжатларнинг сақланувга тўғри танлангани текширилади, рўйхатларга киритилган ҳужжатлар таркибининг тўлиқлик даражаси белгиланади, сақлов бирликлари хатловининг сифати, рўйхатларнинг йиллик бўлимлари тўғри расмийлаштирилганми ёки йўқлиги, рўйхатларга зарур илмий маълумотнома аппаратининг ва фондларга тарихий маълумотнома ларнинг мавжудми ёки йўқлиги текширилади.

329. Архивни жамловчи манба ҳисобланган назоратдаги ҳар бир ташкилотта кузатув йигмажилди очилади. Унга ташкилот архиви ишинива иш юритишнинг қандай йўлга қўйилганини таснифлайдиган ҳужжатлар (ташкилотнинг архив иши ва иш юритиш бўйича

буйруқлари, ташкилот архиви ва МЭК (ЭК) тұғрисидаги низомлар, үйгемажилдар номенклатураси, иш юритиш бүйічә йүрикнома, текширув маълумотномалари ва шу кабилар) киритилади.

330. Архивнинг ташкилот билан ишлари ҳисобини олиб бориши мақсадыда ҳар бир ташкилотта ҳисоб варажаси (46-илова) очилади.

§ 2. Ҳужжатларни доимий сақлашга саралаш ва топшириш учун тайёрлаш, шахсий таркиб бүйічә ҳужжатларни тартибга келтириш, уларнинг сақланишини таъминлашта ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш

331. УР МАФ ҳужжатлари сақланувини таъминлаш, уларни доимий сақлаш учун ажратиб олиш ва топширишга тайёрлашта ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш архив томонидан архивни жамловчи манба бўлган ташкилотлар архивлари фаолиятини кенг қамровли, мавзули ва назорат текширувлари жараёнида амалга оширилади. Кенг қамровли текширув ўтказиш мобайнида архив иш юритишида ҳужжатларнинг ташкил этилишига услубий ёрдам беради.

Кенг қамровли текширувлар архивни жамловчи манба ҳисоблан ган ҳар бир ташкилот камида беш йилда бир марта кенг қамровли текширувдан ўтказилиб туриши кераклиги ҳисобида олиб борилади.

Мавзули текширувлар заруратта кўра, бироқ камида бир йил оралатиб ўтказилади.

Назорат текширувлари заруратта кўра кенг қамровли ёки мавзули текширув ўтказилганидан бир йил кейин амалга оширилади. Архив лозим топган ҳолларда назорат текширувlarини ўтказиш ўрнига ташкилотдан аввалги текширув жараёнида кўрсатилган камчиликларнинг бартараф этилиши бүйічә берилган таклифларнинг бажарилиши ҳақида маълумотлар сўраб олиши ҳам мумкин.

332. Кенг қамровли текширув архив директори тасдиқлаган режа бүйічә амалга оширилади. Режада ўтказилаёттан тёкширувнинг вазифалари ва асосий масалалар, унинг изчиллиги ва ўтказилиши муддати, комиссия таркиби кўрсагилади. Текширув ўтказилиши мўлжаланаёттан ташкилот раҳбарияти текширувдан кўзланган мақсад ва текширув ўтказиладиган вақти ҳақида огоҳлантирилади.

Кенг қамровли текширув жараёнида қуйидагилар аникланади:

а) Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тұғрисида" ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Миллий архив фонды тұғрисида Низом»нинг ва республиканың бошқа қонун хужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг қарорлари, вазирліктер, идораларнинг, шу жумладан ташкилотнинг үзи чиқарған архив иши ва иш юритиш масалаларига оид фармойиш хужжатларнинг қаңдай бажарилаётгани;

б) идоравий архивнинг ташкилий-хуқуқий низоми ва унинг давлат архив хизмати үрнаттан талабларга мувофиқлиги (архив, МЭК (ЭК) тұғрисидағи низомлар);

в) ташкилот архиви ишининг ақвони (иш режасининг, мәхнат ҳисоби ва ҳисоботнинг бор-йүқлигі, ташкилот тизимидағи архивларда ишнинг бориши ақвони ва хужжатлар сақланувини таъминлаш, хужжатларни тартибга келтириш ва үз вақтида тегишли давлат архивларига топшириш устидан назоратни амалга ошириш, архив хизмати ходимларининг малакасини ошириш бүйича тадбирларни үтказиш ва ҳоказа);

г) ЎР МАФ хужжатларини ташкилотнинг идоравий архивида сақданиши ва ҳисобини олиб борилиши ақвони, бунда айниқса архивнинг хужжатлар сақланиши учун маҳсус жиқозланған хоналар билан таъминланғанига, бу хоналарда ҳарорат-намлыкнинг керакли режими үрнатылғанига; хужжатлар ҳисобига, хужжатлардан фойдаланиши жараёнида уларнинг сақланиши таъминланишига; алоҳида қимматли хужжатларни аниқлаш ва ҳисоблашни юритиш, алоҳида қимматли хужжатлар нұскаларининг сұғурта фондини ташкил этиш бүйича кенг қамровли ишлар үтказиш ва ҳоказоларга алоҳида эътибор берилади;

а) идоравий архивлар хужжатларига илмий-мағлumatнома аппаратини барпо қилиш бүйича ишларнинг мавжудлиги ва ақвони;

е) ташкилотнинг идоравий архивини жамлаш тартибига риоя этиш ва хужжатларни доимий сақданувга топшириш учун ажратиш ва топшириш бўйича ишларни ташкил этишинг ахволи; эксперт комиссиялари ишини ташкил этиш (бунда ишнинг меъерий - услубий тъминотига, эксперт комиссиялари ишини ташкил этишга алоҳида эътибор берилади);

ё) ташкилотнинг идоравий архивида сакланадиган хужжатлардан фойдаланиш бўйича ишларни ташкил этилиши ва ўтказилишини тўғрилити.

Кенг қамровли текширув ўтказилаётган ташкилотларнинг кузатув йигмажилдлари, ЭТК тасдиқлаган доимий сақланишдаги йигмажиллар рўйхати, ташкилотнинг фармойиш ва меъерий-услубий хужжатлари, ташкилот идоравий архивининг режа ва ҳисоботлари, ҳисоб хужжатлари, МЭК (ЭК) хужжатлари ўрганилади; ташкилотнинг фаолиятида тузилган хужжатларни таркиби, уларни тартибга келтирилганлик даражаси бевосита ўрганилади.

Кенг қамровли соҳавий текширувлар нағижалари одатда архив иши бошқарув мутасадди давлат органлари ҳайъатида ёки архив дирекцияларида кўриб чиқилади.

Идоравий архивлар ва ташкилотларнинг иш юритиши хизматларини кенг қамровли текшириш нағижалари бўйича одатда тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, бу режа ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланади ва архивга тақдим этилади.

333. Идоравий архив иши ҳолатини ва иш юритища хужжатларнинг тузилиши ахволини мавзули текшириш архив томонидан идоравий архивлар фаолиятининг айрим йўналишларини (хужжатларни доимий сақданувга ажратиб олиш тартиби, улар сақланувини тъминлаш, хужжатларни расмийлаштириш сифатини, йигмажиллар шаклачишининг тўғрилиги ва шу кабиларни) текшириш мақсадида архив директори тасдиқлаган режага кўра ўтказилади.

334. Архив томонидан идоравий архивларда ўтказилган кенг қамровли ва мавзули текширувлар ҳамда иш юритища хужжатларнинг ташкил этилишини текшириш нағижалари бўйича берилган таклиф ва тавсияларнинг бажарилишини кўриш мақсадида мунтазам равинда назорат текширувлари ўтказиб турилади.

335. Текширув натижалари маълумотномалар билан расмийлаштирилади. Уларда текширув ким томонидан амалга оширилгани, текширувнинг ўтказилган вақти ва вазифалари кўрсатилади, текширув натижалари архив иши ва иш юритишда ҳужжатларнинг тузилиши аҳволи текширув режасига мувофиқ баён этилади; аниқланган камчиликлар кўрсатилади; текширув ўтказилаёттан ташкилотларда архив иши ва иш юритишда ҳужжатларнинг барпо этилиши аҳволи ҳақида умумий хуносалар ҳамда мавжуд нуқсонларни бартараф этиш бўйича таклифлар ёзилади (уларнинг бажарилиш муддатлари кўрсатилади).

Текширув натижалари ҳақида ташкилот раҳбарияти хабардор қилинади ҳамда ташкилотнинг идоравий архив жамоалари ва иш юритиш хизмати ходимларининг йигилишларида муҳокама этилади, бу йигилишларга эксперт комиссияларининг раислари ва аъзолари таклиф қилинади. Архив иши ва иш юритишнинг олиб борилишида амалдаги қоидалар ва талабларнинг кўпол равишда бузилгани аниқлангани ҳолларда текширув натижалари ҳақида юқори ташкилотта ҳам хабар берилади.

Текширув жараёнида текширувчилар ташкилот томонидан давлат архиви хизматининг қайси талаблари бажарилмаётгани ёки бузилаёттани ҳақида ва улар қандай бажарилиши кераклиги ҳақида аниқ ва равshan тушунтириб беришлари керак.

§ 3. Архивни жамловчи манба ташкилотларнинг эксперт комиссиялари билан ўзаро ҳамкорлик

336. Архив куйидагиларни бажаради:

а) ташкилотларнинг МЭК (ЭК) тўғрисидаги низомларни, улар иши тартибини белгилайдиган меъёрий - услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишида ёрдам беради;

б) агар ўзига шундай ваколатлар берилган бўлса, ташкилотнинг МЭК (ЭК) ҳақидаги низомларини келишади;

в) архивни жамловчи манба бўлган ташкилотларнинг МЭК (ЭК) ишларида иштирок этадилар;

г) МЭК (ЭК) да кўриб чиқилиши керак бўлган ҳужжатларни тайёрлашда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

д) архивнинг ЭТКси билан ташкилотнинг МЭК (ЭК)сининг қўшма йигилишларини ташкил этади;

е) ташкилотнинг МЭК (ЭК)лари архивнинг хужжатларни доимий сақланувга ажратиб олиш, хужжатлар қимматлиги экспертизасини ўтказиш, сақланувни таъминлаш, хужжатлардан фойдаланиш борасидаги ва бошқа масалалар бўйича ишларни ташкил қилиши ҳақидаги ҳисоботларини архив ишини бошқарувчи мутасадди органлар ёки архив ЭТКларида эшлишини ташкил қиласди.

§ 4. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди хужжатларининг давлат рўйхатини юритиш

337. Тегишли тартибда ЎР МАФга киритилган барча хужжатлар қаерда сақданаёттани ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳужжатларини ўзларида доимий сақлаш ҳуқуқи берилган республика вазирлклари, давлат қўмиталари, идораларининг ҳужжатларини "Ўзархив" агентлиги рўйхатта олади.

Архивлар ЎР МАФнинг архивларни жамловчи манба ташкилотлари архивларида сақданаёттан ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказадилар.

Рўйхатта олиш ЎР МАФ ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибига мувофиқ равишда амалга оширилади.

338. Ҳужжатлар рўйхатдан ўтказиб бўлингач, ЎР МАФ ҳужжатларининг эгасига ҳужжатларни рўйхатга олингалик ҳақидаги ягона намунадаги Гувоҳнома (31-илова) топширилади.

Гувоҳнома алоҳида ҳужжатта берилгани каби, ҳужжатлар (сақлов бирлиги йигмажииди) мажмууга, ҳужжатлар тўпламига, фонд, фондлар гурӯҳига, архивга ва шу кабиларга ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Гувоҳнома берилгани ҳақида ЎР МАФ ҳужжатларининг давлат рўйхатидан ўтказиш дафтарига (47-илова) архив томонидан ёзиб қўйилади.

339. Давлат гувоҳномасининг берилишига қўйидагилар асос бўлаолади:

а) ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида"ги Қонуни амалга киритилгунига қадар "Ўзархив" агентлигининг Республика фонди каталогида давлат ҳисобида турганлиги;

б) архив муассасаси эксперт-текширув комиссиясининг ташкилот (хусусий шахс)ни тегишли давлат архивини жамловчи манбалар сирасига қўшиш ҳақидаги қарори ва ташкилот (хусусий шахс)да ЎР МАФга тегишли ҳужжатларнинг (доимий сақланадиган ҳужжатларнинг тасдиқланган рўйхати) мавжудлиги;

в) рўйхатта олинган йилнинг 1-январига ҳужжатларни идоравий сақлашни ташкил қилиш ҳақида статистик ҳисоботнинг мавжудлиги;

г) ҳужжатларга эгалик қилиш хуқуки топширилаётганда ҳужжатларнинг собиқ эгасида ҳужжатлар рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг мавжудлиги.

340. Қўйидаги ҳолатларда гувоҳнома олиб қўйилади ёки қайта расмийлаштирилади:

а) рўйхатдан ўтказилган ҳужжатларнинг эгаси уларга эгалик қилиш хуқуқини бошқа шахсга берганда ёки суд унинг бу ҳужжатларга эгалик қилиш хуқуқидан маҳрум қилганда;

б) рўйхатта олинган, фуқаронинг мулки бўлган ҳужжатлар ёки уларнинг бир қисми "Ўзархив" агентлигининг муассасалари ва идораларининг эксперт-текширув комиссиялари қарорига мувофиқ ЎР МАФдан чиқарилган ва давлат ҳисобидан ўчирилганда.

Агар Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида"ги Қонуни амалга киритилгунига қадар давлат ҳисобида давлатта тегишли бўлмаган ҳужжатлар турган бўлса, ҳужжатлар қаерда сақданаёттанидан қатъи назар уларга тегишли гувоҳнома ҳужжатлар эгасига ёки унинг қонуний вакилига берилади.

341. Давлат архивига келиб тушаётган ЎР МАФ ҳужжатларига, агар улар аввал рўйхатдан ўтказилган бўлса,

қайта гувоҳнома берилмайди. Бу ҳолларда улар учун мазкур архивда хужжатлар давлат архивига қабул қилингани ва рўйхатга олингани ҳақида аввал берилган гувоҳнома амал қиласавади.

342. Қўйидаги ҳолларда рўйхатга олинганлик ҳақида гувоҳномага ўзгартиш киритилади:

а) хужжатларга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқага ўтказганда ёки эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда;

б) хужжатларнинг сақланадиган жойи ёки сақланиш шарт-шароити ўзгарганда;

в) хужжатлар алоҳида қимматли ёки ноёб хужжатли ёдгорликлар сирасига киритилганда;

г) хужжатлардан фойдаланиш фонди нусхалари тайёрланганда, архив хужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланганда ва хужжатлардан фойдаланиш шарт-шароитида бошқа ўзгаришлар бўлганда;

д) хужжатларга илмий-маълумотнома аппарат тузилганда ва такомиллаштирилганда;

е) рўйхатта олинган хужжатларнинг нусхалари чет элга олиб чиқилганда;

ё) гувоҳномада қайд этилган хужжатларнинг ЎР МАФдан чиқарилганда;

ж) гувоҳномани расмийлаштиришда ундан хато топилганда ёки фойдаланиб бўлмайдиган даражада гувоҳнома бузилганда;

з) рўйхатта олинганлик ҳақида гувоҳнома йўқотилганда, қўшимча ёзув, тузатиш киритилганида, хатоси бўлганда ёки гувоҳнома бузилганида у ҳақиқий эмас деб топилади.

Гувоҳнома эгаси архив муассасига мурожаат қилгудек бўлса, муассаса ўша куннинг ўзида ёки маълумотларнинг текширилиши ва аниқланишига зарурат бўлган ҳолларда эса, уч кун ичида гувоҳномага ўзгартиш киритиши, уни қайта расмийлаштириши ёки олиб қўйиши шарт.

Зарурат бўлган ҳолларда архив муассасаси гувоҳнома эгасидан унинг шахсини ёки ваколатини тасдиқловчи хужжатлар, шунингдек рўйхатта олинганлик

тўғрисидаги гувоҳномага ўзгартиш киритишга асос бўлади-
ган бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақлидир.

VII - БОБ. АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

§ 1. Ҳужжатлардан фойдаланиш тушунчаси

343. Ҳужжатлардан фойдаланиш - жамият ва давлатнинг, фойдаланувчилар ва фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив ахборотларидан фойдаланиш демакдир.

Архив ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби "Ўзархив" агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида"ги Қонунига, «Ўзбекистон Республикаси-нинг Миллий архив фонди тўғрисида Низом»ига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ахборот, ахборот таъминоти ва ахборот билан алмашинишга оид бошқа қарорлари ва меъерий хукуқий ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилади.

§ 2. Ҳужжатлардан фойдаланишнинг асосий шакллари

244. Архивда ҳужжатлардан фойдаланишнинг асосий шакллари қўйидагилардан иборат:

а) фойдаланувчиларни (давлат ҳокимияти ва бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини, давлат ва нодавлат ташкилотларини, бирлашмалар ва фуқароларни) сўровларига мувофиқ ва архив ташаббусига кўра ахборот билан таъминлаш;

б) архив ўқувхоналарида тадқиқот ишлари олиб бориш учун фойдаланувчиларга ҳужжатлар тақдим қилиш;

в) кўргазмаларда ҳужжатларни намойиш этиш;

г) оммавий ахборот воситаларида ҳужжатлардан кенг фойдаланиш (телекўрсатувлар ва радио эшигтиришлар, интервюлар, сухбатлар, киноларда фойдаланиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва б.);

д) ахборотдорлик тадбирларини (жамоатчилик билан учрашувлар, ўқувчилар конференциялари, талабалар ва ўқувчилар учун дарслар ўтказиш, архивга эккурсиялар, лекциялар, маъruzалар уюшгириш ва б.) ўтказиш;

е) ҳужжатларни вақтинча фойдаланишта бериш;

ё) хужжатларни турли шаклларда нашр этиш (мавзуу бүйича туркумлаш, мақолалар, шарҳлар, хужжатлар түламлари, плакатлар, буклетлар, албомлар чиқариш, микрофилмлар тайёрлаш ва б.).

§ 3. Сўровлар ва ахборот хужжатлари тури

345. Архивга келиб тушадиган сўровлар одатда мавзули ва ижтимоий-хукукий сўровлардан иборат.

Мавзули сўров - муайян мавзуу, воқеа ёки факт бўйича ахборот етказиб бериш ҳақидаги сўровдир. Таржимаи ҳол сўрови мавзули сўровнинг бир тури бўлиб, бундай сўров асосида тайинли шахснинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш учун зарур бўлган маълумотлар қидириб топилади, унинг таржимаи ҳолига оид фактлар аниқланади.

Ижтимоий-хукукий тоифадаги сўров - тайинли шахс ёки ташкилотни фуқароларнинг ҳукукий ва қонуний манфаатларини қондириш билан боғлиқ сўровлари.

346. Архив маълумотномаси, архив нусхаси, ёки кўчирмаси, ахборот хати, хужжатларнинг мавзули рўйхати, хужжатлар нусхасининг мавзули термаси - архивнинг ахборот хужжатлари ҳисобланади.

Архив маълумотномаси - юридик кучга эга ва мазмуни сўралган нарсаларга алоқадор бўлган, хужжатларнинг қидирув жойи аниқ кўрсатилган ва шулар асосида тузилиб, хужжат тилида берилган архивнинг расмий хужжати.

Архив нусхаси - хужжат матнини машинали ёзув, электрографик ёки бошқа воситаларида сўзма-сўз намоён этадиган ва хужжатнинг қидирув жойи кўрсатилган архивнинг расмий хужжати.

Архив кўчирмаси хужжатнинг муайян факт, воқеа, шахсга тегишли бир қисмини сўзма-сўз намоён этадиган ва хужжатнинг қидирув маълумоти кўрсатилган архивнинг расмий хужжати.

Ахборот хати - архивнинг ўз ташаббуси билан ёки фойдаланувчининг сўровига кўра тузилган, архивдаги муайян муаммо, мавзу ҳақидаги хужжатларнинг мавжудлиги ҳақида ахборот берадиган хат.

Хужжатларниң мавзули рўйхати - архив ташаббусига ёки ташкилотнинг сўровига кўра муайян мавзу (масала) бўйича тузилган ҳужжатлар, сақлов бирликлари сарлавҳаларининг, ҳужжатларниң санаси ва қидирув маълумотлари ҳам берилган тизимлаштирилган қисқа ёки аннотациялаштирилган рўйхати.

Хужжатлар нусхасининг мавзули термаси - архив томонидан ташкилот буюргасига кўра ёки архив ташаббуси билан муайян мавзу (масала) бўйича тайёрланган ҳужжатлар ёки уларниң қисмлари (фрагментлари) нусхасининг тизимлаштирилган термаси. Мавзули терма сарварақ, ҳужжатлар рўйхатига ва зарурат бўлган ҳолларда сўров мавзуси бўйиче тарихий маълумотномага эга бўлиши керак.

§ 4. Сўровларни чилиларниң сўровларига мувофиқ уларни ахборот билан таъминлаш

347. Фойдаланувчиларни ахборот билан таъминлаш уларниг архив ҳужжатлари бўйича сўраган ахборотларини топиб бериш, уларга тегишли ахборот ҳужжатларини тайёрлаб, тақдим этиш йўли билан амалга оширилади. Бу ишлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви, маҳаллий үзини ўзи бошқариш органларининг, давлат ва нодавлат ташкилотларининг, жамоат бирлашмаларининг, фуқароларниң, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида олиб борилади. Ахборот таъминоти режалар асосида ва тезкорлик билан ҳам амалга оширилади.

Сўровда ташкилотнинг номи (фуқаролар учун - фамилияси, исми, ота исми), почта манзили, мавзу (масала), сўралаётган ахборотниң даврий чегаралари кўрсатилган тақдирдагина сўровлар ижроси ташкил этилади.

Архив фуқароларни қабулхоналарда ва маълумот берувчи хона (стол)ларда амалга оширади. Архивга шахсан мурожаат қилган фуқароларниң ҳисоби маҳсус журналда (48-илова) олиб борилади. Фуқароларни қабул қилиш кўрсатилган кун ва соатларда олиб борилади. Архив раҳбарияти фуқароларниң сўровларини ташкил этиш ва ижроси учун жавобгардир.

Ташкилотлар ва фуқароларнинг сўровлари архив раҳбарияти томонидан кўриб чиқилади, ижро учун архивнинг тегишли бўлинмасига ёки бевосита ижрочисига юборилади. Сўровлар фақат архивда сақланаётган барча ҳужжатлар ва мавжуд нашрларга асосан ижро этилиши керак.

Сўров архив йўналишига алоқадор бўлмаган ҳолларда, архив уни сўралаётган ҳужжатлар сақланаётган жойга юборади ёки ташкилот ва фуқароларга тегишли тавсиялар беради.

§ 5. Мавзули сўровларни ижро этиш тартиби ва муддатлари

348. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, ўзини ўзи бошқариш ҳамда маъмурий органларнинг ўз вазифаларини бажаришларига оид сўровларини архив биринчи навбатда ва қонунчиликда ўрнатилган муддатларда кўриб чиқади.

Архив фойдаланувчиларнинг мавзули сўровларини пулли хизмат кўрсатиш (шу жумладан шартнома асосида) ёки бепул хизмат кўрсатиш йўли билан ижро этиш бўйича иш олиб боради. Пулли хизмат кўрсатиш рўйхатини "Ўзархив" агентлиги белгилайди.

Ҳужжатларни топиш ва нусхасини олиш бўйича катта ҳажмдаги ишларни бажаришга тўғри келганда, архив фойдаланувчига дастлабки натижалар ҳақида ёзма равища хабар беради.

349. Бажарилган ишлар натижасига кўра архив фойдаланувчига ахборот хатини, ҳужжатларнинг мавзули рўйхатини ва ҳужжатлар нусхаси термасини, архив маълумотномалари ва кўчирмаларини юборади. Мавзули рўйхатларга ва ҳужжатлар нусхаси термаларига архив раҳбарияти имзолаган илова хат қўшилади.

§ 6. Ижтимоий-ҳукуқий тоифадаги сўровларни ижро этиш тартиби ва муддатлари

350. Ижтимоий-ҳукуқий сўровлар сирасига ҳукукий ва жисмоний шахсларнинг меҳнат стажи, иш ҳақининг ҳажми, ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларидаги хизмати, саломатлигининг аҳволи, мукофотланганлиги, унвон берилганлиги, маълумот олганлиги, қатагон қилингани,

фуқаролик ҳолати қайдлари, жамоатчилик лавозимларга сайланганлиги, жиноий жавобгарликка тортилганини тасдиқловчи, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи бошқа масалалар билан боғлиқ сўровлар киради.

351. Мехнат стажи ва иш ҳақининг ҳажми ҳақидаги архив маълумотномасига архив ҳужжатларида мавжуд бўлган даврларга оид маълумотларгина киритилади. Бунда фуқаро эгаллаб турган лавозимнинг аниқ номи ва бу лавозимда ишлаган даври аниқ кўрсатилади.

Фуқаронинг шахсий йигмажилдида мавжуд бўлган унинг ўз қўли билан тулдирилган кадрлар ҳисобига оид варақлар, сўровномалар, таржимаи ҳоллар унинг меҳнат стажи ҳақида маълумотнома беришга асос бўлаолмайди. Меҳнат стажига ва иш ҳақига оид маълумотларни тасдиқлаш учун ишлаб чиқариш ва шахсий таркиб бўйича буйруқлар, шахсий ҳисоблар, ҳисоб - китоб қайдномалари, касаба уюшмаси аъзоларининг ҳисоб ва ҳисобот варақчаларидан (иш ҳақидан ва стипендиядан аъзолик бадали тўланганлик ҳақида белгилар бўлган ҳолларда) фойдаланилади.

Маълумотномада иш ҳақи маълумотлари сўралган даврда амалдаги пул белгилари (рубллар, сўмлар) билан кўрсатилади.

Иш ҳақи ҳақидаги маълумотлар маълумотномага улар архив ҳужжатларида қандай баён этилган бўлса, шундайлигича киритилади. Маълумотлар ҳар бир йил учун алоҳида, йил доирасида йигиндисисиз келтирилади. Архив иш ҳақининг ўртача ойлик ва ўртача йилликларини ҳисоблаб бермайди.

Иш ҳақи ҳақидаги ҳужжатлар бўлмаган ҳолларда лавозим ҳақи ташкилотнинг тегишли даврга оид штат жадвалига биноан, бошқа тўловлар эса шахсий таркиб бўйича ёки асосий фаолият бўйича берилган буйруқларга асосан кўрсатилиши мумкин.

352. Агар фуқаронинг ўқув юртини тутгаттанлиги ҳақидаги ҳужжатлар йўқ бўлса, унинг маълумоти ҳақида берилаёттан маълумотномада қайси курсда ёки қайси синфда ўқигани кўрсатилади.

353. Ҳокимиятнинг юқори органи қарорига мувофиқ олинган мукофот ҳақидаги маълумотномага фармондаги, шунингдек ташкилот раҳбарияти имзолаган ва юқори давлат органи расман тасдиқлаган маълумотлар киритилади. Маҳаллий органлар ижроия ҳокимиятининг қарорига мувофиқ тақдирланганлар ҳақидаги маълумотномага тақдирланганлар рўйхатидаги ташкилот раҳбарияти имзо чеккан ва маҳаллий органлар ижроия ҳокимияти расман тасдиқлаган маълумотлар, шунингдек юқори ташкилотнинг тегишли буйруғи ҳақидаги маълумотлар киритилади.

354. Ишлаб чиқаришда шикастланганлик ёки рўй берган баҳтсиз ходисани, даволанаётгани ҳолларини тасдиқловчи маълумотномага баҳтсиз ходиса ҳақидаги далолатномалардаги, авариялар, табиий оғатларни қайд этувчи дафтарлардаги, авария ва ҳалокатлар сабабини аниқлаш бўйича йигмажилдлар маълумотлари, шунингдек касаба уюшмаларининг вилоят, шаҳар, туман қўмиталари ва тегишли ташкилотларнинг касаба уюшмалари йигмажилдларида тасдиқловчи маълумотлар киритилади.

355. Қайтариқ сўровлар ижро этилаётганида ёки фуқаронинг таклифига кўра унга илгари берилган маълумотномага ўхшаш маълумотнома тузилаётганида архив томонидан маълумотномага киритилган маълумотларнинг архив ҳужжатларида маълумотларга мувофиқ эканлиги текширилади ва қўшимча маълумотлар топилган ҳолларда уни қайта берилаётган янги маълумотномага киритилади.

356. Ижтимоий-ҳуқуқий тоифадаги сўровлар ижроси муддати улар рўйхатта олинганидан бошлаб 30 кундан ошмаслиги керак. Зарурат туғилганда бу муддат архив раҳбариягининг рухсати билан яна, бироқ 30 кундан кўп бўлмаган муддатта чўзилиши мумкин. Бу ҳақида сўровчи, албатта огоҳлантирилиши керак.

Архивнинг илмий-маълумот аппаратига оид (кatalogлар, йўлкўрсаттичилар, рўйхатлар, шархлар ва б.) бўйича ва босма нашрлар бўйича сўровларнинг ижро муддати - сўров рўйхатта олинганидан кейин узоги билан ўн беш кун.

Йўналиши бўйича бошқа бўлган сўровларни тегишли бўлган архивларга ёки ташкилотларга қайта жўнатиш, шунингдек бу ҳакида сўровчини огоҳлантириб кўйиш, сўров рўйхатта олинганидан 5 кундан кечиктирилмай амалга оширилиши керак.

§ 7. Чет эллардан келган ижтимоий-хукукий тоифадаги сўровларни ижро этиш тартиби ва уларга жавоблар жўнатиш

357. Архивлар хорижда яшайдиган ўзбек ва чет эллик фуқароларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий - хукукий тоифадаги сўровларни «Ўзархив» агентлигининг тегишли буйруги билан тасдиқланган ва амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган кишиларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-хукукий тоифа-даги хужжатларини сўраб олдиришга оид сўровларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги йўрикномага мувофиқ ижро этадилар.

Чет эллардан келадиган сўровлар ижросини ташкил этиш бўйича ишларни мувофиқлаштиришни "Ўзархив" агентлиги амалга оширади.

§ 8. Архив маълумотномалари, архив кўчирмалари, архив нусхаларини расмийлаштириш

358. Архив маълумотномалари (49-илова), архив кўчирмалари, машина ёзуви нусхалар хужжатнинг "Архив маълумотномаси", "Архив кўчирмаси", "Архив нусхаси" каби номи кўрсатилган архив бланкаларида ёзib берилади.

а) Ўзбекистон Республикасидан четта юбориладиган архив маълумотномалари рус тилида расмийлаштирилади. Архив хужжатларига кўра ижро этилган ва Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қиласиган фуқароларга юбориладиган маълумотномалар сўров тилида расмийлаштирилади. Зарур ҳолларда хужжат матнига таржима илова этилади.

б) Маълумотномада матн баёни воқеаларнинг даврийлик изчиллиги бўйича хужжат турлари ва уларнинг саналари кўрсатилган ҳолда берилади. Архив маълумотномаси сўров (ариза) бўйича хужжатлардаги маълумотларнинг аниқ ва равон баёнига эга бўлиши керак. Хужжатлардан олинган кўчирмалар қўштириноқ ичига олинади, хужжат матнидан

тушириб қолдирилаёттан жойлар эса күп нүкта билан ифодаланади. Фуқаро ишлаган ёки ўқиган ташкилотнинг номи биринчи марта келтирилаёттанды тұлиқ ифодаланиши шарт, қайта тилга олинган жойларда эса, расман қабул қилингандың қисқартмаларға ҳам рухсат этилади.

в) Сўров (ариза) матни билан ҳужжатдаги айрим ёзувларнинг мувофиқ келмаслиги, турлича ўқилиши, сўзларнинг қисқартириб ёзилганлиги, агар ҳужжатларда сўз юритилаёттан шахс ёки фактнинг қолган ҳамма маълумотлар билан айнан бир эканлиги шубҳа туғдирмаса, уларнинг маълумотномага киритилишига монелик қилаолмайди. Маълумотномада бу маълумотлар архив ҳужжатида қандай бўлса, шундайлигича берилади, бошқача ифода, мувофиқ келмаган жой ва ноаниқ номлар, исм, ота исмининг, улар бош ҳарфларининг йўқлиги ёки улардан биронгасининг мавжудлиги маълумотнома матнида қавс ичида ("хужжатда шундай" ёки "матн аслида шундай") каби қайдлар билан белгиланади. Худди шундай хужжатнинг асл нусхаси матнидаги муаллиф томонидан тушунарсиз ёзилган, тузатиш киритилган, хужжат заараланганидан ўқиб бўлмайдиган жойлари ва бошқалар ҳақида ҳам ("матн аслида шундай", "матнда тушунарсиз") каби тушунтиришлар берилади. Грамматик католар тузатилиши мумкин. Атоқли отлар, саналар, кунларга тузатиш киритишга йўл қўйилмайди.

Бир неча ташкилотда ишлагани, бир неча ўқув юртида ўқигани ҳақидаги маълумотлар битта маълумотномага киритилади. Маълумотлар бирварақнинг олди-орқасига сифмаган ҳолларда, маълумотнома иккинчи ва лозим бўлса ундан кейинги варақларда ҳам давом эттирилади.

Архив маълумотномасида ижрочининг маълумотнома ёзилишига асос бўлган ҳужжатларни шарҳлашига, ўзининг холосавий фикрини билдиришига йўл қўйилмайди.

г) Архив маълумотномасининг матни аввалида маълумотлар топилган фондларнинг номи ҳамда кўриб чиқилган ҳужжатларнинг даврий чегараси кўрсатилади. Архив маълумотномасининг ёзилишига асос булиб хизмат қилган қидиругев маълумотлари (давлат архивининг номи, фонд, рўйхатлар, йигмажилдлар ва ҳужжатлар варақларининг рақамлари) ҳар бир факт ёки воқеа бандидан

сўнг жойлаштирилади; архив шартли белгиларини барча фактлар баёнидан кейин келтиришга йўл қўйилади.

д) Сўровга оид маълумотлар тўлиқ бўлмаган ҳолларда асосдан (архив шартли белгиларидан) кейин айнан қандай маълумотлар топилмагани (тасдиқланмагани) кўрсатилади. Имкон борича керакли маълумотларни олиш учун қаерга мурожаат этиш кераклиги ҳақида тавсиялар берилади.

е) Архив маълумотномаси архив раҳбарияти томонидан ва бўлим мудири (унинг ўринбосари ёки ижрочи) томонидан имзоланиб, гербли муҳр босилади. Архив маълумотномасининг нусхаси (архив штампи ва муҳрисиз) ижрочи томонидан имзоланиб, йигмажилдга солиб қўйилади.

Архив маълумотномасига архив маълумотномасида келтирилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмалар ҳам илова этилиши мумкин.

359. Архивда сўровларни ижро этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар, шунингдек босма нашрлар мавжуд бўлмаган ҳолларда сўровчига сўралган маълумотларни акс этган ҳужжатларнинг нима сабабдан архивда йўқлиги баён этилган мактуб архив бланкида юборилади ва керакли тавсиялар берилади. Жавоб архивнинг "Архив маълумотномаси" деб қайд этилган бланкасида эмас, архивнинг мактуб бланкасида ёзилади.

Сўралган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар йўқолгани ҳоларида, архив уларнинг нима сабабли йўқолгани ҳақида маълумотнома беради, зарур бўлса бу маълумотномани гербли муҳр билан тасдиқлайди.

360. Архив кўчирмасида ҳужжат номи, унинг рақами ва санаси тўлалигича кўчирилади. Сўров бўйича ҳужжат матнидаги бор маълумотлар тугал кўчириб олинади, бунда мазмун билан ҳар бир кўчирма ўртасидаги узвийлик бузилмаслиги керак. Ҳар бир кўчирманинг бошланиши ва охирида, шунингдек ҳужжат матнида тушириб қолдирилган айrim сўзлар кўп нуқталар билан белгиланади. Ҳужжат матнидаги ўзининг аниқлигига шубҳа уйғотган айrim сўзлар ва иборалар кўчирма

қилинаёттанды "асл нусха матнида шундай берилган", "хужжатда шундай берилган" каби иборалар билан тушунтириб ўтилиши мумкин. Архив кўчирмаси матнидан кейин қидирув маълумотлари курсатилади.

Архив кўчирмалари билан хужжатларнинг машина ёзуви нусхалари бир хил эканлигига ижрочи гувоҳлик бериб имзолагач, архив муҳри билан тасдиқланади.

§ 9. Архив маълумотномалари, архив кўчирмалари ва архив нусхаларини бериш

361. Архив маълумотномалари, архив кўчирмалари ва хужжатлардан нусхаларини киши қўлига унинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа бирон хужжат курсатанида, ишончли вакилларга эса, тегишли равищда расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилганида тилхат билан берилади.

Архив маълумотномасини олувчи архив маълумотномаси нусханинг, кўчирмасининг ёки хужжат нусхасига илова қилинаёттанды орқасига имзо чекиб, уларни олган санасини курсатади.

362. Сўровлар бўйича архив маълумотномалари, кўчирмалари ва нусхалари почта орқали оддий хат билан жўнатилади.

МДХ таркибига кирадиган давлатларга юборишга мўлжалланган архив маълумотномалари, кўчирмалари ва нусхалари, шунингдек суралган маълумотларнинг йўқлиги ҳақидаги жавоб хатлари сўровчига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали юборилиши учун "Ўзархив" агентлиги манзилига сўровлар билан бирга (сўрвномалар, шахсий аризалар ва шу кабилар) юборилади.

Чет мамлакатларга юборишга мўлжалланган архив маълумотномалари, кўчирмалари ва нусхалари, шунингдек суралган маълумотларнинг йўқлиги ҳақидаги жавоб хатлари сўровчига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали юборилиши учун "Ўзархив" агентлиги манзилига сўровлар билан бирга (сўрвномалар, шахсий аризалар ва шу кабилар) юборилади.

Жиноий жавобгарликка тортилганлик, судланганлик, фуқаролик хукуқидан маҳрум қилинганлик ёки уларнинг тикланганлиги ҳақидаги архив маълумотномалари фуқароларнинг қўлига берилмай, заруратта қараб манфаатдор ташкилотларга юборилади.

363. Фондни ташкил қилувчи томонидан маълумотномаларни архивдан беришнинг алоҳида тартиби ўрнатилган бўлса, мазкур фонд бўйича архив маълумотномалари белгиланган шу тартиб бўйича берилади.

§ 10. Шахсий ҳужжатлар аслини бериш

364. Ҳужжат згаларига, уларнинг қариндошларига ёки ишончли вакилларига уларнинг ёзма аризаларига кўра архивдан уларнинг шахсий ҳужжатларининг аслини олиб бериш архив раҳбариятининг рухсати билан амалга оширилади.

365. Оқланган шахслар ёки уларнинг қариндошлари ўзларининг ҳужжатлари йигмажилларида сақланиб қолган ижодий тоифадаги ҳужжатларни, кўлёзмаларни, фотосуратлар, мактублар ва бошқа шахсий ҳужжатларининг аслини олишга ҳақлидирлар.

Одатда олинаёттан йигмажиллардан тасдиқланган нусхалар кўчирилиб, йигмажилларга қушиб қўйилади. Шахсий ҳужжатларнинг асли олингани, шунингдек уларнинг нусхалар билан алмаштирилгани ҳақида йигмажилларнинг ишонч вараклари рўйхатларда акс эттирилади.

366. Шахсий ҳужжатларнинг асли олиб берилгани сўровчининг тилхати, йигмажиллардан асл нусха ҳужжатларнинг олингани ҳақидағи далолатнома (38-илова) билан расмийлаштирилади, кейин улар ҳужжатларнинг олиб берилишига асос бўлган ҳужжатлар билан биргалиқда фонд йигмажилдига киритиб қўйилади.

Асл нусха йигмажиллар нусхалар билан алмаштирилмаган ҳолларда фонд ҳажмидағи ўзгаришлар тегишли равишда ҳисобга олинади (233-бандга қаралсин).

Архив йигмажилларидан паспортлар, ҳарбий гувоҳномалар, хизмат гувоҳномаларининг олинишига йўл қўйилмайди.

Шахсий ҳужжатларнинг асл нусхалари фуқароларга қимматдор мактублар билан юборилиши мумкин.

§ 11. Фойдаланувчиларга ташаббусли ахборот етказиш

367. Ташкилотларга ташаббусли ахборот етказиш уларга архив маълумотномаси, ҳужжатларнинг мавзули рўйхати (50-илова), ахборот хати ёки хабар каби ахборот ҳужжатларини етказиш, шунингдек ҳужжатлардан архив нусхаларини, кўчирмаларни олиб бериш, йигмажилларни вақтинча фойдаланишга бериш йўли билан амалга оширилади. Ташаббусли ахборот ҳужжатларнинг шакли ва мазмуни ташкилотларнинг архив ахборотларига бўлган катта эҳтиёжига йўналтирилган бўлиши, ҳужжатли ахборотга эҳтиёжманд бўлган фойдаланувчи (буортмачи) фаолиятига мувофиқ бўлиши керак. Ташаббусли ахборот хабарларининг мазмуни жамият иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳадаги фаолияти, шунингдек давлат бошқаруви ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг устувор йўналишлари бўлиши мумкин.

Архив ҳужжатлари бўйича тузилган ахборот хати ўз ичига ахборот мавзусига тегишли фонdlар номини, ҳужжатларнинг қисқача таснифини қамраб олиши керак. Мазмун ҳужжатлар туркумига ёки алоҳида ҳужжатларга қисқача аннотация тарзида баён этилади. Ахборот хатида ҳужжатлардан фойдаланиш борасида тавсиялар ҳам берилиши мумкин.

368. Тащаббусли ахборот бериш бўйича ишларни режалаштириш дастурларни, тамойилларни, худуд тарақ-қиёти прогнозларини, фаолиятнинг алоҳида йўналишларини, доимий фойдаланувчиларнинг иш режаларини, мухим, унитилмас саналарини ва бошқаларни ўрганиш асосида амалга оширилади.

§ 12. Архив ўқувхонасининг иши

369. Фойдаланувчиларга ахборот хизматини кўрсатиш учун архивда ўқувхона, кўришхонаси, фоно-ҳужжатларни эштиш хоналари фаолият кўрсатади. Бу хоналар микронусхалар, аудиовизуал ва машина билан ўқиладиган (электрон) ҳужжатлар билан ишлаш учун етарлича техника билан жиҳозланади. Ўқувхоналарининг иш тартиби фойдаланувчиларнинг манфаати ва архив имкониятларига қараб белгиланади.

Фойдаланувчиларнинг ўқувхонада ҳужжатлар билан ишлаш тартиби, уларнинг хуқуқ ва бурчлари «Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари ўқувхоналарида архив ҳужжатларидан фойдаланувчиларнинг иш қоидалари» билан белгиланади. Архив фойдаланувчиларни мазкур қоидалар билан таништириши шарт.

Фойдаланувчилар архив ҳужжатлари, техник жиҳозлар ва архив мулкига зарар етказган ҳолларида архив тегишли тартибда (173-бандга қаралсин) чора кўради.

370. Ҳар бир фойдаланувчига архивнинг ўқувхонасида "шахсий йигмажилд" очилиб, унга фойдаланувчини архивга юборган ташкилотнинг хати ёки фуқаронинг шахсий аризаси ва уларга архив раҳбариятининг муносабати, фойдаланувчига архивнинг ўқувхонасида ишлашга рухсат бергани ҳақидаги ҳужжатлар белгиси (резолюция), фойдаланувчининг сўровномаси (51-илова), йигмажиллар ва рўйхатларни бериш ҳақидаги буюртмалар (талағномалар) (7-илова), ҳужжатлардан нусха олиш ҳақидаги буюртмалар (52-илова) каби ҳужжатлар киритилади.

Ҳар бир шахсий йигмажилд фойдаланувчиларнинг ва уларнинг шахсий йигмажилларини қайд қилувчи журналда (53-илова) ҳисобга олинади. Шахсий йигмажиллар ўқувхоналарда сакланади ва фойдаланувчининг иши тутаганидан бир йил ўтказилиб архивнинг архивига топширилади.

Фойдаланувчиларнинг ўқувхоналарга келиб-кетишини қайд этиш учун журнал (54-илова) тутилади.

§ 13. Архив ҳужжатларидан фойдаланишни таъминлап

371. Архив ЎР МАФнинг очик ҳужжатларини барча хуқуқий ва жисмоний шахсларга фойдаланиш учун тақдим этади.

Архив Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ва ахборот хизмати кўрсатиш шартномаларида қайд этилган ҳоллардан бошқа ҳолларда фойдаланувчилар ўзлари мустакил равишда олиб борган қидибувлари натижасида олган ёки унга пулли хизмат кўрсатиш тартибida тақдим этилган ҳужжатли ахборотдан фойдаланиш шартларини чеклашга ҳақди эмас.

372. Архив яширин ва маҳфий ҳужжатларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларига кўра кириш чекланган тижорат сирлари бўлган ҳужжатларга кириш учун керакли рухсати бўлган фойдаланувчиларга тегишли тартибда бу ҳужжатларга киришини таъминлайди. Архив фойдаланувчига керакли тушунтиришларни беради, шунингдек фойдаланувчини ҳужжатлардаги давлат ва тижорат сирларини, маҳфий маълумотларни сақлашида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар экани ҳақида огоҳлантиради.

373. Фойдаланувчиларнинг "Хизматда фойдаланиш учун" (ХФУ) ва "Конфиденциал" - "Маҳфий" ва шу каби белгилар қўйилган ҳужжатларга кириши, агар ҳужжатларни архивга топшираётганда фондни ташкил этувчи (фонд эгаси) ёки тугатиш комиссияси мазкур тоифадаги ҳужжатларга киришнинг алоҳида бошқа талабларини айтиб ўтмаган бўлсалар, кириш чекланган ҳужжатларга ўрнатилган тартиб бўйича амалга оширилади.

374. Архив агар аниқ шахснинг шахсий ҳаётига оид фактлар, воқеалар ва ҳолатларига оид ахборотларни сақлаётган ҳужжатларга бу тоифадаги ҳужжатларнинг тузилганидан бери 75 йил ўтмаган бўлса, уларга фойдаланувчилар киришини чеклайди. Шахсий ҳужжатлар, шахсий ишлар, тергов ва суд йигмажилдлари, кадрлар хизмати ҳужжатлари, аҳолини рўйхатта олиш, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар материаллари, гиббиётга оид ҳужжатлар, шахсий ёзишмалар ана шундай ҳужжатлар сирасига киради. Йигилган маълумотлар бир бўлиб шахснинг аниқланишига имкон яратиладиган ҳолларда ҳужжатларга кириш чекланилади.

Қўйидағи ҳолларда шахсий ҳаётта оид маълумоти бўлган ҳужжатларга кириш чеклови ўрнатилган 75 йилдан оддин олиниши мумкин:

а) фондни ташкил этувчи (фонд эгаси)нинг ёки унинг ворисини учинчи шахсга берилган ва нотариусда тасдиқланган ҳужжатлар билан танишиш ҳақидағи фармойиши бўлса;

б) ҳужжатлардан нусха олинаётганда шахсга оид маълумотларнинг бошқа аниқ шахс билан қиёсланишига имкон берадиган ерларини олиб кўйилганда.

Фондни ташкил этувчи (фонд эгаси) архив раҳбариятини хабардор қылгани ҳолда ахборотта киришнинг умумий тартибини ўрнатиши мумкин.

375. Фойдаланувчининг шахсий ҳаёти даҳисизлигига риоя этиш шарти билан статистик, ижтимоий, демографик ва бошқа илмий тадқиқотларни ўтказиши, библиографик, таржимаи ҳол маълумотномаларини тузиши, ҳужжатли нашрларни тайёрлаши учун фойдаланувчиларга шахсий маълумотларни (фамилия, исми, ота исми, тугилган, вафот эттан йили ва жойи, турар жойи манзили, хизмат лавозимлари, касби ҳақидағи маълумотлар ва шахснинг тегишли тартибда тақдим этган бошқа маълумотларни) тақдим этиши мумкин. Ташкилотларнинг сўровига биноан фуқароларнинг хизмати ва жамоатчилик фаолияти ҳақида маълумотномалар беришга рухсаг этилади.

376. Болани асраб олувчиларнинг розилигисиз, улар вафот этанида эса васий ташкилотларнинг розилигисиз фуқароларга болани асраб олганлик ҳақидағи маълумотларни бериш ман этилади. Шунингдек, архив ҳужжатлар тузилганидан бери 75 йиллик муддат ўтмасдан туриб, ҳужжатлардан, судлар ҳукмидан, ижроия ҳокимиияти ва халқ таълими органлари қарорларидан, агар бу ҳужжатлар бола асраб олганларнинг болага қондош ота-она эмаслигини кўрсагадиган бўлса, кўчирма олиб беришга рухсат этмаслиги мумкин. Алоҳида ҳоллардагина архив ижроия ҳокимиияти ёки васий идора раҳбарининг рухсати билан манфаатдор шахсларни бу ҳужжатлар билан танишириши мумкин.

377. Ҳуқуқни муҳофаза этиш ва номонопол органлари, судлар, прокуратура, солиқ хизматларининг ишлаб чиқаришда бўлган ишлар бўйича сўровига кўра, ташкилотларнинг ташкилий-хукукий шаклини қандайлигидан қатъи назар, уларнинг фондидаги сақланаётган тижорат сири бўлган ҳужжатларни архив уларнинг фойдаланишилари учун тақдим этади. Тижорат сирини сақлаётган ҳужжатлар фондни ташкил этувчи ёки унинг ворисининг ёзма равишдаги рухсати билан бошқа фойдаланувчиларга ҳам берилиши мумкин.

378. Ижодий ҳужжатларга, яъни адабиёт, санъат, мусиқий асарларга ва бошқаларга кириш, улардан фойдаланиш "Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар ва бошқа кинохужжатларга кириш мазкур ҳужжатларнинг ҳуқуқий эгаларининг ружсатига кўра, муаллифлик ва бир-бири билан боғлиқ ҳуқуқларга риоя этиш, шу жумладан шартнома (битим)лар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича кўрсатилган муддатлар ўтганидан сўнг асарларни жамият мулкига бериш чекланмайди.

§ 14. Фуқароларнинг ўзлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланишни таъминлаш

379. Фуқаронинг талаби бўйича танишиб чиқиши учун унинг ўзига тегишли барча ҳужжатлари олиб берилиши, шунингдек бу ҳужжатлардан нусхалар тайёрлаб берилиши мумкин. Фуқароларнинг бундай ҳужжатларга кириши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган ҳоллардагина чекланиши мумкин.

Оқланган шахсларнинг ёки улар вафот этган ҳолларда - қариндошлари ва меросхўрларининг тегишли тартибда туттагланган жиноий, саралаб-текшириш ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиб чиқиши, шунингдек улардан нусхалар олиш ҳуқуқи таъминланади. Ўзларининг розилигисиз учинчи шахслар ҳақида маълумотлар олиш бундан мустасно.

§ 15. Архив ходимларининг фойдаланишдан чекланган ҳужжатлар билан ишлаш жараёнидаги жавобгарлиги

380. Архив ходимининг хизмати доирасида унга маълум бўлиб қолган давлат ёки тиҷорат сирини саклаётган маълумотлар, шунингдек махфий тоифадаги маълумотларни ходим ошкор этиши ёки улардан ноқонуний фойдаланиши мумкин эмас. Архивнинг кириш чекланган маълумотларга эга бўлган ҳужжатларини жамлаш, саклаш ва улардан фойдаланишни амалга ошираётган архив раҳбарияти ва ходимлари давлат ёки тиҷорат сири ва махфий ахборотни, фондни ташкил этувчининг ёки унинг қонуний ворисининг

хужжатларга кириш бўйича ўрнатган тартибини муҳофаза этиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларининг бажарилишини таъминлашлари шарт.

Архив ходимига бевосита унинг хизмати вазифаларини ўташи жараёнида маълум бўлиб қолган кириш чекланган аҳборотдан оммавий аҳборот воситаларидағи чиқишларида, илмий ва ўқитувчилик фаолиятида фойдаланишга, шунингдек бевосита ёки билвосита улардан фойдаланиш ва учинчى шахсга етказишга рухсат берилмайди.

§ 16. Архивнинг хужжатлар кўргазмаси тайёрлаш бўйича ишни ташкил этиш

381. Хужжатлар кўргазмаси деганда муайян мавзудаги хужжатлар ёки хужжатлар нускаларини оммага намойиш этиш учун бадиий безатилиши назарда тутилади.

Хужжатлар кўргазмаси архив томонидан мустақил равищда ёки бошқа архивлар ва ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилади. Кўргазмалар кўчмас ёки кўчма бўлиши, архив биносининг ичидаги ёки маҳсус жиҳозланган бошқа биноларда намойиш этилиши мумкин.

Фаолият қилиши жиҳатидан кўргазмалар доимий ёки вақтингчалик бўлади.

Кўргазма базасида экспурсиялар, илмий-амалий, услугубий ва аҳборот тадбирлари (анҷуманлар, семинарлар, давра сұхбатлари ва б.) ўтказилиши мумкин.

382. Кўргазмани ташкил этишда унинг мавзули режаси (тамойил), мавзули-кўргазма режаси, зарур бўлганда сарф-харажатлар сметаси тузилади.

Мавзули режа (тамойил)да кўргазманинг тузилиши ва мазмуни белгиланади. Мавзули-кўргазма режасига қўра хужжатлар, безаклар ва бошқа қўшимча материаллар аникланади ва сараланади. Зарур бўлган чоғларда мавзули режа ҳам ижрочилар билан келишилади, услугубий комиссия йигилишида кўриб чиқилади ва архив раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Мавзули-кўргазма режасига шунингдек кўргазма учун ажратиб олинган хужжатларнинг аннотацияларига мавзули рўйхати, ҳажми, жисмоний хусусиятлари ва уларнинг кўргазма бўлимларига мувофиқ тизимлаштирилган

стендларда жойлашиш тартиби күрсатилган мавзули рўйхати киритилади.

Кўргазмада ҳужжатлардан ташқари босма нашрлар, бадиий асарлар ва музей ашёлари ҳам намойиш этилиши мумкин. Намойиш этишга ажратилган барча ҳужжатлар аннотацияланади. Бошқа тилда тузилган ҳужжатларга зарур бўлган ҳолларда таржима ёки батафсил аннотация берилади.

383. Ҳужжатларнинг намойиш этишга тайёрлаш ишлари ўз ичига асл нусха ҳужжатларни таъмиглашни, нусхалар ва муляж (қолип)ларини, шунингдек сугурта нусхаларини тайёрлашни олади.

Ҳужжатларнинг жойдан-жойга кўчириш (транспортировка) вақтидаги сақланувини таъминлаш тегишли тартибда (172-173- бандларга қаралсин) амалга оширилади.

Ҳужжатларнинг сақлануви учун жавобгарлик кўргазмани ташкил қилувчи ташкилотлар² зиммасидадир. Ҳужжатларни кўргазма учун тақдим эттан архив ҳужжатларнинг намойиш этилиши вақтидаги сақланувини таъминлаш талабарининг бажарилишини назорат қиласи.

§ 17. Оммавий ахборот воситаларида архив ҳужжатларидан фойдаланиш

384. Ҳужжатлардан оммавий ахборот воситаларида фойдаланиш - ахборот материалларини даврий матбуот, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, кинофильмлар учун тайёрлаш демакдир.

Архив даврий матбуот учун ҳужжатларнинг таркиби ва мазмуни, архив топилмалари ва шу қабилар ҳақида мақолалар, муайян мавзу бўйича мақолалар ва ҳужжатларни тўплаб тайёрлаб беради.

Радиоэшиттириш ва телекўрсатувларда архив ҳужжатларидан фойдаланиш суҳбатлар, хроникалар, интервьюлар, репортажлар, рекламалар ва бошқаларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ахборот материалларининг ҳажми ва тайёрлаш муддатлари газета, журналлар, радио ва теледастурлар таҳририятлари билан келишилади.

Архив кино-, теле-, видеостудияларга, ахборот ва реклама агентликлариға, босма нашрлар таҳририятларига, нашриёт ва шунга ўшашларга сценарийлар тайёрлаш, бадиий, ҳужжатли, илмий - публицистик, илмий - оммабоп, ўқув дастурлари ва фильмларини тайёрлаш, босма маҳсулотларни нашр қилишда фойдаланиш учун ҳужжатларни тақдим қилиши мумкин.

§ 18. Ҳужжатлардан фойдаланган холда ахборот тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш.

385. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш бўйича ахборот тадбирлари одатда архивнинг манфаатдор ташкилотлар билан илгаритдан келишиб қўйганига кўра турли шаклларда ўтказилади. Бундай тадбирлар архив ходимларининг чиқишилари ва ахборот беришлари тарзида, шу жумладан "савол - жавоб" тарзида, ҳужжатларнинг мавзули сараламаларини, кинофильмларни намойиш этиш тарзида, фоноҳужжатларни эшитиш тарзида, архивларга, ҳужжатлар кўргазмалариға саёҳат қилиш тарзида ўтказилиши мумкин.

386. Жамоатчилик билан учрашувлар муайян мавзуга қаратилган бўлиб, унда архив ходимлари ва бошқа иштирокчилар муайян мавзудаги ҳужжатлар таснифи билан чиқишилари мумкин. Ахборот жамоатчилик учрашувларида иштирокчилар бир ёки бир нечта архив, бир фонд ёки бир нечта фондлар ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни ҳақида, архивга келиб тушган янги ҳужжатлар ҳақида хабардор этилиши мумкин. Жамоатчилик учрашувларини ташкил этища дастур тузилиб, унда чиқишилар мавзуси, намойиш этишга мўлжалланган ҳужжатлар таркиби, учрашув қанча вақт давом этиши белгилакади.

387. Архив бўйлаб экскурсиялар мавзули ва шарҳли бўлиши мумкин. Мавзули экскурсияда архивнинг муайян мавзу бўйича ҳужжатлари мажмуй намойиш этилади. Шарҳли экскурсияда архив ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни билан таништирилади, архив фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида сухбат олиб борилади.

388. Тақдимотлар, "Очик эшиклар кунлари" архив ишини, архив фондларининг таркиби ва мазмунини оммалаштириш учун ўтказилади. Тадбирлар дастурига архив бўйича шарҳли экскурсия, архив ишининг долзарб масалаларига оид услубий маслаҳатлар бериш ҳам киритилади.

389. Лекциялар, маъruzалар муайян мавзууда ҳужжатларда мавжуд бўлган ахборотларга асосан тайёрланади.

390. Оғзаки журналлар одатда муайян номга ва доимий мавзуули рукнларга эга бўладилар; мунтазам ўтказиб турилади. Уларни ўтказища тингловчиларга ҳужжатлар, архив қидирувлари, архив топилмалари ҳақида хабар берилади.

391. Ўкувчилар конференциялари архивнинг ўқувхонасида ишлайдиган ёки ишламоқчи бўлган фойдаланувчиларга ахборот бериш мақсадида уларни архив фондлари таркиби ва мазмуни, уларга ИМА билан, архивга келиб тушган янги ҳужжатлар, архивнинг ахборотдорлик фаолияти билан таништириш, шунингдек ўқувхонада фойдаланувчилар учун ахборот хизматининг яхшилангани ҳақида хабардор қиласи. Ўқувчилар конференцияси вақтида фойдаланувчиларнинг эҳтиёжи, архивнинг ахборот хизмати кўрсатиш бўйича фаолиятига бераётган баҳолари ўрганилади.

392. Талабалар ва мактаб ўқувчилиари учун дарслар олий ва ўрта ўқув юртлари билан тузилган шартномалар асосида, улар билан келишилган режага мувофиқ ўтказилади. Дарслар муайян мавзуга қаратилган бўлиб, лекциялар, семинарлар, амалий ва факультатив машгулотлар тарзида ўтказилади.

§ 19. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш хисоби.

393. Ҳужжатлардан фойдаланиш ишининг режалаштириш, ташкил этишни такомиллаштириш ва ИМА тизимини ривожлантириш, алоҳида тоифадаги ҳужжатлардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш мақсадида архив ҳужжатлардан фойдаланиш хисобини олиб боради. Ҳужжатлардан фойдаланиш шакллари хисобининг юритишини бевосита ҳужжатлардан фойдаланиш вазифасини бажарувчи бўлимга (ёки шахсга) юклатилади.

Архив ўзига келиб тушадиган мавзули ва ижтимоий-хуқуқий тоифадаги сўровлар ва улар ижроси ҳисоби (55-илова)ни, фойдаланувчилар ва уларнинг йигмажилди ҳисоби (53-илова), ўкувхоналарда олиб бориладиган тадқиқотлар мавзулари ҳисобини (56-илова) ва хужжатлардан фойдаланишнинг бошқа шакллари ҳисобини олиб боради.

Архив тайёрлаган ахборот хужжатлар ва улардан фойдаланишнинг бошқа шакллари ҳисобини олиб бориш анианавий равищда варақчаларда (57-илова)ёки автоматлаштирилган тартибда бўлиши мумкин. Бунда фойдаланувчи, унинг мавзуси, фойдаланилган хужжатларнинг қидирув маълумотлари, фойдаланиш тарзи, кўргазмани ташкил этувчилар ва уларнинг шериклари, мақолалар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар номи, уларнинг эфирга чиқиш вақти, кинофильмлар ва босма нашрлар номи кўрсатилиши керак.

Архив хужжатлардан фойдаланишнинг миқдорий кўрсаткичини (фойдаланиш учун берилган йигмажиллар ва микрофильмлар сони, олинган нусхалар, берилган кўчирмалар сони) олиб боради.

§20. Фойдаланувчилар буюртмасига асосан хужжатлардан нусха олиш ва тайёрланган нусхаларни расмийлаштириш

394. Архив ўзининг техник имкониятларига қараб, фойдаланувчиларнинг буюртмаларига кўра ксеронусхалар, машинка ёзувли нусхалар, микрофотонусхалар, фотосуратлардан нусхалар ва бошқалар тайёрлаб беради.

Тайёрланадиган нусхаларнинг ҳажми, муддати ва турларини архив ўзининг имкониятларидан келиб чиқсан холда белгилайди.

Хужжатлардан нусха кўчириш шартнома асосида ёки буюртма асосида хизмат ҳақи келиб тушганидан сўнг амалга оширилади. Хужжатлардан нусха кўчириш учун ҳақ тўлаш тартиби, таёrlанадиган нусхаларнинг баҳоси ҳақида архив буюртмачи билан олдиндан келишиб олади.

Ўқувхоналарда фойдаланувчилар учун
хужжатлардан нусха кўчириш буюртмаси (52-илова)
ўрнатилган тартиб бўйича (қаралсин: "Ўзбекистон
Республикаси давлат архивларининг ўқувхоналарида
фойдаланувчиларнинг иш қоидалари") бажарилади.

395. Нусхалар кўчириш буюргамарининг ҳисоби
одатда хужжатлардан нусха олиш буюргамалири ҳисоби
журнали (58-илова) да олиб борилади.

396. Хужжатларнинг жисмоний ҳолати ёмон бўлса,
шунингдек нусха кўчирилаётганда уларнинг жисмоний
ҳолатига зарар етказиладиган тақдирда, бундай
хужжатлардан нусха кўчириб берилмайди.

Ноёб ва алоҳида қимматли хужжатлардан,
шунингдек нусха кўчирилаётганда муқоваси ечилиши
зарур бўлган ва таъмир талаб хужжатлардан нусха
кўчириш масаласини архив раҳбарияти ҳар бир ҳолни
алоҳида кўриб чиқиб ҳал этади.

Фойдаланиши чекланган хужжатлардан нусха
кўчириш қонун хужжатларида ва меъёрий хужжатларда
курсатилганига мувофиқ равишда амалга оширилади.

397. Нодавлат архив фонди хужжатларидан,
шунингдек шахсий келиб чиқиши хужжатларидан нусха
кўчирилаётганда фондни ташкил этувчилар ёки уларнинг
қонуний ворислари (меросхўрлари) томонидан
хужжатларни доимий ёки депозитар сақланувга топшириш
вақтида ўрнатилган чекланишлар эътиборга олинади.

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари таркибидағи
хужжатлардан нусха кўчириш Ўзбекистон Республикаси-
нинг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқувлар тўғрисида»-
ги Қонунига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Нашр этилмаган рўйхатлар, каталоглар ва бошқа
архив маълумотномаларидан фойдаланувчилар буюртмаси-
га биноан нусха кўчириш архив раҳбариятининг ҳар бир
ҳолга алоҳида курсатмасига кўра бажарилади.

398. Архив ҳужжатларининг нусхаларида фонд рақами, рўйхат рақами, йигмажилд рақами, варақ рақами ёзувларидан иборат бўлган қидирув маълумотлари кўрсатилади. Қидирув маълумотлари архив нусхасининг ҳар варағига ёзилади ва архив ходимининг имзоси билан тасдиқланади. Архив ходимининг имзоси устига муҳр босилади.

399. Ҳужжатларни нусхаси буортмачиларга ёки уларнинг ишончли шахсларига берилади. Улар кўрсатилган манзил бўйича юборилиши ҳам мумкин.

Ҳужжатлар нусхасини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида"ги Конунида кўрсатилган тартибларга мувофиқ амалга оширилади.

§ 21. Архивнинг нашр этиш фаолияти

400. Архивнинг нашр этиш фаолияти - ҳужжатли нашрларни босмага тайёрлашдан иборат ишлар йигиндиси бўлиб, у ўз ичига нашрнинг тури, хили, шаклларини белгилаш, нашрга тегишли ҳужжатларни қидириб топиш, ва танлаш, матнни танлаш ва бериш, ҳужжатларнинг археографик безаги ечимини топиш, нашрга илмий - маълумотнома аппаратини тузиш, ҳужжатли нашр макетини шакллантириш, нашриёт билан ишлаш кабиларни олади. Ҳужжатларни нашрга тайёрлашда тарихий ҳужжатларни нашр этишга оид амалдаги қоидаларга асосланиш керак.

"Ўзархив" агентлиги архивларнинг архивларро ҳужжатли нашрларини тайёрлаш бўйича ишларини мувофиқлаштиради.

401. Давлат архивлари ҳар йили "Ўзархив" агентлиги ўрнаттан шакл бўйича кейинги йил илмий-нашр ишлари режаси учун ўз таклифларини тақдим этадилар. Уларга архив тайёрлайдиган ҳужжатли нашрлар, ахборот-маълумотли нашрлар, меъёрий ва илмий - услубий кўлланмалар ва бошқа ишлар киритилади.

Илмий-нашрий ишлар режасида нашрлар ҳақидаги маълумотлар уларнинг қай даражада тайёрланганлигига қараб жойлаштирилади.

Ишлар архив ташаббуси билан ҳужжатли нашрни тайёрлашга аниқ имкониятлар борлиги инобатта олинган ҳолда режага киритилади.

402. Ҳамижрочи ташкилотлар билан ҳамкорлиқдаги ишлар шартномавий асосда тузилиши керак. Улар ижрочи ташкилотлар ўртасида вазифаларни тақсимлашга асосланган ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Барча ташкилотларнинг нашрни тайёрлашдаги иштироки илмий-нашр ишлари режасида қайд этилади.

403. Ҳужжатли нашрларни тайёрлаш илмий - тадқиқот иши ҳисобланади ва улар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

§ 22. Ҳужжатли нашрнинг тури, хили ва шакли

404. Ҳужжатли нашрларнинг тури уларнинг мақсадли йўналишига кўра белгиланади. Улар илмий, илмий-оммабоп, ўқув-дарслик каби турларга бўлинади. Нашр турларининг ҳаммаси ҳам илмийлик тамойилига асосан тайёрланади, бироқ манбаларни танлаш хусусияти, ҳужжат матнини бериш усуллари ва илмий-маълумотнома аппаратининг таркибиға кўра фарқланадилар.

Илмий турдаги нашрлар илмий тадқиқот олиб бориш учун мўлжалланадилар ва мавзу бўйича ҳужжатлар туркумини тўлиқ намоён этмоқлари зарур. Улар қидириб топилган барча манбаларнинг матнини ё тўлигича киритишлари мумкин ёки уларнинг бир қисмини ёритиб, аниқланган бошқа ҳужжатларнинг мазмунини иловаларда ва ИМА да беришлари мумкин.

Илмий-оммабоп турдаги нашрлардан тарихий билимларни тарқатиши ва ҳужжатлардан маданий - маърифий мақсадларда фойдаланиш назарда тутилади. Улар мавзунинг асосий ёки нисбатан муҳим масалаларини тушунарли ва ёрқин тарзда ёритиб берадиган ҳужжатларни ўз ичига қамраб олади.

Ўқув турдаги нашрлар ўқув дастурларини чукурроқ ўрганиш ва ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, оддига қўйилган вазифасига кўра умумий, ўлкашунослик ёки маҳсус хусусиятта эга бўлиши мумкин.

405. Ҳужжатли нашрларнинг хили нашр этилаётган манбалар таркиби билан белгиланади, шунга мувофиқ фондлар бўйича ва мавзули бўлиши ёки бир турдаги ёхуд бир шахснинг ҳужжатларини киритиши мумкин.

Фондлар бўйича нашрлар бир фонд (тўплам)нинг ёки унинг бир тузилмавий қисмини ҳужжатларидан таркиб топиши, бироқ ҳужжатлар ёмон сақланган ёки ҳар жойларда сақланган ҳолларда ўз таркибига бошқа фондлардаги ва бошқа архивлардаги фондни ташкил қилувчиларни ҳам киритиши мумкин.

Мавзули нашрлар қайси фондга тегишилигидан қатъи назар, муайян мавзудаги ҳар хил тарихий манбалардан таркиб топади.

Бир хил турдаги ҳужжатлар нашри қайси фондга тегишилигидан қатъи назар, бир турдаги (баённомалар, ҳисоботлар, хатлар, варакалар ва б.) ҳужжатларни ўз ичига олади.

Бир шахсга тегишили ҳужжатлар нашрига қайси фондга тегишилигидан қатъи назар, шу шахснинг ўз фаолияти давомида яратиған барча ҳужжатлар киритилади. Улар ё ҳужжатий мерос (асарлар тўплами) ёки унинг бир қисмидан (сайланма асарлар, мемуарлар ва б.) иборат бўлиши мумкин.

406. Ҳужжатли нашрлар шакли нашрнинг ташки бельгиларига асосланади, бу бельгилар нашр жиҳатини, ҳажми ва ҳужжатни тиклантириш усуларини кўрсатади.

Ҳужжатлар нашри шакллари куйидагича бўлиши мумкин:

- а) босма шакллар: серия (туркум), тўплам, альбом, буклет, плакат, даврий ва давомли нашрлар;
- б) пленка ҳомилии нашрлар: микрофильмлар, микроафишалар;
- в) электрон нашрлар: дискетлар, мультимедиа, СD-дисклари, Интернетнинг ахборот тармогидаги маълумотлар базаси ва бошқалар.

§ 23. Ҳужжатли нашрлар тайёрлаш бўйича ишни ташкил этиш

407. Ҳужжатли нашрни тайёрлаш учун илмий - тадқиқот ва техникавий жараёнларнинг текис кечишини таъминлаш максадида архив бир қатор тадбирларни ўтказади. Хусусан, таҳрир ҳайъатини, тузувчилар жамоасини ташкил этади, ташкилий-услубий ҳужжатларни тузади, бошқа манбаатдор ташкилотлар ва нашриёт билан шартномалар тузади, ҳамижрочилар ўргасида вазифаларни тақсимлайди ва шу кабиларни бажаради.

408. Ҳужжатли нашрни тайёрлашда бир нечта муассасалар иштирок этаётган ҳолларда бигта бош ташкилот белгиланиб, у ишни мувофиқлаштиради ва ташкил этади; ишнинг ўз вақтида давлат рўйхатидан ўтишини, нашрнинг проспект-режасини, йуриқнома (ёки археологик эслатма)-нинг тузилишини таъминлайди, иш режаси ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, нашрнинг муҳаррирлар жамоаси ва тузувчиларини тасдиқлайди, нашр ҳайъати ишини ташкил этади, нашр ҳайъати билан биргалиқда ҳамижрочиларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади, тайёрланган кўлёзманинг тақризи ва муҳокамасини ташкил этади, нашриёт билан мулоқотда бўлиб, шартнома тузади.

Нашр ишида иштирок этувчилик ўртасида иш шартнома (битим)га кўра тақсимланади ва шу шартномада ёки иш режасида қайд этилади. Ўз навбатида иш тақсимоти иштирокчи ташкилотларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда бош ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

409. Ҳужжатли нашрни тайёрлаш ишига илмий раҳбарлик қилиш ва ишни ташкил этиш учун таҳrir ҳайъати тузилади ва муҳаррир тайинланади. Таҳrir ҳайъати таркибига нашрни тайёрлашда иштирок этувчи барча ташкилотларнинг вакиллари киритилади. Ана шу ҳайъат аъзоларидан масъул (бош) муҳаррир кўрсатилиши мумкин. Нашр ҳайъати таркиби ва масъул муҳаррир бош ташкилот бўйруғи билан тасдиқланади. Нашр ҳайъати (масъул муҳаррир) нашр хили ва шаклини белгилайди, проспект-режасини ишлаб чиқади, иштирокчиларга керакли ташкилий-услубий ҳужжатларни тайёрлашни топширади, уларни тақдим этиш муддатларини ва иш жадвалини белгилайди, тузувчилар билан биргалиқда нашр учун ажратилган ҳужжатлар таркиби ва мазмунини, уларни ажратиш, тизимлаштириш тамойилларини, шунингдек нашрнинг илмий-маълумотнома аппаратини кўриб чиқади, нашрнинг илмий даражаси учун жавоб беради, бош ташкилот билан биргалиқда нашр тақризини ва муҳокамасини ташкил этади, кўлёзмани босмага тавсия этади. Таҳrir ҳайъати қабул қилинган қарорлар ижросини ва тузувчилар жамоаси ишини назорат қиласи, масъул тузувчиларнинг бажарилган ишлар хақидаги ҳисоботларини эшитади.

410. Тузувчилар жамоаси ҳужжатли нашрнинг тури, ҳажми, тузилиши ҳамда унинг тайёрланиш муддатига қараб белгиланади. Нашр устида самарали иш олиб бориш учун вазифалар нашр тузувчилари ўргасида аниқ тақсимлаб олиниши зарур.

Тузувчилар жамоаси ҳужжатларни топиш манбаларини белгилайди, ҳужжатларнинг бирламчи сараланишини, улар билан бевосита археографик ишларни (матнни топшириш, археографик безаш, матн ва мазмун бўйича изоҳ тузиш) ўтказади, илмий - маълумотнома аппаратининг бошқа қисмларини ва иловани тайёрлайди. Тузувчилар вазифаси сирасига, шунингдек, ҳужжатлар нусхасини, шу жумладан компьютерга киритилганларни ҳам асл нусха билан, электрон шаклдаги асл нусха-макет билан солиштириш ҳам киради.

Нашр тузувчилари бир неча кишидан иборат бўлган ҳолларда уларнинг орасидан бири мастьул тузувчи этиб тайинланади ва у таҳrir ҳайъати таркибига киритилади. Мастьул тузувчи тузувчилар жамоасига раҳбарлик қилади, тузувчилар ишини ташкил этади, бошқа тузувчиларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатади, тузувчилар ишини назорат қилади, ҳужжатли нашрнинг барча бўлимларини бирхиллаштиради, унга археографик кириш қисмини тайёрлайди.

§ 24. Нашрнинг проспект - режасини тузиш ва ташкилий-услубий ҳужжатларни тайёрлаш

411. Ҳужжатли нашрнинг проспект-режаси таҳrir ҳайъати таркибига кирган мазкур мавзу (муаммо) бўйича мутахассислар томонидан ёки мастьул ҳодим томонидан тузилади ва кейин тақриз қилинади. Проспект-режаси таҳrir ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, унинг йигилишида тасдиқланади. Агар архив ҳужжатли нашрни ўзи мустақил равища тайёрласа, нашрнинг проспект-режаси (кенг режаси) тегишли илмий ташкилотнинг мутахассислари томонидан тақриз қилиниши керак. Проспект -режада мазкур нашрнинг тайёрланиши зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги асослаб берилади, унинг илмий ва бошқа муҳим томонлари, янгилик бериши ва ўзига хослиги

кўрсатилади, нашрнинг мақсади ва вазифалари баён этилади. Проспект - режаси даврийлик ва географик чегаралар белгисидан, нашр ҳажмидан, танланган нашр тури, хили ва шаклини асослаб беришдан, унинг тахминий тузилмаси ва хужжатларни тизимлаштириш тамойилларини, илмий - маълумотнома аппарати таркибини кўрсатиб беришдан иборат бўлади. Проспект-режага мазкур муаммо бўйича мавжуд библиография, хужжатларни қидириш лозим бўлган архивлар, бошқа хужжатхоналар ва хусусий тўпламларнинг фондлар номи ва ракамлари кўрсатилган рўйхати илова этилади.

Проспект-режа нашрда ёритилиши зарур бўлган масалаларнинг муфассал рўйхатини, хужжатларнинг тошиш ва танлашни асосий тамойиллари таснифини кўрсатиб беради. Хужжатларни аниклаш-топиш жараёнида проспект-режа қайта ишланиши, тўлдирилиши ёки унга аниклик киритилиши мумкин.

412. Хужжатли нашрни тайёрлаш бўйича ишларнинг ташкил этиш ва бирхиллаштиришни янада яхшилаш учун йўриқнома ёки археографик эслатма тузилади. Унда муаммо (мавзу) бўйича босма манбалар (библиография) рўйхати ва тавсифномаси берилади, ўрганиши белгиланган архивлар ва фондлар рўйхати кўрсатилади, мазкур нашрни тайёрлаш хусусиятлари, хужжатларнинг қидириш, саралашни ва археографик расмийлаштиришни ҳамда илмий - маълумотнома аппаратининг тузишни ўзига хос томонлари берилади. Хужжатли нашрларга йўриқнома ёки археографик эслатма амалдаги услубий тавсиялар талабини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Йўриқнома (эслатма) масъул ижрочи томонидан ишлаб чиқилади ва нашрнинг таҳrir ҳайъати ҳамда бош ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

413. Хужжатли нашрнинг режали ва ўз вақтида тайёрланишини таъминлаш мақсадида тузувчилар жамоаси томонидан иш жадвали ишлаб чиқилади ва у барча ҳамижроҷилар билан келишилади. Иш жадвалида тегишли ҳажмдаги барча иш турларининг муайян тақвим муддатига бажарилишини назарда тутади, унда ҳар бир ишнинг масъул ижроҷилари, кўзланган ишни бажарилиши муддати

кўрсатилади. Нашни тайёrlаш бўйича иш жадвалининг бажарилишини назорат қилиш бош ташкилот ва масъул тузувчи томонидан амалга оширилади.

Иш жадвали асосида ҳар бир ижрочининг шахсий режаси тузилиб, унда иш турлари ва бажарилиш муддатлари кўрсатилади.

§ 25. Хужжатларни қидириб топиш ва саралаш, хужжатлар матнини танлаш ва ўтказиш. Нашр тузилмаси ва хужжатларни тизимлаштириш.

414. Нашрларнинг ҳамма турлари учун ҳам хужжатларни қидириб топиш мумкин қадар тўла ва тугал бўлиши керак. Хужжатларни қидириб топиш тегишли мавзу бўйича адабиётлар билан танишиш ва уларни ўрганишдан, архив тармоқларини, илмий - маълумотнома апарагини, фондни ташкил этувчилар тарихини, фондларнинг жамланиш тарихини, уларнинг сакланиш аҳволи ва хужжатлардан матбуотда фойдаланиш даражасини ўрганишдан бошиланади. Варақма - варақ кўриб чиқиш учун йигмажиллар мажмуи белгиланади. Ундан кейин хужжатларни расмий нашрлардан, қонунчилик хужжатлари нашрларидан, соҳавий ва статистик нашрлардан, газеталардан, журнallар ва бошқа даврий нашрлардан, аввал босилган хужжатли нашрлардан, хужжатларга тўла ёки қисман ҳавола қилинган илмий тадқиқотлардан қидирилади.

Ҳар бир топилган хужжатта қидирув маълумотлари ёзилган варақчалар (42, 43-иловалар) очилади. Варақчаларни тўлдириш услуби ҳақида 293 - бандда берилган; топилган хужжатлар картотекаси автоматик тартибда юритилиши мумкин. Нашр қилиш учун ажратилаётганда варақчага хужжатлардан қандай фойдаланиш тахмин қилинаётгани (асосий таркибга киритилиши ҳақида тўлиқ ёки қисман нашр қилиниши ҳақида, изоҳларда даврий нашр (хроника)да, жадвалда, рўйхатда фойдаланилиши ҳақида ва ҳоказо) ҳақида белги кўйилади. Ҳамижрочи архивлар хужжатлар варақчаларини ёки рўйхатларни (348 - бандга қаралсин) 2 нусхада тузадилар ва уларнинг бирини бош ташкилотга юборадилар. Хужжатларни қидириш ишлари тутаганидан сўнг варақчалар нашр учун қабул қилинган тамойилда тизимлаштирилади.

415. Нашрларнинг барча турлари учун топилган ҳужжатларни танлаш тарихийлик, илмий объективлик, уларни манбашунослик нуқтаи назаридан таҳдил қилиш ва мазкур нашрнинг тури ва хилига мувофиқ ишлаб чиқилган танлов мезони ва аниқ усулларига асосан ўтказилади.

Тарихийлик тамойили ҳар бир ҳужжатта муайян тарихий давр маҳсули сифатида қарашни, уларнинг яратилиши ва улар бажарадиган вазифаларни инобатта олишни тақазо қиласи. Объективлик тамойили тарихий ходисаларнинг ҳар томонлама ва бутун мураккаблиги, кўп қирралилиги ва қарама - қаршилиги билан ўрганишни назарда тутади. Бу тамойил ижроси воқеликнинг турли томонларини акс эттирган ҳар турдаги манбаларни ва ҳужжатлар муаллифлари берган баҳоларни ажратиб олиш билан амалга оширилади.

Ҳужжатлар саралаб олинаётганда уларни манбашунослик нуқтаи назаридан таҳдил этилади: асл нусхалилиги аниқланади, ҳужжатнинг яратилиш вақти, жойи, шароитлари ва ташқи хусусиятлари, муаллифи кимлиги аниқланади, ҳужжатнинг нечогли ишончлилиги, сиёсий йўналиши, тўлиқми ёки йўқлиги, ваколатлилиги, илмий моҳияти, ҳужжатда акс эттирилган ахборотнинг нечогли янгилиги ва ҳужжат матнининг тикланиш воситалари белгиланади. Ўтказилган бу таҳдиллар асосида ҳужжатнинг нашр мавзуси ва вазифаларига қараб саралаб олиш мезонларига нечогли мувофиқлиги белгиланади ва ҳар бир ҳужжатдан қандай фойдаланиш масаласи ҳал этилади (тўлалигича нашр этиш ёки парчалар бериш, илмий-маълумотнома аппаратида, иловаларда, безакларда фойдаланиш ва ҳоказо).

Нашр учун унинг мавзуси ва мақсадини анча тўла очиб берадиган ҳужжатлар танлаб олинади. Топилган ҳужжатларни саралаш икки босқичда: бирламчи - ҳужжатларни ахтариш мобайнида ва иккинчиси - барча тўплам топиб бўлингандан (ҳужжатлар ва улар нусхалари бўйича) ва нашр тузилиши аниқлангандан сўнг ўтказилади.

416. Ҳужжатли нашр учун унинг асосий матни танлаб олинади. Бу матн тикланиш воситаларининг қандайлигидан қатъи назар, архивда сақланиб келинган ва нашр этилган мазкур ҳужжат матнларининг топилган мустакил аҳамиятта эга бўлган матнларини матний таҳдил қилиш асосида белгиланади. Ҳужжатли нашрларнинг барча тур ва хилларида ҳужжатлар матни стилистик ва тил хусусиятлари аниқ сақланган ҳолда берилиши керак.

417. Ҳужжатли нашр тарихий ва археографик қисмидан ўз ичига олган кириши қисмидан, нашр қилинаётган ҳужжатлар матнидан, матн ва мазмун бўйича изоҳлардан, кўрсаткичлардан, нашр этилган ҳужжатлар рўйхатидан, қисқартишлар рўйхатидан, атамалар лугатидан, нашр этилган ҳужжатлар рўйхати киритилган мундарижадан таркиб топади. Тузувчилар фикрига кўра ҳужжатли нашрларга шунингдек яна воқеалар даврийлиги, нашр этилаётган ҳужжатлар мавзуси бўйича библиография, фотоҳужжатлар, безаклар ва бошқа иловалар киритилиши ҳам мумкин.

Муқаддиманинг тарихий ва археографик қисмлари ҳужжатли нашр мавзусига мутасадди бўлган тегишли мутахассислар томонидан тайёрланади. Муқаддиманинг охирги матни таҳrir ҳайъатида нашрни тайёрловчи барча иштирокчилар томонидан муҳокама этилади.

Нашр кўрсатчилиари ва хроникасини тузувчиларнинг ҳар бири ўзларига тегишли бўлимларга тузилгани каби, битта тузувчи нашрнинг ҳамма бўлимларига тузиши ҳам мумкин. Кўрсатчик ва хроника ҳар бўлимга алоҳида тузилган ҳолларда уларнинг ҳаммаси масъул тузувчи томонидан бир қилиб жамланади.

Нашрнинг илмий-мальумотнома аппарати ҳужжатли нашрнинг тури, хили ва шаклига қараб белгиланади. Унинг таркибига, мазмунига оид изоҳлар, кўрсатчилиар, воқеалар хроникаси, қисқартмалар рўйхати, атамалар лугати, библиография, нашр этилаётган ҳужжатлар рўйхати, мундарижа, иловалар, жадваллар ва бошқалар киради.

418. Ҳужжатларни тизимлаштириш нашрнинг мавзуси билан борлик бўлиб, ажратиб олинган ҳужжатларнинг тури, хили ва хусусиятига қараб белгиланади. Ҳужжатлар даврийлик, мавзу бўйича, географик, муаллифлик, қиймати

(хужжатлар тури буйича)га қараб белгиланиши мумкин. Бир неча белгиларни бирлаштириш ҳам мумкин. Ҳужжатларни тизимлаштиришда умумий тартиб рақамлари қўлланилади.

§26. Ҳужжатларни археографик расмийлаштириш.

Илмий-маълумотнома аппаратини тайёрлаш.

Ҳужжатли нашр тақризини ташкил этиш.

419. Нашр учун ҳужжатнинг асосий матни танлаб олинади ва бу матн стилистик ва тил жиҳатлари аниқ сақланган ҳолда берилади. Ҳужжатли нашрдаги ҳар бир ҳужжат матнига таҳририй сарлавҳа ва археографик легенда илова этилади. Сарлавҳада ҳужжатнинг мазкур нашрдаги тартиб рақами, ҳужжат номи (тури), муаллифи, жўнатилган манзили, қисқача мазмуни, санаси, ҳужжат тузилган жойи, иш юритишдаги рақами, грифлари (суръати, маҳфийлиги ва ҳоказолар) кўрсатилади. Археографик легендада ҳужжат ҳақидаги назорат-маълумотнома маълумотлари: қидирув маълумотлари (архив шартли белгиси), асл нусхалиги, тили (бошقا тилдаги матнлар учун), ҳужжатнинг тикланиш воситаси, ташки хусусиятлари ва биринчи ёхуд нисбатан тўлиқ нашр эканлиги берилади.

420. Илмий-маълумотнома аппарати тузиб бўлинганидан сўнг ҳужжатли нашрнинг макети шаклантирилди ва таҳrir ҳайъатида муҳокама этилиб, тақризга берилади.

Ҳужжатли нашрнинг маъқулланган қўлёзмаси ички ва ташки тақризлардан ўтказилиши, камида икки ташки тақризга эга бўлиши керак.

Ҳужжатли нашрни тайёрлаш мобайнида унинг алоҳида бўлимларини муҳокама этиш мумкин.

Тақризчилар фикри ва мулоҳазасига кўра ишлаб, маромига етказилган қўлёзма қайта ишлангани ҳақидаги маълумотнома билан биргаликда муҳокама этиш учун "Ўзархив" агентлигининг Илмий кенгашига тақдим этилади. Муҳокамадан сўнг Илмий кенгаш уни нашр учун тавсия этади.

Архивларо нацрлар қўлёзмалари кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун бош ташкилотта тақдим этилади.

§ 27. Нашриёт билан ишни ташкил этиши ва чоп этилган нашрлар ҳисоби.

421. Ҳар бир хужжатли нашр юзасидан бош ташкилот томонидан нашриёт билан шартнома тузилиб, унда нашриёт ва буортмачи (архив)нинг ҳукуқ ва бурчлари, қўлёzmанинг қанча муддатга берилаётгани, унга нисбатан талаблар, қўlёzmанинг нашриётта топширилиш муддати, унинг нашри, адади, полиграфик безаклар даражаси, буортмачига бериладиган нашр нусхаси сони, молиявий шартлар, шартномани тўхтатиши шартлари ва бошқа алоҳида шартлар кўrsатилади.

422. Архив томонидан тайёрланган хужжатли нашр қўlёzmаси, маълумотли нашр ёки илмий ва услубий фаолиятнинг бошқа маҳсулни унга масъул мухаррир ёки архив раҳбарияти "Босмага" ёки "Теришга" кўrsатмаси билан имзо чекканидан сўнг нашриётта икки нусхада топширилади. Кўlёzmага нашриётнинг тегиши режасидан кўчирма, "Ўзархив" агентлигининг Илмий кенгашини қарори, иккита ижобий тақриз ва Ўзбекистон Республикаси матбуот ва информация агентлигининг талабларига мувофиқ бошқа материаллар илова этилади. Кўlёzma электрон воситаларда тайёрланган ҳолларда нашриётта дискета ва қўlёzmанинг қоғозга чиқарилган бир нусхаси топширилади.

423. Нашр этиш учун топширилаётган муаллифлик матнининг асл нусхаси сарварақ ва унинг орқа томонига, аннотацияга, кириш сўзи ва мундарижага эга бўлиши керак.

Сарварақ, мундарижа ва кириш сўзи нашрнинг шартли унсурлари ҳисобланади.

§ 28. Архивдаги нашрлар ҳисоби ва уларга тақризлар

424. Чоп этилган хужжатли нашр, маълумотнома ва бошқа нашрларни ҳисобга олиш учун архив нашрлар ҳисоби варақчаси (59 - илова) тузади. Варақчага нашр этилишига қараб мазкур нашр ҳақидаги барча тақризлар ёзиб борилади. Варақчалар даврийлик тартибида тизимлаштирилиб борилади ва улардан архивнинг чоп этилган хужжатли нашрлари картотекаси тузилади. Айни пайтда мавзули картотека тузиш ҳам мумкин.

425. Чоп этилган хужжатли нашрларга чиққан тақриз ва мулоҳазаларнинг марказлашган ҳисобини олиб бориш мақсадида архив муассасалари бу тақризлар ҳақида ўрнатилган тартиб бўйича "Ўзархив" агентлигига ўзларининг илмий - нашр режаларининг бажарилиши ҳақидаги ҳар йилги ахборотларида маълум қилиб турадилар.

IX - БОБ. ИЛМИЙ - ТАДҚИҚОТ ВА УСЛУБИЙ ИШЛАР

§1. Илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ)

426. Архивларда илмий-тадқиқот ишлари архившунослик, хужжатшунослик, археография, манбашунослик ва улар билан чоғищма фанлар (давлат муассасалари тарихи, маъмурий - ҳудудий бўлинниш тарихи, илмий-ахборот фаолияти ва б.) соҳасидаги ишлар ва вазифаларни амалга оширишда илмий далиллик, самарадорлик ва яхши сифатларга эришиш мақсадида олиб борилади.

427. Архивда ИТИни архив директори ёки унинг ўринbosари одатда тегишли тузилмавий бўлинмалар орқали ташкил этадилар; ИТИда архивнинг энг ихтисослашган мутахассислари иштирок этадилар.

428. ИТИнинг асосий шакллари куйидагилардан изборатдир:

а) илмий тадқиқотларни ўтказиш, хужжатлар тўпламларини, шарҳлар, маълумотномалар, йўлкўрсаттичлар, маълумотлар базасини тайёрлаш;

б) бошқа архивлар, илмий ва бошқа ташкилотлар илмий асарларини тақриз қилиш;

в) илмий, илмий-амалий конференцияларни ташкил этиш ва уларда иштирок қилиш;

г) архив иши ривожлантирилишининг назарий ва амалий муаммоларини муҳокама этиш;

д) илфор тажрибаларни умумлаштириш ва тарғиб қилиш.

429. Архив ИТИни ўзи мустақил равища ёки "Ўзархив" агентлиги тизими доирасидаги ИТИ режасига мувофиқ бошқа архивлар илмий ташкилотлар билан биргаликда олиб бориши ҳам мумкин.

Архив ИТИни шунингдек ўз ташаббуси билан бегараз молиявий субсидиялар (грантлар) асосида, грант берган ташкилот қўйган шартларга мувофиқ ўтказиши ҳам мумкин.

Ташаббусли илмий ишлар, нашр лойиҳалари ёки архивнинг моддий - техникавий базасини ривожлантириш борасида иш олиб бориш учун грантларни олиш конкурсларида иштирок этиш учун буюргмалар грант берувчилар ўрнатган шартларга кўра тақдим этилади.

430. Бош ташкилот сифатида иш кўраётган давлат архиви бутун мавзунинг ишлаб чиқилишига жавоб беради, ҳамижрочилар билан келишган ҳолда мавзу устидаги иш тартибини белгилаб берадиган ташкилий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади, мавзуни тадқиқ этишдаги анча мураккаб босқичларни бажаради, ҳамижрочиларнинг ишларини мувофиқлаштиради ва уларга услугубий ёрдам кўрсатади, мавзу бўйича якуний материалларни умумлаштиради, зарур бўлган ҳолларда илмий ҳисобот тузади.

Мавзу бўйича ҳамижрочи бўлган архив, шунингдек, ташкилий - услугубий ҳужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиши ҳам мумкин; мавзу бўйича ташкилий-услубий ҳужжатларга мувофиқ равишда архив бирламчи (бошлангич) таҳдилий материалларни (экспериментал маълумотларни) тайёрлайди, мавзунинг мустақил илмий аҳамиятга эга бўлган бўлимни, босқичи, тоғширигини ишлаб чиқади, тадқиқот натижаларини такриз қилишида ва экспериментал жорий этишида иштирок этади.

Мавзу бўйича ҳамижрочи бўлган архив масъул ижрочини белгилайди. Белгиланган масъул ижрочи зиммасига режа тоғшириқларини бажариш, ижро муддатларига риоя этиш ва бош ташкилот билан буладиган алсқаларни амалга ошириш вазифалари юклатилади.

Мавзу устида иш олиб бориш учун архивнинг тузилмавий бўлинмалари намояндаларидан иборат ижодий (ишчи) гуруҳлари тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳининг таркибини архив раҳбарияти тасдиқлайди.

431. Илмий мавзуни ишлаб чиқиш қуйидаги босқичларга булинади:

а) ўрганиладиган масаланинг ҳолати билан танишув, бирламчи манба базаси ва библиографияни тузиш, тадқиқотни ташкил этишга оид таклифларни тузиш (лойиха олди тадқиқот);

б) мавзу бўйича тадқиқотни ўтказиш тартибини белгилаб берадиган ташкилий-методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш (дастур, техникавий топширик, проспект-режа, тадқиқотнинг мувофиқлаштириш режаси);

в) материалларни тўплаш, таҳлил этиш ва умумлаштириш;

г) мавзу бўйича якуний ҳужжатларни тайёрлаш, музокама қилиш, тажрибага киритиши.

Тадқиқот дастури техникавий топшириқларни тузиш кўзланган мавзулардан ташқари амалий тоифадаги ва тадқиқотни ташкил қилиш учун зарур бўлган масалаларнинг ҳаммасини қамраб оладиган барча мавзуларга, яъни: мавзуни ишлаб чиқиш учун асос, мақсад, вазифалар, тадқиқот чегаралари, ишлаб чиқиладиган мавзунинг бирламчи маълумотлари ва унга бўлган талаб (предмет, объект, ишчи гипотеза), якуний ҳужжатнинг асосий мезонлари (таркиби, мазмуни, кутилаётган натижа), ҳамижрочилар билан ишни ташкил этиш, иш босқичлари ва уларнинг ижро муддатларига тузилади.

Техник топширик архив томонидан бош ташкилотнинг топширигига кўра ёки шартнома асосида бошқа ташкилотлар учун ишлаб чиқилади ва у тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланиши шарт, бошқа ҳамма мавзулар бўйича тадқиқот дастурини архив раҳбарияти тасдиқлайди.

Тадқиқотлар амалга оширилиши натижаси ўлароқ илмий маъруза, маълумотнома, таҳлилий шарх, қоидалар, кўйланмалар ва шу кабилар яратиладиган бўлса, проспект - режа тузилади. Проспект-режада бўлажак ишнинг асосий тамойили ва тузилиши кўрсатилади, ишнинг ҳар бир бўлими (боби) ёки босқичининг мазмуни қисқача баён этилади.

Илмий мавзу бир неча ташкилотлар томонидан биргалиқда ишлаб чиқилаётган ҳолларда мувофиқлаштирувчи режа тузилади. Мувофиқлаштирувчи режа тадқиқотларни босқичма-босқич ёритиб бериши,

унда ҳар бир босқич бўйича ишнинг тури ва натижаси, бажарилиш муддати, ҳар босқичнинг масъул ижроиси ва иш тури кўрсатилиши керак.

Тадқиқотнинг дастури, техникавий топшириги, проспект - режа, мувофиқлаштирувчи режаси бош ташкилот ҳисобланган архив раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

432. Туталманган илмий мавзулар бўйича ҳисоботлар тузилади. Якуний ҳужжатлар тегишли тартибда кўриб чиқилган ва тасдиқланган ҳоллардагина мавзу тугал ишлаб чиқилган деб ҳисобланади. Бош ташкилот ҳам ижроичларни тадқиқот мавзусининг тугалланиши натижалари ҳақида хабардор қиласи.

433. Илмий тадқиқотларнинг бориши ва уларни жорий қилинишини мунтазам равишда назорат қилиш мақсадида илмий - тадқиқот ишлари (ташкилий - услугияти) учун жавоб берадиган бўлинма томонидан тадқиқот мавзуларининг ҳисоби картотекаси юритилади. Унда мавзу устида олиб бораётган ишларнинг ҳаммаси: яъни мавзунинг тўлалигича ва айрим бўлимларининг бажарилиш муддати, ишнинг ижроичлари, ишнинг ҳар йилги натижалари, оралиқ ҳужжатларининг (маълумотлар, шарҳлар, бўлимлар, кўлланмалар ва бошқалар) ҳамда тадқиқот натижаларини жорий қилиш кабилар ёритилиши керак.

434. Архив томонидан бюджет ҳисобига амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар, шу жумладан маълумотномалар ва ҳужжатли нашрларни тайёрлаш ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат илмий-техникавий ахборот фондининг Фан ва технология бўйича марказида давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Услубий ва тор амалий тоифадаги (ишчи йўрикномалар, услубий тавсияномалар, маъruzalар, хабарлар ва б.) ишлар рўйхатдан ўтказилмайди. Бошқа молиявий маблағлар ҳисобига қилинган илмий тадқиқотларни архив ўз хоҳишига кўра рўйхатдан ўтказиши мумкин.

Мавзунинг ижроиси бўлган архив Давлат илмий - техникавий ахборот фондига қабул қилинган намунаидаги рўйхатта олиш картасини ишнинг молиялаштириш бошланганидан 30 кун ўтказмай юбориши керак.

Архив рўйхатта олинган иш тутаганидан кейин 30 кундан кечиктирмай Давлат илмий-техникавий ахборот фондига қабул қилинган намунадаги ахборот картасини, архив раҳбарияти тасдиқлаган илмий ҳисоботни юборади.

Илмий-тадқиқот ишларини рўйхатта олиш бўйича ишларни юритиш ИТИ ни ташкил қилишга масъул бўлган бўлинма зиммасига юклатилади. Архивлар амалга ошираёттан ИТИни рўйхатта олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат илмий-техникавий ахборот фондининг Фан ва технология бўйича марказининг меъёрий ҳужжатларига кўра белгиланади.

435. "Ўзархив" агентлигининг Илмий кенгаши илмий ишларнинг асосий йўналишлари ва якунларини кўриб чиқади. Илмий кенгашнинг фаолияти унинг тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади. Илмий кенгашнинг таркиби ва у тўғрисидаги низом "Ўзархив" агентлигининг бўйруги билан тасдиқланади.

§ 2. Услубий ишлар

436. Олиб борилаёттан ишлар, амалий тажрибаларнинг самараси ва сифатини кўтариш мақсадида архив услугубий ишлар олиб боради. Архивларнинг услугубий ишлари архив ишларини олиб бориш ва уларни амалиётда қўллаш услугбиятларини ишлаб чиқицдан иборатдир.

Архивда услугубий ишларни архив директори ёки унинг ўринбосари ташкил этади. Ихтисослари дуруст бўлган талай мутахассислар бу ишда иштирок этадилар.

Архивдаги услугубий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни таъминлаш учун услугубий комиссия тузилади. Услубий комиссия эксперт - текширув комиссияси билан бирлаштирилиб - ЭТУК (эксперт текширув-услубий комиссия) ташкил қилиниши мумкин.

Ҳар бир архив услугубий (эксперт - услугубий) комиссия тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиши, унда комиссиянинг асосий вазифалари ва ваколатлари ҳамда унинг ишини ташкил этилиши акс этдирилиши керак. Комиссияни таркиби ва уни низоми архив директорининг бўйруги билан тасдиқланади.

437. Услубий ишларнинг асосий шаклари қуидагилардан иборат:

а) ишчи йўриқномалар, услубий тавсияномалар, эслатмалар, шарҳлар ва бошқа услубий қўлланмаларни тузиш;

б) эксперт - услубий комиссиялар, - услубият ийгилишида услубий масалаларни муҳокама этиш ва ҳал қилиш;

в) илғор тажрибаларни умумлаштириш ва тарғиб қилиш;

г) архив ходимларига маслаҳатлар бериш ва услубий ёрдам кўрсатиш.

438. Бажариладиган ишлар йўналиши ва турлари бўйича услубий қўлланмаларни архивлар "Ўзархив" агентлигининг, республика марказий давлат архивларининг меъёрий - услубий ҳужжатларига асосан тайёрлайдилар. Бу жараёнда мавжуд бўлган иш тажрибалари ҳисобга олинади ва умумлаштирилади.

Услубий қўлланмаларда умумий услубий қоидалар архив фаолияти шароитлари ва хусусиятларига татбиқан конкретлаштирилади, ишларни олиб боришдан кўзланган мақсадлар, асосий вазифалар, услуб ва тартиблар белгиланади, улар аниқ мисомлар билан мустаҳкамланади, шунингдек, зарур ҳолларда жорий қилиш йўллари ва кутилган натижалар кўрсатилади. Қўлланмада ишнинг ҳажми ва тури, ўлчов бирликлари, иш вақтининг сарфи, ҳар бир турдаги ишнинг ўтказилиш муддати берилиши мумкин.

439. Услубий қўлланмани тайёрлаш режа ишлаб чиқиши, лойиха тузиш, тақриз қилиш, услубият (эксперт-услубий) комиссияда муҳокама этиш, фикр-мулоҳазалар бўйича қайта ишлаш, лойихани тугал расмийлаштириш ва қўлланмани архив раҳбарияти томонидан тасдиқлаш каби босқичлардан иборат.

§ 3. Илмий-тадқиқот ва услубий ишлар натижаларини жорий этиш

440. "Ўзархив" агентлиги, архив иши худудий бошқармалар, архивлар томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, бошқа ташкилотларнинг архив фаолияти учун зарур бўлган меъёрий ва услубий ҳужжатлари амалиётта жорий этилиши шарт.

Меъёрий хужжатлар ва услугбий ишланмалар архивлар иш тажрибасига архивнинг меъёрий ва илмий-услубий ишланмаларни амалга киритиши йиллик режасига асосан жорий этилади.

Илмий-тадқиқот ва услугбий ишланмаларни амалиётта жорий этиш натижалари архивнинг йиллик ҳисоботида акс эттирилади.

Меъёрий ишланмалар ва услугбий қўлманмалар уларга мувофиқ иш олиб борилган ҳоллардагина амалга киритилган ҳисобланади.

441. Меъёрий хужжатлар ва услугбий ишланмаларни жорий этиш тажрибавий (экспериментал) ва амалий турларга бўлинади.

Тажрибавий жорий этиш жорий этишининг бирламчи босқичи бўлиб, у ишлаб чиқилаёттан мавзу ҳали туталманмасидан оддин мавзунинг асосий қоидалари тажрибадан ўтишини ва тасдиқланишини таъминлайди. Тажрибавий жорий этиш иш режаларида мавзуни ишлаб чиқишининг бир босқичи сифатида назарда тутилади. Тажрибавий жорий этиш бўйича мавзуни ишлаб чиқаёттан архивлар далолатнома тузадилар. Далолатномада жорий этишининг аниқ натижалари, жорий этиш вақти, жорий этишни таъминловчи тадбирлар қайд этилади.

Илмий ва услугбий ишланмалар, меъёрий хужжатларнинг қоидалари ва хulosалари архивнинг амалий фаолиятига тўлиқ ёки қисман қўлланилганидагина улар амалда жорий этилган ҳисобланади.

Амалий жорий этиш куйидагилардан таркиб топади:

- а) услугбий ишланмаларни тасдиқлаш ва амалга киритиш;
- б) меъёрий ва услугбий ишланмаларни нашр этиш (кўпайтириш);

в) илмий - тадқиқот, услугбий ишлар қоидалари ва хulosаларидан архивнинг амалий фаолиятида фойдаланиш.

442. Меъёрий тоифадаги хужжатлар уларни тасдиқлаган ташкилот буйргути билан ёки архив директорининг буйргути билан амалга киритилади.

Архив томонидан идора ичидаги фойдаланиш учун ишлаб чиқилган қўлманма архив раҳбарияти тасдиғидан сўнг амалга жорий этилади.

443. Амалга киритилаёттан ҳужжатларнинг асосий қоидаларини ва улар қўлланиладиган соҳаларни тушунтириш учун услубий кенгашлар, семинарлар, малакани ошириш бўйича машғулотлар, амалий машғулотлар ўтказилиб, уларда жорий этилаёттан ишларнинг асосий қоидалари, улардан фойдаланиш имкониятлари, тўғри татбиқ этилиши устидан назорат қилиш тушунтирилади.

444. Архив тугалланган илмий ва услубий ишланмаларни тегишли тартибда "Ўзархив" агентлигининг маълумот - ахборот жамгармасига (МАЖ) юборади ва архивнинг МАЖига киригади.

§ 4. Архивнинг маълумот-ахборот жамгармаси

445. Архивнинг маълумот-ахборот жамгармаси (МАЖ) архив фаолиятининг асосий йўналишларини ахборот билан таъминлашни амалга оширувчи илмий-техникавий ахборот маркази ҳисобланади. МАЖ - бу архившунослик, ҳужжатшунослик, археография, улар билан чогишган бошқа фанлар (бирламчи материаллар фонди) муаммосига оид нашр этилган ва нашр этилмаган илмий-услубий ва бошқа ҳужжатлар йигинидиси, уларга маълумот - қидиув аппарати, шунингдек архив фаолияти учун зарур бўлган маълумотнома адабиётлар ва материаллар демакдир.

446. Бирламчи материаллар фонди ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) давлат муассасалари тарихи, маъмурий-худудий бўлиниш, ўлкашунослик тарихига оид, ҳужжатшунослик, архившунослик, археография, улар билан чогишган бошқа илмий фанларга оид адабиётларни;

б) бошқарув, меҳнатни илмий ташкил қилиш, режалаштириш, меъёrlаштириш, илмий-ахборот фаолиятини ташкил этиш, кутубхона ва нацирёт ишлари масалаларига оид илмий адабиётларни;

в) архив ҳужжатларини тўлдирадиган ва унинг илмий-тадқиқот ва ахборот - маълумот ишлари учун зарур бўлган расмий ва идоравий насрлар, меъёрий ва илмий - услубий ҳужжатлар, маълумотнома адабиётлар;

г) ҳужжатшунослик, архившунослик, археография ва улар билан чогишма илмий фанлар бўйича меъёрий ва илмий-услубий ишланмалар;

д) архивнинг чоп этилмаган услугий ишланмалари, чоп этилмайдиган ишчи йўриқномалари, ташкилотлар учун доимий ва намунавий номенклатуралар, архивларнинг илгор иш тажрибасини умумлаштирадиган шарҳдар ва маърузалар.

МАЖнинг маълумот - қидирув аппарати каталоглар ва картотекалар тизими бўлиб, у МАЖ материалларининг таркиби ва мазмуни ҳақида ахборот беради.

447. Архив МАЖи ўзи ҳақидағи архив директори тасдиқлаган низом асосида, одатда зиммасига илмий - тадқиқот ва услугий ишларни ташкил этиш юклатилган тузилмавий бўлинма таркибида ёки ишнинг мазкур участкаси учун жавобгар бўлган шахс тимсолида фаолият кўрсатади. Архив МАЖи ишининг асосий йўналиши фондни жамлаш, унинг ҳисобини олиб бориш, маълумот - қидирув аппаратини барпо қилиш ва юритиш, жамғарма материалларидан фойдаланишни ташкил этиш кабилардан иборатdir.

448. МАЖ ишини ташкил этиш учун архивнинг малакали ходимлари ичидан бирини буйруқ билан ахборотчи этиб тайинланади ва унинг зиммасига қўйидагилар юклатилади:

а) МАЖ материалларини тўплаш, сақлаш, ҳисобини олиб бориш, қайта ишлаш ва тизимлаштириш;

б) фонд материалларининг таркиби ва мазмуни ҳақидағи ахборотни ташкил этишни таъминлайдиган МАЖнинг маълумот-қидирув аппаратини юритиш;

в) архив мутахассисларининг ахборот эҳтиёжини ўрганиш;

г) архив амалий иши асосий йўналишлари бўйича адабиётнинг тавсиявий рўйхатини тузиш, амалдаги меъёрий ҳужжатлар рўйхатини тузиш, фойдаланиш учун адабиётларни тавсия этиш, янги келиб тушган ҳужжатларнинг кўргазмасини ташкил этиш ва бошқа йўллар орқали МАЖ материалларининг таркиби ва мазмуни билан архив ходимларини мунтазам равища таништириб бориш;

д) умумсоҳавий аҳамиятта эга бўлган тугалланган ишланмаларни "Ўзархив" агентлигининг МАЖига мунтазам равища ва ўз вақтида юбориб туриш.

449. МАЖга келиб тушган материаллар ҳисобга олинади ва услубий адабиётлар ҳисоби китобида қайд этилади. Ҳар бир материалга варақча очилиб, унда қўлланманинг номи, шартли белгиси, хужжатшунослик ва архив иши Рубрикатори бўйича индекси қайд этилади. Тўлдирилган варақча МАЖ материаллари маълумотномаси картотекасига (каталогига) киритилади. МАЖ материаллари таркиби ва мазмунига оид бошқа каталоглар (картотекалар) тузиш зарурати масаласини архив раҳбарияти ҳал этади.

450. Архивнинг МАЖ материалларини бериш абонемент хизмати йўли билан амалга оширилади. МАЖ материалларини бошқа манфаатдор ташкилотларга бериш тартибини архив директори белгилайди; уларнинг ахборот хизмати архивнинг пулли хизмат кўрсатиш тарзида амалга оширилиши мумкин.

Х - БОБ АРХИВ ИШНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ

§1. Архивни бошқариш

451. Архивни бошқариш деганда унинг ходимлари томонидан архивнинг вазифалари ва ваколатини бажариш бўйича фаолиятини ташкил этиш тушунилади. Архивни бошқариш Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлигининг буйруқлари, йўриқномалари, қоидалари ва кўрсатмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси давлат архивларининг асосий иш қоидаларига мувофиқ ташкилий - фармойиш (маъмурий), иқтисодий (молиявий) услублар ва ижтимоий (маънавий) рағбатлар ёрдамида амалга оширилади.

452. Архив фаолиятини ташкил этища архив тўгрисидаги низом, унинг тузилмавий бўлинмалари тўгрисидаги низомлар, штат жадваллари, сарф-харажатлар сметаси, ходимларнинг лавозим йўриқномалари асосий меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ҳар бир архив ўзининг низомини ишлаб чиқади. Унда архивнинг вазифалари, ҳуқуқлари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш, унда сақланаётган хужжатларнинг таркиби (йўналиши) белгилаб берилади. Архив тўғрисидаги низомни архив ишининг бошқарувчи юқори орган томонидан тасдиқланади.

Архивнинг тузилма бўлинмалари тўғрисидаги низомлар архив тўғрисидаги низом, архивнинг тузилмавий бўлинмалари тўғрисидаги намунавий низомлар асосида ишлаб чиқлади. Низомларда тузилмавий бўлинмалари нинг вазифалари, ҳуқуқлари, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш белгилаб берилади ва архив директори томонидан тасдиқланади.

Лавозим йўриқномалари штат жадвалига мувофиқ архивнинг ҳамма (архив директори, унинг ўринбосари ва хизмат кўрсатувчи ходимларидан ташқари) ходимларига тузилади. Лавозим йўриқномалари архив ходимларининг вазифалари, ҳуқуқларини ва жавобгарлигини белгилаб беради. Улар тузилмавий бўлинмалар раҳбарлари томонидан ходимлар лавозимларига кўра малакавий тавсифномалар ва архивнинг тузилма бўлинмалари тўғрисидаги низомлар асосида тузилади. Лавозим йўриқномалари архив директори томонидан тасдиқланади.

453. Директор архив ходимлари фаолиятини бошқаради ва архив зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради; ўзи ва ўринбосари ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

Марказий давлат архивларида ва архив иши худудий бошқармаларида маслаҳат органи ҳуқуқига эга бўлган дирекциялар ташкил этилади. Дирекция архивнинг асосий иш фаолияти масалаларини ва ўз тасарруфидаги худудда архив ишини ривожлантириш масалаларини, меъёрий ва услубий хужжатлар лойиҳаларини, шунингдек кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларини кўриб чиқади. Дирекция тўғрисидаги низомларни марказий давлат архивлари директорлари ва архив иши худудий бошқармалари бошликлари томонидан тасдиқланади. Дирекция қарорлари одатда буйруклар билан амалга жорий қилинади.

454. Сақланаётган ҳужжатларнинг моҳиятига қараб, ҳужжатларнинг миқдори, уларнинг давлат сақланувига режали қабул қилишни мавжудлигига қараб, барча архивлар тоифаларга бўлинади.

455. Давлат архивининг тузилмаси ва штати архив ишини шароити, хусусиятига қараб ва архив тоифасига мувофиқ ишлаб чиқилади. Тузилмаси бўлмаган архивларда мутахассислар томонидан бошқариладиган фаолият йўналиши бўйича ходимлар гурухлари тузилиши мумкин.

456. Марказий давлат архивларида ва архив иши худудий бошқармаларида илмий-маслаҳатли органлар хукуқида қуидагилар тузилади:

а) ҳужжатлар қимматлигини экспертиза қилиш, илмий - услубий таъминот масалаларини кўриб чиқиш учун эксперт - текширув ва услубият комиссияси (ЭТУК)¹¹. Марказий давлат архивларидаги комиссиялар тўгрисидаги низом ва комиссиянинг таркиби архив директори томонидан тасдиқланади, Қорақалпогистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида эса, архив иши худудий бошқармалари бошликлари томонидан тасдиқланади. Комиссиянинг қарори унинг йиғилиши баённомаси архив директори ёки худудий бошқарма бошлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради;

б) амалдаги қонунларга мувофиқ ҳужжатлардан фойдаланиш мақсадида улардан махфийликни ва чекловларни олиш учун архив ҳужжатларини махфийликдан чиқариш бўйича комиссия. Марказий давлат архивлардаги комиссиялар тўгрисидаги низом архив директори томонидан тасдиқланади, Қорақалпогистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида эса, архив иши худудий бошқармалари бошликлари томонидан тасдиқланади. Комиссиянинг қарори унинг йиғилиши баённомаси архив директори ёки худудий бошқарма бошлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

¹¹ Заруратга қараб алоҳида эксперт-текширув комиссияси(ЭТК) ёки услубий комиссия иш кўриши мумкин.

§ 2. Режалаштириш ва ҳисобот

457. Архивда режалаштириш ва ҳисбот бўйича ишларни директор ёки унинг ўринбосари ташкил этади; архив тузилмавий бўлинмаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислар бу ишларда бевосита иштирок этадилар.

Ишни режалаштириш олиб борилган фаолият натижаларини таҳдил этиш асосида, республикада архив ишининг ривожлантириш тамойилларини, "Ўзархив" агентлигининг, архив иши худудий бошқармаларининг кўрсатмалари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда архив томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Архивнинг иш режаси бир йилга тузилиб, йил чоракларига бўлинади. Режа бўлимлардан ёки архив ишининг ривожлантиришни тегишли йўналишларидан, тушунтириш хати ва иловалардан таркиб топади. Режага тушунтириш хатида режалаштирилаётган ишларнинг турлари, миқдори асослаб берилади, уларнинг натижалари белгиланиб, ишнинг бажарилиш муддати ва ижрочилари кўрсатилади.

Режавий топшириқлар кўрсаткичлар тизими кўринишида бўлади. Кўрсаткичлар рўйхати "Ўзархив" агентлиги томонидан белгиланади. Режа кўрсаткичлари икки гурухга: тасдиқланадиган ва ҳисоб - китоб (тасдиқланмайдиган) гуруҳларга бўлинади.

Тасдиқланадиган кўрсаткичлар - режанинг мажбурий миқдорий ва сифат топшириқлари ўрнатиладиган кўрсаткичлардир.

Ҳисоб - китоб (тасдиқланмайдиган) кўрсаткичлари, бу режада белгиланган топшириқларнинг тўғрилиги ва асослилиги текшириладиган кўрсаткичлардир.

458. Архивда қўйидағи режалар тузилади:

- а) архив ишини ривожлантириш ҳақида;
- б) ташкилий тадбирлар тўғрисида;
- в) дирекциянинг иши;
- г) илмий - тадқиқот ишлари;
- д) меъёрий ва илмий - услугий ишланмаларни амалга жорий этиш бўйича;
- е) ходимлар малакасини ошириш;

ж) вақт бюджетини архив фаолияти йұналишлари бүйіча тақсимланиши;

3) фойдалы вақт бюджети күрсаткичлари;

и) архив ишини ривожлантириш режасига ҳисоб-китоб қисми.

Хамма режавий ҳужжатлар ягона шаклларда тузилади, дирекцияда күриб чиқлади, архив директори томонидан тасдиқланади.

459. Архивнинг бир йиллик ишини режалаштиришда устувор йұналишлар, иш турлари, улар ҳажми ва ижрочилари белгиланади. Режа тузилаёттанда архивнинг штат, молиявий, моддий - техникавий имкониятлари ҳисобға олинади, тузилмавий бўлинмаларни мувофиқлаштириш масалалари ҳал этилади.

460. Режанинг ҳисоб-китоб қисми қабул қилинган шакл бүйіча тузилиб, унда архивнинг штат сони, вақт ва ишлаб чиқариш мөъёри асосида белгиланган ишларни бажариш учун зарур бўлган иш вақти бюджетининг ҳисоб-китоби ўтказилади, режадан ташқариги ишларни бажариш учун вақт заҳироси назарда тутилади.

461. Архивнинг тузилмавий бўлинмасини режаси бир йилга архив директори белгилаган шаклда йил чоракларига бўлинган ҳолда тузилади ва директор томонидан тасдиқланади. Тузилмавий бўлинма иш режаси архивнинг йиллик иш режасини ўзига тегишли йұналишларинигина қамраб олиши ва фақат тузилмавий бўлинманинг раҳбари назоратида бўлган иш ҳажми ва турларинигина киритилиши мумкин.

462. Ходимнинг шахсий режаси муайян вақтга тегишли шаклда (60-и洛ва) тузилади ва тузилмавий бўлинманинг раҳбари томонидан тасдиқланади; ходимнинг шахсий режаси тузилмавий бўлинма ёки фаолият йұналиши бўйича гурухлар режаси асосида тузилади.

463. Режаларнинг бажарилиши ва иш сифати устидан назоратни архив ва унинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари амалга оширадилар. Назорат ва сифатта баҳо беришдан кўзланган мақсад архивнинг асосий вазифалари ва ваколатларини самарали бажарилиши, шунингдек архивда олиб борилаётган ишлар

сифатини таъминлашдир. Иш режасининг бажарилиши ва иш сифатининг натижалари дирекцияда кўриб чиқилади, меҳнат жамоаси эътиборига етказилади.

464. Бир йилга, йил чорагига, ярим йилликка, 9 ойга тузилган режаларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлар режа тизимиға кўра тузилади. Архив ишини ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботта илова этилган тушунтириш хатида ишларнинг асосий натижалари таҳлили берилади, ўтказилган ташкилий - услубий ишларнинг самараси кўрсатилади. Тушунтириш хатига илова этилади (кўшиб берилади).

465. Архивда куйидаги ҳисоботлар тузилади:

а) архив ишининг ривожлантириш режасини бажарилиши ҳақида ҳисобот; 1-сон Да статшакли;

б) идоравий архивларда йилнинг 1-декабрига қадар сақланувдаги ЎР МАФ ҳужжатларининг аҳволи ва ҳажми ҳақида ҳисобот; 2 - сон Да статшакли;

в) ЎР МАФ ҳужжатларининг давлат томонидан сақловини ташкил қилиш ҳақида ҳисобот; 3 - сон Да статшакли;

г) илмий-нашр ва илмий - тадқиқот ишлари йиллик режасининг бажарилиши ҳақида ҳисобот; 4 - сон Да статшакли (ИНИТ);

д) архив муассасалари тармоқлари ҳақида ҳисобот; 5 - сон АТстат шакли;

е) кадрларни касбга ўқитиш ҳақида ҳисобот; 6 -сон Т статшакли;

ж) идоравий архивлар бўлими (гуруҳи)нинг, ҳужжатларни тўплаш ва улар қимматлилигини экспертиза қилувчи бўлими (гуруҳ)нинг пулли хизмат кўрсатиш ҳисобига йил ичida ҳужжатларни тартибга келтириш ҳақидаги ҳисоботи;

и) ходимларнинг сони, таркиби ва ўзгариши ҳақида ҳисобот; 1-сон Т статшакли.

Йил давомида архив ишининг ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботни тақдим этиш тартиби, муддати ва иловалар таркибини архив ишининг ривожлантириш бўйича юқори бошқарув органи белгилайди.

466. Тузилмавий бўлинма режасини, ходимнинг шахсий режасини бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлар

режалар шаклига кўра тузилади ва режалаштириш даврийлигига ва архив директори ўрнаттан муддатларга мувофиқ бўлади.

§ 3. Мехнат ҳисоби. Ишни назорат қилиш

467. Режалаштирилган ишлар, иш вақти ва ишлаб чиқариш, меҳнат вақтидан фойдаланиш режаларини бажарилиши устидан назорат қилиш мақсадида архив ходимларининг меҳнати ҳисоби олиб борилади.

Архивда меҳнат ҳисоби ходимларнинг иш вақти ҳисоби табелларида ва уларнинг меҳнат ҳисоби шахсий кундайларидан юритилади.

Табел ҳисоби иш вақтидан фойдаланиш, меҳнат интизомига риоя этишнинг аҳволи, иш ҳақининг ёзилиши устидан назоратни асосий тури ҳисобланади.

Кундалик архив ходимининг ҳисоб ва ҳисбот ҳужжати бўлиб, унга кўра режавий топшириқларнинг кундалик бажарилиши, ишлаб чиқариш ва иш вақти меъёрларини бажарилиши аниқланади. Меҳнат ҳисоби кундалиги тасдиқланган шаклда (61-илова) юритилади.

468. Назорат қилиш ва иш сифатининг баҳолашдан кўзланган мақсад архив олдига қўйилган асосий вазифаларни самарали бажарилишига эришишдир.

Режалар бажарилиши ва иш сифати устидан назоратни давлат архивлари раҳбарлари, архивнинг тузилмавий бўлинмалари (гурухлари) раҳбарлари, иш сифатини назорат қилувчи комиссиялар ва архив иши бўйича юқори бошқармаларнинг комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Назорат натижалари маълумотномаларда, далолатномаларда, ходимлар кундайларидан, шунингдек мунтазам текшириб туриладиган ва муҳокама этиладиган дирекция йиғилишларида, меҳнат жамоаси мажлисларида акс эттирилади.

§ 4. Архив ходимлари меҳнатини ташкил этиш

469. Архив ходимлари меҳнатини ташкил этиш деганда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва улардан фойдаланиш, меҳнатни тақсимлаш ва кооперациялаш, мoddий - техникавий заҳиралардан самарали фойдаланиш, меҳнатни меъёrlаш ва услубий таъминлаш, шахсий

режалаштириш, меҳнат қилиш учун яхши шароитларни яратиш, иш сифатини ошириш, меҳнатнинг илгор тажрибаларини жорий қилиш тушунилади.

470. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва улардан фойдаланиш архив олдига қўйилган вазифаларга мувофик, штат жадвали ва лавозимларнинг малакавий таснифлари талабларига кўра амалга оширилади. Архивнинг штат жадвали асосида кадрларни архивнинг тузилмавий бўлинмалари ва иш участкалари (вазифавий гурӯҳлар)га штат бўйича жой-жойига қўйиш, яъни ходимларни фаолият йўналишлари бўйича тақсимлаш белгиланади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишни архив раҳбарлари тузилмавий бўлинмалар раҳбарлари иштирокида амалга оширадилар. Бунда ходимларнинг малакавий талабларга нечоғли жавоб бериши, уларнинг шахсий ва ишчанлик фазилатлари ҳисобга олинади.

Янги ходимларни ишга қабул қилаётганида архив раҳбариюти уларни мазкур Қоидалар билан таништириб чиқиши шарт.

471. Архив ходимларининг билим даражасини ошириш, касбий малакаларини такомиллаштириш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини эгаллашлари мақсадида архивларда ходимлар малакасини ошириш бўйича тадбирлар ўтказилади. Ходимлар малакасини ошириш шакллари турличадир. Стажировкалар, касбга қайта тайёрлаш курслари, қўшимча таълим олиш, семинарларда иштирок этиш, ўзи устида ишлаш ва бошқалар шулар сирасидандир. Малакани ошириш шакларини танлаш архивнинг йиллик режаларига қараб белгиланади.

472. Меҳнатни тақсимлаш ва ширкатлаштириш (кооперациялаш) ходимлар фаолиятининг чегаралашни ва улар бажарадиган ишларнинг хусусиятига кўра уларни гурӯлаштиришни, биргаликдаги меҳнат жараёнида архивнинг тузилмавий бўлинмалари ва алоҳида ходимлари ўртасида ўзаро алоқа боғлашни назарда тулади.

Архивда меҳнат тақсимоти ва уни ширкатлаштириш ташкилотнинг ташкилий тузилиши, тузилма бўлинмалари тўғрисидаги низомлар, штат бўйича ходимларни жой-жойига

күйиш ҳамда лавозим йўриқномалари асосида амалга оширилади.

Алоҳида ходимлар меҳнатини ширкатлаштиришнинг шакли вақтингчалик меҳнат жамоаларини ташкил этиш хисобланади. Вақтингчалик меҳнат жамоаси (ишчи гурух) муайян ишни (илмий - тадқиқот ишини ишлаб чиқиш, ҳужжатлар тўпламини, ҳужжатлар кўргазмасини, маълумотнома тўпламини тайёрлаш, юқори орган топширитини бажариш ва б.) бажариш учун тузилади. Вақтингчалик меҳнат жамоаси таркибига архивнинг тузилмавий бўлинмаси ходимлари киритилади, лозим бўлса ўзга ташкилотларнинг мутахассислари жалб этилади. Вақтингчалик меҳнат жамоаси таркиби, унинг фаолият кўрсатиш шарт - шароитлари, ишнинг бажарилиш муддати ва тартиби архив директорининг буйруги билан тасдиқланади. Вақтингчалик меҳнат жамоаси бажарадиган ишлар архивнинг йилик ишлари режасида акс этирилади ва унинг бажарилгани ҳақида хисоботга киритилади.

473. Архив фаолиятини юргизиша ходимнинг яна бошқа лавозимда кўшимча ишлаши ва хизмат кўрсатиш куламини кенгайтириш услубларидан фойдаланилади. Хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш - ходимнинг ўз лавозими бўйича асосий фаолиятига кўшимча равишида яна муайян миқдордаги ишни бажариши демақдир. Лавозимда кўшимча ишлаш эса ходимнинг ўзини асосий ишига кўшимча қилиб архив штат жадвалида назарда тутилган бошқа лавозим бўйича кўшимча иш бажаришидир. Аммо лавозимда кўшимча ишлаш ёки хизмат кўрсатиш куламини кенгайтириш ходимнинг ўз зиммасдаги асосий вазифаларини бажаришига тўсқинлик килмаслиги керак.

Лавозимда кўшимча ишлаш ва хизмат кўрсатиш куламини кенгайтириш архив директорининг буйруги билан расмийлаштирилади.

474. Архивда асосий иш турлари ва операциялар бўйича меҳнатни меъёrlаштиришда вақт меъёrlари ва ишлаб чиқариш меъёrlари, хизмат кўрсатиш меъёrlари кўлланилади. Вақт меъёри - бу тегишли малакадаги ходимнинг иш бирлигини бажариш учун кетказадиган вақудир. Ишлаб чиқариш меъёри - тегишли малакадаги ходимнинг муайян ташкилий - техникавий шароитларда маълум вақт бирлиги ичида бажариши зарур

бўлган иш ҳажмидир. Хизмат кўрсатиш меъёри - бў ходимнинг маълум иш вақти бирлиги ичида хизмат кўрсатиши керак бўлган обьектлар(майдонлар, ташрифчилар ва ҳоказо) сонидир.

Меъёрлар операцион (бир турдаги иш), йириклиштирилган ва кенгқамровли, қўлланилишига кўра доимий ва маҳаллий (шахсий) бўлиши мумкин.

Операцион меъёрлар бир иш операцияси (масалан: варақларни рақамлаш) меъёрни белгилайди; йириклиштирилган меъёрлар ноциклик иш тури учун ишлаб чиқлади ва бир неча операциялар (масалан: кўргазмани тайёрлаш)ни ўз ичига қамраб олади; кенг қамровли меъёрлар якуний натижка олишдан олдин келадиган (хужжатлар тўпламини, маълумотномани, йўлкўрсаттични ва бошқаларни тайёрлаш учун меъёр) ўзаро бир бири билан bogliq ёки циклли ишлар учун ўрнатилади.

Доимий меъёрлар "Ўзархив" агентлиги томонидан барча тоифадаги архивлар учун ўртacha технологик жараёнларга татбиқан ишлаб чиқлади ва тасдиқланади.

Маҳаллий (шахсий) меъёрлар муайян архив томонидан доимий меъёрлар, архивда бажариладиган ишларнинг таснифий рўйхати, хронометражли кузатувлар йўли билан олинган иш вақти сарфи маълумотлари, иш вақтини фотография қилиш ва ўз - ўзини фотография қилиш (соатма-соат, дақиқама - дақиқа кузатиш, ҳисоб ва ҳисбот ҳужжатлари маълумотлари ва меъёрларни қай даражада бажарилганини текшириш ҳужжатлари асосида ишлаб чиқлади. Маҳаллий меъёрлар архив директори томонидан тасдиқланади ва улар доимий меъёрлардан паст даражада бўлмаслиги керак. Заруратта қараб, шунингдек технологик жараёнларнинг ўзгариши ёки янги иш турларининг пайдо бўлиши оқибатида уларга аниқлик киритилиши, тўлдирилиши, тузатилиши мумкин.

475. Архив раҳбарияти яхши меҳнат шароитини ва меҳнат муҳофазасини, иш жойларини ташкил этиш ва уларни зарур материаллар, асбоб ускуналар, керакли техника билан таъминлайди, шунингдек ёнгинга қарши хавфсизликни ва техник воситалардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлайди.

Архив ходимлари ёнгин хавфсизлиги ва техника хавфсизлиги бўйича мажбурий йўриқдан ўтадилар.

Архив директори ва ходимлар жамоаси томонларнинг меҳнат шароитини ўрнатиш, бандлик, архив ходимларига ижтиомий кафиллик берадиган шартлар мажбуриятларини ўз ичига олган жамоа шартномасини тузишлари керак.

§ 5. Пулли иш ва хизматларни бажариш

476. Архив бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш учун асосий вазифа ва ваколатларини амалга оширишига зарар етказмайдиган тарзда пулли иш ва хизматларни ҳам бажаради.

Архивлар бажарадиган пулли иш ва хизматлар номенклатурасини "Ўзархив" агентлиги белгилаб беради. Ана шу номенклатура асосида ва ўз фаолиятини ҳисобга олган ҳоёдә архив пулли иш ва хизматларнинг аниқ рўйхатини ишлаб чиқади, рўйхат архив директори томонидан тасдиқланади. Архив ташкилотларни ўзи бажарадиган пулли иш ва хизматлар ҳақида хабардор этади ва ташкилотлар билан бундай ишларни бажариш тўғрисида шартномалар тузади. Пулли иш ва хизматлар тури ва ҳажми архивнинг йиллик режасига ва архивнинг тузилмавий бўлинмалари режасига киритилади. Пулли иш ва хизматларни бажариш учун маъсус тузилмавий бўлинмалар, вақтингчалик меҳнат жамоалари тузилади.

477. Архив куйидагилар учун ҳақ олиши мумкин эмас:

а) фуқароларнинг меҳнат стажи ва иш ҳақи миқдорини тасдиқловчи, фавқулодда ҳолатлар оқибатини тутгатишда иштирок этани, сайлаб кўйиладиган лавозимларга сайлангани, давлат мукофотлари билан тақдирлангани, Фахрий увонлар олгани, таълим олгани ҳақида тасдиқловчи ҳужжатларни бериш тўғрисидаги ижтиомий сўровлар ижроси учун; оммавий репрессиядан жабр кўрган шахслар (қулоқ қилинганлар, мажбурий кўчирилганлар, сайлаш ва сайланиш хукуқидан маҳрум этилганлар ва болиқалар); оқланганлик ҳақидаги сўровлар ижроси учун;

- б) ўкувхонасида хизмат кўрсатилгани учун;
- в) фондни ташкил этувчи ташкилотларга хизмат тақазоси билан уларнинг ҳужжатларини вақтингчалик фойдаланиш учун берилганига;
- г) давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарувчи органларга хизматда фойдаланиш мақсадида ҳужжатли ахборот тақдим этганлик учун;
- д) фойдаланувчилар сўровига кўра ҳужжатларни маҳфийлиқдан чиқаришни ташкил этилганлик учун;
- е) архивни жамловчи манба ҳисобланган давлат ташкилотларида иш юритиш ҳужжатларини, архив ишини ташкил этишга ташкилий-услубий раҳбарлик учун.

478. Пулли иш ва хизматларни бажариш жараёнида архивнинг бошқа ташкилотлар билан муносабати шартнома билан расмийлаштирилиб, унда шартнома нимага тузилгани, томонлар мажбуриятлари, иш ва хизматларнинг бажарилиш муддати ва ҳажми, ҳақ тўлашнинг шакли ва шартлари, бахсли ҳолатларни ҳал этиш ва шартномани бузиш тартиблари кўрсатилади.

Чет мамлакатлар билан тузиладиган шартномалар лойихалари "Ўзархив" агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги билан албатта келишиши керак.

479. Архив бажариладиган пулли иш ва хизмат учун "Ўзархив" агентлиги тасдиқлаган нархлар преискуранти бўйи-ча нарх белгилайди. Нархлар истеъмолчи билан келишил-ган ҳолда (шартномавий нарх) ҳам қўйилиши мумкин.

§ 6. Архивда ахборот технологияларининг татбиқ этишни ташкил қилиш

480. Архив ўз вазифа ва ваколатини бажариш жараёнида автоматлаштирилган ахборот технологияларини (АТ) қўллади. Архивда ахборот технологиясини қўллаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) дастурий таъминот (ДТ) ва компьютер техникасини олишни (сотиб олишни, барпо этишни) ташкил этиш;
- б) дастурий таъминотни кузатиш;

в) мълумотлар базасини (МБ) юритишни мувофиқлаштириш;

д) ходимларнинг архив ишида ахборот технологиясини татбиқ этиш бўйича ўқитиш ва малакасини ошириш;

е) архив фаолиятида ахборот технологиясини режалаштириш ва татбиқ этиш; шу жумладан архив ва унинг ҳужжатлари ҳақида Интернет тармоғига маълумотлар узатиши.

Архивда ахборот технологиясидан фойдаланишни архив директори ёки унинг ўринбосари ташкил этади. АТдан фойдаланиш вазифаси архивнинг тузулмавий бирлигидан бири ёки архивнинг маҳсус тайинланган масъул ходими зиммасига юклатилади; АТ қўллаш ишида архив ходимлари иштирок этадилар.

481. Архивда интеграциялаштирилган ахборот тизими (АТ) барпо этилиб, у ўз ичига архив фаолияти асосий йўналишларининг бир - бири билан ўзаро боғлиқ МБ мажмуи ва иккиламчи ҳужжатий ахборотнинг автоматлаштирилган таҳдилий ва қайта ишланишини, архивнинг ҳисоб ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлардан маълумотларни қамраб олади. АТ доирасида ҳужжатларни автоматлаштирилган ҳисоби ва қидируви, ҳужжатларнинг сақловини таъминлаш, жамловчи манбалар рўйхатини юритиш, архив ҳужжатларидан фойдаланиш ҳисоби ва бошқа масалалар ҳал этилади.

482. Архив томонидан тайёрланган дастурий таъминот унинг ўз дастурий таъминотидан; дастурнинг бирламчи шарҳланган матнидан; инсталляциялаш бўйича йўриқдан, фойдаланувчи учун қўлланмадан, маълумотларни киритиш йўриғидан иборат ҳужжатлар мажмуидан таркиб топиши лозим.

Архив фойдаланиладиган таъминот дастури нусхаларини ва тегишли ҳужжатларни доимо сақлайди.

Архив томонидан яратилган ёки унинг буюртмасига кўра тузилган дастурий таъминот кузатуви ўз ичига қўйидагиларни олади:

а) ишлатиш мобайнида пайдо бўлган қўшимча ҳолатларга мувофиқ ДТ ни такомиллаштириш;

б) адаптация, яъни АТ ни ўзгарган иш шароитларига мослаштириш, бошқа дастурлар билан алоқа ўрнатиши;

в) коррекция, яъни ишлатиш мобайнида топилган дастурдаги хатоларни тузатиши.

483. МБни самарали юритиши ва ундан фойдаланиши, тақсимланган МБларни ташкиллаштириши, файллар ва ахборотлар билан алмашиш, ҳужжатларни жамоа бўлиб тайёрлаш ва шу кабилар учун архивда локал ҳисоблаш тармоғи (ЛХТ) ўрнатилади. Локал ҳисоблаш тармогини дастурий таъминот билан қувватлантириши, улар билан иловалар ва ДБни бирга қилиш, кириш паролини киритишини тармоқ маъмури, одатда архивда АТни татбиқ этишини ташкил этиш зиммасига юклатилган тузилма бўлинмаси ходими амалга оширади.

484. Архив ходимларининг МБга кириши уларниң мажбуриятлари ва ваколатларига мувофиқ ташкил этилади. Компьютерлар ва ахборот ускуналарига кириш парол ҳимояси тизими билан бошқарилади.

МБнинг паролли ҳимояси одатда киришини уч босқичдаги тартибда - "фойдаланувчи", "муҳаррир" ва "маъмур" тартибida таъминлайди. Пастки даражадаги ("фойдаланувчи") кириш пароли ахборот қидириш ва куриш, айrim ҳисботларни олиш (чиқариш шаклидаги) масалаларини ҳал этади. Бу режимда маълумотларни киритиши ва таҳrir қилиш, ёзувларга қўшиши ва ўчириш мумкин эмас. Кирishнинг "муҳаррир" даражасидаги пароли МБ билан ишлашда ахборотни киритишга ва таҳrir қилишга, шунингдек ҳисботларни қидириши, куриш ва чиқаришга рухсат беради. "Маъмур" режимида ишлаш уччала босқичга кириш паролларини ўзгариши, МБдан ахборотни ўчириш МБнинг алоҳида барпо этилган фрагментларини қўшиши, хизмат ахборот файллари (рубрикаторлар ва б.)ни киритиш масалаларини ҳал этади.

Фойдаланувчиларни ҳужжатларнинг таркиби ва мазмунига оид МБга киритиши одатда ўқувхонада жойлаштирилган, тегишли парол ҳимояси билан таъминланган терминаллар орқали амалга оширилади.

485. Архив барпо этилган маълумот базаси баёни (мета маълумотлар базаси) кўринишидаги барча МБлар ҳисобини олиб боради. Мета маълумотларнинг мажбурий шартли белгиларига ҳисобдаги базанинг номи, унинг ҳажми (мегабайтда), ахборот мазмуни таснифи, маълумот манбалари рўйхати, ҳисобдаги МБга ахбороти киритилган ҳужжатларнинг чегара саналари, МБ бошланган ва туталланган санаси (ёки киригиш давом этиши ҳакидағи белги), маълумотларнинг берилиш ҳажми, МБнинг ҳукуқий мақоми, МБ майдонлари ва уларнинг идентификаторлари, ўзига хослиги ва мазмунни бўйича тушунтиришлар билан биргалиқдаги тўла рўйхати киритилади.

§ 7. Архивчининг касбий қоидалари

486. Архив ходимлари ўз лавозим вазифаларини бажариш мобайнида архивчиларнинг касбий маҳоратига риоя этишлари шарт. Уларнинг касбий маҳорат меъёри қуидагилардан иборат бўлиши керак:

- а) ўзларига сақлаш учун топширилган ҳужжатлар сақловини таъминлаши;
- б) ўз ҳаракатларини ҳужжатлаштириш ва асослаш;
- в) фойдаланувчиларга бегараз хизмат кўрсатишни таъминлаш;
- г) миллий хавфсизлик талабларини ҳисобга олишлари, ҳужжатларни барпо эттан кишиларнинг шахсий ҳётларини маҳфий тутиш ҳукуқларини, бу кишилар ҳакидағи сақланаётган маълумотларни ошкора этмаслик;
- д) ўзларига билдирилган ишончдан умум манфаатлар учун фойдаланиш, ўз мавқеларидан ўзларининг ёки бирорвларнинг нопок манфаатларини қондиришга уринишдан қочиш;
- е) ўзларининг касбий поклигига, холисликларига ва бегаразликларига дод тушириши мумкин бўлган ҳаракатлардан тийиш. Улар ташкилотлар, фойдаланувчилар ёки ҳамкаслари зиёни эвазига ўзларининг молиявий ёки бошқа манфаатларини кўзламаслик. Ўз шахсий манфаатларини кўзлаган ҳолда архив ҳужжатларининг асл нусхасини тўплашдан ёки ҳужжатлар юзасидан ҳар хил тижорат битимларини тузища иштирок этмасликлари лозим.

**§ 8. Архив ходимларини давлат архивларининг
асосий иш қоидаларини бузгандиги учун жавобгарлиги**

487. Ўз хизмат вазифаларини бажариши мобайнида мазкур Қоидаларнинг талабларига риоя этмаган архив ходими архив раҳбарияти томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши, бордию бу ҳаракат оғир натижаларга олиб келган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзлангани бўйича маъмурий, фуқаролик ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

ИЛОВАЛАР

(Шакллар намуналари)

1-илова
145, 156 бандларга

(давлат архиви номи)

ҮРИНДОШ – КАРТА

БЕРИЛДИ

| Фонд рақами | Рўйхат рақами | Сақл. бирл. рақами | КИМГА | Берилган сана | Имзо | Қайта- рилган сана | Имзо |
|----------------|------------------|--------------------------|-------|------------------|------|--------------------------|------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |

Ўриндош – карта шакли

Қоғоз бичими А4 (210x297)

2- илова
151-бандга

(давлат архиви номи)

..... сон ФОНД
КАВАТ_____

ФОНД БҮЙИЧА
ТОПОГРАФИК
КҮРСАТГИЧ ВАРАҚЧАСИ

Хужжатхона_____

Хона _____

Фонд номи _____

| Рүйхат рақами | Сакчоев. бирл. —сон дан —сон гача | Йигмажилд сони | Жавон рақами | Шкаф рақами | Токча рақами | Изоҳ |
|------------------|---|-------------------|-----------------|----------------|-----------------|------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |

Фонд бўйича топографик кўрсатгич варакчаси шакли (олд томони)
Коғоз бичими А6 (148x105)

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|

Фонд бўйича топографик кўрсатгич варакчаси шакли (орка томони)

Коғоз бичими А6 (148x105)

3- илова
151-бандга

(давлат архиви номи)

ЖАВОНЛАР БҮЙИЧА
ТОПОГРАФИК КҮРСАТГИЧ
ВАРАҚЧАСИ

Хужжатхона_____

Хона_____

.....-сон ЖАВОН

| Шкаф рақами | Токча рақами | Фонд рақами | Рўйхат рақами | Сақлов. бирл. —сон дан —сон гача | Йигма- жилд сони | Изоҳ |
|----------------|-----------------|----------------|------------------|--|------------------------|------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |

Жавонлар бўйича топографик кўрсатгич варакчаси шакли (олд томони)
Коғоз бичими А6 (148x105)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

Жавонлар бўйича топографик кўрсатгич варакчаси шакли (орқа томони)

Коғоз бичими А6 (148x105)

4- илова
160, 181, 228м, 238-бандларга

ЙИГМАЖИЛД ТАСДИҚ - ВАРАҒИ

Йиғмажилдда тикилған ва рақамланған варақлар сони _____

(рақамлар ва ёзувда)

Шу жумладан:
Варақларнинг литерли рақамлари _____

Түшиб қөлгән варақлар рақами _____

+ ички рўйхат варақлари _____

| Йиғмажилдинг жисмоний ҳолати ва тузилиши | Варақлар рақамлари |
|---|--------------------|
| 1 | 2 |
| | |

Ходим лавозимининг
номи

Имзо

Имзо шархи

Сана

Йиғмажилд тасдиқ варагининг шакли

Қоғоз бичими А4 (210x297)

4а-илова

160,181,228м,238-бандларга

ЙИГМАЖИЛД ТАСДИҚ ВАРАҒИ

Йигмажилдда тикилган ва рақамланган варақлар сони _____

Шу жумладан:

варақларнинг литерли рақамлари _____

Тушиб қолган варақлар рақами _____

+ ички рўйхат
варақлари _____

| Йигмажилдинг жисмоний ҳолати ва тузилишининг кусусиятлари | Варақлар рақамлари |
|--|--------------------|
| 1 | 2 |
| 1.Брошюралар ва бошқа босма нашрлар 2.Варақлар 3.Газеталар кирқимлари 4. Расмхатлар. 5.Конвертлар, шу жумл. солинмалар билан 6.Махфий ҳужжатлар 7.Почта маркалари 8.Гербли маркалар 9.Почта, штэмпел ва бошқалар 10.Максус почта белгилари 11.Сурғучли, мастик мухрлар 12.Мухрларнинг босма изи 13. Фотоҳужжатлар 14.Хариталар, тархлар, чизмалар ва б. ИТХ 15. Расмлар, гравюралар ва аквареллар 16. Таникли арбларнинг дастхатлар 17. Ёпиширилган, елимланган варақлар 18.Йўқотилган варақ бўлаги 19. Тоза варақлар 20. | |

Ходим лавозимининг
номи
Сана

Имзо

Имзо шархи

Йигмажилд тасдиқ варағи шаклининг давоми

Коғоз бичими А4 (210x297)

5 -илова
160 бандга

(давлат архиви номи)

ҲУЖЖАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ВАРАГИ

— сон Фонд — сон Рўйхат — сон Йигмажилд
Йигмажилд сарлавҳаси

| Фойдаланилган сана | Кимга берилган фамилияси, исми, ота исмининг бош харфи (аниқ) | Фойдаланиш тарзи (нусха, кўчирмалар олиш, кўздан кечириш) | Фойдаланилган вараклар рақами | Йигма-жилдан фойдаланилган шахс имзоси |
|--------------------|---|---|-------------------------------|--|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |
| | | | | |

Ҳужжатлардан фойдаланиш вараги шакли

Қоғоз бичими А4 (210x297)

6-илова
162 -бандга

(давлат архиви номи)

**ХУЖЖАТХОНАДАН ҲУЖЖАТЛАРНИ, ФОЙДАЛАНИШ ФОНДИ
НУСХАЛАРИНИ БЕРИШ КИТОБИ**

Бошланган сана _____

Тугалланган сана _____

Ҳужжатхонадан ҳужжатларни, фойдаланиш фонди нусхаларини бериш
китобининг сарвараги

| т/р | Берил- ган сана | Фонд ракам | Рўйхат ракам | Сақлов. бирл. ракам | Кимга берилган | Олинган ҳакида имзо | Қайтар. ҳакида имзо, сана | Изо х |
|-----|-----------------------|---------------|-----------------|---------------------------|-------------------|------------------------|------------------------------------|----------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| | | | | | | | | |

Ҳужжатхонадан ҳужжатларни, фойдаланиш фонди нусхаларини бериш
китоби шакли.

Қоғоз бичими А4 (210x297)

7 -илова
164, 168, 370 -банларга

(давлат архиви номи)

ЙИФМАЖИЛДЛАРНИ (ХУЖЖАТЛАРНИ),
ФОЙДАЛАНИШ ФОНДИ НУСХАЛАРИНИ,
РҮЙХАТЛАРНИ БЕРИШ ҲАҚИДА
БҮЮРТМА.

Хужжатларни беришга
РУХСАТ ЭТАМАН

(лавозим номи)
Имзо Имзо шарҳи

(фойдаланувчининг фамилияси, исми, ота исми, шахсий йифмагилд раками)

(архив ходими фамилияси, исми, ота исми, тузилмавий бўлинма номи)

(тадқиқот мавзуси, хужжатларни беришдан мақсад)

| Фонд ракам | Рўйхат ракам | Саклов. бирл. ракам | Саклов. бирл. сарлав-ҳаси | Вараклар (бюклар) сони | Фойдаланувчи, архив ходими имзоси | Ўкувхона ходими имзоси |
